

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН “ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ
ТАЪМИНЛАШ” МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА СЕРЖАНТЛАР
ТАРКИБИ ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ
КУРСИНИНГ “ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Илмий Кенгашилининг 2023 йил “___” _____даги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. “___” - сонли баённома.

Тузувчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчилари, подполковниклар

(1-8, 12-14 мавзулар) **Ў.М.Отаев**

(9-11, 15-25 мавзулар) **Н.А.Меликулов**

Такризчилар:

Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, ўринбосари, майор

Ж.Б.Усманов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси бошлиғи с.ф.д, доцент
подполковник

Ф.Ф.Хатамов

Ўқув услубий мажмуа “Паспорт тизимини таъминлаш” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш курсининг тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган. Ўқув услубий мажмуада ўқув дастуридаги 25 та мавзу бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мустақил тайёргарлик учун топшириқлар, тест назорат саволлари, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар кенг ёритилган.

Мазкур ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультетида “Паспорт тизимини таъминлаш” йўналиши бўйича таҳсил олувчи тингловчиларга ҳамда Ички ишлар органлари Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш учун мўлжалланган.

Мундарижа

Кириш	4
Модул бўйича дарслар тақдимоти	8
1-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари	10
2-мавзу. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти.....	23
3-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби.....	33
4-мавзу. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти.....	51
5-мавзу. Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби.....	61
6-мавзу. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати.....	69
7-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.....	77
8-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.....	87
9-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.....	101
10-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.....	121
11-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиб.....	133
12-мавзу. Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби.....	148
13-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби.....	152
14-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби.....	166
15-мавзу. Ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш, виза бериш ва рўйхатга олиш тартиби	180
16-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиб.....	186
17-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари.....	198
18-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидалари.....	206
19-мавзу. Ўзбекистон ва қўшни давлатлар фуқароларининг ўзаро келиб-кейтишлари тартиби.....	217
20-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида ахборот-электрон тизимлари хавфсизлигини таъминлаш тартиби.....	232
21-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик.....	237

22-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби.....	247
23-мавзу. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш ва бериш тартиби.....	256
24-мавзу Ўзбекистон Республикаси чегара зоналарида бўлишни тартибга солишда ички ишлар органларининг фаолияти.....	263
25-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига оид хорижий тажриба.....	271
Тахминий тест саволлари	280
Глоссарий	299
Асосий адабиётлар	308

КИРИШ

Мазкур ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарорлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруқларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган бўлиб, унда ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда махсус касбий тайёргарликдан ўтказишни назарда тутди. Ушбу дастурга кўра, ходимларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув жараёни блок-модуль тизимига асосланган бўлиб, машғулотларда инновацион педагогик технология, интерфаол метод ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

Паспорт тизимини таъминлаш –модулининг асосий мақсади тингловчиларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларнинг махсус касбий тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш шунингдек мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш учун касбий билимларини эгаллаш, чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

Паспорт тизимини таъминлаш –модулининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратни ривожлантириш;

тингловчиларни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ҳояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида махсус касбий тайёргарликни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

тингловчиларни хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари ва вазифалари билан таништириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

хизмат вазифаларини бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усуллари ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларида самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида қиравчи асосий фаолият йўналишларидан бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилиш, ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича тўпланган илғор иш тажрибасини ўргатишдан иборат.

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар касбий тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Тингловчи:

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни, яъни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини англаши, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга;

миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар, хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар талабларини;

қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;

бўйсинувчанлик, бўйсинувчиларга юқори талабчанлик, бўйсинувчиларнинг иш натижаларини ҳолисона баҳолаш ва уларга ғамхўрлик қилишни, ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилишни;

паспорт тизими, хорижий давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлашни;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни, ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини, ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни, ўз ваколати доирасида республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил ва прогноз қилиш асосларини;

хизмат фаолияти мобайнида турли этник ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш ижтимоий барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни **билиши** керак.

Тингловчи:

Ватан равнақи учун хизмат қилишдек улуғ ва олижаноб мақсадга интилиш, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат қилиш;

ўз фаолиятини режалаштириш, фаолиятига тааллуқли ахборот билан ишлаш, ахборот-таҳлил фаолияти методларини аниқлаш, иш юритиш ва махфийлик тартибига риоя этиш;

миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи битимлар ва бошқа ҳуқуқий асослардан фойдаланиш;

ички ишлар органларида бошқарув усулларини қўллаш, фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;

хизмат вазифаларини бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга сабаб бўладиган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат фаолиятида мавжуд бўлган техник воситалардан самарали фойдаланиш, доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлиши лозим;

ички ишлар органлари фаолиятининг истиқболини белгилаш ва моделлаштиришнинг методологик асосларини амалиётга тадбиқ этиш, мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

Миграция ва фуқароликни расмийлаштиришни таъминлаш фаолиятини ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни мазмунан кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал қила олиш, фуқароларнинг мурожаатларига ҳолисона ва виждонан ёндашиш, айниқса, болалар, аёллар, кексалар ва нуронийларга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқаролар, турли тоифадаги ҳуқуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларга, қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатишга, ҳақорат қилиш ёки қийноққа солишга йўл қўймаслик;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш, соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишда ахборотлар билан таъминлаш ва алмашиш, фаолиятига таалуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;

иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш;

самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

илғор иш тажрибаси ва услубларини амалиётга татбиқ этиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Модул бўйича дарс тақсимооти:

№	Модул мавзуси	Аудитория ўқув юкламаси, соат					
		Жами	Жумладан				Мустақил таълим
			Аудитория соати	маъруза	семинар	Амалий машғулот	
Паспорт тизимини таъминлаш		188	126	52	44	30	62
1.	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари	6	4	2	2		2
2.	“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти	6	4	2	2		2
3.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби	12	8	4	2	2	4
4.	Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти	6	4	2	2		2
5.	Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби	12	8	2		6	4
6.	Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати	6	4	2	2		2
7.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби	8	6	2	2	2	2
8.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби	12	8	2	2	4	4
9.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби	6	4	2	2		2
10.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби	6	4	2	2		2
11.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби	6	4	2	2		2
12.	Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби	6	4	2		2	2
13.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби	10	6	2	2	2	4
14.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби	12	8	2		6	4

15.	Ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш, виза бериш ва рўйхатга олиш тартиби	6	4	2	2		2
16.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш тартиби	6	4	2	2		2
17.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари	6	4	2	2		2
18.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидалари	6	4	2	2		2
1.9	Ўзбекистон ва қўшни давлатлар фуқароларининг ўзаро келиб-кечишлари тартиби	8	6	2	2	2	2
20.	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида ахборот-электрон тизимлари хавфсизлигини таъминлаш тартиби	6	4	2	2		2
21.	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик	8	6	2	2	2	2
22.	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби	6	4	2	2		2
23.	Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш ва бериш тартиби	8	6	2	2	2	2
24.	Ўзбекистон Республикаси чегара зоналарида бўлишни тартибга солишда ички ишлар органларининг фаолияти	6	4	2	2		2
25.	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматида оид хорижий тажриба	6	4	2	2		2

1-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари.

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. ИИОларида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш зарурияти.

2-савол. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг фаолияти.

3-савол. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

1-савол: ИИОларида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш зарурияти.



Сўнги йилларда мамлакатимизда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш муносабатларини тартибга солиш зарурати давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолига фуқаролик ва миграция соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 76-банди паспорт-виза, миграция тизимини такомиллаштириштиришга қаратилган вазифаларни белгилаб берди, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони билан ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларини тартибга солиш учун масъул тузилмалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш масаласи қўйилди, 2017 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3126-сон қарорининг қабул қилиниши юқорида келтирилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланди.

Қарорда миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифалари эканлиги белгилаб ўтилди:



биринчидан — миграция ва фуқароликни расмийлаштириш республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, уларнинг асосий вазифалари ва функциялари аниқ белгиланиши ва тақсимланиши, раҳбарлар ва ходимларнинг зиммаларига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажариши учун шахсий жавобгарлигини назарда тутиш;

иккинчидан — миграция ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогноз қилишнинг таъсирчан, соҳа фаолиятини самарали режалаштириш ва ташкил этишни таъминловчи механизмларини жорий этиш;



учинчидан — миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимлари ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, коррупция ва ваколатни суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш;

тўртинчидан — паспорт тизими қоидаларини бузиш, ноқонуний миграция фактларига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш тизимини такомиллаштириш;



бешинчидан — паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш, мазкур соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро келишувларни амалга ошириш масалаларида вазирлик ва идоралар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

олтинчидан — хорижий миграция соҳасидаги қонунчиликни ўрганиш, ташқи миграция ҳолатини доимий таҳлил қилиш, мамлакат фуқароларига қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро шартномаларни тузиш бўйича таклифлар тайёрлаш;



еттинчидан — давлат хизматларини кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаш ва тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўз фаолиятида кенг қўллаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Белгиландики:

давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳамда паспорт тизими масалалари бўйича фуқаролар қабулини тартибга солишнинг бевосита алоқа қилинмайдиган мулоқот шаклини таъминловчи электрон тизимини жорий қилиниши;

давлат хизматлари, шу жумладан биометрик ҳужжатларни бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинчалик прописка олиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш, шунингдек манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқиш ва 2018 йил 1 майдан эътиборан амалга киритилиши;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибида умумий белгиланган штатлар сони доирасида ***Электрон ахборот тизимлари бошқармаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат. Жумладан:***

➤ давлат хизматлари, шу жумладан биометрик ҳужжатларни бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, шунингдек манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг электрон тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

➤ доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш, унга кириш ва унда бўлиш, фуқароликни қабул қилиш, йўқотиш ва ундан чиқиш, сиёсий бошпана бериш соҳасида интеграциялашган маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шунингдек ахборот тизимларининг хавфсизлигини ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

➤ миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жинойтларни аниқлаш ва фош этиш, қидирув ишларини олиб боришда кўмаклашиш масалаларида идоралараро электрон ҳамкорликни амалга ошириш.

Давлат раҳбарининг ушбу ҳужжатида давлат органларига Ўзбекистон фуқаролари сон жиҳатдан энг кўп бўладиган давлатлар ҳудудида республиканинг миграция соҳасидаги давлат органлари ваколатхоналарини очиш ва фаолиятини ташкил этиш, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан хорижий давлатларда рўйхатдан ўтиш ва ишга жойлашишга рухсат олиш тартибини соддалаштириш орқали яратиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш ҳужжатларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси назарда тутилди. Шунингдек, қарор асосида ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси негизида ***Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси*** ташкил этилди.

Бу соҳада, давлатмиз раҳбарининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” 2-устувор йўналишининг 14-мақсади: Фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш мақсадини назарда тутади.

2-савол: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати фаолиятини ташкили этиш.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси (МваФРББ) - ИИВ марказий аппаратининг паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини расмийлаштиришни ва миграция жараёнлари мониторингини таъминловчи таркибий бўлинмасидир.

Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли қарорининг 1-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисида”ги НИЗОМГА амал қилади.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари қуйидагиларни ўз ичига олади



1. ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси

2. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар (вилоят) ИИББ, вилоятлар ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари.

3. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари).

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ўз бланкасига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳрига эга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган, Бош бошқарма фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи рамзига эга бўлиши мумкин.



Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш:-

Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ички ишлар вазири томонидан лавозимига тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

Бош бошқарма бошлиғи ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимига тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган **икки нафар ўринбосарга**, шу жумладан битта биринчи ўринбосарга эга. Бош бошқарма бошлиғи йўқлигида унинг вазифасини биринчи ўринбосари бажаради.

Бош бошқарма ходимлари Бош бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра ички ишлар вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан

озод этилади (сафдорлар таркиби бундан мустасно). Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ИИББ, вилоятлар ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари бошлиқлари, Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда тегишли равишда ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларининг тақдимномасига кўра Ички ишлар вазири томонидан тайинланади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ИИББ, вилоятлар ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг тақдимномасига кўра ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.



БОШ БОШҚАРМА БОШЛИҒИ

→ Бош бошқарма ишини ташкил этади ва фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бош бошқарма зиммасига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

→ ўзининг ўринбосарлари ўртасида функционал мажбуриятларни тақсимлайди, уларнинг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

→ Бош бошқарманинг иш режаларини тасдиқлайди;

→ ўзининг ваколати доирасида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига фармойишлар лойиҳаларини киритади;

→ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказишни ва уларнинг касбий тайёргарлигини, хизмат интизомига риоя этишини ташкил қилади, ўрнатилган тартибда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборади;

→ Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ўрнатилган тартибда Бош бошқарма ходимларига махсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш, шу жумладан тақдирлаш, уларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

→ Бош бошқарма ходимларини ўрнатилган тартибда хизмат сафарларига юборади;

→ Бош бошқарма ходимларига ўз ваколати доирасида таътиллار беради;

→ Бош бошқармада ўрнатилган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини, шунингдек фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди;

→ Бош бошқарма бўлинмаларида махфийлик режими, шу жумладан ахборотни техник ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши учун жавоб беради;

→ бевосита ўзи ва ўринбосарлари орқали миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фаолиятини назорат қилади;

→ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини эшитади;

→ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги, шунингдек ходимлар томонидан ҳар бир қонунийлик бузилиши ҳолатлари ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

→ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш ҳақида таклифлар киритади;

→ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3-савол: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари



Биринчи вазифаси

Миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни тизимли ва комплекс таҳлил қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш.

1-вазифа юзасидан функцияси

- миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги ахборотни талаб қилиб олиш, баҳолаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- мурожаатларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш бўйича чоралар кўриш;

- келгуси йилда миграция борасидаги масалаларни прогноз қилишни (ID-карта оладиган фуқаролар сони) ва режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга профилактик тадбирлар ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартибини бузишга мойил шахсларни аниқлаш, шунингдек қайтиш гувоҳномаси (сертификати) асосида қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар йўқотиб қўйган паспорти ёки идентификацияловчи ID-карта (яшаш гувоҳномаси) ўрнига янгисини олиш учун мурожаат этганларида, улар билан профилактика суҳбатларини ташкил этиш;

- терговга кадар текширув, суриштирув ва тергов органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш тартибини бузган шахслар ҳақидаги ахборотни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;



- ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни ошириш, аҳоли орасида паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликнинг талабларини тушунтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;



Иккинчи вазифаси

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

2-вазифа юзасидан функцияси

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг паспорт тизими ва фуқаролик масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш;

- паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

- манзил-маълумот бюроларининг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- чегара зонасига кириш учун рухсатнома ва рухсат бериш бўйича ишини ташкил этиш;

- номзодларни танлаш бўйича идоралараро комиссиянинг қарорларига асосан хорижда меҳнат фаолиятини юритиш учун рухсатномаларни бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш;

- қонунчилик талабларига риоя этилишини режали текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг яқунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқароликдан чиқиш, фуқароликни қабул қилиш ҳақидаги илтимосномаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлик бўйича материалларни кўриб чиқиш ва зарур материалларни Президент ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга юбориш;

- сиёсий бошпана бериш бўйича масалаларни кўриб чиқиш;

- шахсларнинг хорижга вақтинча ва доимий чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш масалалари бўйича мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шу жумладан хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши махсус келишишни талаб этадиган мансабдор шахсларнинг хорижга вақтинча чиқиши учун ҳужжатлар расмийлаштириш тўғрисидаги вазирлик ва идораларнинг илтимосномаларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни таклиф этиш, қабул қилиш (яшаш) қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқини амалга оширишида хорижга





чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириб бериш орқали кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза беришга рухсат этилиши ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш, улар бўйича қарор қабул қилиш;

- чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш расмийлаштирилишини таъминлаш;

- чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштириш ва яшаш гувоҳномаси бериш масаласини кўриб чиқиш, шунингдек уларни бекор қилиш;

- фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик хорижга чиқиш ҳужжатлари беришни ташкил этиш, хорижга вақтинчалик ва доимий чиқиш учун ҳужжатлар расмийлаштириш;

- қарздор жисмоний шахслар ва олиб кўйилиши лозим бўлган болаларни қидиришда мажбурий ижро органлари билан ҳамкорлик қилиш.



Учинчи вазифаси

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фаолиятини ташкилий-услубий таъминлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш соҳасида

3-вазифа юзасидан функцияси



- миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фаолиятини ўрганиш, паспортларни (йўл ҳужжатларини), хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва бериш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилишни расмийлаштириш, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатномалар беришда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

- услубий қўлланмалар, тавсиялар ва шарҳлар ишлаб чиқиш, шунингдек миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига паспортлар (йўл ҳужжатлари), хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва беришда, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилишни расмийлаштиришда, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатномалар беришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикасига келган, шу жумладан меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визасининг амал қилиш муддатини узайтириш масаласини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучидан фойдаланишда иш берувчиларнинг паспорт тизими қоидаларини белгиловчи ҳужжатларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш;

- ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг, шунингдек



зиммаларига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини назорат қилишни режалаштириш ва амалга ошириш;

- бошқа вазирлик ва идоралардан олинган маълумотларнинг ва бошқа ахборотларнинг сақланишини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;



- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг идентификация рақамини (шахсий кодини) тасдиқлаш;

- республикада ва хорижда йўқолган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карталарнинг, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бекор қилинган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карталарнинг ягона маълумотлар базасини юритиш;

- миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ахборот тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

-



Тўртинчи вазифаси

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

4-вазифа юзасидан функцияси

- миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этиш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш масалаларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва давлат органлари билан ўрнатилган тартибда ўзаро ахборот алмашишни ва тадбирлар ўтказишни амалга ошириш;



- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва бошқа органлар билан фуқароликни қабул қилиш, йўқотиш, фуқароликдан чиқиш, паспорт ва чегара режимини мустаҳкамлаш, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш, шунингдек хорижга чикувчи ва Ўзбекистон Республикасига кирувчи шахсларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

- кидирувдаги шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва узоқ вақт яшаш жойида бўлмаган шахсларнинг паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотларини тақдим этиш орқали ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;



- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларига чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларни ўз вақтида ҳисобга қўйишга қўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқлаш бўйича сўровларини ижро этиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли органларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш ҳужжатлари расмийлаштирилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш бўйича сўровларини ижро этиш;



- бошқа ваколатли органлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқига эгаллиги тасдиқланган чет эл фуқароларининг республика ҳудудида ўрнатилган паспорт тизими қоидаларига риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш;

- судларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш, унинг ҳудудидан транзит ўтиш қоидаларини бузган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш масалаларида ҳамкорликни ташкил этиш;

-



Бешинчи вазифаси

қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

5-вазифа юзасидан функцияси



- миграция, фуқароликни расмийлаштириш, паспорт тизими қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда қатнашиш;

- миграция соҳасида халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, илғор хорижий ва миллий тажрибани ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ахборот-коммуникация технологияларини давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига, материалларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, шунингдек манзил-маълумот ахборотларини бериш жараёнига жорий этиш ва улардан фойдаланиш;

- паспорт тизими қоидаларига риоя этиш муаммолари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш ва ўтказиш, ахборот материалларини тайёрлаш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бош бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:



давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларидан ва бошқа ташкилотлардан аҳоли миграцияси масалалари бўйича статистик, таҳлилий материалларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;



давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома бериш тартибига риоя этилишини текшириш;



меҳмонхоналарда ва бошқа ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт ва виза режими қоидаларига риоя этилишини текшириш;



давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа ташкилотларга аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт ва виза режимини, шунингдек Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома бериш тартибини бузиш ҳолларини бартараф этиш ҳақида тақдимномалар киритиш;



паспорт ва виза режими қоидаларини бузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чоралари қўллаш;



жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида прокуратура, терговга кадар текширув, суриштирув ва тергов органларига паспорт тизими, Ўзбекистон Республикасига кириш, ундан чиқиш ва унда бўлиш қоидаларини бузган шахслар ҳақида ахборот тақдим этиш;



миграция ва паспорт тизими масалалари бўйича қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ИИВга кўриб чиқиш учун киритиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

Бош бошқарма қўйидаги мажбуриятларга эга:

➔ ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

➔ ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақидаги зарур маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

➔ Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

Назарда тутинг: Бош бошқарма зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир. Иш юритиш ва махфийлик режими бўйича тадбирлар Бош бошқарма томонидан ўрнатилган тартибда мустақил равишда амалга оширилади. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларини махсус техника ва бошқа моддий-техник воситалар ҳамда мол-мулк билан таъминлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва семинар машғулотида тайёргарлик кўришлари, “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” мавзусини ўқиб ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3126-сонли қарорини конспектлаштиришлари ташкил қилади.


Назорат учун саволлар.

1. ИИОнинг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини амалга оширишда ИИВ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаларини ўрганинг.
2. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низом ҳақида нималарни биласиз?
3. МваФРББнинг қандай функциялари бор?

1-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулотини “Давра суҳбати” интерфаол методларидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини

билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

ИЗОХ: “Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

САВОЛ ЖАВОБ:

1-топшириқ. Миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини амалга оширишда Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифалари.

2-топшириқ. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

3-топшириқ. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг жавобгарлиги қандай?

4-. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқарма фаолияти қандай ташкил этилади?



Ўзингизни синаб кўринг:

1. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низом ҳақида нималарни биласиз?

2. ИИОлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари фаолиятини бошқариш қандай амалга оширилади?

3. МваФРББнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳақида сўзлаб беринг?

4. МваФРББнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги деганда нималарни тушунасиз?

2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг асосий тушунчалари ва мақсади.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси.

1-савол: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” ги қонунининг асосий тушунчалари ва мақсади.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” ги ЎРҚ-610-сон қонуни 2020 йил 13 март куни қабул қилинган бўлиб, 10 боб, 58 моддадан иборат.

Қонуннинг тузилиши	
1-боб. Умумий қоидалар.	1-12 моддалар
2-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш.	13-17 моддалар
3-боб. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш	18-22 моддалар
4-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш	23-31 моддалар
5-боб. Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда ва фарзандликка олинганда боланинг фуқаролиги.	32-36 моддалар
6-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш чоғида ҳужжатларни тайёрлаш тартиби.	37-40 моддалар
7-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш муддатлари ва кўриб чиқишни тугатиш асослари	41-42 моддалар
8-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш ва фуқаролигини тан олиш тартиби.	43-45 моддалар
9-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси.	46-49 моддалар
10-боб. Якунловчи қоидалар.	50-58 моддалар



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.



Қонуннинг мақсади - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик - шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиди ифодаланадиган ҳамда инсон кадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.



Ўзбекистон Республикасида бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан (Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно) ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ўз органлари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон фуқароси эса давлат олдида масъулдир. Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширади. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш, фуқаролигини тиклаш, фуқаролигидан чиқиш ёки фуқаролигини йўқотиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фармонлар тарзида қабул қилинади ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

а) 1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс;

б) Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёхуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат тугаганидан кейин бир йил ичида Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса;

в) Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлган шахс;

г) Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахс.

Ушбу «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, **Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш факти доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланади.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш чоғида, ушбу модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғлиқ ҳолатлар бошланган пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик ҳужжатлари қўлланилади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлардир:



Қуйидагилар ўн олти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир:

 <p>туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг туғилган жойидан қатъи назар) — ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи паспорт (идентификацияловчи карта) ёки бошқа ҳужжат тақдим этилганда;</p>	 <p>туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бола Ўзбекистон Республикасида туғилган тақдирда) — фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ота-онанинг (ёлғиз ота ёки онанинг) яшаш гувоҳномаси (идентификацияловчи картаси) тақдим этилганда.</p>
---	--

Қуйидаги ҳолатларда фуқаролик сақлаб қолинади - Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши ва никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Эр-хотиндан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Никоҳнинг бекор қилиниши ушбу никоҳда туғилган ёки никоҳ бекор қилингунига қадар фарзандликка олинган боланинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилишига сабаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда давлат томонидан ҳимоя қилиниши - Хорижда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлиги остида бўлади. Ўзбекистон Республикаси ўз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлатнинг қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси ва чет давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ўзига берилган барча ҳуқуқлардан, халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормаларидан, халқаро урф-одатлардан тўлақонли фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун чоралар кўриши шарт. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради. Агар

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқаролигини йўқотганлик тўғрисидаги қарори қабул қилингунига қадар бир вақтнинг ўзида чет давлат фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ёки жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади		
1. туғилганлик бўйича	2. бола фарзандликка олинганда	3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида.
		

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам олиниши мумкин.

Бола ўзининг туғилган жойидан қатъи назар, агар туғилган пайтида:

1) а) ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлса;

2) б) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ёки бедарак йўқолган деб топилган ёхуд унинг турган жойи номаълум бўлса;

3) в) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлса, туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. (*«в» бандида назарда тутилган ҳолда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакиллариининг илтимосномасига биноан амалга оширилади*).

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган, ота-онаси номаълум бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.

6) Отаси ёхуд онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болага оталик ёхуд оналик белгиланган ёки тан олинган тақдирда, бола, туғилган жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

Ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) у туғилган пайтда чет давлат фуқаролари бўлган ёхуд ота-онасидан

бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олмайди.

Бола фарзандликка олинганда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола фарзандликка олувчиларнинг ўзаро келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Бола фарзандликка олинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши - Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган болага фарзандликка олганларнинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда боланинг фуқаролиги ўзгариши - Агар ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса, ушбу боланинг фуқаролиги ўзгариши мумкин. Ота-она (ёлғиз ота ёки она) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ўзгартирганда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган боланинг фуқаролиги, башарти бола фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолмаса, ўзгариши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онасининг фуқаролиги ўзгарганда, боланинг фуқаролиги ўзгармайди. Боланинг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онасининг розилиги талаб қилинмайди.

Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши - Агар Ўзбекистон Республикасида яшаб турган боланинг ота-онаси (ёлғиз ота ёки она) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса ва бунда улар ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг тарбиясида иштирок этмаса, ота-онасининг нотариал тартибда тасдиқланган аризасига, васийнинг (ҳомий) илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади.

Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши - Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра, туғилган жойидан қатъи назар, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиши мумкин. Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси

бўлиб қолаверса, ўн тўрт ёшга тўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ва доимий яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади. Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади. Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиши мумкин.

Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолиши - Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган бўлса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган отасининг ёки онасининг илтимосномасига кўра, болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолган отасининг ёки онасининг ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилиши мумкин.

2-савол: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш турлари
умумий тартибда;
соддалаштирилган тартибда;
алоҳида тартибда амалга оширилади
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш асослари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш;
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлик.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчи томонидан шахсан берилади. Узрли сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муассасасининг мавжуд эмаслиги) нотариал тартибда тасдиқланган илтимоснома ишончли шахслар орқали берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясини тузиш - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини ҳал этишга доир конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси тузилади. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат-қўмаклашувчи органдир. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Комиссия раис, раис ўринбосари, котиб ва Комиссиянинг бошқа аъзоларидан таркиб топади. Комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ва бошқа аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этади. Комиссия мажлисида раис йўқ

бўлган тақдирда унинг вазифалари раис ўринбосарининг зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг регламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг асосий вазифалари - Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид илтимосномаларни кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига фуқаролик масалалари юзасидан таклифлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунчилиги ижросини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига мазкур йўналишда аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар киритиш, фуқаролик масалалари бўйича халқаро амалиётни ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш.

Комиссиянинг ҳуқуқлари - юритувида турган иш юзасидан тегишли давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича қўшимча ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиб олиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Президентига киритиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан зарур бўлган қўшимча ахборот олиш учун ўз мажлисларига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини таклиф этиш. Комиссия Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид илтимосномаларни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ушбу Қонун 42-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қарор қабул қилади.

Комиссиянинг ишини ташкил этиш ва қарорларини қабул қилиш тартиби - Комиссиянинг заруратга қараб, лекин бир ойда камида икки марта ўтказиладиган мажлислари Комиссия ишининг ташкилий шаклидир. Комиссиянинг мажлислари унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир. Комиссия мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иштирок этиши ҳамда муҳокама этиладиган масалалар юзасидан маъруза қилиши мумкин. Комиссия қарори мажлисда ҳозир бўлган Комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлиб қолганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва унинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади. Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни дастлабки тарзда ишлаб чиқиш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид қарорларни ижро этувчи органлар - Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари зиммасига, хорижда яшайдиган шахсларга нисбатан эса Ташқи ишлар вазирлиги ва тегишли консуллик муассасалари зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик масалаларига оид қарори кучга

кирган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини Қонунда белгиланган тартибда олган шахсга қуйидаги ҳужжатлар берилади:



Ички ишлар органи томонидан

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган, Ўзбекистон фуқаролиги тугатилган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётганида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш рухсат этилган шахсга, шу жумладан болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади



Консуллик муассасаси томонидан

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Қуйидаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш асослари ҳисобланади:
а) шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ бўлган унинг мулкӣ мажбуриятлари мавжудлиги;
б) шахснинг қидирувда эканлиги;
в) агар шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган, судланган ва жазони ўтаётган бўлса;
г) шахсга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши лозим бўлган суд ҳукмининг мавжудлиги;
д) бида туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этганлик;
е) Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлик;
ж) шахснинг вафот этганлиги.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилганлиги тўғрисида ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси аризачини ёки унинг қонуний вакилини Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Ушбу қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, шахс ички ишлар органига ёки консуллик муассасасига қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилган тақдирда тўланган давлат божи ёки консуллик йиғими қайтариб берилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича такрорий мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг бир йил ўтгач ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан қабул қилинади. Ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган янги ҳолатлар юзага келган тақдирда, такрорий илтимоснома кўрсатилган муддатдан олдин ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кирган.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва семинар машғулотида тайёргарлик кўришлари, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги мавзусини ўқиб ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ 610-сон қонунини конспектлаштиришлари ташкил қилади.



Назорат учун саволлар

- 1) “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти ҳақида сўзланг?
- 2) “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” ги Қонуннинг асосий тушунчалари?
- 3) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини туғилганлик бўйича қандай олинади?
- 4) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш асослари қандай?

2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти, кичик гуруҳларда “**Блиц ўйин**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Блиц-ўйин” усулини амалга ошириш босқичлари:

→ Ўқитувчи иштирокчиларни кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бири-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ жавоби» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

→ Гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатларни ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва тингловчилардан бу жавобларни тўғри жавоб бўлимига ёзиш сўралади.

→ «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «гуруҳ жавоби» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл куйиш сўралади. Шундан сўнг «гуруҳ хатоси» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб умумий йиғинди ҳисобланади.

→ Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

→ Ўқитувчи гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«БЛИЦ-ЎЙИН»			“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунини биламан
Гуруҳ жавоби	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Боблар кетма-кетлигини топинг
			Яқунловчи қоидалар
			Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш
			Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси
			Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш.
			Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш муддатлари ва кўриб чиқишни тугатиш асослари
			Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш ва фуқаролигини тан олиш тартиби.
			Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда ва фарзандликка олинганда боланинг фуқаролиги
			Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш чоғида ҳужжатларни тайёрлаш тартиби.
			Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш
			Умумий қоидалар.

3.1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Фуқароликка оид масалаларни расмийлаштиришдаги умумий қоидалар.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш.

3-савол. Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш.

1-савол: Фуқароликка оид масалаларни расмийлаштиришдаги умумий қоидалари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, тиклаш, тан олиш, фуқаролигидан чиқиш, фуқаролигини йўқотиш ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик) юзасидан илтимосномалар, аризалар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда қарор қабул қилиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Қонунига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан илтимоснома ва аризалар топширилади

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс томонидан



доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги ички ишлар органига

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшовчи шахс томонидан:



-Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига;

-Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консуллик бўлимига



Илтимоснома, ариза ва сўровнома қўлда ёки техник воситаларда тўлдирилади. Уларни тўлдиришда қисқартма ёки аббревиатура қўллашга йўл қўйилмайди. Сўровномадаги жавоблар тўлиқ ёритилган, ҳужжатлар матни тушунарли ва тузатишларсиз бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан мурожаат этган шахс ўз шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Шахсининг биографик маълумотлари (туғилган санаси ёхуд фамилияси, исми ёки отасининг исми) ўзгарган тақдирда, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинади. Мурожаат этувчи шахс томонидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, Ўзбекистон

Республикаси фуқароси идентификацияловчи картаси (ID-картаси), фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси (ID-картаси), никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар тақдим этилади. Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатлардан нусхалар олиб асли билан солиштирилиб, ваколатли орган муҳри билан тасдиқланади, ҳужжатларнинг асли ариза берувчига қайтариб берилади.



Мурожаатчи томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси давлат тилида бўлмаган ҳужжатлар аризачи томонидан давлат тилига таржима қилинади. Таржиманинг тўғрилиги ёки таржимон имзосининг ҳақиқийлиги «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида тасдиқланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, хориждаги мутасадди ташкилотлар томонидан берилган ҳужжатлар, уларни Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий ҳисоблаш учун легаллаштирилган ёки апостиль қуйилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан мурожаат қилган ариза берувчи ўз илтимосномасида боласини кўрсатиб ўтган тақдирда, у ваколатли органнинг масъул ходими томонидан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32—36-моддалари талаблари билан таништирилади. Ота-онаси ёки улардан бирининг фуқаролиги ўзгарганда уларнинг илтимосномасига кўра, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги фақат унинг ёзма розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. Бола имзосининг ҳақиқийлиги «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ёки консуллик муассасаси масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.



Фуқароликка оид масалалар тўғрисида маълумотнома бериш юзасидан топширилган илтимоснома ёки аризаларни кўриб чиққанлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат божи ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ-2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Консуллик йиғимлари тарифида белгиланган миқдорда йиғимлар ундирилади.

Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган илтимоснома ёки ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тақдим этилган пайтдан эътиборан кўриб чиқиш учун қабул қилинган деб ҳисобланади. Узрли сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муассасасининг мавжуд эмаслиги) нотариал тартибда тасдиқланган илтимоснома ёки ариза ишончли шахслар орқали берилиши мумкин.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан қабул қилинган илтимосномалар ёки аризалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид «Е-Фуқаро» идоралараро маълумотлар базасида («Е-Фуқаро» ИМБ) рўйхатдан ўтказилади. Ариза берувчининг талабига биноан уч иш куни ичида унинг илтимосномаси ёки аризаси қабул қилинганлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида санаси кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади.

Фуқароликка оид масалалар тўғрисида маълумотнома бериш бўйича материаллар икки нусхада юритилади. Материалларнинг бир нусхаси уни қабул қилган ички ишлар органи ёки консуллик муассасасида сақланади, иккинчи нусха эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссиясига юборилади. Илтимоснома ёки аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганлиги, ариза берувчи томонидан ёлғон маълумот, ҳақиқий бўлмаган ва сохта ҳужжатлар тақдим этилиши илтимоснома ва аризаларни қабул қилмаслик учун асос ҳисобланади. Ариза берувчи томонидан сохта ҳужжатлар тақдим қилганлик ҳолати аниқланганида, материаллар қонунчиликка мувофиқ қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

2-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш турлари

1. Умумий тартиб

2. Соддалаштирилган тартиб

3. Алоҳида тартиб

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилишда: ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш бўйича илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин, агар у:

а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса;

б) яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса. Ушбу шарт Ўзбекистон Республикасида туғилган ва яшаб келаётган ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тузилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз уч йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди;

в) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса;

г) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш юзасидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади

- 1 илтимоснома;
- 2 сўровнома;
- 3 яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси;
- 4 никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);

- 5 илтимосномада ариза берувчи боласини кўрсатиб ўтган тақдирда, боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва яшаш гувоҳномаси (мавжуд бўлса), бунда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинади;
- 6 тирикчиликнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат
- 7 давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- 8 Давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билишини тасдиқловчи ҳужжат;



Тирикчиликнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар: (жисмоний шахснинг даромади ҳақидаги маълумотнома, солиқ инспекциясидан берилган жисмоний шахснинг даромади бўйича солиқ декларацияси, иш жойидан ойлик иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома, пенсия тайинланганлиги ҳақида маълумотнома, алимент тўланиши ҳақида маълумотнома, кредит ташиқлотига қўйилган маблағи мавжудлиги ҳақидаги ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда берилган маълумотнома, ариза берувчи кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг даромадлари ҳақида маълумотнома, шунингдек, бошқа қонуний даромадларини тасдиқловчи ҳужжат);

Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қуйидаги шахсларга нисбатан давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур бўлган даражада билиш шarti татбиқ этилмайди:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий ўрта таълимдан кам бўлмаган даражада таълим олган шахслар (тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади);

- 60 ёшга тўлган шахслар;

- муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар (ишончли вакили томонидан ушбу шахс муомала лаёқатига эга эмаслиги ёки муомала лаёқати чекланганлиги ҳақида қонуний кучга кирган суд қарори тақдим этилади);

- И гуруҳ ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар (ногиронликни тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилади).

Ушбу тартибда тақдим этилган барча ҳужжатлар кетма-кетликда материалга тикилади ва уни расмийлаштираётган ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар ички рўйхати тузилади. Материал муқовасида ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, тартиб рақами ва бошқа маълумотлар (қабул қилинган сана, сақлаш муддати) кўрсатилади.



Илтимосномани қабул қилган масъул ходим уч иш куни ичида илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади ҳамда сўровномага ўзининг лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди. Сўровномада кўрсатилган маълумотлар **уч иш куни ичида** «Е-Фуқаро» ИМБга киритилади, материаллар эса Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими ўн иш куни ичида маълумотлар «Е-Фуқаро» ИМБга тўғри киритилганлигини

текширади, шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади. Материаллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади. «Е-Фуқаро» ИМБда текширувдан ўтиб, яқунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходим томонидан чоп этилади. Материаллар ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хулоса тайёрланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади. Хулосада ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ҳамда яқин қариндошлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оилавий аҳволи, фарзандлари, яшаш жойи;
- яқин қариндошлари ва уларнинг фуқаролиги;
- умумий ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олган даври;
- Ўзбекистон Республикасига келган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган санаси;
- меҳнат фаолияти;
- пенсияга чиқиш санаси ва ногиронлик гуруҳи (агар мавжуд бўлса);
- агар шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан ёки фуқароликни йўқотган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони санаси ва рақами;
- муқаддам фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги бўйича маълумот (агар кўрилган бўлса);
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш. Ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандош Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш бўйича мурожаат қилиши мумкин,-

агар у:



а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган лоақал битта ўзидан олдинги қариндошга эга бўлса

б) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса

г) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) илтимоснома
- 2) сўровнома;
- 3) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- 4) чет давлат фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахнинг ҳаракатланиш ҳужжати ёхуд яшаш гувоҳномаси (фуқаролиги бўлмаган шахнинг идентификацияловчи картаси);
- 5) никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- 6) илтимосномада бола кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва чет давлат фуқаросининг паспорти ёки яшаш гувоҳномаси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахнинг идентификацияловчи картаси (мавжуд бўлса), бунда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг ёзма розилиги олинади;
- 7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошининг паспорти (ИД- картаси);
- 8) тирикчиликнинг қонуний манбаларини тасдиқловчи ҳужжат;
- 9) ўзлари фуқароси бўлган давлатнинг мутасадди органидан судланганлик ҳолати мавжуд ёки йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 10) давлат божи (консуллик йиғими) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
- 11) Давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билишини тасдиқловчи ҳужжат.


Ушбу «а» кичик бандидаги шарт ва «еттинчи» рақамдаги қайд этилган ҳужжатни тақдим этиш ҳақидаги талаб, илм-фан ва илмий фаолият, техника, маданият ҳамда спорт соҳасида катта ютуқларга эга бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси учун манфаатли бўлган касбга ёхуд малакага эга бўлган ватандошга ва (ёки) унинг оила аъзоларига нисбатан татбиқ этилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикасидаги манфаатдор вазирлик ёки идораларнинг илтимосномаси тақдим этилади. Илтимосномада шахс илм-фан ва илмий фаолият, техника, маданият ҳамда спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси учун манфаатли бўлган касбга ёхуд малакага эга эканлиги ҳақида батафсил кўрсатиб ўтилади. Ўзбекистон Республикаси манфаатдор вазирлик ёки идораларнинг республика аҳамиятига молик раҳбарлари шахсни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан илтимосномалар берилишига жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан расмийлаштирилган материал ички ишлар органи томонидан қабул қилинган тақдирда, белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Комиссия Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан расмийлаштирилган материални қабул қилиб, кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги олинган тақдирда, Комиссия томонидан бу ҳақда тақдим этилган хатга асосан ваколатли орган уч иш куни ичида ариза берувчи ва унинг илтимосномасида кўрсатилган оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисида қафолат хатини расмийлаштиради ва ўн иш куни ичида ариза берувчига хабар бериш

чораларини кўради. Бунда, кафолат хати илтимосномада кўрсатилган ҳар бир оила аъзосига берилади.



Кафолат хати бланки қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга. Бланклар Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг буюртмасига асосан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Кафолат хати ваколатли орган томонидан ариза берувчига ёки унинг қонуний вакилига тақдим этилади ёхуд почта орқали юборилади. Кафолат хатининг амал қилиш муддати — бир йил. Комиссиянинг қарорига асосан кафолат хатининг амал қилиш муддати яна бир йилга узайтирилиши мумкин. Бунинг учун ариза берувчи кафолат хатининг амал қилиш муддати тугашидан кўпи билан бир ой олдин ваколатли органга ариза билан мурожаат қилади. Аризада кафолат хатининг амал қилиш муддатини узайтириш сабаби кўрсатиб ўтилади. Ариза «Е-Фуқаро» ИМБга киритилиб, Комиссияга юборилади. Комиссия мазкур масалани кўриб чиқади ва натижаси бўйича кафолат хати амал қилиш муддатини узайтиришга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида баённома қарорини қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ариза берувчи чет давлат фуқаролигидан чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этганидан кейин амалга оширилади. Ариза берувчи томонидан чет давлат фуқаролигидан чиқиш (йўқотиш) ҳақидаги ҳужжат ваколатли органга топширилади, ушбу ҳужжат Комиссияга юборилади. Ариза берувчи яшаётган давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси мавжуд бўлмаса, ушбу ҳужжат тегишинча ИИВ ёки Ташқи ишлар вазирлигига қонуний вакил ёки почта орқали юборилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти соддалаштирилган тартибда фуқаролик беришни рад этган тақдирда Комиссия томонидан бу ҳақда тақдим этилган хатга асосан ваколатли орган уч иш кuni ичида ариза берувчига хабар бериш чораларини кўради.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига алоҳида тартибда қабул қилиш- Ўзбекистон Республикаси Президенти чет давлат фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериши мумкин.

Бундай ҳолларда Комиссиянинг талабига асосан ваколатли орган фуқароликка қабул қилинаётган шахс томонидан тўлдирилган Ўзбекистон Президенти номига ёзилган илтимоснома, чет давлат фуқаросининг паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати ёки яшаш гувоҳномаси (фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси) нусхасини қабул қилади ва уларни Комиссияга юборади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш: Ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш ҳақидаги илтимосномада Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилиши сабаблари кўрсатилади. Агар ариза берувчи муқаддам «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси

биринчи қисми «а» банди (шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида) ва «г» бандида (агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса) назарда тутилган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлиги ёки илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тикланганлиги аниқланса, унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш бўйича илтимосномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилмасдан қайтарилади.

3-савол.: Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш



«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосан, фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан

2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда,

Ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс

Ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда,

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади



Ушбу Қонун назарда тутилган фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибида аниқлаши мумкин.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги Қонунининг 6-моддаси:- биринчи қисмига мувофиқ:

- ✓ 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган;
- ✓ муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

иккинчи қисмига мувофиқ:

- ✓ ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил давомида доимий яшаб келаётган;
- ✓ ушбу давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

учинчи қисмига мувофиқ:

- ✓ ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари деб тан олинган;
- ✓ чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинади.

Башарти ота-онаси (ёлғиз ота ёки онаси) билан бирга Ўзбекистон Республикасига кириб келган бола доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган бўлса, ота ёки онасининг доимий рўйхатга олинган жойи унинг доимий рўйхатга олинган жойи ҳисобланади. Ушбу бандда назарда тутилган шахсга доир Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш юзасидан ҳужжатларни қабул қилиш ва материални кўриб чиқиш унинг ота-онасидан бирининг (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинганлиги бўйича тегишли ҳулосалар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Қуйидаги шахсларнинг ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш юзасидан аризалари «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги Қонуннинг 6-моддаси учинчи қисмига мувофиқ кўриб чиқилиши мумкин:

а) агар ота-онасидан бири (ёлғиз ота ёки онаси) 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиб ёки ўн беш йил давомида доимий яшаб келаётган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан фуқароликка қабул қилинган бўлса;

б) агар ота-онасидан бири 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиб, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва вафот этган бўлса.

Бундай шахсларнинг ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш юзасидан ҳужжатларини қабул қилиш ва материални кўриб чиқиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Юқорида келтирилган шартлардан лоақал бирининг мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишни рад этишга асос ҳисобланади.

Эслаб қолинг: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш илгари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш юзасидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. ариза;
2. сўровнома;
3. яшаш гувоҳномаси (ф.б.шнинг ID- картаси);
4. никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
5. ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотнома (ўзгаришлар мавжуд бўлса);
6. 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига кириб келганлигини ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ёки

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўн беш йил ва ундан ортиқ йил давомида доимий яшаб келаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

7. давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига кириб келганлигини ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўн беш йил ва ундан ортиқ йил давомида доимий яшаб келаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; *(Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлик ҳолати фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан юритилган йиғма иш жилдида сақланган собиқ Иттифоқ паспорти ҳамда ҳисоб варақалари, уй дафтари ёки хўжалик китобида доимий рўйхатдан ўтганлик (пропискага қўйганлик) тўғрисидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланиши мумкин. Башарти, мавжуд маълумотлар бўйича шахснинг Ўзбекистон Республикасида 2005 йил 1 январга қадар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги ёки Ўзбекистон Республикасида қаида ўн беш йил давомида доимий яшаб келаётганлиги ҳолатини тасдиқлаш имкони бўлмаганда, шахсга ҳужжатлар қайтариб берилади ва ушбу фактни суд тартибида тасдиқлашга ҳақли эканлиги тушунтирилади).*



Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилган ҳолда, аслидан нусха олиниб, муҳр билан тасдиқланади ва ҳужжатларнинг асли ариза берувчига қайтариб берилади. Ҳужжатларни қабул қилган масъул ходим томонидан ўн иш куни ичида фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан юритилган материалдаги фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини белгилаш учун асос бўлган ҳамда унинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусха олинади, гербли муҳр ва ўз имзоси билан тасдиқланади ва материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига юборилади. Бунда, масъул ходим томонидан тўпланган ҳужжатлар асосида маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишга оид талабнома шакллантирилади.



Тақдим этилган ҳужжатлар бир ойлик муддатда ўрганиб чиқилиб, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган тақдирда, хулоса тайёрланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқлари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади. Хулосанинг бир нусхаси тўпланган материалга илова қилиниб, Ички ишлар вазирлигига келишиш учун юборилади. Хулосага идоралараро маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишга оид шакллантирилган талабномага мувофиқ, қайдлар киритилиши лозим. Ички ишлар вазирлиги келиб тушган материални бир ойдан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқиб, хулоса асосланганлигини текширади ва ўз муносабати билдирилган хатни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари орқали ҳудудий ички ишлар органига юборади. Ички ишлар органи томонидан ариза берувчига бу ҳақда уч иш куни ичида хабар берилади ва идентификацияловчи картасини расмийлаштириш чоралари кўрилади. Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролигини тан олиш учун етарли асослари мавжуд бўлмаган шахслар, ўз хоҳишларига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини умумий тартибда қабул қилиш учун мурожаат қилишлари мумкин.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва семинар машғулотида тайёргарлик кўришлари, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби” мавзусини ўқиб ўрганиш ва 2021 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартибини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-6185-сон Фармонни конспектлаштиришлари ташкил қилади.

Назорат учун саволлар.

1. Фуқароликка оид масалалар дейилганда қандай масалалар тушунилади?
2. Фуқароликка умумий, соддалаштирилган ва алоҳида тартибда қабул қилиш ҳақида тушунча беринг?
3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тан олишнинг фуқароликка қабул қилишдан фарқи нимада?
4. Фуқароликка оид масалаларни ҳужжатлаштириш қандай амалга оширилади?

3.2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш.

2-савол. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш асослари ва расмийлаштириш тартиби.

1-савол: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасида: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш Қонуннинг 37 ва 39-моддаларида белгиланган тартибда, фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти номига шахсан берган илтимосномасига асосан амалга

оширилади. Агар жисмоний нуқсонлари, касаллиги оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра илтимосномани ўз кўли билан имзолай олмаса, унинг топшириғига кўра ўзга шахс ариза берувчи ва ИИОнинг мансабдор шахси ёхуд консуллик муассасасининг мансабдор шахси ҳозирлигида илтимосномани ёки бошқа ҳужжатни ариза берувчи ҳужжатни ўз кўли билан имзолай олмаганлигининг сабабини кўрсатган ҳолда имзолаши мумкин. Бундай ҳолларда ИИОнинг мансабдор шахси ёки консуллик муассасасининг мансабдор шахси томонидан илтимосномага бу ҳақда ёзиб қўйилади.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ✓ илтимоснома;
- ✓ сўровнома;
- ✓ паспорт (идентификацияловчи карта);
- ✓ никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- ✓ аризада бола кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва (мавжуд бўлса) паспорти (идентификацияловчи картаси). Бундай ҳолларда боланинг отаси ёки онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолаётган бўлса, унинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади;
- ✓ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги ёзма розилиги;
- ✓ давлат божи (консуллик йиғими) тўланганлиги ҳужжати;

Агар ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эри (хотини), ота-онаси, шунингдек, унинг қарамоғидаги шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаса, ариза берувчи ушбу шахсларнинг ариза берувчига нисбатан мулкӣ эътирозлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган аризаларини тақдим этиши шарт.

Агар тегишли ҳолатлар мавжуд бўлса, ота-онанинг, турмуш ўртоғининг розилиги ўрнига ариза берувчидан ёки тегишли органдан сўраб олинади.:

- ✓ вафот этганлиги ҳақида гувоҳнома, агар кўрсатилган шахслар вафот этган бўлса;
- ✓ кўрсатилган шахсларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлиги, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги ёхуд фуқарони вафот этган деб эълон қилинганлиги ҳақидаги қонуний кучга кирган суд қарори;



Ушбу тақдим этилган барча ҳужжатлар кетма-кетликда материалга тикилади ва уни расмийлаштираётган ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар рўйхати тузилади. Илтимосномани қабул қилган масъул ходим уч иш куни ичида илова қилинган ҳужжатлар тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади ва сўровномага ўзининг лавозимини кўрсатган ҳолда имзо

кўяди.

Материал муқовасида ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси тартиб рақами ва бошқа маълумотлар (қабул қилинган сана, сақлаш муддати) кўрсатилади. Сўровномада кўрсатилган маълумотлар уч иш куни ичида «Е-Фуқаро» ИМБга киритилади, материал эса Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими ўн иш куни ичида маълумотларни «Е-Фуқаро» ИМБга тўғри киритилганлигини текширади, шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади. Материал Ички ишлар вазирлигига юборилади. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «Е-Фуқаро» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади. «Е-Фуқаро» ИМБда текширувдан ўтиб, яқунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади. Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хулоса тайёрланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади. Хулосада, ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ҳамда унинг яқин қариндошлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади. Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- ➔ туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оилавий аҳволи, фарзандлари, яшаш жойи;
- ➔ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати;
- ➔ шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкӣ мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

➔ шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилиши лозим.

2-савол: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш асослари ва расмийлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги ҳолларда йўқотилади:



а) шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида;

б) агар хорижда доимий яшовчи шахс етти йил мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

в) агар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишни била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида амалга оширилган бўлса;

г) агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

д) агар шахс ихтиёрий равишда чет давлат фуқаролигини олган бўлса;

е) агар шахс чет давлат фуқаролигини туғилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган бўлса ва йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирмаган бўлса.

Била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилинганлиги факти аниқланган тақдирда Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги материалларни прокуратура органларига юборади. Била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланади. Қарор чиқарган суд қарорнинг кўчирма нусхасини Ички ишлар вазирлигига ёки Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Суднинг қарори асосида Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичида текширув талабномаси шакллантирилиб, «Е-Фуқаро» ИМБ орқали манфаатдор вазирлик ва идораларга юборилади. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «Е-Фуқаро» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади. «Е-Фуқаро» ИМБда текширувдан ўтиб, яқунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади. Материал ва текширув варақаси асосида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки ташқи ишлар вазири ёхуд уларнинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади. Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Чет давлатнинг фойдасини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатган ёхуд тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси

фуқаросининг жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланади. Ҳукм чиқарган суд ҳукмнинг кўчирма нусхасини Ички ишлар вазирлигига юборади. Суднинг ҳукми асосида Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичида текширув талабномаси шакллантирилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга юборилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «Е-Фуқаро» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«Е-Фуқаро» ИМБда текширувдан ўтиб, яқунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади.

Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.



Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган хорижда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини аниқлаш учун ваколатли органлар:

Ўзбекистон Республикасидаги манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлат фуқаролигини қабул қилганлиги ҳақидаги маълумотларини текширади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳамда чет давлатларнинг сўровномаларини ўрганади. Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси аниқланганда, бундай шахсга «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси талаблари тушунтирилади, у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши ҳақида огоҳлантирилади. Чет давлат фуқаросининг паспорти асосида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга оид материал расмийлаштирилади, тўпланган ҳужжатлар асосида уч иш куни ичида шахсга нисбатан Консуллик ахборот тизимига ёки «Е-Фуқаро» ИМБга маълумотлар киритилади. Ички ишлар органи томонидан қабул қилинган материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига, консуллик муассасаси томонидан қабул қилинган материал эса дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими томонидан ўн иш куни ичида маълумотларни «Е-Фуқаро» ИМБга тўғри киритилганлиги текширилади, шахсга нисбатан текширув талабномаси шакллантирилади, материал эса Ички ишлар вазирлигига юборилади. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «Е-Фуқаро» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «Е-Фуқаро» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«Е-Фуқаро» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади. Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хулоса тайёрланади, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ёхуд уларнинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади. Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган отаси ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ваколатли орган томонидан бундай шахс йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, унинг ўзи ёки қонуний вакилига «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси талаблари тушунтирилиб, огоҳлантириш хати олиниб, «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси ёки Консуллик ахборот тизимига унинг чет давлат фуқаролиги мавжудлиги ва бошқа маълумотлар киритилгандан сўнг, идентификацияловчи карта (Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти) расмийлаштирилади. Мазкур хатбошида кўрсатилган, йигирма бир ёшга тўлган чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирмаган фуқароларни аниқлаш учун ваколатли орган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади. Агар шахс йигирма бир ёшга тўлгунга қадар чет давлат фуқаролигини тугатиш тўғрисида ахборот тақдим этмаса, «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси ёки Консуллик ахборот тизими автоматик равишда унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш бўйича хабар беради. Ушбу хабарга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсга нисбатан ҳудудий ички ишлар органи, хорижда яшовчи шахсга нисбатан эса консуллик муассасаси томонидан огоҳлантириш хатининг тасдиқланган нусхаси асосида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш бўйича материал расмийлаштирилади. Бунда, ушбу шахсга доир маълумотлар «Е-Фуқаро» ИМБга киритилади. Ички ишлар органи томонидан материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига, консуллик муассасаси томонидан материал эса дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими томонидан ўн иш куни ичида маълумотларни «Е-Фуқаро» ИМБга тўғри киритилганлиги текширилади, шахсга нисбатан текширув талабномаси шакллантирилади, материал эса Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга оид материални расмийлаштириш ва юритиш, маълумотларни «Е-Фуқаро» ИМБ ёки Консуллик ахборот тизимига тўғри киритилиши юзасидан жавобгарлик ҳужжатларни дастлаб қабул қилган масъул шахс зиммасига юклатилади.

Материал юзасидан чиқарилган хулосада ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича унинг ўзи ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш асослари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Хулосада қуйидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилиши керак:	
шахснинг давлат олдидаги бажарилмаган (ижро этилмаган) мажбурияти ёки фуқаролар ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг жиддий манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкӣ мажбурияти мавжудлиги;	
шахснинг айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилганлиги;	
шахснинг қидирувда эканлиги;	
шахсга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро қилиниши лозим бўлган суд ҳукмининг мавжудлиги;	
шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида озодликдан маҳрум қилиш жойларида эканлиги;	
шахснинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигининг манфаатларига номувофиқ эканлиги.	

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш учун «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ, бир нечта асослар мавжуд бўлган тақдирда хулосада уларнинг барчаси қайд этилади.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ: Тингловчилар маъруза машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартибини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-6185-сон Фармонини конспект қилишлари лозим.

Назорат учун саволлар.

- 1-савол. Фуқароликдан чиқиш деганда нима тушунилади?
- 2-савол. Фуқароликдан чиқишга оид ҳужжатлашларни рўйхатдан ўтказиш тартиби?
- 3-савол. Фуқароликдан чиқишга оид ҳужжатлашларни расмийлаштириш?

**3-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни
кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби**

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти, кичик гуруҳларда “*Савол-жавоб*”, интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Савол-жавоб

1-топширик: Фуқароликни тугатиш дейилганда қандай масалалар тушунилади?

2-топширик: Фуқароликни қабул қилиш ҳақида тушунча беринг?

3-топширик: Ўзбекистон фуқаролигини йўқотиш асослари?

4-топширик: Фуқароликка қабул қилишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш қандай амалга оширилади?

**3-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни
кўриб чиқишнинг янгиланган тартиби**

Амалий машғулот (2 соат)

Режа:

1-савол: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича ҳужжатларни юритиш намуналари.

Мустақил тайёргарлик учун топширик:

Мустақил таълимнинг мазмунини, тингловчилар ўқув машғулотларида (маъруза, семинар, амалий ва ҳақ..) олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги маъруза машғулотида мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари лозим.

4-мавзу: Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги Қонунининг асосий тушунчалари.

2-савол. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги хизматлар учун давлат божи ставкаларининг миқдорлари.

1-савол: Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги Қонунининг асосий тушунчалари



Давлат божи тўғрисидаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6-январдаги “Давлат божи тўғрисида” ги ЎРҚ-600-сон қонуни (5-боб, 31 модда, 1-илова) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Давлат божи тўғрисидаги қонуннинг тузилиши	
1-боб. Умумий қоидалар.	1-6 моддалар
2-боб. Давлат божини тўлашдан озод қилиш.	7-15 моддалар
3-боб. Давлат божи тўловларини, тушумларини ҳисобга олиш ва қайтариш тартиби.	16-18 моддалар
4-боб. Давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари.	19-24 моддалар
5-боб. Якунловчи қоидалар.	25-31 моддалар
Давлат божи ставкаларининг миқдорлари	Илова

Қонуннинг мақсади - мақсади давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва уни тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат божи турлари

1. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун тўланадиган консуллик йиғими

2. Ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига, селекция ютуқларига, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига, географик кўрсаткичларга, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун тўланадиган патент бож

Қонуннинг 5-моддасида бож. ундириш объектлари келтирилган бўлиб, 12 та тоифадаги умумий ишлар учун давлат Давлат божи ундирилиши кўрсатилган шулардан Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятига қуйидагилари таълуқлидир



Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати берилганлиги учун, чет элдан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни берганлик учун, чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID -картасини берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олганлик учун, шунингдек чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олганлик учун;



чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чиқиш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик кириш-чиқиш визаларини расмийлаштирганлик, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визасининг амал қилиш муддати даврига вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик ва визанинг амал қилиш муддати узайтирилган даврда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган муддатини узайтирганлик учун, МДХга аъзо давлатлар фуқароларини, шунингдек фуқаролик ҳақида белгилари мавжуд бўлмаган собиқ СССР паспортлари билан МДХга аъзо давлатларидан келган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик, чет эл фуқаросининг, шу жумладан МДХга аъзо давлатлар фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга оид ҳужжатларини кўриб чиққанлик ва расмийлаштирганлик, чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат йўқолганлиги ҳақида маълумотномалар берганлик учун;

Давлат божини тўлашдан озод қилиш - Давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати Қонун билан белгиланади. 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолади.

Қонуннинг 8-моддага асосан Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан 42 та ҳолатда, 9-моддага Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан 27 та ҳолатда, 10-моддага Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан 16 та ҳолатда, 11-моддага Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан 18 та ҳолатда, 12-моддага Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан 5 та ҳолатда, 14-моддасига асосан Консуллик йиғимини тўлашдан 10 та ҳолатда озод қилиш кўрсатилган



Қонуннинг 13-моддасида. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш тартиби берилган

- 1) Ўзбекистон фуқаросининг дипломатик паспортини берганлик учун;
 - 2) Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини:
 - яқин қариндошлари вафот этганда ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилганда;
 - фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) мувофиқ улар хориж судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилганда;
 - вояга етмаган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;
 - вояга етмаган шахс илм-фан, таълим, спорт ёки маданият соҳаларидан биридаги халқаро тадбирда ёки мусобақада иштирок этганда;
 - Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда берганлик учун;
 - 3) етим болага ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун;
 - 4) тўлиқ давлат таъминотида бўлган шахсга хорижга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини берганлик учун.
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ушбу 1, 2 ва 3-бандларида кўрсатилган ҳужжатларга бирон-бир ўзгартишлар киритилган тақдирда ҳам давлат божини тўлашдан озод қилинади.
- Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, кулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси (биометрик паспорти), Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси (яшаш гувоҳномаси), Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқиш учун ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига тегишинча шундай идентификацияловчи ID-карта, биометрик паспорт берилганлиги учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақида маълумотнома берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади.



кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар



мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари

Давлат божи тўловларини ва тушумларини ҳисобга олиш - Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция давлат божини ундирадиган давлат органларида қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади. Тўловчилар давлат божини тўлашдан озод этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйилади, бундан пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномаларни тасдиқлаш ҳоллари мустасно. Давлат божи тушумларини ҳисобга олиш давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат божини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан ўзи жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.



Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтказиш тартиби - Давлат божи, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар ва (ёки) бунга ваколатли бўлган муассасалар (мансабдор шахслар) томонидан ҳужжатлар берилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти қоғоздаги ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати билан тасдиқланади. Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади. Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларнинг турига, тўловчиларнинг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларга кўра Қонуннинг 19 — 24-моддаларига мувофиқ белгиланади. Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади, бундан давлат божининг қайси давлат органлари хизматлари учун давлат божи ундириладиган бўлса, ўша давлат органи тасарруфида қолдириладиган қисми мустасно. Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қолдирилган тақдирда,

давлат божи ягона ҳисобварағига кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат органи ўртасида қонунчиликка мувофиқ тақсимланган ҳолда тўланади. Давлат божининг давлат органи тасарруфида қолдириладиган миқдори қонунчиликда белгиланади.

Мулккий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божининг миқдори ҳаракатлар амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади.

Қонуннинг 18 моддасига асосан давлат божини қайтариш тартиби 15 та ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши кераклиги кўрсатилаган:

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан эътиборан беш кун ичида ёки суд ҳужжатлари асосида қайтаради. Ўз навбатида давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Давлат божини бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

➔ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини, хорижга чиқиш учун биометрик паспортини, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун, шунингдек чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи ID-карта берганлик учун, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, фуқаролик масалаларига доир аризалардан эса бундай аризалар берилгунига қадар тўланади.

➔ Хориждан кириш ва хорижга чиқиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни, чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалардан ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан хорижга хизмат сафарига юбориладиган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

➔ Хорижга хизмат сафарига юборилган ходимлар билан биргаликда уларнинг хотини ва болалари хизмат сафарининг бутун муддатига сафарга борганида давлат божи хизмат сафарига юборилганларнинг ўзидан ундирилганлиги каби тартибда ва миқдорларда ундирилади. Оила аъзолари

хорижга хизмат сафарига юборилган шахсининг олдига меҳмон бўлиб оддий сафарга борганида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

➔ Чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан чиқишга визалар берганлик учун давлат божи, ҳар бир шахсга алоҳида виза ёки бир нечта шахсга умумий виза берилаётганлигидан қатъи назар, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахсдан ундирилади.

Давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишда давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари - Ҳар қандай давлат хизмати олиш, шу жумладан лицензия, рухсатнома олиш, давлат рўйхатидан ўтиш ва бошқа хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда мурожаат этилганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Давлат хизматлари марказлари орқали ёки хизмат кўрсатувчи органларга бевосита мурожаат этилган тақдирда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.




Давлат божининг тўғри ундирилиши устидан назорат- Давлат божининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундирилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

2-савол. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги хизматлар учун давлат божи ставкаларининг миқдорлари

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловасида давлат божи ставкаларининг миқдорлари 50 та йўналиш фаолияти бўйича кўрсатилаган шулардан:

IMMIGRATION	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги хизматлар учун
а) янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун	БҲМнинг 89 фоизи
б) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини берганлик учун	БҲМнинг 1 баравари
в) Ўзбекистон Республикасининг ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспорт берганлик учун	БҲМнинг 80 фоизи
г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга, шу жумладан ўн олти ёшга тўлмаган шахсга хорижга чиқиш учун ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун	БҲМнинг 1 баравари
д) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни, шу жумладан йўқотиб қўйилганларининг ўрнига янгиларини берганлик учун	БҲМнинг 5 фоизи

е) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларни ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун	БҲМнинг 2 баравари
Изоҳ. Агар шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг қарори қабул қилинмасдан қайтарилган бўлса, мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш ҳақидаги аризаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун илгари тўланган давлат божига асосида кўриб чиқилади.	
ж) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун	БҲМнинг 2 фоизи
з) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун	БҲМнинг 2 фоизи
и) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштирганлик учун	БҲМнинг 20 фоизи
 Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун тўланадиган давлат божига:	
а) қуйидаги муддатларга чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун	
етти кунгача	БҲМнинг 2 баравари
ўн беш кунгача	БҲМнинг 2 баравари
ўттиз кунгача	БҲМнинг 2 баравари
уч ойгача	БҲМнинг 3 баравари
олти ойгача	БҲМнинг 5 баравари
бир йилгача	БҲМнинг 6 баравари
Туркменистон Республикаси фуқаролари учун бир йилгача	БҲМнинг 20 баравари
Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси фуқаролари учун бир йилгача	БҲМнинг 1 баравари
визалар асосида яшайдиган Америка Қўшма Штатлари фуқаролари учун, шунингдек 16 ёшга тўлмаган Америка Қўшма Штатлари фуқаролари учун бир йилгача	БҲМнинг 6 баравари
Изоҳ. Виза бир неча марта расмийлаштирилганлиги учун бож ставкаси БҲМнинг 40 фоизига кўпаяди.	
б) қуйидаги муддатларга чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп маротабаки чиқиш-кириш визаларини расмийлаштирганлик учун	
олти ойгача	БҲМнинг 6 баравари
бир йилгача	БҲМнинг 10 баравари
икки йилгача	БҲМнинг 12 баравари
уч йилгача	БҲМнинг 14 баравари

в) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визасининг амал қилиш муддатида вақтинчалик рўйхатдан ўтказганлик ҳамда визанинг амал қилиш муддати узайтирилган даврда вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни узайтирганлик учун	
бир ойгача	бепул
икки ойгача	БҲМнинг 2 баравари
уч ойгача	БҲМнинг 2 баравари
олти ойгача	БҲМнинг 4 баравари
бир йилгача	БҲМнинг 8 баравари
икки йилгача	БҲМнинг 10 баравари
уч йилгача	БҲМнинг 12 баравари
г) куйидаги муддатларга МДХга аъзо давлатлар фуқароларини, шунингдек фуқаролик ҳақида белгилари бўлмаган собиқ СССР паспортлари билан МДХга аъзо давлатлардан келган шахсларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказганлик учун	
бир ойгача	бепул
бир ойдан олти ойгача	БҲМнинг 20 фоизи
олти ойдан ортиқ	БҲМнинг 40 фоизи
д) чет эл фуқаросининг, шу жумладан МДХга аъзо давлат фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга оид ҳужжатларини кўриб чиқишва расмийлаштирганлик учун	БҲМнинг 2 баравари
е) чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақидаги маълумотномаларни берганлик учун	БҲМнинг 40 фоизи
Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи:	
а) фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, шунингдек фуқаровий ва хизмат куралини таъмирлаш	БҲМнинг 10 баравари
б) пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш	БҲМнинг 10 баравари



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6-январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

Назорат учун саволлар.

1. Кимлар давлат божини тўлашдан озод қилинади?
2. Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун тўланадиган давлат божи
3. Давлат божи тўғрисидаги қонуннинг мазмуни?
4. Давлат божи тушунчаси, давлат божи тўловчилар кимлар?

4-мавзу: “Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти, “*Зина-мазина*” *технологияси* интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



ЗИНАМА-ЗИНА

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машғулоти бошлангунга қадар ўқув материални бир неча саволларга бўлиб олади (масалан, 2 ёки 3 та, 4 ёки 5 та);
- ўқитувчи тингловчиларни сонига қараб 3-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул);
- ўқитувчи тингловчиларни машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништиради. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади;
- ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган саволлар билан танишишларини ва шу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
- гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунинг ёзма (ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари саволлар бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади;
- тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория (синф) доскасига мантиқан тағма-тағ (зина шаклида) илинади;
- ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди (тақдимот вақтида бошқа гуруҳ аъзолари ҳам тақдимот қилинган мазмунга ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин).

Изоҳ: ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши тингловчиларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма (расм ёки чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан:

Давлат божи тўғрисидаги қонун ҳақида нималарни биласиз?

Масалан:- Давлат божи тўғрисидаги қонуннинг тузилиши қандай?

Давлат божи тўғрисидаги қонуннинг тузилиши

1-боб. Умумий қоидалар.

2-боб. Давлат божини тўлашдан озод қилиш.

3-боб. Давлат божи тўловларини, тушумларини ҳисобга олиш ва қайтариш тартиби.

4-боб. Давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

5-боб. Яқунловчи қоидалар.

Илова: Давлат божи ставкаларининг миқдорлари



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини, тингловчилар ўқув машғулотларида (маъруза, семинар, амалий ва ҳақ...) олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги маъруза машғулотига мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари лозим.

5-мавзу Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш тартиби

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикасида идентификация ID- карталарни жорий этиш чора-тадбирлари.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID- картаси.

1-савол: Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари



Мамлакатимизда аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизмини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4079-сон қарорида Республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш, вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 сентябрь куни “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID- карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065-сонли фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картасини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ушбу Фармонининг 1-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси тўғрисида” ги низомга асосан белгиланадиган бўлди.

Шунингдек идентификация ID-картасининг бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилиши, янги туғилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХДЁ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари шундай тартиб ўрнатилдики, унга кўра:

➔ идентификация ID-карталари белгиланган ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб бериладиган;

➔ идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб

тушганда масъул ходим томонидан 15 кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда идентификация ID-картаси расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайдиган бўлди.

→ идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади;

Фармонда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини идентификация ID-карталарига алмаштириш

биринчи босқичда	2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида, 16 ёшга тўлганда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра;
иккинчи босқичда	2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга ошириладиган бўлди.



Назарда тутиш: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. 2021 йил 1 январдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари порталида идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат қилиш, электрон навбатга туриш ва онлайн тўловни

амалга ошириш имконияти жорий этилди;

Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ортиқча сарсонгарчиликни олдини олиши мақсадида идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат этилганда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинишини таъминладиган бўлди.

2-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID- картаси.



Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, ID-карта эгасининг шахсий биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-карта Ўзбекистон Республикаси мулкидир ва унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир. ID-карта қатъий ҳисобга олинadиган ҳужжат ҳисобланади

ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан фуқароларга қўйидаги муддатларга берилади		
янги туғилган болага бир ёшгача	→	2 йил муддатга, (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига қўра)
бир ёшдан 16 ёшгача	→	5 йил муддатга (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига қўра);
16 ёшдан		10 йил муддатга

ID-карта белгиланган намуна бўйича лотин алифбосида ўзбек тилида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса — ID-карта олиш учун мурожаат қилган фуқаронинг хоҳишига қўра лотин алифбосида қорақалпоқ ёки ўзбек тилларида персоналлаштирилади

ID-карта бланкасида қўйидаги асосий маълумотлар киритилади:	
	
а) ҳужжатнинг номи;	
б) ID-картанинг рақами;	
в) ID-карта эгасининг:	фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси; фуқаролиги; туғилган жойи; жинси; жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
г) ID-картанинг	берилган санаси; ким томонидан берилгани; амал қилиш муддати тугайдиган сана;
д) ID-карта эгасининг рақамли сурати	

ID-картада унинг эгасининг имзоси бўлиши шарт (16 ёшга етганидан кейин). Вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали ID-карта эгасининг розилиги билан давлат хизматларини кўрсатишда ID-картага киритилган маълумотлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Чипга ID-карта эгасининг қўйидаги маълумотлари киритилади		
биографик маълумотлари;	миллати;	рақамли сурати;
қўл бармоқларининг излари — 16 ёшга етганидан кейин;		
электрон рақамли имзо калитининг сертификати — 16 ёшга етганидан кейин.		

Қонун ҳужжатларига мувофиқ чипга бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати ID-картанинг амал қилиш муддати давомида ҳақиқий ҳисобланади.



ID-картани расмийлаштириш ва бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра — бола туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунига қадар;
фуқаро 16 ёшга тўлганда;
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида тан олинганда;
ID-картанинг амал қилиш муддати тугаганда;
фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси, жинси ўзгарганда
ID-картага ёки чипга киритилган маълумотларда ноаниқликлар, хатолар ва техник нуқсонлар мавжудлиги аниқланганда;
ID-карта ёки чип яроқсиз ҳолга келганда;
ID-карта ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
ID-карта йўқотиб қўйилганда.

ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганлиги ёки ID-картага киритилган маълумотларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштирилаётганда, фуқаро томонидан маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва электрон талабнома шакллантирилган кундан бошлаб **бир иш кунид**а кўриб чиқилади. Фуқаро ID-картани йўқотган тақдирда ўзига қулай бўлган маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат этади. Янги ID-карта белгиланган тартибда ID-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб тушган кундан бошлаб **бир иш кунид**а берилади;

Чипга миллати ҳақидаги ёзув ота-онанинг миллатига мувофиқ ёзилади. Агар ота-оналар турли миллатга мансуб бўлишса, биринчи марта ID-карта берилаётганда фуқаронинг хоҳишига қараб отасининг ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик, фуқаронинг ёзма аризасига кўра миллати ҳақидаги ёзув фақат бир марта отаси ёки онасининг миллатига ўзгартирилиши мумкин.

Фуқаро ID-картаси амал қилиш муддати тугаганда ва тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва миллати ўзгаргандан **сўнг бир ой муддатда** ID-карта олиш учун мурожаат қилиши лозим.

Фуқаро ID-карта олиш учун ўзига қулай бўлган маълумотларни йиғиш пунктига қуйидагиларни тақдим этади:

1. белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
2. илгари берилган паспорт ёки ID-карта;
3. туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (ID-карта биринчи маротаба расмийлаштирилаётганда);
4. ваколатли органнинг қарори (ID-карта ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида);
5. давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда қвитанция мажбурий эмас).





Эслаб қолинг: ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг **бир иш** куни мобайнида берилади. Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, соғлигининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига шахсан ўзлари ёки қонуний вакиллари орқали (оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда) мурожаат этганда, ID-карта маълумотларни йиғиш пунктининг масъул ходими

томонидан **ўн беш кун** муддатда ушбу шахсларни яшаш манзилига борган ҳолда расмийлаштирилади ва берилади. Бунда кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ёки ID-картаси бўлмаган ҳарбий хизматчиларга ID-карта контракт асосида хизмат қилган ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома асосида маълумотларни йиғиш пункти томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларига ID-карталар ҳарбий қисм жойлашган жойдаги маълумотларни йиғиш пункти томонидан тегишли ҳарбий қисм раҳбарларининг ёзма илтимосномалари асосида берилади.

Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғади, шахсни олд томондан рақамли форматда суратга олади ва ID-картани расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради. Аризачига аввал жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бириктирилмаган ёки жисмоний шахснинг аввалги шахсий идентификация рақами хатолик билан бириктирилган бўлса, талабнома ID-картага жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бириктириш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади. Давлат персоналлаштириш маркази талабномадаги жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжудлиги ва тўғрилигини текширади, мавжуд бўлмаган ҳолларда эса реал вақт режимида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини шакллантиради ва шакллантирилган талабномани маълумотларни йиғиш пунктига юборади.



Назарда тутинг: Агар фуқаро қўл бармоқ излари олинishiдан бош тортса ёхуд кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади.

ID-картани расмийлаштириш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади. ID-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ID-карта бепул алмаштирилади.

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ID-карталари уларга ID-карта бериш бўйича мурожаат қилган ота-оналари ёки васийларига (ҳомийларига) берилади. 16 ёшга тўлган фуқароларга идентификация ID-карталари берилганда улар бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида солиқ

тўловчи сифатида ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилади. Бунда, фуқаронинг биографик маълумотлари ўзгариши муносабати билан ID-карта алмаштирилганда бу ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитаси ва АТ «Халқ банки»га тақдим этиб борилади.



Суд ажрими билан паспортининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчига ёки судланувчига ID-картаси маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб **ўн кун ичида** берилади. Бунда аризани кўриб чиқиш муддати Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ узайтирилиши мумкин.

Бундай шахслар ID-карта олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

- ✓ белгиланган шаклдаги ариза;
- ✓ процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақидаги тасдиқланган қарор нусхаси.

- ✓ Давлат божи тўланганлиги ахборот тизимлари орқали текширилади.

Суд ажрими билан паспортининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Тергов ҳибсхоналари ёки вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсга янги ID-картани расмийлаштириш ушбу шахслар сақланаётган жойга борган ҳолда амалга оширилади.



ID-картадан фойдаланиш - ID-карта эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади. ID-карта йўқолган тақдирда, фуқаро дарҳол янги ID-картани олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт. Топиб олинган ID-карта ички ишлар органига топширилиши лозим. Вафот этган шахснинг ID-картаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ID-картани йўқ қилиш мақсадида маълумотларни йиғиш пунктига юборилади. Ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг ID-картаси суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Агар шахс суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этилса, унинг ID-картаси Жазони ижро этиш департаментига юборилади. Шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганида ёки жазо муддатини ўтаб бўлгач, унга ID-картаси суриштирув, тергов органлари, суд ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан қайтарилади. ID-карта суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда, янги ID-карта ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, маълумотларни йиғиш пункти томонидан расмийлаштирилади. ИИОнинг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш

марказларидан озод этилган ва паспорти ёки ID-картасини йўқотган шахсларга ID-карта бериш масалалари илгари ҳужжатлаштирилган ёки сўнгги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидаги ёхуд вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олинган ички ишлар органлари томонидан, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлсалар, кўриб чиқилади. Фуқарога янги ID-карта бериш чоғида илгари берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ёки ID-карта йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан олиб қолинади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқарилган, фуқаролигини йўқотган, шунингдек, хорижий давлатда доимий яшашга қилиш истагини билдирган фуқаро ID-картани сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасига топшириши шарт. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади.



Эътибор беринг: Фуқаро ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаслиги, уни яроқсиз ҳолга келтириши, йўқотиб қўйиши, шунингдек, бошқа шахсга тегишли бўлган ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйиш, ID-картадан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолатга келтириш ёки яшириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгарлик белгиланади.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги оқибатида ID-карта йўқолганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этган шахс жавобгарликка тортилмайди. Бунда, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан шахс бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этади, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги ҳолатини тасдиқлаш зарурати бўлганда, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан сўров асосида қонунчиликда белгиланган ваколатли идоралардан маълумотнома олинади.



ID-карта ўғирланган ҳолларда бу ҳақидаги аризалар жиноят содир этилган жойидаги ёки фуқаронинг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари ходимлари томонидан қабул қилинади. Бундай аризалар қабул қилинганлиги ҳақида фуқароларга маълумотномалар берилади ва улар жавобгарликка тортилмайди. Талабномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига вояга етмаган шахслар номидан мурожаат

қилган шахслар ёки вояга етган ва ID-картани биринчи мартаба олаётган фуқаролар шахсан жавобгар ҳисобланади.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрь куни “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID -карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065-сонли фармони тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

Назорат учун саволлар.

1-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID- картасини расмийлаштириш жараёнлари?

2-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID- карта бериш муддатлари?

3-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID- картадан фойдаланиш?

5-мавзу Ўзбекистон Республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби

ИИО базасида амалий машғулот – (6 соат)

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ: Тингловчилар ўқув машғулотларида (маъруза, семинар, амалий ва ҳақ.) олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги маъруза машғулотига мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари лозим.

6-мавзу: Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати.

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хорижга чиқиши учун биометрик ҳаракатланиш ҳужжати.

2-савол. Ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва ундан фойдаланиш тартиби.

1-савол: Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хорижга чиқиши учун биометрик ҳаракатланиш ҳужжати.

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4262-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг 2-илоvasи билан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисида”ги низоми қабул қилинди. Ушбу Низом:- фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хорижга чиқиши учун биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш тартибини белгилаб беради.



фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати - (ҳаракатланиш ҳужжати) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижда шахсини тасдиқловчи, ҳаракатланиш ҳужжати эгасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжатдир

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжати олиш учун доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши лозим. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати **беш йил** муддатга (бир ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга **икки йил** муддатга) берилади. Ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугагач, шахс уни маълумотларни йиғиш пунктига топшириши шарт.

Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш ва бериш тегишли мурожаат асосида белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг доимий яшаш ёки бўлиш жойига борган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш ҳужжати талабнома ДПМга жўнатилганидан кейин маълумотларни йиғиш пунктида **ўн иш кuni** мобайнида, хорижда — **ўн беш иш кuni** мобайнида берилади.

Харакатланиш ҳужжати белгиланган намуна бўйича тайёрланади ва ўзбек ҳамда инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларида персоналлаштирилади.

Харакатланиш ҳужжати бланки қатъий ҳисобга олинадиган ҳужжат ҳисобланади. Бланкларни: -

→ ишлаб чиқариш «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида;

→ персоналлаштириш ва йўқ қилиш — ДПМда;

→ ҳаракатланиш ҳужжатини эгаларига бериш — маълумотларни йиғиш пунктларида амалга оширилади.

→ Ҳаракатланиш ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги маълумотларни йиғиш пунктларига етказиб бериш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Давлат фельдъегерлик хизмати томонидан амалга оширилади.

→ Ҳаракатланиш ҳужжатларини хориждаги маълумотларни йиғиш пунктларига ва консуллик муассасаларидан Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш белгиланган тартибда дипломатик почта воситаси орқали амалга оширилади

Харакатланиш ҳужжати бланкасига қуйидаги асосий маълумотлар киритилади:

ҳаракатланиш ҳужжатини берган давлатнинг номи;	ҳужжатнинг номи;	ҳужжатнинг тури;
ҳаракатланиш ҳужжатини берган давлатнинг коди;	ҳаракатланиш ҳужжатининг рақами;	фамилияси, исми, отасининг исми;
миллати; туғилган жойи; ким томонидан берилгани;	фуқаролиги; жинси; персоналлаштирувчи идора;	туғилган санаси; берилган санаси; амал қилиш муддати туғайдиган сана;
эгасининг рақамли сурати	эгаси ҳақидаги машина ўқийдиган маълумотлар	

Чипга қуйидаги маълумотлар киритилади:

ҳаракатланиш ҳужжатининг эгаси тўғрисидаги биографик маълумотлар;	эгасининг рақамли сурати;	паспорт эгасининг қўл бармоқлари излари — 16 ёшга етганидан кейин.
--	------------------------------	---

Харакатланиш ҳужжатида қайдлар киритилади.



2-савол: Ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва ундан фойдаланиш тартиби.

Ҳаракатланиш ҳужжати қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ва берилади:

1. фуқаролиги бўлмаган шахс хорижга чиқаётганда;
2. фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ҳаракатланиш ҳужжатлари билан ҳужжатлаштирилган шахсларнинг фарзанди Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилганида;
3. амал қилиш муддати тугаганида;
4. шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганида;
5. ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганда;
6. алоҳида маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлари ишлатилиб бўлинганида;
7. суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатилганида;
8. ҳаракатланиш ҳужжати бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;
9. ҳаракатланиш ҳужжати йўқотиб қўйилганида.

Ҳаракатланиш ҳужжати эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганлиги ёки ёзувларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштирилади, фуқаролиги бўлмаган шахс маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Агар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётганида ҳаракатланиш

хужжатининг амал қилиш муддати бир йилдан камроқ вақтни ташкил этса, ушбу хужжат алмаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш хужжатини олиш ва алмаштириш учун ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдаги маълумотларни йиғиш пунктига қуйидагиларни тақдим этади:	
➔	белгиланган шаклдаги ариза;
➔	илгари берилган ҳаракатланиш хужжати;
➔	фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилиши учун берилган гувоҳномаси ёки ID-картаси;
➔	туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун);
➔	ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаролиги бўлмаган шахсга (вояга етмаганлар учун) хорижга чиқиши учун нотариал тасдиқланган розилиги;
➔	фуқаролиги бўлмаган шахсга (вояга етмаганлар учун) ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти;
➔	35 x 45 мм ўлчамдаги 2 та фотосурат;
➔	давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция.
15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда хорижга кузатувчисиз чиқиши мумкин.	



Вояга етмаган фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳаракатланиш хужжатини расмийлаштиришда қуйидаги ҳолларда ота-оналардан бирининг розилиги талаб қилинмайди:

- 1) ота-онанинг бири вафот этганида (вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим этилган тақдирда);
- 2) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан берилган ёлғиз она тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлганда;
- 3) агар боланинг ота-онасидан бири чет эл фуқароси бўлса;
- 4) ота-оналардан бири суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганида (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);
- 5) ота-оналардан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганда (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);
- 6) ота-оналардан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);
- 7) агар ота-оналардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўчирилганда ва хорижда доимий яшаётганда.

Ушбу масала юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида чиққан ҳар қандай низолар суд тартибида ҳал қилинади. Ота-оналардан бири ўз боласининг хорижга чиқишига рози бўлмаган тақдирда, унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. 16 ёшга тўлмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), ушбу шахсларни хорижга юбораётган ташкилотларнинг вакиллари тегишли аризалар билан мурожаат қиладилар. Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган хужжатлар асосида аризачининг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги (16 ёшдан катта шахслар учун) **қўл бармоқ изларини йиғади**, шахсни олд томонидан рақамли форматда **суратга олади** ва ҳаракатланиш хужжатини расмийлаштириш учун талабнома тузиб,

сўнг ДПМга жўнатади. Маълумотларни йиғиш пункти фуқаролиги бўлмаган шахсга янги ҳаракатланиш ҳужжати бериш чоғида илгари берилган ҳужжатни олиб қўяди ва уни йўқ қилиш учун ДПМга жўнатади. ДПМ фуқаролиги бўлмаган шахснинг тайёр ҳаракатланиш ҳужжатини ДФХ орқали ҳужжат расмийлаштириш учун талабнома жўнатган маълумотларни йиғиш пунктига ёки дипломатик каналлар орқали маълумотларни йиғиш пунктларига етказиб бериш учун Ташқи ишлар вазирлигига топширади. Маълумотларни йиғиш пунктлари эса ҳаракатланиш ҳужжатларини эгаларига беришни таъминлашлари керак. 16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати уларнинг ота-оналарига, васийлари (ҳомийлари)га, ҳаракатланиш ҳужжати бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилган ташкилотларнинг вакилларига берилади.

Назарда тутинг: Агар фуқаролиги бўлмаган шахс қўл бармоқ излари олинанишидан бош тортса ва кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти унга ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштиришни рад этиш ҳуқуқига эга

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларида доимий консуллик рўйхатига олинган ва вақтинча Ўзбекистон Республикасида бўладиган фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳаракатланиш ҳужжатини олиш ва алмаштириш учун Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этадилар. Хорижга доимий яшаш учун белгиланган тартибда чиққан, аммо консуллик муассасасида рўйхатга олинмаган ва Ўзбекистон Республикасида бўлган пайтларида ҳаракатланиш ҳужжатларини йўқотиб қўйган фуқаролиги бўлмаган шахслар сўнгги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойларидаги маълумотларни йиғиш пунктларига мурожаат этадилар. Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқотиб қўйган тақдирда бу ҳақда ўз вақтида уни берган маълумотларни йиғиш пунктига хабар бериши лозим. Мазкур маълумотларни йиғиш пункти қонунда назарда тутилган чораларни кўрганидан кейин янги ҳаракатланиш ҳужжатини беради. Фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлат фуқаролигини олган тақдирда ҳаракатланиш ҳужжатини кейин ДПМга йўқ қилиш мақсадида топшириш учун ўзлари келган жойдаги маълумотларни йиғиш пунктига топширишлари шарт. Топиб олинган ҳаракатланиш ҳужжати ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасига топширилиши лозим.

Вафот этган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идорасига топширилади. Хорижда вафот этган фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан Ташқи ишлар вазирлигига жўнатилади. Ушбу идоралар эса ҳужжатни йўқ қилиш учун ДПМга юборади. Ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати суриштирув, тергов идоралари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Агар шахс суднинг ҳукми билан қамокда қолдирилса, унинг ҳаракатланиш ҳужжати Жазони ижро этиш Департаментига жўнатилади. Шахс қамокдан озод этилганида ёки жазо муддатини ўтаб бўлгач, унга ҳаракатланиш ҳужжати тергов, суд идоралари ёки жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан қайтарилади. Ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг муддати ўтган ҳаракатланиш ҳужжатлари белгиланган тартибда йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пунктига жўнатилади. Текшириш, верификация (солиштириб ўқиш) жараёнида ноаниқликлар ёки

чегара (миграция) белгилари, хорижий визалар, рухсатнома ёзувлари қалбакилаштирилгани аломатлари аниқланган, белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган ҳаракатланиш ҳужжатлари тегишли вазирликлар ва идораларга жўнатиш учун чегара назорати бўлинмалари томонидан олиб қўйилиши мумкин. Мажбуриятни бажариш мақсадида ҳаракатланиш ҳужжатини гаров сифатида қабул қилиш ва топшириш тақиқланади.

Қуйидаги ҳолларда ҳаракатланиш ҳужжати ўз кучини йўқотади.

➔	амал қилиш муддати тугаганида;
➔	ҳаракатланиш ҳужжати бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;
➔	суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилганида;
➔	эгаси бирор-бир давлат фуқаролигини қабул қилганида;
➔	уни расмийлаштириш чоғида атайлаб ёлғон маълумотлар тақдим қилинганида.

Штамплар ва бланкалар намуналари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланади.

Ҳаракатланиш ҳужжатини бериш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда давлат божи ёки консуллик йиғимлари ундирилади.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (ёнғин, жойларнинг кулаши) юз берганлиги оқибатида ҳаракатланиш ҳужжати йўқолганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этган шахс **жавобгарликка тортилмайди**. Бунда, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан шахс бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатни аризага илова қилади, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар юз берганлиги ҳолатини тасдиқлаш зарурати бўлганда, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан сўров асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатли идоралардан маълумотнома олинади.

Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига янги ҳаракатланиш ҳужжати бериш тартиби:- Қидирувда бўлган айбланувчи ёки судланувчи республика ҳудудида ушланган тақдирда суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган ҳаракатланиш ҳужжати ички ишлар органлари ёки чегара назорати бўлинмалари томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилади ва унга ҳаракатланиш ҳужжати олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади. Вақтинча хорижда бўлган суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномасини олиш учун консуллик муассасасига мурожаат этганда унинг ҳаракатланиш ҳужжати олиб қўйилади ва унга бу ҳақида далолатнома берилади. Олиб қўйилган ҳаракатланиш ҳужжати йўқ қилиш учун Ташқи ишлар вазирлиги орқали маълумотларни йиғиш пунктига юборилади. Суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчига ёки судланувчига янги ҳаракатланиш ҳужжати маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида берилади.

Янги ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ➔ белгиланган шаклдаги ариза;

→ процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақида тасдиқланган қарор нусхаси;

→ давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция.

Суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Тергов ҳибсхоналари ёки вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсга янги ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш ушбу шахслар сақланаётган жойга борган ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик:
→ фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган ҳаракатланиш ҳужжатидан фойдаланганлиги,
→ ҳаракатланиш ҳужжатини атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлиги,
→ эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлиги;
→ фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг ҳаракатланиш ҳужжатларидан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганлиги, сўнг уларни йўқотиб қўйганлиги тўғрисида ариза берганлиги,
→ бошқа шахсларга тегишли ҳаракатланиш ҳужжатларидан фойдаланганлиги;
→ ғаразли ёки бошқа мақсадларда ҳаракатланиш ҳужжатиغا эғалик қилганлиги, уни йўқ қилганлиги, яроқсиз ҳолга келтирганлиги, яширганлиги.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларида олган билимларини мустақил таълим жараёнида “Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати” мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ- 4262- сонли Фармони 2-иловасини тўлиқ ўргананиш ва конспект қилиш.

Назорат учун саволлар.

1-савол. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати қандай ҳужжат ҳисобланади?

2-савол. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига янги ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби.


3-савол. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик:

6-мавзу: Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти, “**Блиц-сўров**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади. “Блиц-сўров” (инглизча “блиц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (тингловчи)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:



Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти тингловчилар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин. Ўқитувчи “Блиц-сўров” методини турли кўринишда машғулотларда қўллаши мумкин. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ.

Қуйида “**Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати**” мавзуси асосида жадвал келтирилади:

“Блиц-сўров” жадвали

Саволлар		Жавоблар
1.	фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати	
2.	Чип?	
3.	Персоналлаштириш?	
4.	Верификациялаш?	
5.	Маълумотларни йиғиш пункти?	
6.	ҳаракатланиш ҳужжати олиш учун талабнома?	
7.	ҳаракатланиш ҳужжатини бериш муддатлари?	
8.	ҳаракатланиш ҳужжати берилади?	

7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Маъруза (2 соат)


Режа:

1-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

2-савол: Фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

1-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3924-сон қарорини ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрда 845-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида" Низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби ушбу Низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.



Фуқаролар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойлари ва (ёки) вақтинча турган жойлари бўйича рўйхатга олинishi шарт. Агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаганлиги фуқарога хизмат кўрсатишни рад этиш учун асос деб ҳисобланиши мумкин эмас. Фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари шарт. Туғилган бола фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан унга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш чоғида отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилига идоралараро электрон ҳамкорлик орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқаро ота-онаси ёки васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган манзилда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга оlinishi шарт. Фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш хизматлари уларга қулай бўлган

МваФРБ, Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг вилоят ҳудудининг муайян жойида яшаш ёки вақтинча бўлиш ҳолатини аниқлашни назарда тутди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божи ундирилади. Давлат божи суммаси тақсимланганда 10 фоизи —Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади ва маблағлар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ва ходимларни рағбатлантиришда фойдаланилади. Фуқаролар доимий рўйхатга ўтишни расмийлаштириш учун ўзларига қулай бўлган ИИОнинг МваФРБга ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари ёхуд ЯИДХПдан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаро Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- 1) мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаса;
- 2) Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификация ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Қуролли Кучлар контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
- 3) никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ **«Манзил» тизими**га киритилмаган ҳолларда, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат асосида янги яшаш жойидаги МваФРБ томонидан «Манзил» тизимига киритилади. Доимий рўйхатга олинаётган вояга етмаганлар аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг доимий рўйхатга олинмаганлиги тўғрисидаги электрон маълумотномаси асосида рўйхатга олинади. Тақдим этилган ҳужжатлар текширилиб, шу куннинг ўзида МваФРБ ва Давлат хизматлари маркази масъул ходими томонидан доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан **электрон сўровнома шакллантирилади**. Фуқаронинг сўровига кўра доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда, **ҚР-СОДЕ билан ҳимояланган қайд варағи** тақдим этилади ёки ариза берувчининг электрон манзилига юборилиб, шу куннинг ўзида ариза берувчи бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилинади. Мулкдор ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.



Уй-жой кодекси 42-моддасига асосан, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ҳар бир киши ҳисобига **ўн олти квадрат метрдан** кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса – **йигирма уч квадрат метрдан** кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Қуйидаги фуқароларни доимий рўйхатга олишда, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди:

эр-хотин	бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;
ота-оналар, фарзандлар	бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;
бобо-буви, неваралар	бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;
васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар — васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;	
вояга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг рўйхатга олинган уй-жой майдонига;	
доимий рўйхатга олинган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар — бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;	
илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган фуқаролар — олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;	
озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар — олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;	
муддатли ҳарбий хизмат тугагандан сўнг Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ҳарбий хизматчилар — олдинги истиқомат жойига, ота-онаси ёки бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига.	

Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жой майдонига доимий рўйхатга олинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли бўлган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади. Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь, Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин. Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу

Конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

Доимий рўйхатга олиш учун мулкдор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровнома қуйидаги ҳужжатларга асосан электрон шаклда тўлдирилади: - мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти, идентификация ID-картаси ёки ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Қуролли Кучлар контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки идентификация ID-картаси.

ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг мулкдор уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан ёки Мобил-ИД тизими орқали тасдиқлайди. Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, ваколатли орган томонидан зарур бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали олинади. **Назарда тутиш:** Тақдим этилган ҳужжатларнинг ва сўровномадаги маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслиги, нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, чун давлат божи тўламаслик доимий рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади. Доимий рўйхатга олишнинг рад этилиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.



Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда;
2. мулкдорнинг аризасига кўра — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар;
3. мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;
4. суднинг фуқарони уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида;
5. фуқаро қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганда;
6. сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда — суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;
7. умрбод озодликдан маҳрум қилинганда — суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;
8. вафот этганда — ФХДЁ органининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосида.
9. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг доимий рўйхатини бекор қилиш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.



Мулкдорлар фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлигини бекор қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ИИО МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) мулкдор (мулкдорлар)нинг ёки қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетган шахснинг эркин тарзда ёзилган аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаса;

2) уй-жойга эгалик қилишини тасдиқловчи ва Низомнинг 16-бандига асосан рўйхатга олишни бекор қилиш учун асос ҳисобланадиган ҳужжат.

3) Фуқаро хорижга доимий яшашга кетаётганда, фуқародан қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек, агар биргаликдаги никоҳдан вояга етмаган болалари бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса — вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхаси талаб этилади.

Доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган фуқаро ёзма равишда огоҳлантирилади. Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг бир кун ичида бекор қилинади.

Қуйидаги маълумотлар идоралараро маълумот алмашиш тизими орқали олинади (агар улар тизимда мавжуд бўлса):

1) туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлик, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар — «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;

2) уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар — кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан;

3) васийлик ва ҳомийликни ҳамда патронатни тасдиқловчи маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг электрон базасидан.



Доимий рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йиғмажилдларга тикилади ҳамда МваФРБда беш йил давомида сақланади. Доимий рўйхатга олишни бекор қилиш рад этилган тақдирда, фуқарога шу куннинг ўзида асослантирилган жавоб хати берилади. Фуқаронинг паспортида мавжуд бўлган олдинги яшаш манзили бўйича доимий рўйхатга олинганлиги **штамп асосида бекор қилинади.**

2-савол: Фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Фуқарони вилоятларда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш фуқаронинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида ёки солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ **бир йилдан ортиқ бўлмаган** муддатда амалга оширилади. Доимий

рўйхатга олинмаганлик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди. Вилоятлардаги жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган фуқарони вақтинча рўйхатга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан шу куннинг ўзида бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида **«Е-меҳмон»** автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш орқали амалга оширилади. Вилоятларда вақтинча рўйхатдан ўтиш учун фуқаро келган кунидан бошлаб **ўн беш кун** муддатда хоҳишига кўра, ўзига қулай манзилдаги МваФРБга ёки Давлат хизматлари марказларига ёки ЯИДХП орқали мустақил равишда ҳисобга туриш учун мурожаат қилиши мумкин. Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинган ҳолларда, турар жой эгаси номидан Давлат хизматлари маркази ходими томонидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда сўровнома электрон тарзда тўлдирилади.

Сўровнома қуйидаги ҳужжатларга асосан тўлдирилади:

- 1) мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки идентификация ID-картаси;
- 2) ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки идентификация ID-картаси;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
- 4) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.
- 5) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, ваколатли орган томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинади.
- 6) Давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, мулкдорнинг розилиги талаб этилмайди ва сўровнома вақтинча рўйхатдан ўтувчи фуқаро томонидан тўлдирилиши мумкин.

Мулкдор (мулкдорлар) номидан нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ҳаракатланаётган шахслар фуқарони вақтинча рўйхатга олиш учун МваФРБга мурожаат қилади. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ИД ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Назарда тутиш: Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши (кадастр рақами, паспорт, ID-карта маълумотлари, нотариал тасдиқланган розилик хати), шунингдек, давлат божини тўламаслик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Давлат хизматлари марказларида сўровнома тўлдирилгач, ИИВга (ваколатли орган) электрон тизим орқали юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади. Сўровнома ваколатли органнинг электрон тизими ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига келиб тушган вақтда онлайн тарзда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан уй-жой ва фуқаро ҳақидаги

маълумотлар текширилади. Аниқланган маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бир кун ичида идоралараро маълумот алмашиш орқали тақдим этилади. Текшириш натижасига кўра вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида ҚР-СОДЕ билан ҳимояланган қайд варағини тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади. Давлат хизматлари маркази қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни фуқаронинг электрон манзилига юборади ва бу ҳақда уни шу куннинг ўзида уни хабардор қилади. Фуқаронинг сўровига кўра вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи қоғоз шаклда мурожаат қилинган Давлат хизматлари маркази томонидан тақдим этилади. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасида ахборот алмашиш электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат ҳимояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун МваФРБга мурожаат қилган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:	
1.	мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;
2.	мулкдор ва вақтинча рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки идентификация ID-картаси;
3.	ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки идентификация ID-картаси;
4.	Қуролли Кучлари контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
5.	ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.
6.	Солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) талаб этилмайди.
7.	Вилоятларга республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, ушбу банднинг иккинчи хатбошидаги ҳужжатлар талаб этилмайди.



Тегисли ҳужжатлар (низомнинг 32-банди) тўлиқ тақдим этилгандан кейин МваФРБ инспектори, шу куннинг ўзида ариза берувчига вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини беради. Қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий

гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ўн олти ёшгача) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

МваФРБ инспектори вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта вақтинча рўйхатга олиш тартибини

ва ариза топшириш муддатини тушунтиради. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсни вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришда, унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади. Рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки идентификация ID-картасига вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида белги қўйилмайди. Вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олинган фуқаро рўйхатга олинган манзилида яшаши керак.

Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар турар жойи (уй-жой майдони) бўйича вақтинча рўйхатга олинади. Бунда таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35x45 мм ўлчамли иккита фотосурат) ва таълим муассасаси томонидан турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий МваФРБга тақдим этилади. Ўқиш вилоятдан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлатилган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт.

Назарда тутинг: Низомнинг 32-бандида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади. Фуқароларни вилоятларда вақтинча рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, МваФРБ инспектори томонидан **хулоса** тузилади. Ушбу хулоса МваФРБ бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак. Вақтинча рўйхатга олишнинг рад этилиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин. Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолган ёки бузилган тақдирда, фуқаро тегишли МваФРБга ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг йўқолиш ёки бузилиш ҳолатларини кўрсатиб, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш ҳақидаги аризани тақдим этади. МваФРБ инспектори аризада кўрсатилган жойда ушбу фуқаронинг вақтинча рўйхатга олиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда, ариза берувчига шу куннинг ўзида вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштиради. Қайд варағининг дубликати фуқаро томонидан ЯИДХП орқали электрон шаклда ҳам олиниши мумкин. Вақтинча рўйхатга олиш таълим муассасаси раҳбарияти ва иш берувчининг билдиришномаси, мулкдор ёки фуқаронинг аризасига асосан бекор қилинади. МваФРБ инспектори мулкдорнинг аризаси асосида ёки таълим муассасасининг билдиришномаси асосида фуқаронинг вақтинча рўйхатга олинганлигини бекор қилади. Ички ишлар органи таянч пунктининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширадилар.

Фуқаролардан Низомда кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги

қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисобланади. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга доимий ва вақтинча рўйхатга олиш **қатъиян тақиқланади**. Фуқарони доимий ва вақтинча рўйхатга олишда, унинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларига оид маълумот давлат реестри базасидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация ва (ёки) солиқ тўловчининг идентификация рақамлари орқали олинади. Мазкур рақам орқали тегишли маълумотнинг олиниши имкони бўлмаганда, фуқародан кадастр рақамини тақдим қилиш талаб этилади. Нотурар жой биноларга фуқароларни доимий ва вақтинча рўйхатга олиш **тақиқланади**. Корхона, ташкилот ёки ўқув муассасаларига тегишли уй-жойлар, ётоқхоналарга фуқароларни доимий рўйхатга олиш ҳамда турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиш мазкур корхона, ташкилот ёки ўқув муассасасининг рухсат хати (розилиги) асосида амалга оширилади. Вилоятларда доимий рўйхатга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган мулкдор турар жой майдони берилган кундан бошлаб **ўн беш кун** мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2018 йил 22 октябрдаги ВМҚ-845-сонли қарорини тўлиқ ўрганиш ва конспект қилиш.

Назорат учун саволлар.



1-савол. Фуқарони яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олиш нима учун зарур?

2-савол. Фуқарони Давлат хизматлари маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқарони яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олиш тартиби?

3-савол. Доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш тартиби?

7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Семинар (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти, **“Тоифалаш жадвали”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда методлардан фойдаланиш қуйидагича кечади:

1.	Тингловчиларни методлар моҳияти билан таништириш
2.	Кичик гуруҳларга мавзудан жадвал, тоширик ва тестлар берилади
3.	Топшириқни бажариш учун вақт (10-15 дақиқа) берилади
4.	Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи тингловчиларнинг ечимларини таҳлил қилиб баҳолайди
5.	Ўқитувчи таҳлил натижаларини эълон қилиб боради
6.	Ўқитувчи тингловчиларнинг натижаларини баҳолаб машғулотни якунлайди

«Тоифалаш жадвали» усули

Фуқаро вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) МваФРБга қандай хужжатларни тақдим этади:	Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги қандай ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади

ИЗОХ: Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Амалий машғулот (2 соат)

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ариза бериш тартиби

2-савол. Фуқарони доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида электрон сўровнома тўлдириш.

8-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш ва бекор қилиш тартиби

2. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиш тартиби

1-ўқув саволи: Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш ва бекор қилиш тартиби








Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» 2019 йил 19 февралдаги ПҚ-4193-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга паспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чоратadbирлари тўғрисида» 1049-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низом 1а-иловага мувофиқ тасдиқланди. мазкур қарор билан тасдиқланган низомларга мувофиқ давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам кўрсатилишини таъминлаши белгиланди. Унга асосан фуқаролар 2021 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга туриш юзасидан ўзларига қулай бўлган туман (шаҳар) ИИОлари ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, Республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассисларга ва тор ихтисосликдаги мутахассисларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш учун асосланмаган илтимосномалар берганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилган. Фуқароларни яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда уй-жой мулкдорларининг шахсан иштироки талабини бекор қилиш ҳамда ҳужжатларни уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш тизимини жорий этиш белгиланди. Фуқаролар янги яшаш жойига келганда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддатини ўн кунгача узайтириш, турган жойи бўйича рўйхатга олишда ФХДЁ идоралари томонидан берилган гувоҳномалар тўғрисидаги

маълумотларни электрон тизим орқали ФХДЁнинг ягона архивидан олиш тизимини жорий этиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги **низом** Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгилайди. Агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фуқаронинг доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтмаганлиги унга хизмат кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан **ўн беш кун** ИИО МваФРБ, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари шарт. Туғилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (ФХДЁ) томонидан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилаётганда, у отаси ёки онасининг доимий рўйхатга олинган манзилида идоралараро автоматлаштирилган тизим орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади. 16 ёшга тўлмаган фуқаро унинг ота-онаси ёки васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган манзилда доимий ёки вақтинча рўйхатга олиниши шарт. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божи «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорларда ундирилади. 10 фоизи ИИВнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тушади.

Фуқаролар «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган фуқаролар тоифалари рўйхатига мувофиқ доимий рўйхатга олинади.

	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати	
1		Қонунчиликка мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга.
2		Қариндошлар — ўзларининг тўғри шajara бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига ёки хусусий мулки бўлган бошқа уй-жой майдонига 
3		Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) болалар — васий (ҳомий), тутинган ота-она доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига
4		Ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар — ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига. 

5		Эр (хотин) — хотини (эри) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига
6		Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда. 
7		Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — улар Тошкент вилоятида бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда.
8		Илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида 
9		Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган , тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).
10		Қонунчиликка мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари). 
11		Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).
11 ¹		Тошкент шаҳрида (вилояти)да жойлашган давлат ҳокимияти органларида, давлат бошқаруви органларида, хўжалик бирлашмаларида ва бошқа давлат ташкилотларида беш йил мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари), шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган болалари) 
12		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПК-694-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).

Изоҳ: 1. Мазкур Рўйхатнинг **2** (бундан хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган фарзандлари ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки)

илгариги никоҳидан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалар мустасно), **3, 5, 9 — 12-бандларига** мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, башарти Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилса, амалга оширилади, бундан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ҳоллар мустасно.



Назарда тутиш: Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

Фуқаролар доимий ёки вақтинча рўйхатга ўтишни расмийлаштириш учун тегишинча Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшаб турган жойларига яқин бўлган МваФРБ ва Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари ҳамда ЯИДХПдан фойдаланишлари мумкин. Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали рўйхатнинг 1, 6 ва 7-бандларига мансуб фуқаролар доимий рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларга риоя этилиши шарт.



Уй-жой кодекси 42-моддасига асосан, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ҳар бир киши ҳисобига **ўн олти квадрат метрдан** кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса — **йигирма уч** квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Низомнинг 31-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.



Фуқаролар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниш учун **МваФРБга:-** уй-жой мулкдорининг аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса, доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картасини рўйхатнинг 1-12 бандалар бўйича тақдим этишади. Бундан ташқари яна:-

Уй-жойга эга бўлган фуқаролар - рўйхатнинг 1-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.

Рўйхатнинг 1 ва 8-бандлари асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 5-бандлари асосида доимий рўйхатга олинади.

Қариндошлар — рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

2) доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси.

3) Вояга етмаган шахснинг хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига унинг қариндошларини доимий рўйхатга олиш ота-онасининг ёки васийнинг (ҳомийнинг) розилиги асосида ҳал этилади.

Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ:

1) васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахснинг паспорти, ID-картаси ёхуд туғилганлик гувоҳномаси;

2) васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Назарда тутиш: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ:

1) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар;

2) тиббий-меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси (меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун).

Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун).

Назарда тутиш: Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ доимий рўйхатга олинадиган фуқароларнинг олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган фарзандлари (ўз оиласига эга бўлмаган) Рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий рўйхатга олинади. Никоҳи хорижий давлатда қайд этилган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонунчилиги ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади. «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (1993 йил 22 январь, Минск) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан ушбу давлатлар қонунчилиги ҳужжатлари талаблари асосида тасдиқланган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан тақдим этиладиган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Рўйхатнинг 7-8 бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Рўйхатнинг 9-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

3) Олий Мажлисининг палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Президент билан келишилган ҳолда лавозимларга сайлаш, тайинлаш, тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

Рўйхатнинг 10-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

3) Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганлик тўғрисидаги маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

3) Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг Низомга **2-иловага** мувофиқ шаклда ишга таклиф этилаётган фуқарони (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) доимий рўйхатга олиш тўғрисидаги электрон илтимосномаси электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, прокуратура ёки адлия органларига ишга қабул қилинган (контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган) ёки ўтказилган тақдирда, ишга қабул қилинаётган (контракт бўйича ҳарбий хизматга кираётган) шахсни (ходимни, ҳарбий хизматчини) доимий рўйхатга олиш тўғрисидаги электрон илтимоснома мазкур органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам имзоланиши мумкин.

Рўйхатнинг 11¹-бандига мувофиқ:

1) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

3) тегишли орган ёки ташкилот маълумотномаси.

Мутахассиснинг илгари давлат ҳокимиятининг бошқа органларида, давлат бошқаруви органларида, хўжалик бирлашмаларида ишлаганлиги доимий рўйхатга олишда узлуксиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр деб инобатга олинади. Бунда мутахассиснинг рўйхатдаги орган ва ташкилотнинг

биридан бошқасига ишга ўтган оралиқ муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Мутахассисларнинг асосий лавозимлари ва касблари классификатори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Рўйхатнинг 12-бандига мувофиқ:

- 1) ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
- 2) болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган турар жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган турар жойни белгиланган тартибда хусусий мулк қилиб олганда, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олганда улар Рўйхатнинг 1- бандига асосан доимий рўйхатга олинади.



Қуйидаги маълумотлар идоралараро маълумот алмашинуви тизими орқали олинади (агар улар тизимда мавжуд бўлса):

➔ **туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлиги, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар** — «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;

➔ **уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар** — кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан;

➔ **васийлик ва ҳомийликни ҳамда патронатни тасдиқловчи маълумотлар** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг электрон базасидан.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли бўлган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ **нотариал тартибда тасдиқланган розилиги** талаб этилади. Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин. Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ **апостиль белгиси** орқали тасдиқланиши мумкин.

Такдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилиб, фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, **шу куннинг ўзида** доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади. Фуқаронинг сўровига кўра, шу куннинг ўзида доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда ҚР-СОДЕ билан ҳимояланган қайд варағи такдим этилади. Паспорт ёки ID-карта олинганда, алмаштирилганда, бу ҳақдаги маълумотлар «Манзил» тизимида масъул ходим томонидан янгиланади. Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, МваФРБ томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали олинади.

Назарда тутинг: Такдим этилган ҳужжатларнинг ва сўровномадаги маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслиги, уларда нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, доимий рўйхатга олиш учун давлат божи тўламаслик доимий рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Доимий рўйхатга олишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ «Манзил» тизимига киритилмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойидаги МваФРБ томонидан «Манзил» тизимига киритилиши шарт. Рўйхатнинг **2-банди** асосида доимий рўйхатга олинаётган вояга етмаганлар аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг доимий рўйхатга олинмаганлиги тўғрисидаги электрон маълумотномаси асосида рўйхатга олинади.

Эслаб қолинг: Рўйхатнинг **9 — 12-бандлари** бўйича доимий рўйхатга олинган фуқаролар ва улар билан бир вақтда доимий рўйхатга олинмаган оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига мулкдор розилиги билан тегишинча Рўйхатнинг **9 — 12-бандлари** бўйича доимий рўйхатга олинади.

МваФРБ томонидан доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий мудрофаа ишлари бўлимларига реал вақт режимида электрон тизим орқали юборилади.

Мулкдор (мулкдорлар) ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Қуйидаги фуқароларни доимий рўйхатга олишда Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги **қоидалар қўлланилмайди:-**

1) эр-хотин — бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

2) ота-оналар, фарзандлар — бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

3) бобо-буви, неваралар — бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

4) васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар — васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

5) балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

6) Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар — бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

7) илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар — олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

8) озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар — олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

9) муддатли ҳарбий хизмат тугагандан сўнг Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ҳарбий хизматчилар — олдинги истиқомат жойига, ота-онаси ёки бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига.



Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда;
2. мулкдорнинг аризасига кўра — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар;
3. мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;
4. суднинг фуқарони уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида;
5. фуқаро қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганда;
6. сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда — суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;
7. умрбод озодликдан маҳрум қилинганда — суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;
8. вафот этганда — ФХДЁ органининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосида

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг доимий рўйхатини бекор қилиш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Мулкдор (мулкдорлар) фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлигини бекор қилиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

1. мулкдорнинг ёки хорижга доимий яшашга кетган шахснинг эркин тарзда ёзилган аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаса;
2. уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ва Низомнинг 16-бандига асосан рўйхатга олишни бекор қилиш учун асос ҳисобланадиган ҳужжат.
3. Фуқаро хорижга доимий яшашга кетаётганда, фуқародан қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз ота-онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек, агар биргаликдаги никоҳдан вояга етмаган болалари бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ

турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса — вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхаси талаб этилади.

Доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган фуқаро ёзма равишда огоҳлантирилади. Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг бир кун ичида бекор қилинади. Доимий рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йиғмажилдларга тикилади ҳамда МваФРБда **беш йил** давомида сақланади. Доимий рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, фуқароларга шу куннинг ўзида асослантирилган жавоб хати берилади. Фуқароларнинг паспортида мавжуд бўлган олдинги яшаш манзили бўйича доимий рўйхатга олинганлиги штамп асосида бекор қилинади.

2- савол: Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиш тартиби

Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича фуқаронинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида ёки солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ **бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга** вақтинча рўйхатга олинади. Доимий рўйхатга олинмаганлик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган фуқаролар ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келган заҳоти бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида **«Е-меҳмон»** автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш орқали вақтинча рўйхатга олинади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун фуқаро келган кунидан бошлаб **ўн беш кун** муддатда хоҳишига кўра, ўзига қулай манзилдаги **МваФРБга** ёки **Давлат хизматлари марказларига** шунингдек **ЯИДХП** орқали мустақил равишда ҳисобга туриши мумкин. Мулкдор номидан нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ҳаракатланаётган шахслар фуқарони вақтинча рўйхатга олиш учун МваФРБга мурожаат қилади.



Вақтинча рўйхатдан мурожаат қилган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- 1) мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаро паспорти, ID-картаси;
- 2) 16 ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик гувоҳномаси;
- 3) Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
- 4) ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;
- 5) мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса.

Назарда тутинг: Солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) талаб этилмайди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, кишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, ушбу банднинг олтинчи хатбошисидаги ҳужжатлар талаб этилмайди. Мулкдор томонидан турар жой майдони бериш тўғрисидаги ариза (розилиги) билан бирга ҳисобга туриши лозим бўлган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим қилинганда, ушбу фуқароларнинг шахсан ўзлари келиши талаб этилмайди. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин МваФРБ инспектори тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шу куннинг ўзида аризачига вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини беради. Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

МваФРБ инспектори вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта вақтинча рўйхатга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради. 16 ёшга тўлмаган шахсни вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади. Рўйхатга олинаётган фуқаронинг پاسпорти ёки ID-картасига вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида белги қўйилмайди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳисобга қўйилган фуқаро вақтинча рўйхатга олиш жойида яшаши керак.

Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар турар жойи (уй-жой майдони) бўйича вақтинча рўйхатга олинади.

Бунда:- ҳудудий МваФРБга

1) таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

2) шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35x45 мм ўлчамли иккита фотосурат);

3) таълим муассасаси томонидан турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади.

Назарда тутинг: Ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади. Фуқароларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиниши рад этилган тақдирда, МваФРБ инспектори томонидан **хулоса** тузилади. Ушбу хулоса МваФРБ бошлиғи томонидан **тасдиқланади**, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак. Вақтинча рўйхатга олишни рад этилиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин. Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолган ёки бузилган тақдирда, фуқаро тегишли МваФРБга ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш ҳақидаги аризани тақдим этади. МваФРБ инспектори аризада кўрсатилган жойда ушбу

фуқаронинг вақтинча рўйхатга олиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда, ариза берувчига шу куннинг ўзида вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштиради. Қайд варағининг дубликати фуқаро томонидан ЯИДХП орқали электрон шаклда ҳам олиниши мумкин.

Вақтинча рўйхатга олиш таълим муассасаси раҳбарияти ва иш берувчининг билдиришномаси, мулкдор ёки фуқаронинг ташаббуси билан бекор қилинади. МваФРБ мулкдорнинг аризаси ёки таълим муассасасининг билдиришномаси асосида фуқаронинг вақтинча рўйхатга олинганлигини бекор қилади. Ўқиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлатилган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт. Иш берувчи мавсумий ишчилар билан шартнома бекор қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича ҳисобга қўйилган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт. Ички ишлар органи таянч пунктининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари доимий рўйхатга олиш масаласи бўйича ички ишлар органига юбориладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавоб беради. Фуқаролардан Низомда кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга доимий ва вақтинча рўйхатга олиш қатъиян тақиқланади. Фуқарони доимий ва вақтинча рўйхатга олишда унинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларига оид маълумот давлат реестри базасидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами орқали олинади. Мазкур рақам орқали тегишли маълумотни олиш имкони бўлмаганда, ***фуқародан кадастр рақамини тақдим қилиш талаб этилади.*** Фуқароларни нотурар жой биноларга доимий ва вақтинча рўйхатга олиш тақиқланади. Корхона, ташкилот ёки ўқув муассасаларининг тасарруфидаги уй-жойлар, ётоқхоналарга фуқароларни Рўйхатнинг 6 — 8-бандларига асосан доимий рўйхатга олиш ҳамда турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиш мазкур корхона, ташкилот ёки ўқув муассасасининг ***рухсат хати (розилиги)*** асосида амалга оширилади. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган мулкдор турар жой майдони берилган кундан бошлаб, ***ўн беш кун мобайнида*** ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида доимий ва вақтинча рўйхатга олиш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган ***рухсатнома*** ҳам тақдим этилади. Фуқарони доимий ва вақтинча рўйхатга олиш, доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ***ишончнома*** асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари асосида доимий ёки вақтинча рўйхатга олинганидан сўнг МваФРБ томонидан тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) мудофаа ишлари

бўлимига электрон тизимда сўровнома юборилади. Мудофаа ишлари бўлими мазкур сўровнома асосида ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олади ва ҳарбий ҳисобдан чиқариш тўғрисида олдинги ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимига хабарнома юборади. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини тақдим этмаслик доимий рўйхатга олишни рад этишга асос бўлади. Бир нечта уйга ёки квартирага эга бўлган мулкдор улардан фақат биттасига доимий рўйхатга олиниши мумкин.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби ” мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 1049-сон қарори тўлиқ ўрганиш ва конспект қилиш.

Назорат учун саволлар.

1-савол. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қандай?

2-савол. Қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жойга эга бўлган фуқароларни доимий рўйхатга олиш муддатлари?

3-савол. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божини ундириш тартиби.

8-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Семинар (2 –соат)

Ушбу ўқув машғулотини “*Ақлий ҳужум*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги суҳбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчининг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.



Ақлий ҳужум саволлари:

1-савол. «Манзил» тизимининг «ягона дарча» тамойили асосида тўлиқ ишлашини таъминлаш қандай амлаг оширилади?

2-савол. Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш ва (ёки) вақтинча турган жойлари бўйича рўйхатдан ўтишлари тартиби қандай?

3-савол. Қариндошлар – деганда кимлар тушунилади?

4-савол. Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар - васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олиними?

5-савол. Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жойга доимий рўйхатга олиш тартиби.

6-савол. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиш тартиби.

8-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Амалий машғулот (2 соат)

Режа:

1-савол. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш ва бекор қилиш тартибини ҳужжатлаштириш.

9-Мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тошкент шаҳри ва тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Маъруза – 2 соат

Режа:

1. Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатнома беришнинг ўзига хос жиҳатлари.

2. Республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олишнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси ва доимий рўйхатини бекор қилишнинг янги тартиб тамойиллари.



1-савол. Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатнома беришнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 593-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Ушбу Низом бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома бериш ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

Низомнинг қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ сайёҳлик ва электрон виза билан, 60 кунгача Ўзбекистон Республикасига визасиз келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбиқ этилмайди.

Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшашга рухсатнома бериш, шунингдек, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга олинган жойида яшашлари лозим.

Низомнинг 1-иловага мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифаларининг рўйхатида (кейинги ўринларда - Рўйхат) назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга.

Рўйхатда назарда тутилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

Тошкент шаҳрида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёҳуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қўйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар олувчи томон - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

- Тошкент шаҳрида 2016 йил 7 октябрга қадар, шунингдек, Рўйхатнинг 1, 4, 5 ва 8-бандларига мувофиқ доимий рўйхатга олинган бўлса;

- Рўйхатнинг 2, 3, 6, 7 ва 9-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган ва камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) бўлса.

Тошкент вилоятида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёҳуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қўйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар олувчи томон — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

- Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида 2016 йил 7 октябрга қадар, шунингдек, Рўйхатнинг 1, 4, 5 ва 8-бандларига мувофиқ доимий рўйхатга олинган бўлса;

- Рўйхатнинг 2, 3, 6, 7 ва 9-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида доимий рўйхатга олинган ва камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) бўлса.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан келган ҳамда бу ҳудудларда доимий яшашга рухсатнома берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган, нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 3300 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулкни банк ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда сотиб олишлари мумкин.

Суд қарорларини ижро этиш тартибида турар жой ёҳуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мол-мулкни кимошди савдолари орқали

сотишга ёхуд уни давлат ижрочисининг натурадаги сотилмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги таклифи бўйича қарзни ундирувчига — гаровни сақловчига бериш, агар олувчи томон тегишли равишда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, йўл қўйилади.

Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган Рўйхатнинг 2 - 9-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жойга эга бўлган тақдирда, улар ўз хохишларига кўра ушбу турар жойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий рўйхатга олинишлари мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларини кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик ҳамда доимий рўйхатга олганлик «Давлат божи тўғрисида»ги учун Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик учун давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

8 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

92 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

Доимий рўйхатга олганлик учун давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

90 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларига) доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик ҳамда доимий рўйхатга олганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатнома бериш тартиби. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий яшашга рухсатнома олиш учун бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган (кейинги ўринларда - вақтинча рўйхат) манзилдаги МваФРБга мурожаат қилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган (Рўйхатнинг 1-банди) чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Низомнинг 2-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;

35x45 мм ўлчамли иккита фотосурат.

Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсатнома берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида ҳужжат топширишлари мумкин.

Қариндошлар - ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, неваралар бобо ва бувилари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдони (Рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса) туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Эр (хотин) хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдони, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган (Рўйхатнинг 3-банди) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар никоҳ хорижий давлатда тузилган бўлса) никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўз васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган уй-жой майдони (Рўйхатнинг 4-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- васийлик ёки ҳомийликни ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Рўйхатнинг 4-бандига асосан доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатлардан келган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтса, унинг турмуш ўртоғининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниши Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар - ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдони (Рўйхатнинг 5-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса) туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

- ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома (агар фуқаролар хорижда вафот этган бўлса) ёки ота-онасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори нусхаси.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этиладиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 6-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса) никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг Низомнинг 3-иловага мувофиқ почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юбориладиган илтимосномаси.

Ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ва уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 7-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса) никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома.

Хорижий инвестор ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 8-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса) никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- киритилган инвестициялар ҳақида қуйидаги маълумотномалардан бири:

- а) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан берилган маълумотнома;

б) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган маълумотнома.

Ватандош ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 9-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса) никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Ўзбекистон Республикасига «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирганидан кейин (1992 йил 28 июль) келган ҳамда республика ҳудудида узоқ вақтдан бери собиқ СССР паспорти билан яшаётган ёки уни йўқотиб қўйган, шунингдек, ҳужжатларга эга бўлмаган (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) ва Рўйхатга кирмаган шахс шахсини тасдиқловчи ҳужжат олиш учун яшаш жойидаги МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- собиқ СССР паспорти ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ушбу ҳужжатлар бўлмаганда, ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

- Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар (агар мавжуд бўлса);

- 35x45 мм ўлчамли тўртта фотосурат.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнг бир иш кунида МваФРБ томонидан ариза топширган шахсга Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда бир йил муддатга маълумотнома берилади.

Мазкур маълумотнома амал қилиш муддати мобайнида эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, республика ҳудудида ҳаракатланиш, вақтинча яшаш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (кейинги ўринларда - ФХДЁ) ҳужжатни расмийлаштириш, қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, таълим муассасаларида таҳсил олиш учун асос бўлади.

Низомнинг 21-бандида кўрсатилган шахс Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризасини (розилигини) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризасини (розилигини) тақдим этади.

Рўйхатга кирмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта, агар улар хорижга доимий яшашга кетиш истагини билдирса, ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштириб берилади.

Ҳужжатлар қабул қилиб олинганидан кейин МваФРБ раҳбари ўз резолюциясида ариза берувчини Рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий яшашга рухсатнома олиш мумкинлигини кўрсатади, икки ҳафта ичида уларни

расмийлаштиради, ариза берувчининг шахсига оид маълумотларни базадан текширади. Рўйхатнинг 8-бандига бандига мансуб чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс мурожаат қилганда, киритилган инвестициялар ҳақидаги маълумотларни текширади.

ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ариза берувчига доир маълумотларни сўраб олади ҳамда ҳужжатларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаларига (ИИББ МваФРБ) юборади, улар тақдим этилган ҳужжатларни уч иш куни ичида текширади ва материалларни тегишли ваколатли органга юборади.

ИИББ МваФРБ тегишли ваколатли органнинг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда хулоса тайёрлайди ва тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига (ИИВ МваФРББ) якуний хулоса қабул қилиш учун юборади, Рўйхатнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

ИИВ МваФРББ ушбу масалани ҳал қилиш давомида тегишли ваколатли органнинг фикрини сўрайди. Зарур ҳолларда эса ариза берувчининг шахсини, бошқа давлат фуқаролигига мансублигини аниқлаш мақсадида халқаро шартнома мавжуд бўлган хорижий давлатнинг ваколатли органига сўровнома юбориши мумкин. Халқаро шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, сўровнома ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилади.

ИИВ МваФРББ тегишли ҳужжатлар келиб тушган (сўровномага жавоб олинган) кундан бошлаб бир ой муддат ичида хулоса чиқаради ҳамда ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. ИИВ МваФРББ хулосага доир материалларни тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида ИИББ МваФРБга юборади.

ИИВнинг ижобий хулосаси олингач, ИИББ МваФРБ икки иш кунида ҳужжатларни тегишли МваФРБга чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун юборади.

Рўйхатнинг 8-банди бўйича ҳужжат топширган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда, ИИББ МваФРБ ўн кун муддатда ИИВ МваФРББ билан келишмасдан хулоса чиқаради.

ИИББ МваФРБнинг ижобий хулосаси бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга белгиланган тартибда доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш ва бериш учун асос ҳисобланади.

МваФРБ ИИББ МваФРБдан ҳужжатларни қабул қилиб олгач, уч иш кунида доимий яшашга рухсатнома берилганлиги тўғрисида ариза берувчининг электрон манзили орқали хабар беради.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун МваФРБга миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати ёхуд Низомнинг 4-иловасига мувофиқ маълумотномани тақдим этади.

МваФРБ чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта расмийлаштириб бергач, шу куннинг ўзида Низомнинг 5-иловага мувофиқ доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг сўровига кўра, Рўйхатнинг 1 ва 5-бандларига асосан ҳамда Низомнинг 21-бандида

кўрсатилган шахсга доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда Низомнинг 6-иловага, Рўйхатнинг 2, 3, 4, 6, 7 ва 9-бандларига асосан доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда Низомнинг 7-иловага, Рўйхатнинг 8-бандига асосан доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда Низомнинг 8-иловага мувофиқ QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағи (қайд варағи) тақдим этилади.

Рўйхатнинг 8-банди бўйича доимий рўйхатдан ўтган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатсиз бўлиш ва яшаш ҳуқуқи берилади.

Бир вақтнинг ўзида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тушунтирилади ҳамда бу ҳақида ундан Низомнинг 9-иловага мувофиқ тилхат олинади.

Ушбу фуқароларни доимий яшашга рухсатнома олиш тартиби Низомнинг 10-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги муносабати билан доимий рўйхати бекор қилингандан сўнг бир йил ичида республикадан чиқиб кетмаса, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаган тақдирда, олдинги яшаган жойи бўйича ёки республиканинг бошқа ҳудудига тегишли МваФРБ томонидан доимий яшашга рухсатнома расмийлаштирилади.

Бунинг учун ушбу фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга республикадан чиқиб кетмаганлиги сабабини тўлиқ кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса.

МваФРБ ариза берган фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш учун Низомнинг 33-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан сўнг бир кунда ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасига сўровнома юборади. ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасидан жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ҳудудий ички ишлар органи раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган хулоса асосида белгиланган тартибда фуқаролиги бўлмаган шахсга доимий яшашга рухсатнома расмийлаштириб берилади.

Доимий яшашга рухсатнома расмийлаштирилган чет эл фуқароси ва у билан бирга доимий рўйхатга олинган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг миллий паспортига Низомнинг 11-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Чет эл фуқароси учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, аммо миллий паспортнинг амал қилиш санасидан ошмаган муддатга берилади. Чет эл фуқароси 60 ёшга тўлганидан кейин яшаш гувоҳномаси миллий паспортнинг амал қилиш муддатига берилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга у 60 ёшга тўлганидан кейин эса муддатсиз берилади.

Рўйхатнинг 8-бандида назарда тутилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси - 10 йил муддатга, бироқ миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати беш мартагача Низомнинг 36, 37 ва 38-бандларида белгиланган муддатларга узайтирилади, шундан кейин у алмаштирилади.

ID-картани бериш, алмаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификациялаш ID-картаси тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

ИИВ томонидан ижобий хулоса қабул қилинган ва айни пайтда уй-жой мулкдори томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек, ариза берувчи ёки уй-жой мулкдори хабардор қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ичида ариза берувчи доимий яшашга рухсатнома расмийлаштириш учун мурожаат қилмаса, МваФРБ хулосани ижро қилиш имконияти йўқлигини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, уч иш кунида ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини ИИББ МваФРБ орқали ИИВ МваФРБга юборади.

ИИВ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса билан аввалги ижобий хулосани бекор қилади. Хулоса ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ИИББ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги қарор тегишлича Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ИИББ ёхуд ИИВ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, ҳужжатлар уч иш кунида МваФРБга қайтарилади, МваФРБ эса бир сутка ичида ушбу қарорни ариза берувчига етказди.

Доимий яшашга рухсатнома бериш қўйидаги ҳолларда рад этилади:
давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса;

шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлғон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий яшашга рухсатнома олишга уй-жой мулкдори томонидан рад жавоби берилса.

2-савол. Республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 январдаги “Хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 7-сон қарори қабул қилинди.

Хужжат билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш учун гувоҳномаларни олиш тартибини соддалаштириш ва аризаларни онлайн-тизим орқали кўриб чиқишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек бошқа давлатлардан:

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшашга рухсатнома бериш ҳақида аризани кўриб чиқиш 98 кундан 68 кунга, кўриб чиқиш босқичлари эса 10 тадан 8 тага қисқармоқда;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатнома бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати 128 кундан 68 кунга, кўриб чиқиш босқичлари эса 11 тадан 8 тага қисқармоқда.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 09.01.2023 йилдан кучга кирди.

Рўйхатда назарда тутилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш истагини билдирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойларидаги МваФРБга ариза билан мурожаат қилади.

МваФРБ ариза топширилгандан сўнг бир иш кунида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий рўйхатга олиш истагини билдирган Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги МваФРБга (тегишли МваФРБ) электрон тизим орқали Низомнинг 12-иловага мувофиқ шаклда сўров юборади.

Тегишли МваФРБ сўров қабул қилингандан сўнг уч иш кунида мурожаат қилувчининг Рўйхатга мувофиқлигини ҳамда уй-жой ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Низомнинг 13-иловага мувофиқ шаклда жавоб хати юборади.

МваФРБ ижобий жавоб олган тақдирда, бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдини тегишли МваФРБга жўнатади.

Тегишли МваФРБ шахсий йиғма иш жилдини олгач, бу ҳақида бир иш кунида ариза берувчининг электрон манзилига хабар юборади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хабарни олгандан сўнг тегишли МваФРБга мурожаат этиб, белгиланган тартибдаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган (Рўйхатнинг 1-банди), республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олиш учун тегишли МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- Низомнинг 14-иловага мувофиқ шаклда ариза;
- яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий рўйхатга олинади.

Қариндошлар - ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, неваралар бобо ва бувилари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатдан ўтиш учун МваФРБга Низомнинг 50-

бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса) (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Эр (хотин) хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатдан ўтиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (агар никоҳ хорижда тузилган бўлса) (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўз васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 4-банди) доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- васийлик ёки ҳомийликни ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар - ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 5-банди) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

- ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома (агар фуқаролар хорижда вафот этган бўлса) ёки ота-онасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори нусхаси.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этиладиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 6-банди) бўлган, республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг Низомга 3-иловага мувофиқ почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юбориладиган илтимосномаси.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган республиканинг бошқа ҳудудларидан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс, шунингдек, унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари), (Рўйхатнинг 7-банди) доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома.

Хорижий инвестор ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 8-банди) доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- киритилган инвестициялар ҳақидаги қуйидаги маълумотномалардан бири:

а) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан берилган маълумотнома;

б) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган маълумотнома.

Ватандош ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 9-банди) доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга Низомнинг 50-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан **ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Республиканинг бошқа ҳудудларидан келадиган 16 ёшга тўлмаган шахсларни Рўйхатнинг 1, 2, 4 ва 5-бандлари асосида доимий рўйхатга олиш туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин МваФРБ томонидан бир иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда ариза берувчи Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда Низомнинг 5-иловага мувофиқ доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади.

МваФРБ раҳбари ёки унинг ўринбосари ўз резолюциясида ариза берувчини Рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий рўйхатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг сўровига кўра, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида 2016 йил 7 октябрга қадар доимий рўйхатга эга бўлганда ёки Рўйхатнинг 1 ва 5-бандларига асосан доимий рўйхатга олинаётганда Низомга 6-иловага, Рўйхатнинг 2, 3, 4, 6, 7 ва 9 бандларига асосан доимий рўйхатга олинаётганда Низомнинг 7-иловага, Рўйхатнинг 8-бандига асосан доимий рўйхатга олинаётганда Низомнинг 8-иловага мувофиқ қайд варағи тақдим этилади.

Ушбу фуқароларни доимий яшашга рухсатнома олиш тартиби Низомнинг 15-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудуди бўйлаб бошқа манзилга доимий рўйхатдан ўтиш учун чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳудудий МваФРБга Низомнинг 50-бандига кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- вояга етмаганлар учун туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудуди бўйлаб бошқа манзилга доимий рўйхатга олиш тартиби Низомнинг 61 ва 62-бандларига асосан амалга оширилади.

Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ Манзил тизимида киритилмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойидаги МваФРБ томонидан Манзил тизимида киритилади.

Рўйхатнинг 2-банди асосида доимий рўйхатга олинаётган вояга етмаганлар аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг доимий рўйхатга олинмаганлиги тўғрисидаги электрон маълумотномаси асосида рўйхатга олинади.

Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жой майдонига доимий рўйхатга олинади.

3-савол. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси ва доимий рўйхатини бекор қилишнинг янги тартиб тамойиллари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганида;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар у уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча хорижга чиққан фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса ёки хорижда уни алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

чет эл фуқароси миллий паспортини амал қилиш муддати тугагандан сўнг олти ой давомида уни алмаштирмаса ёки ўз давлати фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этмаса;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўровига асосан;

агар шахс яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани олаётганда ёки уни узайтириш ва алмаштиришда, ўзи ва қариндошлари ҳақида ёлғон маълумот берганда, керакли ҳужжатларни тақдим этмаганда ёки қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим этганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилганда;

суднинг доимий яшаш рухсатномасини бекор қилиш, бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорига асосан;

вафот этганда - ФХДЁ органининг ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки маълумотномаси асосида.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганда бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилган чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси ушбу шахс доимий рўйхатга олинган МваФРБга топширилади.

Низомнинг 17-банди асосида доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарининг МваФРБга тақдим этилган билдиришномаси асосида бекор қилинади.

Агар чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий рўйхатга олиниши учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, МваФРБ уч иш куни мобайнида доимий яшашга рухсатномани бекор қилиш учун шахсий йиғма иш

жилдини ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали ИИБ МваФРББга юборади ҳамда бу ҳақда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни огоҳлантиради.

ИИБ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ички ишлар вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарорни бекор қилади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Низомнинг 69-бандига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсатнома бекор қилинишидан бош тортган тақдирда, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида қолиши учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган республика ҳудудида жойлашган бошқа давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органига, хўжалик бирлашмасига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотига ишга ўтиши;

конун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга эга бўлиши;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган турмуш ўртоғи билан бирга яшаётган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий рўйхатга олинганлиги қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олинган уй-жой мулкдорининг аризасига кўра - Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалари асосида;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;

мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

суднинг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида;

сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда - суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганда - суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;

бекор қилиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилганда.

Низомнинг 56-банди асосида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий рўйхати тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарининг МваФРБга тақдим этилган билдиришномаси асосида бекор қилинади.

МваФРБ, агар ушбу чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсда доимий рўйхат учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки унинг аризасига кўра доимий рўйхатини бекор қилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс рўйхати бекор қилиниши юзасидан ариза ёзишдан бош тортган тақдирда, унинг доимий рўйхати ҳудудий МваФРБ томонидан тайёрланган хулоса асосида бекор қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбари илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга эга бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимини доимий рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган бошқа орган ёки ташкилотга ишга ўтган тақдирда, унинг доимий рўйхатга олинганлиги бекор қилинмайди.

Бунинг учун чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бир ой муддат ичида бошқа орган ва ташкилотга ишга қабул қилинганлиги ҳақида иш жойидан берилган маълумотномани МваФРБга тақдим этиши лозим.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хорижий давлатга рўйхатдан чиқиш учун доимий рўйхатга олинган жойидаги МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- Низомнинг 16-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;
- яшаш гувоҳнома ёки ID-карта;
- фуқаролиги бўлмаган шахснинг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжати.

Ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга Низомнинг 17-иловага (16 ёшга тўлмаганлар учун Низомнинг 18-иловага) мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга хорижий давлатга кетиш учун ҳужжатни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

МваФРБ хорижий давлатга кетиш учун ариза берган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун ариза берилган кундан сўнг бир иш кунида ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасига сўровнома юборади.

МваФРБ бир вақтнинг ўзида хорижга кетаётган фуқаролиги бўлмаган шахс (фақат 18 ёшдан катта бўлганлар) тўғрисидаги маълумотларни ўз фикрини билдириш учун электрон тизим орқали ваколатли органга юборади.

ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ҳамда ваколатли органдан чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни хорижий давлатга рўйхатдан чиқиш учун тўсқинлик қилувчи маълумотлар йўқлиги тўғрисида

маълумотнома келиб тушгандан сўнг МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга хабарнома юборади.

Хабарнома олгандан сўнг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- яшаш гувоҳнома ёки ID-карта;
- миллий паспорт.

МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани олиб қўяди ва рўйхатга олинганлигини ҳамда чет эл фуқаросининг миллий паспортидаги мажуд штампни Низомнинг 11-иловага мувофиқ бекор қилади.

Чет эл фуқаросини хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 7 иш кунидан, фуқаролиги бўлмаган шахсни ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 15 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Хорижга доимий яшашга кетаётган фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатиغا Низомнинг 19-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатини олганидан сўнг виза олиш учун тегишли давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли рўйхати бекор қилинганда, унинг мурожаати бўйича тегишли МваФРБ томонидан белгиланган тартибда улар республика ташқарисига чиқиб кетгунга қадар вақтинча рўйхатга олиниши мумкин.

Доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш бўйича нотариал тасдиқланган ишончномаси асосида бошқа шахс мурожаат қилганда ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови келиб тушганда, МваФРБ уч иш кунида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани олиб қилиб рўйхатдан чиқаради ҳамда бир иш кунида ишончли шахсга маълумотнома расмийлаштириб беради ёки сўровнома ижрочисига жавоб хати юборади.

Ҳақиқий бўлмаган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта билан бошқа манзилга рўйхатга олиш тақиқланади.

Хорижда бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий рўйхатини бекор қилиш бундан мустасно.

Рўйхатдан чиқарилганда ҳамда яшаш гувоҳнома ёки ID-карта ва доимий рўйхат бекор қилинганда ИИББ МваФРБ бир иш кунида муддатда «манзил» тизимига рўйхатдан чиқарилганлиги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Туғилганлиги, никоҳи хорижий давлатда қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонунчилиги талаблари асосида қонунийлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади.

«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда туғилганлиги, никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан ушбу давлатлар қонунчилиги

талаблари асосида тасдиқланган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида туғилганлиги, никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан тақдим этиладиган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

Низомга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

Хорижга вақтинча чиққан чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижда бўлган вақтда яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани амал қилиш муддати тугаган тақдирда ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ўзгарган бўлса, шунингдек, чет эл фуқаролигидан чиққан ёки қабул қилган ҳамда тегишли ёшга етган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келганидан сўнг уч иш кунидан кечиктирмай тегишли хужжатлар билан доимий рўйхатга олинган жойидаги МваФРБга мурожаат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бола ФХДЁ органлари томонидан унга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилаётганда, отаси ёки онасининг доимий рўйхатга олинган манзилига идоралараро автоматлаштирилган тизим орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади.

16 ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ота-онаси ёки васийсининг (ҳомийсининг) доимий (вақтинча) рўйхатга олинган манзилига доимий (вақтинча) рўйхатга олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасида туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлиги, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинади.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта алмаштирилганда, доимий рўйхатга олинганлик тўғрисидаги маълумотлар Манзил тизимида масъул ходим томонидан янгиланади.

Мулқдор ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатга олишда, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалари қўлланилмайди:

эр-хотин - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

ота-оналар, фарзандлар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

бобо-буви, неваралар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар - васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опасингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-

сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъий назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

доимий рўйхатга олинган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар - олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар - олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига.

Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари томонидан назорат қилинади.

Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади. Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом”ни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшашга рухсатнома бериш;

2. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

3. Тошкент шаҳрида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий яшашга рухсатнома олиш учун бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатидан ўтказиш тартиби;

6. Хорижий инвестор ва унинг оила аъзолари доимий яшашга рухсатнома олиш тартиби;


9- Мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тошкент шаҳри ва тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Семинар- 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:



Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:

1-муаммо. Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан оила қўриши, ишлаши ва Тошкент шаҳрида яшаши.

2-муаммо. Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритиши ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши.

3-муаммо. Вилоятда доимий яшовчи фуқаролиги йўқ шахснинг Тошкент шаҳрида доимий яшаши ва ишлаши.

4-муаммо «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ва уларнинг оила аъзолари доимий яшашга рухсатнома олиш тартиби;

10-мавзу: Ўзбекистон республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Маъруза 2- соат

Режа:

1. Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида.

2. Яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг янги тартиби жорий этилиши.



1-савол. Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Ушбу Низом бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат, хизмат, таълим олиш, даволаниш, зиёрат, дам олиш мақсадида ҳамда инвестор, «фахрий фуқаро», ватандош, сайёҳ, ишбилармон, хусусий меҳмон сифатида ёки спорт, маданият йўналишида вақтинча бўлишлари мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиномалари (МваФРБ), жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасалари орқали вақтинча рўйхатга олинадилар. Вақтинча рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга жисмоний шахс шахсий идентификация рақами рўйхатга олинган ҳудудий МваФРБ томонидан уларнинг ёзма мурожаатларига асосан берилади.

Вақтинча рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга олинган жойларида яшашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз ҳоҳишларига кўра жойлаштириш

воситаларида, даволаш муассасаларида ёки уй-жой майдонида таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларни хабардор қилган ҳолда яшайдилар.

Жисмоний ва юридик шахслар таклифисиз мустақил равишда Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар паспорт назоратидан ўтишдан олдин Низомда назарда тутилган талаблар ва жавобгарлик билан танишиб чиқадиладар.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ёнида паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати бўлиши ҳамда улар бу ҳужжатларни ваколатли органлар вакилларининг талабига мувофиқ тақдим этишлари шарт.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқолганлиги ҳақида қабул қилувчи ташкилотга ва ички ишлар органларига дарҳол хабар қилишлари лозим.

Сайёҳларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган соддалаштирилган тартибда текширилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ташкилотлардан бирининг таклифига мувофиқ келган ҳолларда, бошқа ташкилот ушбу фуқарога нисбатан мажбуриятларни ва Низомда назарда тутилган жавобгарликни ўзига олган ҳолда, уни ўз йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказиш ва унинг ҳудудида ҳаракатланиши учун рухсатномалар бериш тартиби Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлари билан, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тенглик асосларида ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тегишли равишда миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати билан вақтинча рўйхат асосида яшайдилар. Вақтинча рўйхатга олиш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириб келганларидан кейин ҳудудий МваФРБ ёки даволаш муассасаларига уч иш куни давомида, жойлаштириш воситаларига эса икки кун давомида мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

Вақтинча рўйхатга олинишнинг муддати чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси назорат-ўтказиш пункти орқали кириб келган санадан кейинги куннинг 00:01 соатидан бошлаб ҳисобланади.

Қуйидагилар вақтинча рўйхатдан озод қилинадиладар:

а) республикага Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига мувофиқ

келган хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, парламент ва ҳукумат делегацияларининг аъзолари, ушбу делегацияларнинг техник ходимлари, санаб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан берилган ҳужжатлар (қизил ва мовий рангли Laissez-Passer паспорти) бўйича Ўзбекистон Республикасига келган шахслар;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

г) 16 ёшга тўлмаган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

д) Ўзбекистон Республикасига байрам ва дам олиш кунларида ёки оддий кунларда уч иш кунигача бўлган муддатга келадиган ҳамда шу кунлар давомида республикадан чиқиб кетадиган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

е) саёҳат қилаётган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар уларнинг республиканинг ҳар бир аниқ аҳоли пунктида бўлиш муддати уч кундан ошмаса, уларнинг бўлганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан (хизматлардан фойдаланганлигини, товарлар харид қилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, фото ёки видеотасвирлардан) бири мавжуд бўлганда. Бунда битта аҳоли пунктида узлуксиз рўйхатдан ўтиш талаби қўйилмайди;

ж) Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда келган чет эл ҳарбий самолётлари (кемалари) экипажларининг аъзолари;

ҳарбий самолётлар (кемаларнинг) экипажлари аъзоларининг қирғоққа тушиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юришига ҳарбий самолётлар (кемалар) қабул қилиш режасига мувофиқ катта (ҳарбий) бошлиқ томонидан рухсат этилади;

з) халқаро йўлларда юк ва йўловчилар ташишни амалга оширувчи хорижий автотранспорт воситалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар, ташишларни амалга ошираётган йўналишларидаги шаҳарларда ва аҳоли яшаш жойларида, шу жумладан борадиган жойларида бўлган чоғларида;

и) ҳарбий бўлмаган чет эл кемалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар гарнизонларда ва чегара шаҳарларида бўлган чоғларида, бу шахслар уюшган ҳолда саёҳатга чиққан вақтларида эса, Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида ҳам. Чет эл фуқарolarининг кўрсатиб ўтилган тоифаларининг объектлардан чиқишларига портларда амалда бўлган қоидалар ва йўриқномаларга мувофиқ чегара қўшинлари вакиллари томонидан рухсат этилади;

к) халқаро авиация йўлларининг фуқаро ҳаво кемалари экипажлари, халқаро темир йўл поездлари бригадалари таркибига кирувчи шахслар, қатновнинг амалдаги жадвалида кўрсатилган аэропортларда ёки бекатларда бўлган чоғларида.

Чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти томонидан улар келиб жойлашган вақтда, қанча муддат бўлишларидан қатъи назар, «Е-теһмон» дастури ёрдамида;

б) чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни таклиф қилган (қабул қилаётган) ва уларга турар жой берган жисмоний шахслар томонидан:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, улар келиб жойлашган пайтда «E-mehmon» дастури ёрдамида ёки уч иш куни ичида ҳудудий МваФРБга мурожаат этиш орқали;

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошса, уч иш куни ичида ҳудудий МваФРБга мурожаат этиш орқали;

в) мустақил равишда саёҳат қилаётган, палаткали лагерларда ва тунаш учун жойлашиш воситасига айлантирилган ер транспортида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар келганларидан кейин икки кун мобайнида туристик-ахборот марказларига ёки яқин орадаги жойлаштириш воситаларига мурожаат қилиш йўли билан «E-mehmon» дастури орқали.

Жойлашган шахсларнинг ҳисоби жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан юритилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан ушбу талабнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

МваФРБ, жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари ҳамда фуқаролар томонидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали вақтинча рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ИИБ МваФРБда умумлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида чет эл фуқароларининг қуйидаги тоифалари аккредитация қилинади:

а) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг бошлиқлари ва ходимлари, ҳарбий атташелар, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари, уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва унинг ҳудудида доимий яшамайдиган уй ишчилари;

б) хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ва уларнинг оила аъзолари;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари бошлиқлари ва ходимлари, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари;

г) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган иқтисодий, техника ҳамкорлик ва гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг бошлиқлари ва ходимлари, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мазкур шахсларга аккредитация карточкалари берилади ҳамда бевосита уларнинг миллий паспортларига аккредитация ҳақида ёзиб қўйилади.

30 кунгача вақтинча рўйхатга олиш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар «E-mehmon» дастури орқали туристик йиғимни (меҳмонхона йиғимини) тўлайдилар ва унга қуйидаги маълумотларни киритадилар:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча рўйхатга олинадиган манзил ва уй-жой мулкдори (мулкдорлари) тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасини исми, туғилган санаси, кўчмас мулкнинг кадастр рақами, телефон рақами);

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасини исми (мавжуд бўлса), туғилган санаси, келишдан мақсади, виза тури, берилган санаси ва амал қилиш муддати, миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатининг серия ва рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати).

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни 30 кунгача ва ундан ортиқ муддатга вақтинча рўйхатга олиш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар ҳудудий МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;

кадастр ҳужжатларининг (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма) асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) ёзма аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат фаолияти билан шуғулланса, қабул қилувчи юридик шахснинг Низомнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланган шаклдаги талабномаси;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги маълумотлар - хорижий инвесторлар, улар томонидан чет эл фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) учун инвестиция лойиҳаси вилоят ҳудудида амалга оширилган тақдирда;

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома - «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) учун.

30 кунгача вақтинча рўйхатга олинганлик учун туристик (меҳмонхона) йиғими, 30 кундан ортиқ вақтинча рўйхатга олинганлик учун эса «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча рўйхат муддатини узайтириш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар вақтинча рўйхат муддати тугашидан олдин ҳудудий МваФРБга юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилишлари керак.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари)га давлат божи ундирилмасдан уч йил муддатгача вақтинча рўйхатга олиш расмийлаштирилади ва узайтирилади.

Ватандош ва унинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларига) Ўзбекистон Республикасига кўп маротабали кириш визаларини бериш ҳамда уларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» 2019 йилдаги 17 апрелдаги 326-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

МваФРБ ҳужжатларни расмийлаштирганидан кейин бир иш куни мобайнида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни «Е-тeнчoн» дастури ёрдамида вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиради ҳамда таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларга

Низомнинг

2-иловасига мувофиқ QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағини (қайд варағи) беради.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштириш тартиби Низомнинг 3-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Хорижий инвесторларни, улар томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар орасидан жалб этиладиган мутахассисларни ва уларнинг оила аъзоларини (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларини вақтинча рўйхатга олиш хорижий инвесторлар томонидан ушбу ҳудудда инвестиция лойиҳаси амалга оширилган ҳолларда, визанинг амал қилиш муддатига (улар учун халқаро шартномалар асосида визасиз режим ўрнатилган хорижий давлатлар фуқаролари учун - доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқишни талаб этмасдан 1 йил муддатга) амалга оширилади. Уларни вақтинча рўйхатга олишда МваФРБ томонидан Низомнинг 2-иловасига мувофиқ берилган қайд варағининг белгиланган бандига «INVESTOR» сўзи ёзилади.

Мазкур тоифадаги қайд варағи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатга олинмасдан бўлиш ва яшаш ҳуқуқини беради.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча рўйхатга олиниш муддати миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати ва виза муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Қайд варағи таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра, давлат тили ёки рус ва инглиз тилида расмийлаштирилади.

Қуйидагилар вақтинча рўйхатга олинишга тенглаштирилади:

а) сафарларнинг туроператор ва турагент томонидан ички ишлар органларига туристларнинг миллий паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати маълумотлари, ҳаракатланиш йўналишларининг схемалари, саёҳат қилиш вақтида тўхташ (тунаш) жойлари кўрсатилган рўйхатлари «E-mehmon» дастури ёрдамида электрон шаклда тақдим этилганда;

б) сафарлар туроператор ва турагент томонидан аҳоли пунктларидан ташқарида ташкил этиладиган тур доирасида экскурсия раҳбари, гид ва/ёки йўриқчи-бошловчи ҳамроҳлигида, бундай тур ёки унинг бир қисми 10 кундан ошмаган ҳолда амалга оширилганда;

в) сафарлар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан туроператор ва турагентнинг автотурини сотиб олган ҳолда шахсий автомобилда, мотоциклда, велосипедда, яёв ёки гуруҳ таркибида автобусда амалга оширилганда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча рўйхатга олинмасдан, Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддатдан ортиқ вақт давомида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига МваФРБнинг тегишли рухсатсиз жойлаштириш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, шунингдек, бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг маъмурияти, хусусий уй-жой эгалари ҳудудий ички ишлар органларига дарҳол хабар беришлари шарт.

Бундай шахсларни жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасасида вақтинча рўйхатга олиш фақат ички ишлар органларидан рухсат олингандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларида, шунингдек, хусусий уй-жойда яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма талабномалари ёхуд таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма мурожаатлари ёки виза режими қўлланилмайдиган, ёхуд виза беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган, учинчи шахсларнинг таклифисиз, аммо визанинг амал қилиш муддати доирасида келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ёзма аризалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштириш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жойлаштириш воситасига ёки даволаш муассасасига келган пайтда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинмаган чет эл фуқароларининг дипломатик паспортлари жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида Низомга мувофиқ вақтинча рўйхатга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуснинг белгиланган тартибда аккредитация қилинган, миллий паспорт ёки аккредитация карточкаси асосида жойлаштириш воситаларида яшаётган ва даволаш муассасасида бўлган аъзолари жойлаштириш воситаларининг ва даволаш муассасаларининг ҳисобга олиш дафтарлари ва карточкалари бўйича паспортлар ва аккредитация карточкаларига белги қўймасдан вақтинча рўйхатга олинадилар.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 15, 16, 17, 19, 20 ва 22-бандларида кўрсатилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ёки МваФРБда тегишли равишда аккредитация ёки визанинг амал қилиш муддати белгиланган тартибда узайтирилгандан кейин жойлаштириш воситаларида ёки даволаш муассасаларида вақтинча рўйхат муддати узайтириб берилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга МваФРБ орқали виза узайтирилгандан (стикердаги берилган санадан) сўнг таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар уч иш куни давомида ҳудудий МваФРБга, бир иш кунидан кечиктирмай эса жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасаларига вақтинча рўйхат муддатини узайтириш учун тегишли ҳужжатлар билан мурожаат қилиши лозим.

Вақтинча рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга даволаш муассасаларидан Низомнинг 4-иловасига мувофиқ карточка расмийлаштириб берилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари келганлар ҳақидаги маълумотни улар жойлашган вақтда «Е- mehmon» дастурига киритадилар.

2-савол. Яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг янги тартиби жорий этилиши.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг белгиланган тартибда сертификатсиз ва «E-mehmon» дастурисиз фаолият юритиши тақиқланади.

Таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар шу жумладан туроператор ва турагентлар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз вақтида тушунтириб берилишини таъминлайдилар, шунингдек, уларни Низомга мувофиқ вақтинча рўйхатдан ўтишни, бўлиш муддатини узайтиришни, республика ҳудудида ҳаракатланишини ҳамда ўзларига белгилаб берилган бўлиш муддати тугагач, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини таъминлаш учун жавобгар бўладилар.

Бу шахслар томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой, транспорт воситалари бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Низом қоидалари бузилишига олиб келиши олдиндан маълум бўлган ҳолларда, ушбу шахсларнинг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой, транспорт воситалари беришига ёки бошқа хизматлар кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Ҳудудий ички ишлар органлари жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти, шунингдек, бошқа хусусий уй-жой эгалари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олиш талабларига риоя этилишини назорат қилади.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатга олиши доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилинмаган ҳолда, келган жойи бўйича уч кундан олти ойгача бўлган муддатга амалга оширилади.

Инвестор сифатида доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бошқа ҳудудларда вақтинча рўйхатга олиниши талаб этилмайди.

Жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасаларига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олиш улар келиб жойлашгандан кейин ушбу воситалар ва муассасаларнинг маъмурияти томонидан яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта ёхуд ҳаракатланиш ҳужжати асосида амалга оширилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари келганлар ҳақидаги ахборотни улар жойлашган вақтда «E-mehmon» дастурига киритадилар.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча рўйхатга олиниш учун бошқа ҳудудга келган кунидан бошлаб уч иш кунида ҳудудий МваФРБга мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта ёхуд ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома - 16 ёшга тўлмаган шахслар учун (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса);

кадастр ҳужжатларининг (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма) асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

агар чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс меҳнат фаолияти билан шуғулланса, юридик шахснинг Низомнинг 5-иловасига мувофиқ белгиланган шаклдаги талабномаси.

Вақтинча рўйхатга олинганлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

МваФРБ ҳужжатларни расмийлаштирганидан кейин бир иш куни мобайнида вақтинча рўйхатга олади ҳамда Низомнинг 6-иловасига мувофиқ қайд варағини беради.

Қайд варағи таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра, давлат тили ёки рус ва инглиз тилида расмийлаштирилади.

Бошқа ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларига ўқишга келган, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олиш МваФРБ томонидан бир ўқув йили даврига амалга оширилади. Улар бошқа таълим муассасасига ўқишга ўтган, академик таътил олган, таълим муассасасидан бўшатишга ёки вафот этган ҳолларда, ушбу муассасаларнинг раҳбарлари тегишли қарор қабул қилинган кунда вақтинча рўйхатга олган МваФРБни бундан хабардор қиладилар.

Таълим муассасаси раҳбарларининг билдириши асосида МваФРБ вақтинча рўйхатни бекор қилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олишни узайтириш МваФРБ томонидан кўриб чиқилади. Бунинг учун (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар вақтинча рўйхат муддати тугашидан олдин МваФРБга Низомнинг 38-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этадилар.

МваФРБ аризани қайд этгач, шунингдек, ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиргач, бир иш кунида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга вақтинча рўйхатни узайтиради ҳамда Низомнинг 5-иловасига мувофиқ қайд варағини беради.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши фақат таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма мурожаатлари асосида ички ишлар органларининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Қабул қилувчи ташкилотларнинг илтимосига кўра, чет эл фуқароларига кўп марта кириш ва ҳаракатланиш учун рухсатномалар берилиши мумкин.

Чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириш ҳамда ҳаракатланишга рухсат берилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ички ишлар органларининг талаби билан олдинги турар жойларига қайтишлари ёки бошқа пунктга боришлари шарт.

Ташки ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартиби, агар Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро келишувларда бошқача тартиб

назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама шартномалар билан ва тенглик асосида белгиланади.

МваФРБ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча рўйхатга олинганидан кейин шу куннинг ўзида уларнинг рўйхатини (электрон кўринишда) ҳудудий ички ишлар органининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимига юборади.

Ички ишлар органи профилактика (катта) инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда вақтинча яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт-виза режимига риоя этилишини махсус автоматлаштирилган электрон дастурдан фойдаланган ҳолда назорат қилиб борадилар.

МваФРБ томонидан расмийлаштириб берилган амалдаги қайд варағи йўқотиб қўйилганда ёки яроқсиз ҳолга келганда, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ёхуд таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахс бир иш кунида ҳудудий МваФРБга миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини тақдим этган ҳолда эркин шаклда ёзилган ариза билан мурожаат қилади.

МваФРБ аризани кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган қайд варағи ўрнига янгисини расмийлаштириб беради. Бунда давлат божи ундирилмайди.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, белгиланган муддатда вақтинча рўйхатга олинмаган, шунингдек, вақтинча рўйхатга олинган манзилида яшамаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақида уларга яшаш учун турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) бир иш куни ичида ҳудудий МваФРБни хабардор қилиши шарт.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча яшаш манзилларини республиканинг бошқа ҳудудига ўзгартирса, аввалги манзилларидан чиқиб кетганларидан сўнг уч иш кунидан кечикмай, ҳудудий МваФРБга, жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасаларига вақтинча рўйхатга олиш учун бевосита ёхуд таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахс орқали мурожаат этишлари лозим.

Республиканинг муайян манзилида вақтинча рўйхат асосида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг бошқа манзилида уч кундан ортиқ бўлиш истагини билдирсалар, амалдаги вақтинча рўйхат бекор қилинмасдан, бўлиш муддатига вақтинча рўйхатга олинадилар. Бунинг учун янги манзилдаги ҳудудий МваФРБга Низомнинг тегишлилиги бўйича 17 ва 38-бандларида белгиланган ҳужжатлар тақдим этилади.

Бунда янги манзилдаги вақтинча рўйхатга олиниш муддати аввалги вақтинча рўйхатга олиниш муддатидан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тасдиқланган режага асосан республика ҳудудида жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш қоидаларига риоя этишлари бўйича мониторинг ва профилактик тадбирлар ўтказиб борилишини ташкил этади ва назорат қилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахсларни Низом талабларига

риоя этишлари ички ишлар органлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида жойлардаги ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда назорат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сон қарорни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун МваФРБ томонидан давлат божи ундирилиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида чет эл фуқароларини аккредитация қилиш тартиби.

3. “Хорижий инвестор”, “Ватандош” ва «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва муддатини узайтириш тартиби.

4. Яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатга олиш тартиби.

5. Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби;

6. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби;

7. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш шакллари;

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтувчи чет эл фуқаролари;

9. Ўзбекистон Республикасида шахсий (хусусий) ишлар бўйича, фуқаро (шахс)ларнинг таклифлари билан бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш;

10. Ўзбекистон Республикасида шахсий (хусусий) ишлар бўйича, фуқаро (шахс)ларнинг таклифлари билан бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш муддатини узайтириш;


10-Мавзу. Ўзбекистон республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни ташкил этиш

Семинар - 2 соат

Ушбу ўқув машғулотини **“Савол-жавоб”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Ўқув машғулотини саволлари:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун МваФРБ томонидан давлат божи ундирилиши.

3-савол. Хорижий инвесторларни, улар томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар орасидан жалб этиладиган мутахассисларни ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш.

4-савол. Вақтинча рўйхатдан озод қилинадиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

5-савол. Ўзбекистон Республикасида шахсий (хусусий) ишлар бўйича, фуқаро (шахс)ларнинг тақлифлари билан бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш.

7. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаганда ва 30 кундан ошса уларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби;

8. Вақтинча рўйхатга олинишга тенглаштирилган.

11-Мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қорақалпоғистон республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Маъруза – 2 соат

Режа:

1. Бошқа давлатлардан вилоятга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшашга рухсатнома беришнинг ўзига хос жиҳатлари.

2. Республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вилоятда доимий рўйхатга олиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Вилоят ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси ва доимий рўйхатини бекор қилишда унга қаратиладиган жиҳатлар.



1-савол. Бошқа давлатлардан вилоятга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшашга рухсатнома беришнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) бошқа давлатлардан келган ва доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхатига мувофиқ бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома бериш ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига сайёҳлик ва электрон виза билан, 60 кунгача визасиз келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбиқ этилмайди.

Бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга вилоят ҳудудида доимий яшашга рухсатнома бериш

шунингдек, яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вилоят ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш (доимий рўйхат), ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари (МваФРБ) томонидан амалга оширилади.

Вилоятда доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга олинган жойида яшашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этишлари шарт.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик ҳамда доимий рўйхатга олганлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик учун давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

8 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

92 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

Доимий рўйхатга олганлик учун давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

90 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларига) доимий яшашга рухсатнома олиш учун ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик ҳамда доимий рўйхатга олганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Бошқа давлатлардан вилоятга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшашга рухсатнома бериш тартиби.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вилоят ҳудудига доимий яшашга рухсатнома бериш тартиби Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Вилоятда доимий яшашга рухсатнома олиш учун бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган (вақтинча рўйхат) манзилдаги МваФРБга мурожаат қилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган (Рўйхатнинг 1-банди) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;
- миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;
- 35x45 мм. ўлчамли иккита фотосурат.

Рўйхатнинг 1-банди асосида вилоятда доимий яшашга рухсатнома берилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида ҳужжат топшириши мумкин.

Қариндошлар - ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, неваралар бобо ва бувилари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Эр (хотин) хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонида, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган (Рўйхатнинг 3-банди) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (агар никоҳ хорижда тузилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўз васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 4-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- васийлик ёки ҳомийликни ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Рўйхатнинг 4-бандига асосан доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатлардан келган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтса, унинг турмуш ўртоғининг вилоятда доимий рўйхатга олиниши Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар - ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 5-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидагиларни тақдим этади:**

- туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

- ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома (агар ўлим хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этиладиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 6-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг Низомнинг 3-иловасига мувофиқ почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юбориладиган илтимосномаси.

Ходимларни вилоятда доимий яшашга рухсатнома олиш юзасидан илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс (Рўйхатнинг 7-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризасини (розилигини) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризасини (розилигини) тақдим этади.

Ватандош ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 8-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар ҳужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса) (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Хорижий инвестор ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 9-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар хужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- киритилган инвестициялар ҳақидаги қуйидаги маълумотномалардан бири:

а) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан берилган маълумотнома;

б) хўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган маълумотнома.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ва унинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 10-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг 8-бандида кўрсатилган хужжатлардан ташқари **қуйидаги хужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (агар хужжатлар хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

- «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома.

Ўзбекистон Республикасига «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирганидан кейин (1992 йил 28 июль) келган ҳамда республика ҳудудида узоқ вақтдан бери собиқ СССР паспорти билан яшаётган ёки уни йўқотиб қўйган, шунингдек, хужжатларга эга бўлмаган (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) ва Рўйхатга кирмаган шахс шахсини тасдиқловчи хужжат олиш учун яшаш жойидаги МваФРБга **қуйидаги хужжатларни тақдим этади:**

- собиқ СССР паспорти ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ушбу хужжатлар бўлмаганда, ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжат;

- Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар ва маълумотномалар (агар мавжуд бўлса);

- 35x45 мм ўлчамли тўртта фотосурат.

Низомнинг 19-бандида кўрсатилган хужжатлар тақдим этилган кундан сўнг бир иш кунида МваФРБ томонидан ариза топширган шахсга Низомнинг 4-иловага мувофиқ шаклда бир йил муддатга маълумотнома берилади.

Мазкур маълумотнома амал қилиш муддати мобайнида эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжат ҳисобланиб, республика ҳудудида ҳаракатланиш, вақтинча яшаш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (ФХДЁ органлари) хужжатни расмийлаштириш, қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, таълим муассасаларида таҳсил олиш учун асос бўлади.

Низомнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган шахс Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга Низомнинг

8-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризасини (розилигини) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризасини (розилигини) тақдим этади.

Рўйхатга кирмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта, агар улар хорижга доимий яшашга кетиш истагини билдирса, ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштириб берилади.

Ҳужжатлар қабул қилиб олинганидан кейин МваФРБ раҳбари ўз резолюциясида ариза берувчини Рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий яшашга рухсатнома олиш мумкинлигини кўрсатади, икки ҳафта ичида уларни расмийлаштиради, ариза берувчининг шахсига оид маълумотларни базадан текширади. Рўйхатнинг 9-бандига бандига мансуб чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс мурожаат қилганда, киритилган инвестициялар ҳақидаги маълумотларни текширади.

ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ариза берувчига доир маълумотларни сўраб олади ҳамда ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига (ҚР ИИВ МваФРБ) ёки вилоят ички ишлар бошқармасининг МваФРБга (ИИБ МваФРБ) юборади, улар тақдим этилган ҳужжатларни уч иш куни ичида текширади ва материалларни тегишли ваколатли органга юборади.

ҚР ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ тегишли ваколатли органнинг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда хулоса тайёрлайди ва тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига (ИИВ МваФРББ) якуний хулоса қабул қилиш учун юборади, Рўйхатнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

ИИВ МваФРББ ушбу масалани ҳал қилиш чоғида тегишли ваколатли органнинг фикрини сўрайди. Зарур ҳолларда эса ариза берувчининг шахсини, бошқа давлат фуқаролигига мансублигини аниқлаш мақсадида халқаро шартнома мавжуд бўлган хорижий давлатнинг ваколатли органига сўровнома юбориши мумкин. Халқаро шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, сўровнома ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилади.

ИИВ МваФРББ тегишли ҳужжатлар келиб тушган (сўровномага жавоб олинган) кундан бошлаб бир ой муддат ичида хулоса чиқаради ҳамда ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. ИИВ МваФРББ хулосага доир материалларни тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида ҚР ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБга юборади.

ИИВнинг ижобий хулосаси олингач, ҚР ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ икки иш кунида ҳужжатларни тегишли МваФРБга чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун юборади.

Рўйхатнинг 9-банди бўйича ҳужжат топширган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда ҚР ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ ўн кун муддатда ИИВ МваФРББ билан келишмасдан хулоса чиқаради.

ҚР ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБнинг ижобий хулосаси бошқа давлатлардан вилоятга келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга

белгиланган тартибда доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш ва бериш учун асос ҳисобланади.

МваФРБ ҚР ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБдан ҳужжатларни қабул қилиб олгач, уч иш кунида доимий яшашга рухсатнома берилганлиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун МваФРБга миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати ёхуд Низомнинг 4-иловасига мувофиқ маълумотномани тақдим этади.

МваФРБ чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга ID-карта расмийлаштириб бергач, шу куннинг ўзида Низомнинг 5-иловасига мувофиқ доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг сўровига кўра, Низомнинг 6-иловасига мувофиқ QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағи (қайд варағи) тақдим этилади.

Рўйхатнинг 9-банди бўйича доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Низомнинг 7-иловасига мувофиқ қайд варағи расмийлаштириб берилади. Мазкур қайд варағига эга чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатга олинмасдан бўлиш ва яшаш ҳуқуқини беради.

Бир вақтнинг ўзида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тушунтирилади ҳамда бу ҳақида ундан Низомнинг 8-иловасига мувофиқ тилхат олинади.

Вилоятда доимий рўйхатга олинган фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги муносабати билан доимий рўйхати бекор қилингандан сўнг бир йил ичида республикадан чиқиб кетмаса, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаган тақдирда, олдинги яшаган жойи бўйича ёки вилоятнинг бошқа ҳудудига тегишли МваФРБ томонидан доимий яшашга рухсатнома расмийлаштирилади.

Бунинг учун ушбу фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга республикадан чиқиб кетмаганлиги сабабини тўлиқ кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса.

МваФРБ ариза берган фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш учун Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан сўнг бир кунда ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасига сўровнома юборади. ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасидан жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ҳудудий ички ишлар органи раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган ҳулоса асосида белгиланган тартибда фуқаролиги бўлмаган шахсга доимий яшашга рухсатнома расмийлаштириб берилади.

Доимий яшашга рухсатнома расмийлаштирилган чет эл фуқароси ва у билан бирга доимий рўйхатга олинган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг миллий паспортига Низомнинг 9-иловасига мувофиқ штамп қўйилади.

ID-картани бериш, уни алмаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган

шахснинг идентификациялаш ID-картаси тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

ИИБ томонидан ижобий хулоса қабул қилинган ва айти пайтда уй-жой мулкдори томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек, ариза берувчи ёки уй-жой мулкдори хабардор қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ичида ариза берувчи доимий яшашга рухсатнома расмийлаштириш учун мурожаат қилмаса, МваФРБ хулосани ижро қилиш имконияти йўқлигини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, уч иш кунида ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини ҚР ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали ИИБ МваФРББга юборади.

ИИБ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса билан аввалги ижобий хулосани бекор қилади. Хулоса ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ҚР ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

Вилоятга бошқа давлатлардан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги қарор тегишинча ҚР ИИБ ва ИИБ ёхуд ИИБ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Вилоятга бошқа давлатлардан келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатномани бериш рад этилган тақдирда, ҳужжатлар уч иш кунида МваФРБга қайтарилади, МваФРБ эса бир сутка ичида ушбу қарорни ариза берувчига етказиши.

Доимий яшашга рухсатнома бериш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса;

шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида бида туриб ёлгон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий яшашга рухсатнома олишга уй-жой мулкдори томонидан рад жавоби берилса.

2-савол. Республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вилоятда доимий рўйхатга олиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 январдаги “Хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 7-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш учун гувоҳномаларни олиш тартибини соддалаштириш ва аризаларни онлайн-тизим орқали кўриб чиқишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек бошқа давлатлардан:

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшашга рухсатнома бериш ҳақида аризани кўриб чиқиш 98 кундан 68 кунга, кўриб чиқиш босқичлари эса 10 тадан 8 тага қисқармоқда;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатнома бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати 128 кундан 68 кунга, кўриб чиқиш босқичлари эса 11 тадан 8 тага қисқармоқда.

Доимий рўйхатдан ўтиш учун чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс вақтинча рўйхат жойидаги МваФРБга мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда ариза;
яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олинган манзилдаги МваФРБга электрон тизим орқали шахсий йиғма иш жилдини юбориш тўғрисида сўровнома юборади.

МваФРБ сўровномани олгач, бир иш кунида ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини тегишли МваФРБга жўнатади.

МваФРБ йиғма иш жилдини олгач, бу ҳақида бир иш кунида ариза берувчини хабардор қилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хабарни олгач, уч иш кунида МваФРБга Низомнинг 37-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

- вояга етмаганлар учун туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

МваФРБ бир иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилиб Низомнинг 5-иловасига мувофиқ доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади.

Фуқаронинг сўровига кўра, доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганидан сўнг тегишлича Низомнинг 7 ва 8-иловаларига мувофиқ қайд варағи тақдим этилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг вилоят ҳудудида шаҳар-туманлараро доимий рўйхатга олиш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ Манзил тизимига киритилмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойидаги МваФРБ томонидан Манзил тизимига киритилади.

Рўйхатнинг 2-банди асосида доимий рўйхатга олинаётган вояга етмаганлар аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг доимий рўйхатга олинмаганлиги тўғрисидаги электрон маълумотномаси асосида рўйхатга олинади.

Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жой майдонига доимий рўйхатга олинади.

3-савол. Вилоят ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси ва доимий рўйхатини бекор қилишда унга қаратиладиган жиҳатлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганида;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар у уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча хорижга чиққан фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса ёки хорижда уни алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

чет эл фуқароси миллий паспортини амал қилиш муддати тугагандан сўнг олти ой давомида уни алмаштирмаса ёки ўз давлати фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этмаса;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўровига асосан;

агар шахс яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани олаётганда ёки уни узайтириш ва алмаштиришда, ўзи ва қариндошлари ҳақида ёлғон маълумот берганида, керакли ҳужжатларни тақдим этмаганида ёки қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим этганида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилганида;

суднинг доимий яшаш рухсатномасини бекор қилиш, бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорига асосан;

вафот этганда - ФХДЁ органининг ўлим ҳақида гувоҳнома ёки маълумотномаси асосида.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганда бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилган чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси ушбу шахс доимий рўйхатга олинган МваФРБга топширилади.

Низомнинг 14-банди асосида доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий яшашга рухсатномаси тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарининг МваФРБга тақдим этилган билдиришномаси асосида бекор қилинади.

Агар чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий рўйхатга олиниши учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, МваФРБ уч иш куни мобайнида доимий яшашга рухсатномани бекор қилиш учун шахсий йиғма иш жилдини ИИВ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали ИИВ МваФРБга юборади

хамда бу ҳақда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни огоҳлантиради.

ИИБ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ички ишлар вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарорни бекор қилади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Низомнинг 49-бандига мувофиқ вилоятда доимий яшашга рухсатнома бекор қилинишидан бош тортган тақдирда, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида қолиши учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган республика ҳудудида жойлашган бошқа давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органига, хўжалик бирлашмасига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотига ишга ўтиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ вилоятда хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга эга бўлиши;

вилоятда доимий рўйхатдан ўтган турмуш ўртоғи билан камида беш йилдан буён бирга яшаётган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий рўйхатга олинганлиги қуйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий рўйхатга олинган уй-жой мулкдорнинг аризасига кўра - Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалари асосида

мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

суднинг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида;

сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда - суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганда - суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми асосида;

бекор қилиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса.

Вилоят ҳудудида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хорижий давлатга рўйхатдан чиқиш учун доимий рўйхатга олинган жойидаги МваФРБга **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- Низомнинг 11-илласига мувофиқ шакл бўйича ариза;
- яшаш гувоҳнома ёки ID-карта;
- фуқаролиги бўлмаган шахснинг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжати.

Ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга Низомнинг 12-иловасига (16 ёшга тўлмаганлар учун Низомнинг 13-иловасига) мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Вилоят ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга хорижий давлатга кетиш учун ҳужжатни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил

5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

МваФРБ хорижий давлатга кетиш учун ариза берган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун бир иш кунида ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасига сўровнома юборади.

МваФРБ бир вақтнинг ўзида хорижга кетаётган фуқаролиги бўлмаган шахс (фақат 18 ёшдан катталар) тўғрисидаги маълумотларни ўз фикрини билдириш учун электрон тизим орқали ваколатли органга юборади.

ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ҳамда ваколатли органдан чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни хорижий давлатга рўйхатдан чиқиш учун тўсқинлик қилувчи маълумотлар йўқлиги тўғрисида маълумотнома келиб тушгандан сўнг МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга хабарнома юборади.

Хабарнома олгандан сўнг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

яшаш гувоҳнома ёки ID-карта;

миллий паспорт.

МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни яшаш гувоҳномаси ёки ID-кارتани олиб қўяди ва рўйхатга олинганлигини ҳамда чет эл фуқаросининг миллий паспортидаги мажуд штампни Низомнинг 9-иловасига мувофиқ бекор қилади.

Чет эл фуқаросини хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 7 иш кунидан, фуқаролиги бўлмаган шахсни ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 15 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Хорижга доимий яшашга кетаётган фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатиغا Низомнинг 14-иловасига мувофиқ штамп қўйилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатини олгандан сўнг виза олиш учун тегишли давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қилади.

Вилоятда доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли рўйхати бекор қилинганда, унинг мурожаати бўйича тегишли МваФРБ томонидан белгиланган тартибда улар республика ташқарисига чиқиб кетгунга қадар вақтинча рўйхатга олиниши мумкин.

Доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш бўйича нотариал тасдиқланган ишончномаси асосида бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови келса МваФРБ уч иш кунида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани олиб қолиб рўйхатни бекор қилади ҳамда бир иш кунида ишончли шахсга маълумотнома расмийлаштириб беради ёки сўровнома ижрочисига жавоб хати юборади.

Ҳақиқий бўлмаган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта билан бошқа манзилга рўйхатга олиш тақиқланади.

Хорижда бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатини бекор қилиш бундан мустасно.

Рўйхатдан чиқарилганда ҳамда яшаш гувоҳнома ёки ID-карта ва доимий рўйхат бекор қилинганда МваФРБ уч кун муддатда «манзил» тизимида рўйхатдан чиқарилганлиги ҳолати юзасидан маълумотларни киритади.

Туғилганлиги, никоҳи хорижий давлатда қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонунчилиги талаблари асосида қонунлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган туғилганлиги, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади.

«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда туғилганлиги, никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан ушбу давлатлар қонунчилиги талаблари асосида тасдиқланган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида туғилганлиги, никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан тақдим этиладиган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

Хорижга вақтинча чиққан чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс, хорижда бўлган вақтда яшаш гувоҳномаси ёки ID-картани амал қилиш муддати тугаса ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ўзгарган бўлса, шунингдек, чет эл фуқаролигидан чиққан ёки қабул қилган ҳамда тегишли ёшга етган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келганидан сўнг уч иш кунидан кечиктирмай тегишли ҳужжатлар билан доимий рўйхатга олинган жойидаги МваФРБга мурожаат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бола ФХДЁ органлари томонидан унга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилаётганда, отаси ёки онасининг доимий рўйхатга олинган манзилига идоралараро автоматлаштирилган тизим орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади.

16 ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ота-онаси ёки васийсининг (ҳомийсининг) доимий (вақтинча) рўйхатга олинган манзилига доимий (вақтинча) рўйхатга олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасида туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлиги, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинади.

Яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта алмаштирилганда, доимий рўйхатга олинганлик тўғрисидаги маълумотлар Манзил тизимда масъул ходим томонидан янгиланади.

Мулқдор ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатга олишда, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалари қўлланилмайди:

эр-хотин - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;
ота-оналар, фарзандлар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

бобо-буви, неваралар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар - васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

доимий рўйхатга олинган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар - бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар - олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар - олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига.

Ушбу Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари томонидан назорат қилинади.

Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом”ни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет эл фуқаросининг доимий яшаш учун ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби;

2. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш;

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшашга рухсатномаси бекор қилиниши.

4. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома бериш;

11-мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қорақалпоғистон республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби

Семинар- 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **“Балиқ скелети”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш куйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Тингловчилар топшириқларни куйидаги тасвир асосида бажаради:



Таҳлил қилинадиган муаммолар: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва бекор қилишдаги айрим муаммолар.

1-муаммо. Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рад жавоби берилган чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида бўлиши.

2-муаммо. Собиқ СССР паспортлари билан яшаётган ёки уларни йўқотиб қўйган шахсларни ҳужжатлаштириш.

3-муаммо. Чет эл фуқаросининг доимий яшашга рухсатномаси ва доимий рўйхатини бекор қилиниши.

4-муаммо Ватандош ва унинг оила аъзолари доимий яшашга рухсатнома олиш;

12-мавзу: Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни идентификация ID-карталарини расмийлаштириш тартиби

Маъруза (2 соат)

Режа:

1-савол. Идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш.

2-савол. Идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ва давлат божларини қоплаш тартиби.

1-савол: Идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси ҳамда чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби ИИВнинг 2019 йил 2-майдаги 71-сонли буйруғини билан белгиланади.



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21 ва 308¹-моддаларига асосан ИИОнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида **тақдимнома билан судга мурожаат** қилади. Юқоридаги 309-сон қарор билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низоми”га асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг идентификация ID-картасини расмийлаштириши учун давлат божлари туман (шаҳар) ИИОлари МваФРБнинг талабномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **маҳаллий бюджет маблағлари** ҳамда қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги **МваФРБ томонидан аниқланади**. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг аризасига кўра, уларнинг МваФРБларда идентификация ID-картасини расмийлаштиришлари учун реабилитация марказлари томонидан мазкур шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома берилади.



Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказидан олган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома билан туман ИИОга мурожаат этади. Бунда шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома туман **ИИОни котибиятидан рўйхатдан ўтказилади** ва тегишли ички ишлар органи бошлиғи томонидан МваФРБга берилади.

МваФРБ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини куйидаги маълумотларни аниқлаш орқали ўрганиб чиқади
унинг туғилган вақти ва жойи
қаерда яшаганлиги
туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси
шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги
ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва бошқа яқин қариндошлари
аввалги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили ҳақидаги

Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги юзасидан тегишли **хулоса чиқарилади** ва ушбу хулоса тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан **тасдиқланади**.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картаси билан аввал ҳужжатлаштирилган, аммо уни йўқотиб қўйган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган (суд қарори билан доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқариб юборилган ва (ёки) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтишга асослари мавжуд бўлмаган) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича рўйхатга олиш истисно тариқасида, **вақтинча ҳудудий реабилитация марказлари жойлашган манзилда амалга оширилади ва идентификация ID-картаси қайта расмийлаштирилади**.

Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат фуқаролигига мансублиги аниқланмаган ҳолларда МваФРБ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга унинг шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотномани беради, шунингдек туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда идентификация ID-картасини расмийлаштириш чораларини кўради.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб деб топилганда, ушбу шахсга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилидаги ички ишлар органи томонидан идентификация ID-картаси расмийлаштириб берилади. Ушбу шахсларга паспорт, идентификация ID-картаси ёки яшаш гувоҳномаси реабилитация маркази томонидан берилган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотномага асосан расмийлаштириб берилган бўлса, уларга шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома такроран берилмайди. Бунда, ушбу шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган тартибда умумий асосларда ҳужжатлаштириладилар. МваФРБ томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ҳужжатлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ойнинг якунида** тегишли ҳудуддаги реабилитация марказларига **маълумот юборилади**.



2-савол: Идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ва давлат божларини қоплаш тартиби

МваФРБ уч сутка ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида такдимнома билан судга мурожаат қилади. Такдимномада муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсининг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши сабаблари ва асослари кўрсатилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга идентификация ID-картасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги такдимномани кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1. Такдимномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга идентификация ID-картасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида;

2. Такдимномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан такдимнома қаноатлантирилганда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс жаримадан озод этилган ҳолда унга МваФРБ томонидан идентификация ID-картаси расмийлаштириб берилади. Такдимномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда рад этиш сабаблари ва манфаатдор томонга чиқарилган суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари тушунтирилади. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга идентификация ID-картасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги такдимномани кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарилган қарор устидан шикоят берилиши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун давлат божларини қоплаш тўғрисида МваФРБ томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига талабнома киритилади. Талабномага реабилитация марказидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга берилган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома ҳамда суднинг қарори нусхалари илова қилинади.

Тегисли туман ҳокимликлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун давлат божлари қоплангандан сўнг, уларнинг биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари жамланади ва ушбу маълумотлар МваФРБ томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотида олган билимларини мустақил таълим жараёнида “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни идентификация карталарини расмийлаштириш тартиби” мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 2 майдаги “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-кارتасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 71-сонли буйруғини тўлиқ ўрганиш ва конспект қилиш.

12-мавзу: Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни идентификация ID-карталарини расмийлаштириш тартиби

Амалий машғулоти (2-соат)

Режа:

1-савол. Идентификация ID-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома билан судга мурожаат қилиш.

2-савол. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун давлат божларини қоплаш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимликларига талабнома киритиш.

13-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби

Маъруза (2-соат)

Режа:

1-савол.Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибининг умумий қоидалари

2-савол. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби

3-савол. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир алоҳида тартиботлар ва уни беришни рад этиш асослари

1-савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибининг умумий қоидалари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5156-сон Фармониға мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб хорижга чиқиш учун рухсат ёзув стикерини расмийлаштириш тартибининг бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 1-январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш автоматлаштирилган тизимини («Хорижга чиқиш паспорти» тизими) жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлардан ташқари ҳолда, Низомда назарда тутилган тартибда хорижга эркин чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқига эга. Фуқаролар хорижга чиқадиган ҳолларда уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилади. Хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам хорижга чиқиш биометрик паспортга эга бўлишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти билан хорижга чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16 августдаги ПФ-4554-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштиришга оид давлат хизматлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади.



Фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишда;
- 2) илгари хорижга чиқиш биометрик паспорти билан хужжатлаштирилмаган, консуллик рўйхатида олинган фуқаролар хорижда бўлганида;
- 3) фарзанд хорижда туғилганида;
- 4) хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиш муддати тугаганида;
- 5) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганида;
- 6) ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;
- 7) маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлар ишлатилиб бўлинганида;
- 8) хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;
- 9) хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқотиб қўйилганида;
- 10) суд ажрими билан хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши тўхтатиб турилганда;
- 11) хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
- 12) илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортини муддатидан олдин алмаштириш бўйича мурожаат этилганда.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳар қандай давлатга чиқиш учун ҳақиқийдир. Хорижда доимий яшаётган ва доимий консуллик рўйхатида турадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш биометрик паспорти, унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда шахсни тасдиқловчи хужжат ҳисобланиб, давлат хизматларидан фойдаланиш учун ҳақиқийдир. Хорижга чиқиш биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг мулкидир ва унинг эгаси Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўлади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти фуқароларга қўйидаги амал қилиш муддатларига берилади:



туғилган кунидан бошлаб бир ёшгача	➔	– икки йил муддатга;
бир ёшдан 25 ёшгача	➔	— 5 йил муддатга;
25 ёшдан ошган шахсларга	➔	— 10 йил муддатга.
Амал қилиш муддати тугаганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспорти маълумотларни йиғиш пунктига топширилади.		

Амал қилиш муддати тугаган ёки яроқсиз ҳолатга келган, аммо ичига қўйилган хорижий давлатларга кириш визаларининг амал қилиш муддати тугамаган хорижга чиқиш биометрик паспортлари қайта расмийлаштирилган тақдирда, хизматдан фойдаланувчининг сўровига кўра маълумотларни йиғиш пункти ходими томонидан ушбу паспортга бекор қилинганлигини ифодаловчи махсус белги қўйилган ҳолда, янги хорижга чиқиш биометрик паспорти билан бирга эски хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳам қайтариб берилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти бланки қатъий ҳисобга олинadиган хужжат ҳисобланади. Хорижга чиқиш биометрик паспорти бланklarини тайёрлаш «*Давлат белгиси*» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилади. Персоналлаштириш, ҳисобга олиш ишлари ҳамда тайёрлаш

вақтида бузилган ва маълумотларни йиғиш пунктларидан алмаштириш учун қайтарилган паспортларни йўқ қилиш — *ДПМда*, хорижга чиқиш биометрик паспортларини эгаларига бериш ва ҳақиқий бўлмаган хорижга чиқиш биометрик паспортларини йўқ қилиш — маълумотларни йиғиш пунктларида амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказиб бериш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Давлат фельдъегерлик хизмати (ДФХ) томонидан амалга оширилади. Хорижга чиқиш биометрик паспортларини хориждаги маълумотларни йиғиш пунктларига ва консуллик муассасаларидан Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш белгиланган тартибда дипломатик почта воситаси орқали амалга оширилади. Хорижга чиқиш биометрик پاسпорти белгиланган намуна бўйича тайёрланади ва инглиз тилида персоналлаштирилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкига қуйидаги асосий маълумотлар киритилади:		
паспортни берган давлатнинг номи	ҳужжатнинг номи	ҳужжатнинг тури
паспортни берган давлатнинг коди	паспорт серияси ва рақами	фамилия, исм, ота исми
фуқаролиги	туғилган санаси	туғилган жойи
жинси	берилган сана	берган орган
амал қилиш муддати тугайдиган сана	эгасининг рақамли сурати	эгаси ҳақидаги машина ўқийдиган маълумотлар
Чипга қуйидаги маълумотлар киритилади:		
паспорт эгасининг биографик маълумотлари	эгасининг рақамли сурати	қўл бармоқларининг излари — 16 ёшга етганидан кейин

Хорижга чиқиш биометрик паспортига қуйидаги қайдлар киритилади:

- ✓ паспорт эгасининг хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги тўғрисида штамп;
- ✓ давлат чегарасидан ўтганлиги тўғрисида;
- ✓ консуллик рўйхатига олингани ёки консуллик рўйхатидан чиқарилгани тўғрисида;
- ✓ никоҳ қайд этилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида;
- ✓ хорижий давлатларга кириш учун рухсатнома (виза) тўғрисида;
- ✓ хамроҳлик қилувчи шахслар тўғрисида (вояга етмаган фуқаролар учун) штамп;
- ✓ илгари қўйилган қайдлар бекор қилинганлиги тўғрисида.
- ✓ Паспортда унинг эгасининг имзоси бўлиши шарт.
- ✓ Паспорт эгаси қонининг гуруҳи ва резус-мансублик тўғрисидаги қайдлар унинг розилиги билан амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортига: -

ички ишлар органлари бўлинмалари томонидан — хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги ҳақидаги, ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги (вояга етмаган фуқаролар учун);

чегара нazorати бўлинмалари томонидан — Давлат чегарасидан ўтганлик ҳолати ҳақидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан — никоҳ қайд этилганлиги ва никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги (доимий консуллик рўйхатида туриб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган фуқаролар учун);

соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан — қон гуруҳи ва резус-мансублик ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари томонидан — вақтинчалик ва доимий консуллик рўйхатига олиш ёки консуллик рўйхатидан чиқариш ҳақидаги, никоҳ қайд этилганлиги ва никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги, ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги (вояга етмаган фуқаролар учун);

чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан — хорижий давлатларга кириш рухсатномалари (кириш визаси) ҳақидаги қайдлар киритилади.

Муассасалар зарур ҳолларда ўзлари илгари қўйган қайдларни бекор қилганликлари тўғрисида қайдлар киритишлари мумкин. Паспортларга Низомда назарда тутилмаган ёзувларни ва қайдларни киритиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролардан хорижга чиқиш биометрик паспортлари мудофаа ишлари бўлимлари томонидан олиб қўйилади ва хизмат тугагунга қадар сақланади. Муддатли ҳарбий хизмат тугаганидан кейин мудофаа ишлари бўлимлари олиб қўйилган хорижга чиқиш биометрик паспортларни фуқароларга улар ҳарбий ҳисобга қўйилганидан кейин ўн кун муддатда қайтариб беришлари шарт. Шартнома асосида ҳарбий хизматга, ўқиш учун олий ҳарбий таълим муассасаларига кирган фуқаролардан хорижга чиқиш биометрик паспортлари ҳарбий қисмларнинг ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларининг кадрлар билан ишлаш органлари томонидан олиб қўйилади ва штабларда сақланади. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат назарда тутилган тегишли вазирликларда ва идораларда сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортлари амал қилиш муддати тугаганидан кейин белгиланган тартибда йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пунктларига жўнатилади.

2-савол. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби

Хизматдан фойдаланувчиларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш маълумотларни йиғиш пунктида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш фақат МваФРБ томонидан кўрсатилади:
фуқаро доимий яшаш учун чет элга чиқиб кетаётганда;
Низомга мувофиқ, хорижга чиқиш биометрик паспортлари вазирликлар ва идораларнинг ёзма илтимосномалари асосида расмийлаштирилиши шарт бўлган ҳолларда;
хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда;
хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганда.



Хизматдан фойдаланувчилар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган манзилидан қатъи назар, экстерриториаллик тамойили асосида исталган маълумотларни йиғиш пунктига ўзи келиб ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)дан рўйхатдан ўтади. Кекса, ўзгалар парваришига муҳтож ёки ногиронлиги бўлган шахсларга хорижга

чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва беришга оид хизматлар тегишли мурожаатга асосан, бевосита доимий яшаш ёки турган жойига чиқиш орқали амалга оширилади. Хизматдан фойдаланувчилар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш юзасидан маълумотларни йиғиш пунктига ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, маълумотларни йиғиш пункти ходимлари томонидан фуқаро номидан электрон тарзда, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда сўровномани электрон тарзда тўлдиради. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун сўровнома тўлдирилади. Фуқаролар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш юзасидан сўровномани ЯИДХП орқали электрон тарзда юборганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди, Низомнинг (22- банди бешинчи ва еттинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Хизматдан фойдаланувчи сўровномани ЯИДХП орқали юбориш чоғида ўзига қулай бўлган маълумотларни йиғиш пунктини (хизматдан фойдаланувчининг юзини рақамли форматда расмга олиш ва қўл бармоқларининг электрон изларини тўплаш ишларини амалга ошириш учун) танлайди. Хизматдан фойдаланувчи сўровнома ЯИДХП орқали юборилган кундан бошлаб, **бир ой муддат ичида** маълумотларни йиғиш пунктига ташриф буюрмаган тақдирда, ушбу сўровнома кўриб чиқилмайди. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича сўровнома маълумотларни йиғиш пункти ходими томонидан тўлдирилгач, ундаги маълумотларнинг тўғри эканлиги хизматдан фойдаланувчи томонидан электрон рақамли имзо, у бўлмаганда эса, имзони идентификация қилишнинг бошқа замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) орқали тасдиқланади.

Давлат хизматини кўрсатишда сўровнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардан (биометрик паспорт ёки ID-карта) бошқа ҳужжатлар талаб этилишига йўл қўйилмайди, **қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:-**

➔ илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортини муддатидан аввал алмаштириш бўйича мурожаат этган тақдирда — илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортнинг асл нусхаси;

➔ хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилган ҳолларда — ваколатли органнинг қарори нусхаси;

➔ хорижга чиқиш биометрик паспортнинг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганида — процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақида ваколатли органнинг қарори нусхаси;

➔ вояга етмаган шахслар учун-ота-оналари ёки васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган

розилиги, ота-оналарнинг ҳар иккиси маълумотларни йиғиш пунктига бевосита мурожаат қилган ҳоллар бундан мустасно. Сўровнома ЯИДХП орқали юборилганда, ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг нотариал тасдиқланган розилиги талаб этилмайди. Бунда, ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг розилиги фақат электрон рақамли имзони қўллаш орқали амалга оширилади;

→ вояга етмаган шахслар учун — фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти (ҳамроҳлик қилувчи шахс вояга етмаганнинг отаси ва (ёки) онаси ёхуд васий ёки ҳомийси бўлган ҳоллар бундан мустасно);

→ 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда, хорижга кузатувчисиз чиқиши мумкин. Ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда хорижга чиқишига розилиги, улар бевосита маълумотларни йиғиш пунктига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда, нотариал тасдиқланиши талаб этилмайди. Сўровнома ЯИДХП орқали юборилганда ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг розилиги фақат электрон рақамли имзони қўллаш орқали амалга оширилади.

Ун саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришда маълумотларни йиғиш пункти томонидан электрон тизим орқали тегишли мудофаа органлари реал вақт режимида хабардор қилинади. Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда текширилади. Автоматлаштирилган тизим орқали сўровномага киритилган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқлангач, маълумотларни йиғиш пункти масъул ходими хизматдан фойдаланувчига қонунчиликда белгиланган давлат божини тўлаш бўйича инвойс тақдим этади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса, тўлов инвойси автоматик тарзда хизматдан фойдаланувчининг шахсий саҳифасига келиб тушади. Хизматдан фойдаланувчи томонидан давлат хизмати учун тўловлар инвойс рақами келиб тушган вақтдан бошлаб 1 ой муддат ичида амалга оширилади. Тўлов белгиланган муддатда амалга оширилмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди. Хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги учун «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади. Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда давлат божи суммасининг 90 фоизи ундирилади. Давлат хизмати «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек И ва ИИ гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилганда, **давлат божи суммасининг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади**. Давлат божи тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари, шу жумладан Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Фуқаролар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги учун **давлат божини тўлашдан озод қилинади**:

1) яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилганда;

2) фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар хориж судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилган тақдирда;

3) вояга етмаган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;

4) вояга етмаган шахс илм-фан, таълим, спорт ёки маданият соҳаларидан биридаги халқаро тадбирда ёки мусобақада иштирок этганда;

5) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган шахсга, шунингдек, унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;

6) биометрик паспорт Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, кулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар томонидан йўқотилган ёхуд яроқсиз ҳолга келганда.

➔ Бунда, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (яқин қариндоши эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, яқин қариндоши хорижий давлатда дафн этилганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат, хорижий давлатлар судининг тегишли ҳужжати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган йўлланма, фуқаронинг халқаро тадбир ёки мусобақага юборилаётганлиги тўғрисида масъул ваколатли давлат органининг маълумотномаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган, гербли муҳр билан тасдиқланган ёнғин содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) сўровномага илова қилинади.

➔ Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан хорижга хизмат сафарига юбориладиган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар учун давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Тўлов муваффақиятли ўтгандан сўнг, хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш бўйича шакллантирилган сўровнома куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш учун ахборот тизими орқали **Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва ДПМга юборилади:**

Ички ишлар органларига — судланганлик, маъмурий назоратда турганлик, шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилганлик, шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлик ҳолатларини, ҳужжат ва шахс текшируви ҳамда шахсни идентификация қилиш бўйича текширувлардан ўтказиш учун;

Давлат хавфсизлик хизмати органларига — мурожаат этувчининг хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир хизмат кўрсатишни рад этувчи, ушбу низомда назарда тутилган асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш учун;

ДПМга — хорижга чиқиш биометрик паспортини чоп этиш ва маълумотларни йиғиш пунктига юбориш учун.

Маълумотларни йиғиш пункти томонидан хорижга чиқиш биометрик паспорти хизматдан фойдаланувчи мурожаат этиб, тегишли тўловларни амалга оширган кундан бошлаб, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса, маълумотларни йиғиш пунктида хизматдан фойдаланувчининг биографик маълумотларини, қўл бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) тўплаш, юзни тўғридан рақамли форматда расмга олиш ишлари амалга оширилган пайтдан бошлаб, **ўн иш куни** (16 ёшдан 25 ёшгача бўлган

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қўшимча ўрганишлар талаб этиладиган алоҳида ҳолларда — **бир ой**) ичида тақдим этилади.

Фуқаро давлат хизматини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида ушбу хизматдан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Хизматдан фойдаланувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади ҳамда амалга оширилган тўлов суммаси хизматдан фойдаланувчига қайтарилмайди.

Вояга етмаган фуқаросига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш чоғида қуйидаги ҳолатларда ота-онадан бирининг розилиги талаб қилинмайди:
ота-онанинг бири вафот этганда; («ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширилади).
боқувчиси ёлғиз она бўлган ҳолларда; («ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширилади).
боланинг ота-онасидан бири хориж фуқароси бўлганида; («ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширилади).
ота-онадан бири суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, бедарак йўқолган деб топилган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилганида; (Тегишли суд қарорининг нусхаси тақдим этилади).
ота-онадан бирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати хорижга доимий яшашга кетганлиги муносабати билан бекор қилинганида. («Манзил» ахборот тизими орқали мустақил равишда текширилади).

Вояга етмаган шахсларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш хизмати юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида чиққан ҳар қандай низолар суд тартибида ҳал қилинади. Ота-онанинг бири ўз боласининг хорижга чиқишига рози бўлмаган тақдирда, унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

16 ёшга тўлмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), ушбу шахсларни хорижга юбораётган ташкилотларнинг вакиллари муурожаат қилади. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида маълумотларни йиғиш пункти хизматдан фойдаланувчининг биографик маълумотларини, қўл бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) тўплайди, юзни тўғридан рақамли форматда расмга олади ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича электрон талабномани шакллантиради. Талабнома электрон шаклда автоматик тарзда ДПМга жўнатилади. Хизматдан фойдаланувчи ўз ихтиёрига кўра давлат хизматини кўрсатишнинг тегишли босқичлари (муурожаат қабул қилиниб, тўлов учун инвойс ҳамда тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортнинг маълумотларни йиғиш пунктига етказилганлиги) ҳақида автоматик равишда смс-хабар йўллаш орқали хабардор қилиб борилиши мумкин. Давлат хизматини кўрсатишнинг тегишли босқичлари ЯИДХП ёки ДПМнинг расмий веб-сайти орқали текшириб олинади.

ДПМ тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортини уни расмийлаштириш учун ДФХ орқали талабнома юборган маълумотларни йиғиш пунктига топширади. Маълумотларни йиғиш пункти хорижга чиқиш биометрик паспортини қабул қилиб олган куннинг ўзида хизматдан фойдаланувчини паспортни олиб кетиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади. Тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспорти фақатгина хизматдан фойдаланувчининг ўзига тақдим этилади ҳамда тақдим этилганлиги қўл

бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) солиштириш орқали верификация қилинади. 16 ёшга тўлмаган шахснинг хорижга чиқиш биометрик паспорти унинг ота-оналарига, васийлари (ҳомийлари)га, хорижга чиқиш биометрик паспорти бериш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган ташкилотларнинг вакилларига тақдим этилади. Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганлиги ёхуд ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан хорижга чиқиш биометрик паспорти алмаштирилаётганда фуқаро маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади.

Ёзувларда ноаниқликлар ва хатоликларга маълумотларни йиғиш пункти ёки ДПМ ходимларининг айби билан йўл қўйилган тақдирда, фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини қайта расмийлаштириб берганлик учун давлат божи ундирилмайди. Хорижга чиқиш биометрик паспорти, хизматдан фойдаланувчининг хоҳишига кўра, амал қилиш муддати қанча қолганидан қатъи назар, исталган вақтда алмаштирилиши мумкин.

3-ўқув саволи: Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир алоҳида тартиботлар ва уни беришни рад этиш асослари.



Қуйидагилар хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни **рад этиш учун асос бўлади:**

а) Низомда назарда тутилган талаб этилувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

б) агар шахс ўзи тўғрисида била туриб сохта ёки нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;

в) қўл бармоқларининг изларини олиш тартиб-таомилидан бош тортилган ва кўзойнак тақиб ёки бош кийим, ташқи кўринишга таъсир қилувчи ашёлар билан суратга тушиш истаги қатъий билдирилган бўлса;

г) агар шахсга нисбатан хорижга чиқишига тўсқинлик қиладиган шартнома, контракт мажбуриятлари амал қиладиган бўлса, ушбу мажбуриятларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунига қадар;

д) агар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса — иш юзасидан узил-кесил суд қарори ёки бошқа қарор қабул қилингунга қадар (суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма хати асосида);

е) агар шахс ички ишлар органларининг маъмурий назоратида бўлса — назорат тўхтатилгунгача (маъмурий назоратни амалга оширувчи органнинг ёзма хати асосида);

ж) агар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилган бўлса — жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан ва шартли ҳукмдан озод қилингунга қадар (ЖИЭОнинг ёзма хати асосида);

з) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар, вояга етмаган болаларни таъминлаш учун алиментлар олдиндан тўланганлиги Бош прокуратура

хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг маълумотномалари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно;

и) агар шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти мавжуд бўлса;

Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асослар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Хорижга чиқиш биометрик پاسпорти расмийлаштирилганидан кейин шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш фақат қонунда белгиланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Фуқаронинг давлат чегараси орқали ўтиш ҳуқуқини чеклаш суриштирув, тергов ёки суд органлари қарори асосида чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришни низомда назарда тутилган асослар бўйича рад этиш ёки фуқароларнинг хорижга чиқишини чеклаш, шунингдек, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир давлат хизматини кўрсатиш тартибини бузиш юзасидан бўйсунтириш тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилиниши мумкин.

Консуллик рўйхати - Белгиланган тартибда хорижга доимий яшаш учун чиқиб кетган, шунингдек, олти ойдан ортиқ муддат давомида хорижда вақтинчалик турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинчалик консуллик рўйхатига туришлари лозим.

Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир алоҳида тартиботлар - Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш Давлат хавфсизлик хизматининг тегишли органлари билан келишилади. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқароларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланади. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқаролар хориждан қайтиб келганларидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспортини давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларига топшириши шарт. Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортларининг амал қилиш муддати тугагач, белгиланган тартибда йўқ қилиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига жўнатилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортлари меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин Давлат хавфсизлиги хизматининг тегишли органлари билан келишган ҳолда фуқароларга қайтариб берилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган ҳарбий хизматчиларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари бўлмаса, шунингдек, уларга хорижга чиқиш биометрик پاسпорти бериш зарурати билан боғлиқ бошқа ҳолатларда хорижга чиқиш биометрик паспортлари вазирликлар ва идораларнинг ёзма илтимосномалари асосида Низомда белгиланган тартибда миграция бўлинмалари томонидан берилади.

Яроқсиз ҳолга келтирилган ёки йўқотиб қўйилган хорижга чиқиш биометрик паспортларини янгисига алмаштириш ушбу Низомда назарда тутилган умумий тартиблар асосида маълумотларни йиғиш пунктлари

томонидан амалга оширилади. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган хорижга чиқиш биометрик паспортларини алмаштиришга оид мурожаатлар бўйича тегишли ваколатли органлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомиллар амалга оширишлари учун хабардор қилинади. Ушбу тоифадаги сўровномаларни кўриб чиқиш муддати истисно тариқасида яна ўн иш кунигача узайтирилиши мумкин. Топиб олинган хорижга чиқиш биометрик پاسпорти маълумотларни йиғиш пунктларига топширилади.

Вафот этган фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспортни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади, мазкур орган хорижга чиқиш биометрик паспортини кейинчалик йўқ қилиш учун тегишли миграция бўлинмасига жўнатади.

Қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қўлланилган шахслардан хорижга чиқиш биометрик паспортни суриштирув, тергов органлари, ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Шахс қамоқда қолдирилган ёки суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда, хорижга чиқиш биометрик паспортни Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига жўнатилади. Қамоқдан озод қилинганда ёки жазо муддати ўтаб бўлинганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспортни суриштирув, тергов органлари, ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекцияси, суд томонидан ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан эгасига (жазони ижро этиш муассасасидан чиқиб кетаётган вақтнинг ўзида) қайтариб берилади. Хорижга чиқиш биометрик паспортни суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда (паспортни ашёвий далил сифатида сақлаб туриш даврида амал қилиш муддати ўтиб кетса), янги паспорт ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, миграция бўлинмалари томонидан расмийлаштирилади. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган хорижга чиқиш биометрик паспортни ички ишлар органлари томонидан тегишли миграция бўлинмасига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилганда, фуқарога унинг паспортни олиб қўйилганлиги ҳамда йўқ қилинганлиги ҳақида далолатнома берилади.

Текшириш, верификациялаш жараёнида ноаниқликлар ёки чегара (миграция) қайдлари, хориж визалари, рухсат берувчи ёзувлар сохталаштирилганлигини кўрсатувчи белгилар аниқланган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш биометрик паспортни, шунингдек, белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган ёки суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш биометрик паспортни чегара назорати бўлинмалари томонидан тегишли вазирликлар ва идораларга жўнатиш учун олиб қўйилиши мумкин. Паспорт олиб қўйилган тақдирда, чегара назорати бўлинмаси томонидан фуқарога унинг паспортни олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади.

Қуйидагилар тақиқланади:

➔ Низомда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари фуқародан хорижга чиқиш биометрик паспортини олиб қўйиш;

➔ хорижга чиқиш биометрик паспортини мажбуриятларни таъминлаш мақсадида гаров сифатида қабул қилиш ва топшириш.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги

тўғрисидаги суд ажримини Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларига маълумот учун юборади. Доимий яшаш учун хорижга чиқишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз оналарининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек, агар биргаликдаги никоҳдан вояга етмаган болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига тақдим этилади. Доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган фуқарони миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси масъул ходими Низомнинг 6-иловасига мувофиқ огоҳлантиради. Бунда, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар, агар улар доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган тақдирда, бу ҳақда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси томонидан электрон ахборот алмашинуви воситасида реал вақт режимида тегишли муҳофаа органлари хабардор қилинади.

Қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар учун жавобгарлик белгиланади:

1) хорижга чиқиш биометрик паспортига атайлаб шикаст етказиш, шунингдек, хорижга чиқиш биометрик паспортини эҳтиётсизлик билан сақлаб, унинг йўқолишига сабаб бўлиш;

2) йўқолганлиги ҳақида ариза берилган хорижга чиқиш биометрик паспортдан, шунингдек, бошқа шахсга қарашли бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш;

3) хорижга чиқиш биометрик паспортини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уни гаров сифатида қабул қилиш;

4) хорижга чиқиш биометрик паспортига ғаразли ёки бошқа тубан ниятлар билан эга бўлиб олиш, шунингдек, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолга келтириш, яшириш.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, кулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги оқибатида хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқолганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида мурожаат этган шахс жавобгарликка тортилмайди. Бунда, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан шахс бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этади, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, кулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги ҳолатини тасдиқлаш зарурати бўлганда, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан сўров асосида қонунчиликда белгиланган ваколатли идоралардан маълумотнома олинади.

Маълумотларни йиғиш пункти ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди. Мурожаат қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Адлия вазирлиги ва унинг

худудий бошқармалари Низомга мувофиқ, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилиши талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларида олган билимларини мустақил таълим жараёнида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби” мавзусини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда ўзбекистон республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079 сонли қарорини тўлиқ ўрганиш ва конспект қилиш.

Назорат учун саволлар.

1-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби қандай?

2-савол. Фуқароларни хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилиш асослари?

3-савол. Вояга етмаган шахсларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш?

13-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби

Семинар(2-соат)

Ушбу семинар машғулоти, “**Муаммоли вазият**”интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Тингловчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Машғулотлар жараёнида “**Муаммоли вазият**” стратегиясини қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Гуруҳларга муаммоли саволлар:

1. Фуқаро М.Асқарова вояга етмаган фарзандига Ҳиндистон Республикасида жарроҳлик амалиёти ўтказишда унга ҳамроҳлик қилиши тўғрисида мурожаат қилиб барча зарур ҳужжатларни тақдим қилгандан сўнг, туман МваФРБ ходими ундан ўзи ва вояга етмаган фарзандига давлат божи тўлаши кераклигини талаб қилди. Сизнингча ходимнинг талаблари тўғрими?

2.Фуқаро С.Равшанова хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун кўзойнак тақиб, ташқи кўринишга таъсир қилувчи ашёлар билан суратга тушиш истагини қатъий билдириб, бу унинг ҳуқуқи эканлигини таъкидлади. Ходим бундай ҳолатларда қандай қарор қабул қилади?

3.. Вояга етмаган 17 яшар К.Нодиров Россия Федерациясига кетиш мақсадида туман МваФРБга хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун мурожаат қилди. Бундай ҳолатда МваФРБ ходими қандай йўл тутди ?

4. Фуқаро А.Абдулов, дўсти И.Камоловга 300 АҚШ доллари қарз бериб унинг эвазига дўстини хорижга чиқиш биометрик паспортини қонунга ҳилоф равишда гаров сифатида олиб қўйди.Сизни ҳатти-ҳаракатлариз?

13-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби

Амалий машғулот (2соат)

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ҳужжатларни тўлдириш.

14-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби

Маъруза (2соат)

Режа:

1-савол. Биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш хусусиятлари.

2-савол. «Биопаспорт – йўқ қилиш» дастуридан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

1-савол. Биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 11 ноябр кунигаги 492-сон буйруғи билан “Буклет ёки пластик кўринишидаги ҳужжатларни йўқ қилиш тартиби” тасдиқланди.

Унга кўра МваФРБда буклет ёки пластик кўринишидаги биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш. Биометрик ҳужжатларнинг бланклари қатъий ҳисоби юритиладиган ҳужжатлар ҳисобланади. Биометрик ҳужжатларнинг умумий ҳисоби Давлат персоналлаштириш маркази томонидан юритилади.



Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш Давлат персоналлаштириш маркази томонидан амалга оширилади.

Улар:

-қабулини қайд этиш жараёнида «бузилган ёки талабларга тўғри келмайди»;

-эгасига бериш жараёнида «бузилган ёки талабларга тўғри келмайди», «ҳужжатдаги маълумотларида хато» ва «ҳужжат чипини ўқишида хато» ҳолатидаги биометрик ҳужжатлардир.

Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатларни биометрик паспорт тизимида қайд этиш, уларни аниқланиш ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларининг биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари томонидан қабулини қайд этиш ёки эгасига бериш жараёнида амалга оширилади.

Ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатлар ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш миграция хизматлари томонидан амалга оширилади.

Улар:

-ёзувларда ноаниқликлар борлиги, биографик маълумотларини ўзгартирганлик ва амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли алмаштирилган;

-ҳужжат бланкининг маълумотлар, яшаш жойи ёки визалар учун мўлжалланган варақлари тўлганлиги ҳамда бланк яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли алмаштирилган;

-Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқарилган ва фуқароликни йўқотганлиги, шунингдек асоссиз берилганлиги сабабли бекор қилинган;

-эгаси белгиланган муддатда олиб кетмаган ҳамда эгаси вафот этган;

-биографик ва биометрик (рақамли фотосурат ва бармоқ излари) маълумотларида хатолик аниқланган биометрик ҳужжатлардир.

Биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини олиб бориш, сақлаш ва уларни йўқ қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатларни юритиш ишлари белгиланган тартибда, тўлиқ таъминланиши шарт.

Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимида қайд этиш ва ҳисобини юритиш пунктларидаги биометрик паспорт тизимига уланган компьютер қурилмаларига ўрнатилган ва созланган Ўзбекистон Республикаси «Био – паспорт» автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуаси таркибига кирувчи «Биопаспорт – йўқ қилиш» дастури орқали амалга оширилади.

Биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга тайёрлаш ва йўқ қилиш. Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатлар дастурга киритилиб, тегишли амаллар бажарилиши натижасида 2 нусхада белгиланган шаклдаги «Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар рўйхати – «Ўрам – ПАСКИНГ» чоп этилади.

Рўйхат миграция хизмати бошлиғи (ўринбосари) томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Рўйхатга 1 тадан 50 тагача биометрик ҳужжат киритилиши мумкин.

Рўйхатда қайд этилган биометрик ҳужжатлар рўйхатнинг бир нусхаси билан бирга қоғоз қутига (тайёр биометрик ҳужжатлар келтирилган қути) жойланади.

Биометрик ҳужжатлар жойланган қутилар, миграция хизмати бевосита бўйсунувчи ички ишлар органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан имзоланган алоқа хати билан, реестр асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати ёки Ўзбекистон Республика Махсус алоқа боғламаси орқали Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар жойланган қутиларни Давлат фельдъегерлик хизмати ёки Махсус алоқа боғламаси ходимларига топширганлик юзасидан тузилган реестрлар «Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатларни топширишни қайд этиш китоби»га қайд этилади.

Давлат фельдъегерлик хизмати ёки Махсус алоқа боғламаси ички ишлар органлари билан тузилган шартнома доирасида миграция хизматлари ёки улар бевосита бўйсунувчи ички ишлар органларидан йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар жойланган қутиларни қабул қилиб олади ва Давлат персоналлаштириш марказига етказди.

Ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатларни дастурга киритиб, тегишли амалларни бажариш натижасида 1 нусхада рўйхат чоп этилади.

Рўйхат миграция хизмати бошлиғи томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Йўқ қилишга тайёрланган, техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатлар ҳар ойда камида бир маротаба Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Йўқ қилишга тайёрланган, ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ишлари миграция хизматлари томонидан ҳар ойда камида бир маротаба амалга оширилади.

Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар тегишлилиги бўйича Давлат персоналлаштириш марказига юборилгунга ёки пунктда йўқ қилингунга қадар, миграция хизматида махсус темир шкаф ёки сейфларда сақланади.

Дастурда ва «Йўқ қилинган биометрик ҳужжатларни қайд этиш китоби»да қайд этилган, ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатлар ёқиш йўли билан йўқ қилинади.

Биометрик ҳужжатларни ёқиш йўли билан йўқ қилиш жараёнини аҳоли ва атроф муҳитга зарар етказмасдан, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилишига шарт-шароитни миграция хизмати бевосита бўйсунувчи ички ишлар органи бошлиғи таъминлайди.

Биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга оид ҳужжатларни юритиш.

Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган ҳамда ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш бўйича тузилган рўйхатлар «Йўқ қилинган биометрик ҳужжатлар рўйхатини қайд этиш китоби»га қайд этилади ва ҳар чоракда, рўйхат тузилган сана кетма-кетлиги бўйича тартибланган ҳолда алоҳида йиғмажилдга тикилади.

Биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга оид ҳужжатлар миграция хизматларида мавжуд архивда, агар улар бўлмаган тақдирда тегишли ички ишлар органининг архивида, махсус темир шкаф ёки сейфларда сақланиш муддати тугагунга қадар сақланади.

«Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатларни топширишни қайд этиш китоби», «Йўқ қилинган биометрик ҳужжатлар рўйхатини қайд этиш китоби» ҳамда рўйхатлар тикилган йиғмажилдларнинг **сақланиш муддати 10 йил.**

Биометрик ҳужжат эгасининг охири доимий рўйхат манзили бўйича миграция хизмати томонидан йўқ қилинади.

Агар биометрик ҳужжат бошқа ички ишлар орган томонидан берилган бўлса, йўқ қилинганлиги тўғрисида биометрик ҳужжатни берган органга хабар берилмайди.

Йўқ қилинган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар биометрик паспорт тизимида электрон кўринишда қайд этиб борилади.

Дастур орқали йўқ қилинган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни исталган вақтда олиш имконияти яратилган.

Дастурдан услубий кўрсатма талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш шарт.

Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатларнинг қатъий ҳисобини юритиш, уларни турларга ажратиш, сақлаш, биометрик паспорт тизимида қайд этиш, дастурга киритиш, тегишлилиги юзасидан Давлат персоналлаштириш марказига юбориш ёки йўқ қилиш, шунингдек уларга нисбатан ҳужжатларни юритиш ишларини ўрнатилган тартибда амалга оширишга миграция хизматлари бошлиқлари бевосита масъулдирлар.

Мазкур талабларни бузган миграция хизматининг масъул ходимлари (рахбарлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

2-савол. «Биопаспорт – йўқ қилиш» дастуридан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикаси «Био–паспорт» автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуаси таркибига кирувчи «Биопаспорт–йўқ қилиш» дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан персоналлаштирилган, ҳолатидан келиб чиққан ҳолда йўқ қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари ҳақидаги маълумотларни биометрик паспорт тизимида қайд этиш, шунингдек «Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар рўйхати – «Ўрам–ПАСКИНГ»ни чоп этиш имконини беради.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва биометрик паспорт тизимига дастурий хизмат кўрсатишга масъул пудратчи ташкилотнинг мутахассис ходимлари томонидан ўрнатилади ва соزلанади.

Ушбу дастур биометрик маълумотларни йиғиш пунктларидаги биометрик паспорт тизимига уланган компьютер қурилмаларига ўрнатилади.


Дастурдан пункт билан Давлат персоналлаштириш маркази оралиғида ташкил этилган ажратилган алоқа канали ишчи ҳолатда бўлганда (онлайн) фойдаланиш мумкин.

«Биопаспорт – йўқ қилиш» дастуридан фойдаланиш.

Дастур компьютернинг ишчи столида жойлашган махсус ёрлик ёрдамида юкланади(1-расм).



Дастурни фақатгина биометрик паспорт тизимида ишлаш имкониятини берувчи махсус электрон калит (токен) орқали ишга тушириш мумкин (2-расм).



2-расм


Дастурга кириш учун компьютер қурилмасига ўрнатилган электрон калитга тегишли махсус код (парол) киритилади (3-расм). *Эслатма:* пункт

операторларининг ўзларига тегишли бўлмаган электрон калитдан фойдаланишлари қатъиян ман қилинади.

3-расм




Электрон калит кодини (парол) 3 маротаба нотўғри киритиш калит ишчи ҳолатининг йўқолишига (блокировка ҳолатига тушишига) олиб келади. Электрон калит ишчи ҳолатини тиклаш Ички ишлар вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжати талаблари асосида амалга оширилади. Дастурнинг асосий ойнаси қуйидаги кўринишга эга бўлиб (4-расм).




4-расм

Дастур юкланганда «Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнаси жорий ойна тарзида очилади (5-расм).



5-расм

Ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ҳақидаги маълумотларни дастурга киритиш учун «Алмаштирилганлар» ойнасидан фойдаланилади (6-расм).



6-расм

«Алмаштирилганлар» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари томонидан амалга оширилади.

«Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнаси орқали йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Ушбу ойна орқали киритилган маълумотларни «Алмаштирилганлар» ва «ДПМ томонидан брак» ойналари орқали фақат бир маротаба йўқ қилиш мумкин.

Маълумотларни киритишни икки усулда амалга ошириш мумкин.

Биринчи усул – биометрик ҳужжатларнинг серия рақамларини «Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнасининг тегишли ячейкаларига клавиатура қурилмаси ёрдамида қўлда киритиш.

Иккинчи усул – ДЕСКО чип ўқиш клавиатурасининг махсус қисмидан биометрик ҳужжатларнинг машинада ўқитилувчи майдонини ўтказиш орқали «Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнасининг тегишли ячейкаларига биометрик ҳужжатларнинг серия рақамларини автоматик равишда киритиш (7-расм).



7-расм

Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни дастурга киритишда иккала усул ҳам бир хил натижа беради.


Дастурга бир уринишда 50 тагача йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжат ҳақидаги маълумотни киритиш мумкин.

50 тадан ортиқ биометрик ҳужжат ҳақидаги маълумот киритилганда қуйидаги огоҳлантириш ойнаси юзага келади (8-расм).



8-расм

Дастурда бир биометрик ҳужжатни икки маротаба рўйхатга киритиш имконияти чегараланган (9-расм).



9-расм

«Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнаси орқали биометрик ҳужжатларнинг сериясини киритишда фақат лотин алифбосидаги харфлар қабул қилинади.

«Йўқ қилишни тасдиқлаш» ойнаси орқали биометрик ҳужжатларнинг сериясини киритишда еттита рақамгача яхлитлаш тизими жорий қилинган бўлиб, еттитадан кам рақамлар киритилган тақдирда, дастур томонидан автоматик равишда рақамлар олдига нол сонлари қўйилади ва еттита рақам қўринишга келтирилади (10 ва 11-расмлар).



10-11-расм

50 та йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжат ҳақидаги маълумот киритилгач (12-расм),




12-расм
дастурнинг асосий менюсидан «Ҳолатини текшириш» тугмаси босилади (13-расм).



13-расм

«Ҳолатини текшириш» тугмаси дастурга киритилган йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳолатини Давлат персоналлаштириш марказида мавжуд тизимлардан текшириб, дастурнинг тегишли майдонида акс эттиради (14-расм).




14-расм

«Алмаштирилганлар» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатларнинг ҳолати «Бекор қилинган/алмашган» бўлиши лозим.

«Ишлатилияпти» (эгаси янги паспорт билан ҳужжатлаштирилмаган, эгаси вафот этган ёки ҳужжат бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар тизимга киритилмаган), «Тизимда мавжуд» (биометрик ҳужжатнинг йўқ қилинганлиги ҳақидаги маълумот аввал дастур орқали тизимга киритилган), «Бузилган» (техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган) ва «Топилмади» (биометрик ҳужжат биометрик паспорт тизимида мавжуд эмас) ҳолатидаги биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ҳақидаги маълумотларни «Алмаштирилганлар» ойнаси орқали дастурга киритиш имконияти чекланган.


Дастурга киритилган маълумотлар орасида ҳолати йўқ қилиш шартларига мос келмайдиган биометрик ҳужжатлар аниқланган тақдирда, улар ҳақидаги

ёзувларни рўйхатдан ўчириш асосий менюдаги «Танланганларни рўйхатдан ўчириш» тугмаси орқали амалга оширилади (15-расм).




15-расм

«Танланганларни рўйхатдан ўчириш» тугмаси босилгач, дастур орқали бажарилаётган амалларни тасдиқлаш учун қўшимча сўров ойнаси очилади ва «Ес» тугмасини босиш орқали танланган биометриқ ҳужжатлар ҳақидаги ёзувларни рўйхатдан ўчириш амаллари якунланади (16-расм).




16-расм

Дастурнинг асосий менюсидаги «Экспорт Мисрософт Ехсел» тугмаси дастурга киритилган маълумотлар рўйхатини электрон кўринишини шакллантириш ва сақлаш имкониятини беради (17, 18 ва 19-расмлар).



17-расм




18-расм

Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																
Биометрия - Microsoft Excel																


19-расм

Йўқ қилишга тайёрланган биометрик ҳужжатлар ҳолати ва улар ҳақидаги маълумотлар тўғрилиги текширилгач, дастурнинг асосий менюсидаги «Сақлаш ва ДПМга юбориш» тугмаси орқали рўйхатда келтирилган биометрик ҳужжатлар йўқ қилинишини тасдиқловчи маълумот Давлат персоналлаштириш марказига юборилади (20-расм).




20-расм

«Сақлаш ва ДПМга юбориш» тугмаси босилгач, дастурни юклаган электрон калит эгасини текшириш мақсадида, электрон калитнинг паролини киритиш учун махсус ойна очилади (21-расм).



21-расм

Электрон калит пароли киритилиб «ОК» тугмаси босилгач, дастур орқали бажарилаётган амалларни тасдиқлаш учун қўшимча сўров ойнаси очилади ва «Ес» тугмасини босиш орқали рўйхатда келтирилган биометрик ҳужжатлар йўқ қилинишини тасдиқловчи маълумотларни Давлат персоналлаштириш марказига юбориш амаллари якунланади (22-расм).



Дастур томонидан, киритилган маълумотлар сақланганлиги ва Давлат персоналлаштириш марказига юборилганлиги тўғрисида маълумот ойнаси очилади. (23-расм).



Маълумот ойнасидан сўнг экранда рўйхат очилади (24-расм).




Дастурда рўйхатни чоп этиш, чоп этишга принтер қурилмасини танлаш, рўйхатни сақлаш, ёпиш ва рўйхат билан ишлаш учун бир қатор амалларни бажариш имкониятлари яратилган (25-расм).



«Алмаштирилганлар» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатлар рўйхати бир нусхада чоп этилади. Чоп этилган рўйхат куйидаги кўринишда бўлади (26-расм).


№	Тури	Серия	Рақами	Фамилияси	Исми	Шарифи	Туғилган сана	Сабаби	Бекор санаси
1	P	AB	986664	CHILASHVILI	AKRAM	AZIMOVICH	12.03.1971	50 ҚОНИҚАРЛИ	01.09.2018
2	P	AB	9968050	KALIKOV	MUXAMADIYAR	LESBEK ULI	13.01.1990	50 ҚОНИҚАРЛИ	01.09.2018

Рўйхат махсус штрих код ҳамда ҳарф ва рақамлардан иборат уникал қайд рақамига эга. Ушбу қайд рақамлари биометрик паспорт тизими томонидан автоматик тарзда, ҳар бир тайёрланган рўйхат учун уникал кўринишда шакллантирилади (27.1-расм).



ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ПАСПОРТЛАР РЎЙХАТИ (ЎРАМ-РАҚҚИГ)

СИРДАРЁ ИЛОЯТИ ИИБ




G24000280918-0001

Ходим: Suleymanov Doniyor				Паспортлар сон: 50		Сана: 20.09.2018			
№	Тури	Серия	Рақами	Фамилияси	Исми	Шарифи	Туғилган сана	Сабаби	Бекор санаси
1	P	AC	0057749	NURSAIDOV	ISAKUL	ISHANKULOVICH	18.07.1972	50 ҚОНИҚАРЛИ	02.09.2018

27.1-расм

Рўйхатда масъул шахс имзоси ва муҳр учун махсус жой ажратилган (27-расм).


49	P	AB	986664	CHILASHVILI	AKRAM	AZIMOVICH	12.03.1971	50 ҚОНИҚАРЛИ	01.09.2018
50	P	AB	9968050	KALIKOV	MUXAMADIYAR	LESBEK ULI	13.01.1990	50 ҚОНИҚАРЛИ	01.09.2018



27-расм

Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ҳақидаги маълумотларни дастурга киритиш учун «ДПМ томонидан брак» ойнасидан фойдаланилади (28-расм).

Бу турдаги биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш Давлат персоналлаштириш маркази томонидан амалга оширилади.



28-расм

«ДПМ томонидан брак» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатларнинг ҳолати «Бузилган» бўлиши лозим.

«Ишлатилияпти» (эгаси янги паспорт билан ҳужжатлаштирилмаган, эгаси вафот этган ёки ҳужжат бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар тизимга киритилмаган), «Тизимда мавжуд» (биометрик ҳужжатнинг йўқ қилинганлиги ҳақидаги маълумот аввал дастур орқали тизимга киритилган), «Бекор қилинган/алмашган» (ўрнатилган тартибда амалда эмас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган) ва «Топилмади» (биометрик ҳужжат биометрик паспорт тизимида мавжуд эмас) ҳолатидаги биометрик ҳужжатларни йўқ қилиш ҳақидаги маълумотларни «ДПМ томонидан брак» ойнаси орқали дастурга киритиш имконияти чекланган.

«ДПМ томонидан брак» ойнаси орқали маълумотларни киритишда, ҳар бир биометрик ҳужжатда мавжуд носозлик ва хатолик сабаби алоҳида кўрсатилади. Сабаблар аввалдан шакллантирилган махсус луғатда мавжуд тегишли ёзувларни танлаш орқали дастурга киритилади (29-расм).




29-расм


Тегишли сабабларни белгиламасдан «Сақлаш ва ДПМга юбориш» тугмаси босилганда, маълумотларни сақлашда хатолик мавжудлиги юзасидан ойна очилади (30-расм).




Маълумотлар тўлиқ киритилгач, «Сақлаш ва ДПМга юбориш» тугмаси босилади (31-расм).




Дастурни юклаган электрон калит эгаси текширилиб (32-расм), бажарилаётган амаллар тасдиқлангач (33-расм), киритилган маълумотлар сақланганлиги ва Давлат персоналлаштириш марказига юборилганлиги тўғрисида маълумот ойнаси очилади (34-расм).



32-расм



33-расм



34-расм

Маълумот ойнасидан сўнг, экранда рўйхат очилади (35-расм).



ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ПАСПОРТЛАР РЎЙХАТИ (ЎРАМ-РАСКІНГ)
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ



P24000280918-0001

Ходим: Suleymanov Doniyor						Паспортлар сонис: 3		Сана: 28.09.2018	
№	Тури	Серия	Рақами	Фамилияси	Исми	Шарифи	Туғилган сана	Сабаби	Бекор санаси
1	P	AC	0837073	DJULBEKOV	XUSAN	SAYFULLAYEVICH	29.01.1961	2	
2	P	AB	6319309	MIRSHAROFOV	NODIRBEK	OYBEK O'G'LI	10.10.1999	2	
3	P	AB	9114637	NIYAZMATOVA	MUXARAM	XOX	02.01.1952	2	

масъул шахс имзоси

28.09.2018 04:35:11

1/1

Technologic ASBT

«ДПМ томонидан брак» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатлар рўйхати **икки нусхада чоп этилади**.

Чоп этилган рўйхат куйидаги кўринишда бўлади (36-расм).



ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ПАСПОРТЛАР РЎЙХАТИ (ЎРАМ-РАСКІНГ)
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ



P24000280918-0001

Ходим: Suleymanov Doniyor						Паспортлар сонис: 3		Сана: 28.09.2018	
№	Тури	Серия	Рақами	Фамилияси	Исми	Шарифи	Туғилган сана	Сабаби	Бекор санаси
1	P	AC	0837073	DJULBEKOV	XUSAN	SAYFULLAYEVICH	29.01.1961	2	
2	P	AB	6319309	MIRSHAROFOV	NODIRBEK	OYBEK O'G'LI	10.10.1999	2	
3	P	AB	9114637	NIYAZMATOVA	MUXARAM	XOX	02.01.1952	2	

масъул шахс имзоси

28.09.2018 04:35:11

1/1

Technologic ASBT

Ушбу ҳаракатлар натижасида йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни дастурга киритиш, Давлат персоналлаштириш марказига юбориш ва рўйхатларни тайёрлаш ишлари якунланади.

Дастурнинг «Марказий тизим» ойнаси орқали тизимга киритилган йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин (37-расм).




«Марказий тизим» ойнасидаги «Бўлинмалар ҳисоботи» менюси орқали махсус ҳисобот шакллари олиш мумкин (38-расм).




38-расм

Олинган маълумотларни электрон кўринишда сақлаш ва чоп этиш мумкин (39-расм).



Дастурда биометрик маълумотларни йиғиш пункти номи ва дастурни ишга туширган электрон калит эгаси ҳақидаги маълумотлар доимий равишда акс этиб туради (40-расм).



Дастур билан ишлаш жараёнида дастурий тўхталишлар ва бошқа номаълум хатоликлар юзага келган тақдирда, шунингдек, дастурни янгидан ёки қайта ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига мурожаат қилинади.

Дастурда кузатиладиган ҳар бир тўхталишлар ва хатоликлар Вазирликнинг тегишли буйруғи асосида пунктларда юритиладиган «Техник тўхташларни қайд этиш» китобига қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 5 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 300-сон буйруғи Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПФ–5061-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармон ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан персоналлаштирилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг йўл ҳужжатлари ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

Унда, биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш, биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга тайёрлаш ва йўқ қилиш ҳамда биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга оид ҳужжатларни юритиш тартиби ҳамда «Биопаспорт – йўқ қилиш» дастуридан фойдаланиш тартиби белгилаб берилди.



Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ–5061-сон Фармонини ва Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 11 ноябр кунидаги 492-сон буйруғи билан “Буклет ёки пластик кўринишидаги ҳужжатларни йўқ қилиш тартиби”ни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

Назорат учун саоллвр.

- 1-савол. Биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга тайёрлаш ва йўқ қилиш.
- 2-савол. Биометрик ҳужжатларни йўқ қилишга оид ҳужжатларни юритиш.
- 3-савол. Маълумотларни электрон кўринишда сақлаш ва чоп этиш.

14-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби

ИИО базасида амалий машғулот (6 соат)

15-Мавзу: Ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон республикасига таклиф қилиш, виза бериш ва рўйхатга олиш тартиби
Маъруза -2 соат

Режа:

1.Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.

2.Ватандошларга Ўзбекистон Республикасига кўп марталиқ кириш визаларини расмийлаштириш ҳамда уларни ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг айрим хусусиятлари.



1-савол. Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил

25 октябрдаги ПҚ-3982-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталиқ кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 326-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур Низом билан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталиқ кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тасдиқланди.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталиқ визаларни бериш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари томонидан амалга оширилади.

Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш учун таклиф қилувчи доимий истиқомат қиладиган жойидаги МваФР бўлинимасига мурожаат қилиши ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

Низом 2-иловага мувофиқ белгиланган намунадаги 2 нусхада ариза-анкета;

таклиф қилувчининг паспорти (нусхаси олиниб, асли қайтариб берилади);

ватандошнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва бошқалар) нусхаси;

таклиф қилувчининг ватандош билан қариндошлиқ даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тузилганлиги ва туғилганлик тўғрисидаги

гувоҳномалар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, нусхаси олиниб, асли қайтариб берилади);

агар ватандош Ўзбекистон Республикасига оила аъзолари билан биргаликда келиш ниятида бўлса, уларнинг ҳар бирининг шахсини ва қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари;

таклиф қилувчининг 3,5 x 4,5 см ўлчамли икки дона фотосурати;

давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

МваФР бўлинмаси уч иш куни мобайнида ариза-анкетани ва тақдим этилган бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, ватандошнинг таклиф қилувчига қариндошлик даражасини ўрганиб чиқади ҳамда ватандошлар ва таклиф қилувчининг шахсини ички ишлар органларидаги мавжуд маълумотлар базаси бўйича текширади.

Ариза-анкета ўрганиб чиқилгач, агар ватандошнинг Ўзбекистон Республикасига келишига ички ишлар органларида тўсқинлик қилувчи маълумотлар аниқланмаса, ариза-анкетанинг бир нусхасини келишиш учун ваколатли органга юборилади.

Ваколатли орган билан келишилганидан ва ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклидаги таклифнома тўлдирилиб МваФРБ бўлинмаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади, гербли муҳр билан тасдиқланади ва бевосита таклиф қилувчига ёки унинг ишончли вакилига берилади.

Ватандошларни таклиф қилиш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

Таклифнома берилган кундан бошлаб уч ой давомида амал қилади. Таклиф қилувчи ушбу муддат мобайнида таклифномани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига кириш визаларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

2-савол. Ватандошларга Ўзбекистон Республикасига кўп марталиқ кириш визаларини расмийлаштириш ҳамда уларни ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг айрим хусусиятлари.

Ватандошларнинг Ўзбекистон Республикасига кўп марталиқ кириш визалари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса — ҳалқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан берилади.

Ватандошларга кўп марталиқ кириш визаларини расмийлаштириш учун таклиф этувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилиб қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Низом 4-иловага мувофиқ белгиланган шаклда виза талаби;

e-visa.mfa.uz сайти орқали олинган электрон анкета;

МваФР бўлинмаси томонидан берилган таклифнома;

таклиф қилинувчи ватандошнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва бошқалар) нусхаси;

таклиф қилувчининг паспорти нусхаси;

кириш визалари Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олиниши мўлжалланган ҳолатларда - авиачипта ёки бронь нусхалари;

давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

Тақдим этилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан кўриб чиқиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Мурожаат ижобий ҳал этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амал қилиш муддати икки йил бўлган кўп марталик «VTD» турдаги кириш визаси расмийлаштирилади.

Бунда визанинг амал қилиш муддати таклиф қилинаётган шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги лозим.

Ватандошларни ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.

Ватандошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби ва барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон, «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ватандошлар ўз хоҳишларига кўра меҳмонхона, даволаш муассасалари, санаторий ва дам олиш уйларида (кейинги ўринларда жойлаштириш муассасалари деб аталади) ҳисобдан ўтган ҳолда вақтинча бўлишлари ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниб ҳудудий ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда туриб хусусий уй-жойларда яшашлари мумкин.

Хусусий уй-жойда яшаш истагини билдирган ватандошларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун таклиф қилувчи ўзи яшаб турган жойдаги МваФР бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Низом 5-иловага мувофиқ белгиланган шаклда ариза;

ватандошнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси билан визасиз режими ўрнатилган МДХга аъзо давлатлар бундан мустасно);

визасиз режими ўрнатилган МДХга аъзо давлатлардан келган ватандошларнинг таклиф қилувчи билан қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тузилганлиги, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар нусхаси олиниб асли қайтариб берилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг вақтинча турар жой майдони беришга розилиги тўғрисидаги аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси — агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

МваФР бўлинмаси вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун топширилган ватандошларнинг ҳужжатлари ҳақиқийлигини, ўз вақтида топширилганлигини, аризадаги биографик ва виза маълумотларининг тўғри ёзилганлигини текшириши лозим.

Барча текширишлар тугаганидан сўнг икки иш кунида МваФР бўлинмаси икки йил муддатга вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштиради.

Бунда вақтинча турган жойи бўйича рўйхат муддати шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва виза муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи ватандошларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ватандошлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига риоя этишлари шарт.

Ватандошлар яшаш манзилларини ўзгартирсалар уч иш кунидан кечикмай вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жой бўйича ҳудудий МваФР бўлинмасига турган жойи бўйича рўйхатга олишни ўзгартириш учун мурожаат қилиши лозим (меҳмонхона, санаторий ва даволаниш муассасаларига кўчиб ўтиш бундан мустасно).

Муайян манзилда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги асосида яшаётган ватандошлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа манзилида уч кундан ортиқ бўлиш истагини билдирсалар, амалдаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги бекор қилинмасдан бўлиш муддатига вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги қилинади. Бунда янги манзилдаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги аввалги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги муддатидан ошмаслиги лозим.

Ватандошлар Ўзбекистон Республикасида бундан буён қолишга қонуний асослари бўлмаса, виза ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш муддатлари тугагунча мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим.

Ватандошлар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари, таълим олишлари, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш билан яшаш гувоҳномаси олишлари мумкин.

Ватандошлар Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига мурожаат қилишлари керак.

Ватандошларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш орқали расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш

чора-тадбирлари ҳақида» 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорлари билан тартибга солинади.

Ватандошларнинг «VTD» турдаги визалари меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун берилган рухсатнома ёки таълим муассасаси билан тузилган шартнома муддатига узайтирилганда виза тури ўзгармайди.

Агар ватандош шахсини тасдиқловчи ҳужжатни турли сабабларга кўра алмаштира, амал қилиш муддати тугамаган эски ҳужжатдаги виза ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш МваФР бўлинмаси томонидан белгиланган тартибда янгисига ўтказиб берилиши мумкин.

Ватандошларнинг кириш визаси ва вақтинча пропискаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги ёки жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилаётганда;

таклифнома, визани расмийлаштириш ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш чоғида ёлғон маълумот ёки қалбаки ҳужжат тақдим этилганда;

яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганда.

Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган ҳамда бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган ватандошлар ҳақида жойлаштириш муассасалари маъмуриятлари, уй-жой мулкдорлари зудлик билан ҳудудий ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 326-сон қарорни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби;

2. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни кўриб чиқиш ва рўйхат муддати;

3. Ватандош ва унинг оила аъзолари доимий яшашга рухсатнома олиш;

15-мавзу. Ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини ўзбекистон республикасига таклиф қилиш, виза бериш ва рўйхатга олиш тартиби

Семинар – 2 соат

Ушбу ўқув машғулотини **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тартиби.

2-савол. Ватандошларга Ўзбекистон Республикасига кўп марталик кириш визаларини расмийлаштириш тартиби.

3-савол. Ватандошларни ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби.

4-савол. Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи ватандошларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5-савол. Ватандошларнинг кириш визаси ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатини бекор қилиниши тартиби.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3982-сон қарорининг мазмун-моҳияти;

2. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш тартиби;

3. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикасига киришга кўп марталик кириш визаларини бериш тартиби;

4. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикасига киришга кўп марталик кириш визаларини беришда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан кўриб чиқиш муддати;

16-мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикасига келиш ва кетиш тартиби

Маъруза-2 соат

Режа:

1. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари берилиши тартибининг ўзига хос жиҳатлари.

2. Ўзбекистон Республикасига келиш ва Ўзбекистон Республикасидан кетиш визаларини расмийлаштириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.



1-савол. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари берилиши тартибининг ўзига хос жиҳатлари.

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини янада соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 21 ноябрь куни «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарори қабул қилди. Ушбу қарор билан “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби”, “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари”, “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари”, “Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалари (электрон бўлмаган) тоифаларининг рўйхати” ва “Фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасида визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар рўйхати” тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, турист сифатида, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келишлари ва ундан кетишлари мумкин. Кейинги ўринларда матнда «хорижий фуқаролар» деб аталади.

Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса - Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битими мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари томонидан берилади.

Бош консулликлар, консулликлар, вице-консулликлар, консуллик агентликлари ва элчихоналарнинг консуллик бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасалари ҳисобланади;

б) халқаро аэропорт мақомига эга бўлган Ўзбекистон аэропортларидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан берилади.

Аэропортларда Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш визалари хорижий фуқароларнинг барча тоифаларига берилади.

Кириш визалари, қоидага кўра, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маълум тоифадаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш визалари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокида корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган хорижий фуқароларга кўп марталик уч йиллик инвестиция визаси (инвестиция визаси) берилади ва унинг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтирилади.

Бунда инвесторнинг оила аъзоларига (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари) инвестиция визаси амал қилиш муддатига мос равишда меҳмон визаси республикадан чиқмасдан туриб узайтириш ҳукуқи билан расмийлаштирилади.

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) давлат божи тўламасдан уч йил муддатгача кўп марта фойдаланиладиган визаларни олиш ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бўлинмалари визаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришни хорижий фуқароларнинг қўйидаги тоифалари учун амалга оширади:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларига (ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига), шунингдек Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган матбуот вакиллари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига;

б) расмий ва парламент делегациялари аъзоларига;

в) дипломатик мақомга эга бўлган бошқа шахсларга;

г) «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларнинг таклифи бўйича келганларга, бироқ кўпи билан 2 марта келганларга.

Визанинг узайтирилиши республика ҳудудида расмий бўлишга рухсатноманинг узайтирилишини англатади. Амалий жиҳатдан визани узайтириш амал қилиш муддати янгиланган янги виза бериш йўли билан

амалга оширилади, хорижий фуқаро аккредитация қилинган тақдирда эса визанинг тури ҳам ўзгартирилади.

Кўп марта фойдаланиладиган визалар Тартибнинг 3-банди «а» кичик бандида кўрсатилган хорижий фуқароларга улар аккредитация қилинган муддатга, Тартибнинг 3-банди «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган фуқароларга бир йилгача муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари Ўзбекистон Республикасидан кетиш (кеттиш, кеттиш-келиш) визаларини бериш ва уларнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни Тартибнинг 3-бандида кўрсатилмаган хорижий фуқаролар учун амалга оширадilar.

Кўп марта фойдаланиладиган визалар уч йилгача муддатга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифаларига ва уларнинг оила аъзоларига берилади:

а) ваколатхона ходимининг аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси аккредитация қилинган фирмалар ва компаниялар доимий ваколатхоналари ходимларига берилади. Виза хорижий фирма ёки компаниянинг доимий ваколатхонаси илтимосномаси асосида берилади;

б) хорижий фуқаронинг хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти штатига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти ходимларига берилади. Виза хорижий банк ёки бошқа молия ташкилотининг илтимосномаси асосида берилади;

в) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки аккредитация қилинган қўшма корхоналар ва 100 фоиз хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ходимларига, улар Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг меҳнат фаолияти кўрсатиш учун рухсатномасини олганларидан сўнг, агар икки томонлама ва кўп томонлама ҳукуматлараро Битимлар билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, берилади. Виза корхона илтимосномаси асосида берилади.

г) инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига визалар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг илтимосномалари асосида берилади.

д) хорижий инвестицияли корхоналарнинг муассислари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун.

Ички ишлар вазирлиги томонидан «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) га давлат божи тўланмасдан уч йил муддатгача кўп марталик кириш-чиқиш визалари берилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан уларнинг муддати узайтирилади.

Инвестиция визаси ноэлектрон шаклда берилган ишбилармонлик кириш визаси, меҳмон визаси ва ватандошлар учун кириш визаси бўйича Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ҳудудий органлари томонидан берилади ва узайтирилади.

Хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикасига инвестиция визаси билан келган тақдирда уни узайтириш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Хорижий фуқаро инвестиция визасини олиш ва узайтириш учун вақтинча яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмаларига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонасидан илтимосномани, шунингдек, киритилган инвестициялар тўғрисидаги тегишли маълумотномалардан бирини илова қилиб ва миллий паспортини кўрсатиб белгиланган шаклдаги анкета билан мурожаат қилади.

Маълумотнома:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан - хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан - хўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида берилади.

Инвестиция визасини олган хорижий фуқаро расмийлаштирилган визани инвестиция визаси амал қилишининг қолган муддати учун фуқаролиги бўлмаган шахснинг янги (алмаштиришда) миллий паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига ёпиштириш учун вақтинча яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Инвестиция визаси берилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳисобни ва тегишли реестрни юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонасига ҳар ойда тегишли маълумотларни юборади.

Иштирокчилар улушлари ўзгарганлиги билан боғлиқ устав ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси кейинчалик инвестиция визасининг амал қилиш муддатини қисқартириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига маълумот юборади.

Ўзбекистон Республикасига маълум муддатга визасиз, электрон ва туристик виза билан келиб, шу муддат ичида бахтсиз ҳодиса (жароҳат олганлиги ёки бошқа оғир касаллик) сабабли даволаш муассасаларига жойлаштирилган ва белгиланган муддатда республика ҳудудидан чиқиб кетиш имкони бўлмаган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан ҳар бир ҳолат бўйича тегишли даволаш муассасаси хорижий фуқаронинг даволаниш муддати кўрсатилган ҳолда берган ҳулосасига асосан, маъмурий чоралар қўлланилмасдан «чиқиш» (EXIT) визаси расмийлаштириб берилади.

Хорижий фуқаро ёки унинг қонуний вакили даволаниш муддати тугагач, уч иш кунида «чиқиш» (EXIT) визасини расмийлаштириш учун

худудий ички ишлар органига белгиланган тартибда ариза ва бошқа тегишли хужжатларни тақдим этади.

Алоҳида ҳолларда, эпидемия (пандемия) муносабати билан карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча бўлиш муддати тугаган хорижий фуқароларга, шунингдек, уларни қабул қилган уй-жой эгалари ва мансабдор шахсларга нисбатан карантин муддати тугагунга қадар ҳудудда бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий чоралар қўлланилмайди.

Карантин муддати тугаганидан сўнг Ўзбекистон Республикасига маълум муддатга визасиз, электрон ва туристик виза билан келган хорижий фуқаролар 30 сутка ичида «чиқиш» (EXIT) визасини расмийлаштирмасдан республика ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси билан визасиз режим жорий этилган хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда виза асосида яшаётган хорижий фуқаролар карантин муддати тугагач, белгиланган тартибда уч иш куни ичида худудий ички ишлар органларига тегишли ҳудудда вақтинчалик бўлиш муддатини узайтириш масаласида уларни таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Бўлиш муддати карантин муддати тугаган кундан бошлаб узайтирилади.

Ўзбекистон Республикасига келиш учун берилган виза, транзит визадан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳақиқий ҳисобланади, хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойлар, объектлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш визаларини бериш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун хорижий фуқаролардан:

а) Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорда консуллик йиғимлари, шунингдек, консуллик ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатларни қоплаш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва консуллик муассасалари бошлиқлари ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорда йиғимлар ундирилади;

б) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва кетишлари тартиби, уларга визалар бериш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама битимлари билан, тенглик асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Хорижий ташувчиларнинг давлатларида бўлиш учун Ўзбекистон Республикасининг ташувчиларига бериладиган муддатларга мос равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ташувчиларнинг бўлиш муддатларига ҳамда республика ҳудудида узоқ муддат бўлиш учун рухсатнома фақат асосланган сабаблар мавжудлигида тақдим этилишига нисбатан чораларни кўриш ҳукуқига эга.

2-савол. Ўзбекистон Республикасига келиш ва Ўзбекистон Республикасидан кетиш визаларини расмийлаштириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасига келиш визаларини расмийлаштириш тартиби. Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар визалар олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатлар консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифнома ва миллий паспортни ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни (кейинги ўринларда матнда «миллий паспорт» деб юритилади) илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган хорижий фуқаролар - халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аккредитация карточкаси асосида виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиладилар.

Юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари хорижий фуқароларга таклифномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига виза берилишида ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимоснома берганларидан кейингина юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, хорижий фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг ёзма мурожаатларини кўриб чиқади ва чет элдаги консуллик муассасаларига тегишли кўрсатмалар юборади.

Юридик шахсларнинг таклифномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига контракт ва шартномалар бўйича уч ойдан ортиқ муддатга ишга келаётган хорижий фуқароларга визалар бериш белгиланган тартибга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан хорижий фуқарога берилган меҳнат фаолиятига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий фуқаролар - халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган матбуот вакиллари ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг аккредитация карточкаси асосида визаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун мурожаат қиладилар.

Виза бериш ҳужжатларини кўриб чиқиш ва хорижий фуқарога келиш визасини расмийлаштириш муддати 10 суткадан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасига фуқаролар таклифномаси бўйича ёки доимий яшаш учун келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар визалар олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига таклифномани ва миллий паспортни илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

Чет элдан хорижий фуқароларни таклиф қилмоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида вақтинча (3 ойдан ортиқ) яшаб турган ва доимий яшаётган хорижий фуқаролар яшаш жойидаги ички ишлар органларига икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-ариза билан мурожаат қиладилар.

Фуқароларнинг таклифномаси бўйича хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келишга виза бериш учун рухсатномани расмийлаштириш муддати 15 суткадан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун келаётган хорижий фуқаролар учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати айрим ҳолларда 30 суткагача узайтирилиши мумкин.

Хорижий фуқаролар турист сифатида келиш визаларини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасига, бундай муассасалар бўлмаган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функциясини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза анкетасига миллий паспортни ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошираётган туристик ташкилотларнинг таклифномасини тақдим этган ҳолда мурожаат қиладилар.

Хорижий фуқаронинг турист сифатида келиш визасини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан 3 суткадан ошмайдиган муддатда амалга оширилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустаснодир.

Хорижий давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасига туристлар сифатида келаётган хорижий фуқароларга келиш-кейтиш визаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюроси томонидан берилишига йўл қўйилади.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг туристик визасида кўрсатилган муддатдан олдин келган тақдирда туристик визаларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бюrolари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилади.

Фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатида киритилган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига мурожаат қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 30 кун муддатга бир марталик, икки марталик ва кўп марталик кириш учун «e-visa.gov.uz» портали орқали «E-VISA.UZ» тизими ёрдамида электрон визани расмийлаштиришлари ва олишлари мумкин. Электрон визани расмийлаштириш ва олиш тартиби Электрон виза тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Электрон визани расмийлаштириш ва беришга доир мурожаатни кўриб чиқиш муддати мурожаат берилган кундан ташқари икки иш кунини ташкил этади.

Хорижий фуқаролар транзит визасини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасига, бундай муассасалар бўлмаган ҳолларда - Ўзбекистон Республикаси учун консуллик функцияларини бажариш юзасидан келишиб олинган бошқа давлатларнинг консуллик муассасаларига тўлдирилган белгиланган шаклдаги виза-анкета билан мурожаат қиладилар ҳамда миллий паспортни, борилаётган давлат визасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан борилаётган давлатга жўнаб кетиш санаси тасдиқланган йўл ҳужжатларини тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали шахсий, йўловчилар ташиш ёки юк транспортида транзит билан ўтиб кетадиган хорижий (ҳайдовчилар) фуқаролар (72 соатдан кўп бўлмаган муддат мобайнида) виза анкетаси, миллий паспорт ва борилаётган мамлакат визасидан ташқари халқаро намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини, транспортга эгаликни ва автотранспортнинг техник ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларни, юкнинг борилаётган мамлакатга етказиб берилишини тасдиқловчи юк ҳужжатларини ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

Транзит визани Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан расмийлаштириш 3 сутка мобайнида амалга оширилади.

Хорижда бўлган хорижий фуқароларга инвестиция визасини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Хорижда бўлган хорижий фуқароларга инвестиция визасини расмийлаштириш учун илтимос қилувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонасидан илтимосномани, таклиф қилаётган шахс паспорти нусхасини, шунингдек, киритилган инвестициялар тўғрисидаги тегишли маълумотномалардан бирини илова қилиб белгиланган намунадаги анкета билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилади.

Маълумотнома:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан - ҳўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан - ҳўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида берилади.

Инвестиция визаси Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан миллий паспорт илова қилинган ҳолда белгиланган шаклдаги виза анкетасини тўлдиришда ёхуд келганидан кейин - халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларида берилади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаган давлатлардан келган шахсга илтимосномани расмийлаштирувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона инвестиция визасини келганидан кейин халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларида расмийлаштириш масаласини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари билан олдиндан ишлаб чиқади.

Инвестиция визасини олган хорижий фуқаро расмийлаштирилган визани инвестиция визаси амал қилишининг қолган муддати учун фуқаролиги бўлмаган шахснинг янги (алмаштирилганда) миллий паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига ёпиштириш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бошлиқлари алоҳида ҳолларда хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига келиш визасини бериш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда улар қабул қилинган қарор тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бир сутка мобайнида хабарнома йўллайдилар.

Ўзбекистон Республикасидан кетиш визаларини расмийлаштириш тартиби.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан кетиш ҳужжатларини олганларидан сўнг виза олиш учун тегишли давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш учун гувоҳномаси ва доимий рўйхатдан ўтказилганлиги:

хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар улар уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш жойига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча ташқарига чиққан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгач, агар улар ҳаракатланиш ҳужжатини алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови бўйича бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар

Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига келиши куйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

в) агар шахс чет эл террорчи, экстремист ва бошқа жиноий ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор бўлса;

г) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

д) агар шахс илгари хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш-кепиш тартибини ҳамда бу ерда бўлиш қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг божхона, валюта ва бошқа қонунчилигини бузганлиги аниқланган бўлса;

е) агар шахс касал бўлса ёки унинг саломатлиги жамият хавфсизлиги ва соғломлигига хавф туғдирса ҳамда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган бўлса.

Қарор билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 22-бандига мувофиқ хорижий фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикасига келиш чекланган бўлса, унга Ўзбекистон Республикасига келиши рад этилади.

Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига куйидаги ҳолларда рухсат берилмайди:

а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса - кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса - ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса - иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилингунга қадар;

г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса - жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунгача;

д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса - мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;

ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса - суд томонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилгунга қадар.

Чет элга кетиш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби

Тартибнинг IV бўлимида назарда тутилган асослар бўйича чет элга кетиш ҳуқуқининг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган муддатидан ортиқча кечиктирилиши устидан хорижий фуқаролар юқори органларга шикоят қилишлари мумкин, бу органлар бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб беришлари керак, хорижий фуқаро унинг қароридан норози бўлганда,

судга шикоят қилиши мумкин. Чет элга кетиш ҳуқуқини Тартибнинг 20-банди «б» кичик бандида кўрсатилган сабабларга кўра чеклаш устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 21 ноябрь куни «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарорини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.


МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари берилиши;
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бўлинмалари визаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш;
3. Хорижий фуқарога инвестиция визаси берилиши;
4. «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаросига виза берилиши;
5. Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш визаларини бериш ёки амал қилиш муддатини узайтириш;
6. Ўзбекистон Республикасига келиш визаларини расмийлаштириш тартиби;
7. Ўзбекистон Республикасидан кетиш визаларини расмийлаштириш тартиби;
8. Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар.

16- мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон республикасига келиш ва кетиш тартиби

Семинар – 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **“Кластер”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



17-мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикасида бўлиш қоидалари

Маъруза- 2 соат

Режа:

1. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига амал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.

2. Чет эл фуқароларини аккредитация қилиш. Чет эл фуқароларининг автотранспорт воситаларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш хусусиятлари.

3. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

4. Бўлиш муддатини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишда белгиланган тартибга риоя этиш.



1-савол. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига амал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда чет эл фуқаролари деб аталади) Ўзбекистон Республикасида доимий яшашлари ёки вақтинча бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари Қоидалари”:

а) чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши;

б) чет эл фуқароларини аккредитация қилиш;

в) Ўзбекистон Республикасига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқароларининг автотранспорт воситаларини ҳисобга қўйиш;

г) қонун ҳужжатларини ва Қоидаларни бузганлик учун чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатларини қисқартириш ва уларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари жойлаштириш воситаларида (меҳмонхоналарда, меҳмонхона хизматлари — вақтинча яшаш хизматлари кўрсатиладиган туристик базаларда ва мажмуаларда, дам олиш уйлари ва зоналарида, пансионатларда, кемпингларда, мотелларда, оилавий меҳмон уйларида, ўтов ва чодирли лагерларда, санаторийларда ва бошқа объектларда, шунингдек, тунаш учун жойлашиш воситаларига айлантирилган ер транспортида), ўзлари танлаган бошқа уй-жой майдонида, шунингдек, даволаш муассасаларида қабул қилувчи ташкилотларни (вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклидан ҳамда фаолият туридан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларни, чет давлатларнинг доимий

ваколатхоналарини, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналарини ва чет давлатларнинг ҳукумат ташкилотларини, халқаро ва чет эл нодавлат (ноҳукумат) нотижорат ташкилотларининг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) ваколатхоналарини), шунингдек, уларни шахсий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахсларни хабардор қилган ҳолда яшайдилар.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ёнида паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжатлар (кейинги ўринларда миллий паспортлар деб аталади) бўлиши ҳамда улар бу ҳужжатларни ваколатли органлар вакиллариининг талабига мувофиқ тақдим этишлари шарт.

Чет эл фуқаролари миллий паспорт йўқолганлиги ҳақида дарҳол қабул қилувчи ташкилотга ва ички ишлар органларига хабар қилишлари шарт.

Туристларнинг ҳужжатларини текшириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган соддалаштирилган тартибда амалга оширилади.

Таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар, ташкилотлар, шу жумладан туроператор ва турагент чет эл фуқароларига уларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва Қоидаларда назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз вақтида тушунтириб берилишини, чет эл фуқаролари билан муносабатларда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар аниқ бажарилишини таъминлайдилар, чет эл фуқароларининг тегишли ҳисобини юритадилар (Ўзбекистон Республикасига шахсий ишлар билан нотижорат мақсадларда келаётган чет эл фуқароларини қабул қиладиган ва уларга турар жой берадиган жисмоний шахслар бундан мустасно), шунингдек, Интернет тармоғи орқали ихтисослаштирилган электрон автоматлаштирилган дастур (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) ёрдамида хабардор қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимларига мурожаат қилиш йўли билан уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини, республика ҳудудида ҳаракатланишини ҳамда ўзларига белгилаб берилган бўлиш муддати тугагач, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини таъминлаш учун жавобгар бўладилар.

Чет эллик туристларни қабул қиладиган туроператор ва турагент, шунингдек, уларнинг ходимлари чет эллик туристлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар, юқорида назарда тутилган жавобгарлик бундан мустасно.

Жойлаштириш воситаларига, даволаш муассасаларига ва бошқа уй-жой майдонларига жойлаштирилган чет эл фуқаролари (мустақил саёҳат қилиб, чодирли лагерларда ҳамда тунаш учун жойлаштириш воситасига айлантирилган ер транспортида яшайдиган чет эл фуқаролари бундан мустасно) вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиниб, чет эл фуқаролари келганларидан кейин уч сутка ичида ички ишлар органларини мустақил равишда хабардор қилишлари шарт бўлган жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмуриятининг, шунингдек, бошқа уй-жой майдонлари эгаларининг жавобгарлиги кучайтирилади.

Чет эллик фуқаро ташкилотлардан бирининг таклифига мувофиқ келган ҳолларда бошқа ташкилот ушбу фуқарога нисбатан мажбуриятларни ва Қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олган ҳолда, уни ўз йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзига нисбатан виза режими қўлланилмайдиган ёхуд виза беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган, учинчи шахсларнинг таклифсиз ёки таклифсиз туристлар сифатида келган чет эл фуқаролари паспорт назоратидан ўтишдан олдин Қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган талаблар ва жавобгарлик билан танишиб чиқадиладар. Мазкур фуқаролар зарур ҳолларда виза муддатини узайтириш учун мустақил равишда ҳужжатлар топшириш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда шахсий ишлар бўйича таклиф қилган ва уларга уй-жой майдонини берган шахслар қуйидагиларга мажбур:

уларни қуйидаги йўллар билан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш чораларини кўрадиладар:

агар чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати 30 кундан ортиқ бўлса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат этиш орқали хабардор қилиш;

агар чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати тўлиқ 30 кундан ошмаса, Дастур ёрдамида ёки ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат этиш орқали;

чет эл фуқаролари учун белгиланган Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати тугаганидан кейин уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига ёрдам беришлари шарт.

Бу шахслар томонидан чет эл фуқароларига уй-жой, транспорт воситалари бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Қоидаларнинг бузилишига олиб келиши олдиндан маълум бўлган ҳолларда ушбу шахсларнинг чет эл фуқароларига уй-жой, транспорт воситалари беришига ёхуд бошқа хизматлар кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Қоидаларга риоя этишлари шарт.

Чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари Қоидаларнинг талабларига риоя этишлари юзасидан назоратни ички ишлар органлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида жойлардаги ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда, шу жумладан Дастур ёрдамида амалга оширадиладар.

Чет эл фуқароларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва уларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш ҳамда унинг ҳудудида ҳаракатланиши учун рухсатномалар бериш тартиби Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлари билан, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тенг асосларда ўзгартирилиши мумкин.

2-савол. Чет эл фуқароларини аккредитация қилиш. Чет эл фуқароларининг автотранспорт воситаларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида чет эл фуқароларининг қуйидаги тоифалари аккредитация қилинади:

а) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг раҳбарлари, дипломатик персонал аъзолари, консулликларнинг мансабдор

шахслари, ҳарбий атташелар, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатиш персонали, шунингдек, уларнинг оила аъзолари;

б) оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва уларнинг оила аъзолари;

в) халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасига хизмат ишлари бўйича келган мансабдор шахслари, мазкур ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида штаб-квартираси бўлган халқаро ташкилотлар ҳузуридаги мамлакатлар ваколатхоналарининг мазкур ташкилотлар устав ҳужжатларига ёки тегишли шартномаларга мувофиқ дипломатик имтиёزلардан ва иммунитетлардан фойдаланувчи ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, унинг ваколатхоналари томонидан мазкур шахсларга аккредитация карточкалари берилади ҳамда бевосита уларнинг миллий паспортларига аккредитация ҳақида ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасига олти ойгача муддатга келган чет эл фуқароларининг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона органларида ҳисобга қўйилиши керак. Чет эллик эгалари томонидан Ўзбекистон Республикасига олти ойдан ортиқ муддатга олиб кириладиган транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиниб, миллий рақам белгилари алмаштирилади.

Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция (Вена, 1968 йил 8 ноябрь) талабларига жавоб берадиган халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқийдир. Чет эл фуқароларига миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ёки фуқароларнинг мазкур Конвенция талабларига жавоб бермайдиган ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириб бериш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Чет эллик эгаларининг транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикасида яшаётган чет эл фуқароларига қарашли бўлган автототранспортни фойдаланиш учун чет эл фуқароларига бериш нотариал тартибда расмийлаштирилиб, автототранспортнинг давлат рақами белгисини чет эл фуқароларига мўлжалланган тегишли тоифадаги белгига алмаштириш учун ички ишлар органлари хабардор қилинади. Чет эл фуқаролари томонидан қайтариб олиб чиқиб кетиш мажбурияти билан олиб кирилган автотранспорт белгиланган муддат тугаганидан кейин чет элга олиб чиқиб кетилиши керак ва у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қўйилиши мумкин эмас.

3-савол. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланишининг ўзига хос жиҳатлари.

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ўзларига ташриф учун рухсат берилган ҳудудидагина ҳаракатланишлари шарт.

Чет эл фуқаролари вақтинча бўлиш пунктига етиб келганларидан кейин таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар, ташкилотлар уларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида Дастур воситасида ёки ҳудудий ички ишлар органларига ёзма мурожаат қилиш орқали вақтинча рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Жойлаштириш воситаларида ёки даволаш муассасаларида турган чет эл фуқаролари мазкур муассасаларда ҳисобдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномаларига эга бўлган чет эл фуқароларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш уларнинг муайян яшаш жойида турадиган даври учун амалга оширилади. Уч суткадан то олти ойгача даврга вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан ўчирмаган ҳолда амалга оширилади. Хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга жўнаб кетаётганлардан ташқари бошқа шахсларни олти ойдан ортиқ муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан ўчирган ҳолда амалга оширилади.

Қабул қилувчи ташкилотлар йўналиши бўйича келган чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши:

ушбу ташкилотларнинг ёзма мурожаатлари асосида;

шахсий ишлар билан келган чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши чет эл фуқароларининг шахсий ёзма аризалари асосида фақат ички ишлар органларининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Қабул қилувчи ташкилотларнинг илтимосига кўра чет эл фуқароларига кўп марта кириш ва ҳаракатланиш учун рухсатномалар берилиши мумкин.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартиби, агар Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро келишувларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама шартномалар билан ва тенглик асосида белгиланади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида транзит ҳаракатланиши Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтиши қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидаги турар жойини Қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирган чет эл фуқаролари ички ишлар органларининг талаби билан олдинги турар жойларига қайтишлари ёки танлаган бориш пунктларига мувофиқ юришлари шарт.

4-савол: Бўлиш муддатини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишда белгиланган тартибга риоя этиш.

Бўлиш муддатини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари Қоидалари”ни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Қоидаларнинг талабларига амал қилишлари шарт бўлган шахсларнинг (шу жумладан республикага чет эл фуқароларини шахсий ишлар бўйича таклиф қилган ёки уларга хизмат кўрсатадиган шахсларнинг) Қоидалар

талабларини бузиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини ёки Қоидаларни бузаётган чет эл фуқаросига Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун унга белгиланган муддат қисқартирилиши мумкин.

Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати унинг бундан буён бўлиши учун асослар ёки маблағлар бўлмаганида ҳам қисқартирилиши мумкин.

Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш ҳамда уни чиқариб юбориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаган, вақтинчалик ёки доимий рўйхатдан ўтиш, ҳаракатланиш ёки яшаш жойини танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилмаган, бўлиш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиб, кейинчалик унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йилдан уч йилгача чекланиши мумкин.

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун суд томонидан белгиланган жазони ижро этиб бўлган ёки ўтаб бўлганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиб, бундан кейин унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи:

катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлик учун - беш йилга;

оғир жиноятларни содир этганлик учун - ўн йилга;

ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун - умрбод чекланади.

Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш муддати у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган (Давлат чегарасини кесиб ўтган) пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири ёки уни васийликка ёхуд ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда яшаш ҳуқуқига эга бўлса, куйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаган, вақтинча турган жойи ёки доимий яшаш жойи бўйича рўйхат, кўчиш ёки турар жойни танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаган, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этган жинояти учун суд томонидан белгиланган жазо ижро этиб бўлинган ёки ўтаб бўлинганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ҳолларда.

Чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш ва уни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш

тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан қабул қилинади. Чет эл фуқароси қарорда кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши шарт. Бундай ҳолларда чиқиб кетишдан бўйин товлайдиганлар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тартибда чиқариб юборилиши лозим. Чет эл фуқаросига берилган виза уни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юбориш вақтида бекор қилинади. Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқароларини таклиф қилган қабул қилувчи ташкилотлар ва хусусий шахслар ички ишлар органларига чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатларини қисқартириш ҳамда уларни чиқариб юборишни илтимос қилишлари мумкин.

Хизмат, шахсий, савдо ёки жамоат ишлари бўйича, ўқиш, малака ошириш, ишлаш учун ёки туристлар сифатида келган чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш харажатлари Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилаётган чет эл фуқароларини таклиф қилган қабул қилувчи ташкилотлар ва хусусий шахслар зиммасида бўлади.

Бошқа чет элликларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини чиқариб юбориш харажатлари ички ишлар органлари зиммасида бўлади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 21 ноябрь куни «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарорини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши;

2. Чет эл фуқароларини аккредитация қилиш;

3. Ўзбекистон Республикасига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқароларининг автотранспорт воситаларини ҳисобга қўйиш;

4. Ўзбекистон Республикасида бўлиш Қоидаларни бузганлик учун чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатларини қисқартириш ва чиқариб юбориш тартиби;

6. Қабул қилувчи ташкилотлар йўналиши бўйича келган чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши;

7. Чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда шахсий ишлар бўйича таклиф қилган ва уларга уй-жой майдонини берган шахслар мажбуриятлари;

8. Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун суд томонидан белгиланган жазони ижро этиб бўлган ёки ўтаб бўлганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юбориш, бундан кейин унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи.

17 мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикасида бўлиш қоидалари

Семинар– 2 соат


Ушбу ўқув машғулоти **“Балиқ скелети”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Тингловчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



Таҳлил қилинадиган муаммо:

1-муаммо. Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда шахсий ишлар бўйича таклиф қилган шахс томонидан вақтинча пропискага ўтказмасдан чет эл фуқаросига уй-жой майдони берилиши.

2-муаммо. Чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши.

3-муаммо. Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган, жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юбориш, бундан кейин унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи.

4-муаммо. Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикасида миллий паспортини йўқотиши.

18-мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидалари

Маъруза -2 соат

Режа:

1. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишларининг айрим жиҳатлари.

2. Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалар (электрон бўлмаган) тоифаларининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасида визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар.



1-савол. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишларининг айрим жиҳатлари.

Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган **“Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Қоидалари”** асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишларига, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилган транзит визалар мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар бўйича рухсат берилади. Кейинги ўринларда матнда «хорижий фуқаролар» деб аталади.

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўзлари борадиган мамлакатга ҳаво, темир йўл ва сув транспорти билан транзит ўтишларига Ўзбекистон Республикаси билан қўшни бўлган давлатга бориш учун ҳақиқий ҳисобланган ҳужжатлар ва тегишли ўтиш ҳужжатлари (уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа транспортга ўтириш пунктидан кетиш санаси тасдиқланган ҳолда) мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилади.

Халқаро транзит автоташишларни амалга оширувчи хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси орқали транзит ўтишлари ва уларнинг енгил автомобилларда транзит ўтишлари Ўзбекистон Республикасига қўшни бўлган давлатга ўтиш учун ҳақиқий бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, шунингдек, давлатлараро битимлар асосида амалга оширилади.

Транзит визалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўхташ ҳуқуқисиз берилади. Истисно ҳолларда хорижий фуқароларга қўшни давлатга ўтиш

йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир ёки бир неча пунктда тўхташ ҳуқуқи билан транзит виза берилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали визасиз транзит ўтишга рухсат берилади:

а) ҳаво транспорти йўловчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали қўнмасдан учиб ўтганларида;

б) халқаро авиайўналишлар самолётларида самолётдан самолётга ўтиб учишда ҳамда йўловчиларда бориладиган мамлакатга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ва авиачипталар мавжуд бўлганда, уларда самолётдан самолётга ўтиш санаси тасдиқланганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш вақти 24 соатдан ошмаганда. Бунда йўловчилар аэропортнинг улар учун махсус ажратилган ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

в) Ўзбекистон Республикаси тегишли ҳукуматлараро битимларга эга бўлган мамлакатлар фуқароларига.

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига пассажирлар тўғрисида олдиндан ўз вақтида маълумот берадиган ташувчининг учинчи мамлакатга авиабилети мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптимallasштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3836-сон қарорига 2-иловада кўрсатилган давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидан транзит орқали ўтадиган фуқароларига беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатда.

Ўзининг шахсий транспорт воситасида, пиёда ёки гуруҳ таркибида автобусда туризм мақсадида транзит юрмоқчи бўлган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келгунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи туризм ташкилотларининг автотурларини белгиланган тартибда, тўхташ жойларини кўрсатган ҳолда олиши ҳамда тегишли туризм визасига эга бўлиши шарт, ўзларига нисбатан виза режими қўлланмайдиган хорижий фуқаролар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан чиқиш чегара пунктдан мазкур қоидаларга риоя қилган ҳолда белгиланган йўналиш бўйича юрадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат транзит визаларда кўрсатилган пунктларда тўхташлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали автотранспорт воситаларида транзит ўтувчи, шу жумладан автомобилда халқаро юк ташишларни амалга оширувчи хорижий фуқаролар фақат халқаро автомобиль қатнови учун очик бўлган йўللار ва йўналиш варақасида кўрсатилган йўналиш бўйича юришлари мумкин.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган талаблар Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали сафар йўналиши қайд этилган автотранспорт воситасида (тунаш учун қайта бутланган ер усти автотранспорт воситасида) туристик (нотижорат) мақсадларда транзит ўтаётган чет эл фуқароларига татбиқ этилмайди.

Овқатланиш, дам олиш ва тунаб қолиш учун фақат мотеллар, кемпинглар ёки махсус ажратилган тўхташ жойлари мавжуд бўлган йўналишдаги пунктларда тўхташ мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан темир йўл орқали ўтаётган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтаётган поездларда

ўтаётган хорижий фуқаролар поезд тўхтаб туришининг амалдаги жадвалда кўрсатилган вақтида станцияларга тушиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ бўлмаган муддатда бир ёки бир неча пунктда тўхташ кўрсатилган транзит визага эга бўлган хорижий фуқаролар ушбу пунктларга келганларидан кейин Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари билан белгиланган тартибда жойлашиш воситалари ва даволаш муассасаларида ҳисобга туришга ёки вақтинча рўйхатдан ўтишга ва улар учун белгиланган бўлиш муддатидан кечикмай Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетишга мажбурдирлар.

Транзит ўтувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ муддатга мажбурий тўхтаган хорижий фуқаролар тўхташ пайтидан бошлаб кейинги сутка мобайнида ички ишлар органларида Ўзбекистон Республикасида бўлиш рухсатномасини расмийлаштиришга мажбурдирлар.

Мажбурий тўхташ қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

а) поезд, автотранспорт воситаси, кема ёки самолётнинг ҳаракатини тўхтатувчи табиий офатлар юз берганда;

б) автомобилнинг бирон-бир қисми бузилиши ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида шикастланган автотранспорт воситасини тузатиш учун;

в) врачнинг ҳулосасига кўра беморнинг йўлда юриши унинг саломатлиги учун хавфли ҳисобланган касаллик ҳолатида. Бундай ҳолда у билан бирга бораётган оила аъзолари ёки ҳамроҳлик қилаётган шахслар беморнинг олдида қолишлари мумкин.

г) йўллар туташган жойда бир транспорт туридан бошқасига ўтириш кечикканда.

Мажбурий тўхташ хорижий фуқароларга бундай тўхташ юз берган шаҳар ёки бошқа аҳоли яшайдиган жой доирасида мажбурий тўхташни келтириб чиқарган сабаб бартараф этилгунга қадар бўлиш ҳуқуқини беради.

Бўлишни ва транзит визаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришни расмийлаштириш йўналиш йўлида тўхташ сабаби ва муддатини тасдиқловчи тегишли ташкилот ёки муассасанинг маълумотномаси кўрсатилган ҳолда хорижий фуқаронинг шахсий аризасига биноан амалга оширилади.

Қуйидагилар тўхташ вақтида хорижий фуқаролар яшайдиган жойлар бўлиши мумкин:

б) ўз фаолиятини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган жойлашиш воситалари ва даволаш муассасалари.

в) транзит йўловчи у билан бирга бўладиган ваколатхонадаги аниқ шахс кўрсатилган ҳолда хорижий ваколатхонанинг ёзма илтимосномаси бўлган тақдирда аккредитация қилинган хорижий ваколатхона биноси.

Тўхташ вақтида хорижий фуқароларнинг ётоқхоналар ва шахсий квартираларда яшашларига истисно ҳолларда ва фақат ички ишлар органларининг рухсати билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 24 соатдан ортиқ бўлмаган муддатда мажбурий тўхтаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларига транзит виза ички ишлар органларида узайтирилмасдан рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, йўналишни ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиш чегара пунктини ўзгартиришни

истовчи хорижий фуқаролар бунинг учун ички ишлар органларининг рухсатномасини олишлари шарт.

Мазкур қоидаларнинг шубҳасиз бузилишига олиб келадиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий фуқароларга жой, транспорт воситалари беришларига ёхуд уларга бошқа хизматлар кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Хорижий фуқароларга жой ва транспорт воситалари берилган барча ҳолларда уларнинг эгалари бу ҳақда бир суткадан кечикмай ички ишлар органларига маълум қилишлари шарт.

Хорижий фуқаролар мазкур Қоидалар бузилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бошлиқлари ва ходимларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала дипломатик йўл билан ҳал этилади.

Мазкур қоидаларнинг хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш шартларига риоя қилишларини таъминловчи ёхуд уларга хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

2-савол. Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалар (электрон бўлмаган) тоифаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Т/р	Тур	Таъриф
1.	D-1	Дипломатик кириш визаси (доимий аккредитация қилинганлар учун) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган ходимлари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига (дипломатик паспортга эга бўлган) аккредитация муддатига берилади.
2.	D-2	Дипломатик кириш визаси (вақтинча турганлар учун) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ходимлари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига (дипломатик паспортга эга бўлган) 3 ойгача муддатга берилади.
3.	DT	Дипломатик кириш визаси (дипломатик паспорт эгалари учун туристик) Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда кираётган хорижий давлатларнинг дипломатик ходимлари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг ходимлари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига (дипломатик паспортга эга бўлган) 1 ойгача муддатга берилади.

4.	S-1	<p>Хизмат кириш визаси (доимий аккредитация қилинганлар учун)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган ходимлари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига (дипломатик паспортга эга бўлмаган), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган ходимларига ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига аккредитация муддатига берилади.</p>
5.	S-2	<p>Хизмат кириш визаси (вақтинча)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ходимлари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига (дипломатик паспортга эга бўлмаган), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ходимларига ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига 3 ой муддатгача берилади.</p>
6.	S-3	<p>Хизмат кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотларининг таклифи бўйича)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, қонунчиликда назарда тутилган, шунингдек, Президент ва Ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат бирлашмалар таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига хизмат сафарига келувчи хорижий фуқароларга 1 йил муддатгача берилади.</p>
7.	О	<p>Расмий кириш визаси (расмий ва давлат ташрифлари доирасида)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи расмий делегация аъзоларига расмий тадбирлар ўтказиш муддатига берилади.</p>
8.	В-1	<p>Ишбилармонлик кириш визаси (Ўзбекистон Республикасининг профиль муассасалари ва идораларида аккредитация қилинганлар учун)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналари, шунингдек хорижий банклар ёки бошқа молиявий ташкилотлар ходимларига аккредитация муддатига берилади.</p>
9.	В-2	<p>Ишбилармонлик кириш визаси (бизнес виза)</p> <p>Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган ишбилармонлик доиралари вакилларига 1 йил муддатгача берилади.</p>
10.	Т	Туристик кириш визаси

		Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда ташриф буюраётган хорижий фуқароларга 1 ой муддатгача берилади.
11.	TG	Гуруҳли туристик кириш визаси Ўзбекистон Республикасига камида 5 кишидан иборат бўлган туристик гуруҳ таркибида туристик мақсадларда ташриф буюраётган хорижий фуқароларга 1 ой муддатгача берилади.
12.	PLG	Зиёрат кириш визаси Туристик фаолият субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг сўровномалари бўйича Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси, анъаналарини ўрганиш учун хорижий фуқароларга 2 ой муддатгача берилади.
13.	E	Ишчи кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги лицензияси асосида) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси томонидан хорижий фуқарога берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқланган муддатга берилади.
14.	J-1	Матбуот вакиллари учун кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида доимий аккредитация қилинган) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида доимий аккредитация қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига аккредитация муддатига берилади.
15.	J-2	Матбуот вакиллари учун кириш визаси («Дунё» ААда вақтинча аккредитация қилинганлар) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида вақтинча аккредитация қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация муддатига берилади.
16.	PV-1	Меҳмон кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таклифи бўйича) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таклифи бўйича меҳмон сафарини амалга оширувчи хорижий фуқароларга 1 йилгача муддатга берилади.
17.	PV-2	Меҳмон кириш визаси (хорижий фуқароларнинг таклифи бўйича) Ўзбекистон Республикасида доимий аккредитация қилинган ва рўйхатдан ўтказилган хорижий фуқаролар таклифи бўйича меҳмон сафарини амалга оширувчи хорижий фуқароларга 1 йилгача муддатга берилади.
18.	VTD	Ватандошлар учун кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таклифи бўйича) Ўзбекистон Республикасида туғилганлар ва уларнинг оила аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва унинг ҳудудида

		доимий яшовчи уларнинг қариндошлари томонидан таклифнома мавжуд бўлганда 2 йилгача муддатга берилади.
19.	STD	Талабалар кириш визаси (олий таълим муассасалараро алмашиш асосида — вақтинча таълим олиш даврига) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган олий таълим муассасаларида қисқа муддатда (олий таълим муассасалараро алмашишга биноан ёки олий таълим муассасалараро ўзаро алоқалар доирасида вақтинча асосда) таълим олувчи хорижий талабаларга 1 йилгача муддатга берилади, ўз тасарруфида таълим муассасасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар илтимосномаларига кўра расмийлаштирилади.
20.	A-1	Ўқув кириш визаси (доимий асосда — таълим даврига) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган таълим муассасаларида таълим олувчи хорижий талабаларга 1 йилгача муддатга берилади, ўз тасарруфида таълим муассасасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар илтимосномаларига кўра расмийлаштирилади.
21.	A-2	Ўқитувчилар кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий асосда ишга жойлашишда) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий ўқув муассасалари филиалларининг профессор-ўқитувчилар таркибига — хорижий фуқароларга 1 йилгача муддатга берилади. Ўз тасарруфида таълим муассасасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар илтимосномаларига кўра расмийлаштирилади.
22.	A-3	Академик кириш визаси (вақтинча асосда) Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот (диссертациялар, илмий ишлар учун материаллар тўплаш) ва ўқитувчилик фаолиятини (қисқа муддатли сайёр маърузалар) юритишни хоҳлайдиган хорижий шахслар учун 3 ойдан 2 йилгача муддатга берилади, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий-тадқиқот ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари, вазирликлар ёки идоралар илтимосномаларига кўра расмийлаштирилади.
23.	MED	Тиббий кириш визаси. Даволаш-профилактика муассасалари таклифи бўйича Ўзбекистон Республикасига даволаниш учун келадиган хорижий фуқаролар учун 3 ойгача муддатга берилади.
24.	C-1	Экипаж учун кириш визаси Ҳаво кемалари ва темир йўл таркиблари экипажларининг хорижий аъзоларига 1 йилгача муддатга берилади.
25.	C-2	Ҳайдовчилар учун кириш визаси Юк ташувчи автотранспорт воситаларининг хорижий ҳайдовчиларига 1 йилгача муддатга берилади.
26.	EXIT	Чиқиш визаси Хорижий фуқаролар томонидан кириш визаларининг муддати кечиктирилган ҳолларда уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши учун 1 ойгача муддатга берилади.

27.	TRAN	Транзит визаси Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит билан ўтувчи хорижий фуқароларга 3 кунгача муддатга берилади.
28.	INV	Кўп марталиқ инвестиция визаси Хорижий инвестицияларни киритиш пайтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган 8500-мартали базавий тўлов катталигидан кам бўлмаган миқдорда хўжалик уюшмаларининг акциялари ва улушларини олиш, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокида бўлган корхоналарни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан унинг муддатини узайтириш имконияти билан ушбу корхоналарнинг сўровномалари бўйича берилади, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга расмийлаштирилади, 3 йилгача амал қилиш муддати билан берилади.

3-савол. Фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасида визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар.

Чекланмаган муддат: Озарбайжон Республикаси, Грузия, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Украина.

60 кунгача: Қирғизистон Республикаси

30 кунгача: Австралия Иттифоқи, Австрия Республикаси, Аргентина Республикаси, Босния ва Герцеговина, Ватикан, Люксембург Буюк Герцоглиги, Венгрия, Бруней-Доруссалом давлати, Исроил давлати, Греция Республикаси, Ирландия, Исландия, Италия Республикаси, Канада, Андорра Князлиги, Лихтенштейн Князлиги, Монако Князлиги, Бельгия Қироллиги, Дания Қироллиги, Испания Қироллиги, Нидерландия Қироллиги, Норвегия Қироллиги, Швеция Қироллиги, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Малайзия, Мўғулистон, Янги Зеландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Португалия Республикаси, Болгария Республикаси, Индонезия Республикаси, Кипр Республикаси, Корея Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Сан-Марино Республикаси, Сербия Республикаси, Словения Республикаси, Тожикистон Республикаси, Хорватия Республикаси, Чили Республикаси, Руминия, Сингапур, Словакия Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Туркия Республикаси, Бразилия Федератив Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Финляндия Республикаси, Франция Республикаси, Черногория, Чехия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Эстония Республикаси, Япония, Антигуа ва Барбуда, Барбадос, Белиз, Гренада, Доминика Республикаси, Мексика Қўшма Штатлари, Гватемала Республикаси, Гондурас Республикаси, Коста-Рика Республикаси, Куба Республикаси, Никарагуа Республикаси, Панама Республикаси, Тринидад ва Тобаго Республикаси, Эль-Сальвадор Республикаси, Сент-Винсент ва Гренадин, Сент-Люсия, Багама Ороллари Ҳамдўстлиги, Доминикана Ҳамдўстлиги, Сент-Китс ва Невис Федерацияси, Ямайка.

7 кундан кўп бўлмаган:

Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди.

Изоҳ:

1. Икки томонлама халқаро шартномалар ва тенглик асосида Озарбайжон Республикаси, Грузия, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Қирғизистон Республикаси (60 кунгача) ва Тожикистон Республикаси (30 кунгача) билан икки томонлама визасиз режим ўрнатилган.

2. Ушбу Изоҳнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилмаган қолган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси томонидан бир томонлама тарзда 30 кун муддатга визасиз режим жорий қилинган.

3. Визасиз режим юқорида санаб ўтилган мамлакатларнинг фуқароларига, уларнинг сафар мақсадларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасига таириф буюришини режалаштираётган барча тоифадаги паспорт (дипломатик, хизмат ва умумфуқаролик) эгаларига нисбатан қўлланилади. Мамлакатга кириш учун шахс амалдаги миллий паспорт ёки хорижий мамлакатларга сафар вақтида қўлланиладиган, унинг ўрнига ўтадиган, амал қилиш муддати визани расмийлаштиришдан камида 6 ойни ташиқил қилиши керак бўлган бошиқа ҳужжатга эга бўлиши керак.

Визасиз режим кўрсатиб ўтилган мамлакатлар ҳудудида доимий яшайдиган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

30 кунлик ва 60 кунлик визасиз режим Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтган вақтдан бошлаб амалга киради ва унинг тугашига қадар хорижий фуқаро республикадан чиқиб кетиши керак.

Ўзбекистон Республикасида 30 ёки 60 кундан кўп бўлиш зарурати ҳолатларида хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 4-иловада баён этилган, Ўзбекистон Республикасига кириш визалари тоифаларининг бирини унга расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни топиши керак.

4. Рўйхатда 66 дан 85 гача кўрсатиб ўтилган мамлакатлар фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим 2020 йил 1 январдан белгиланади.

5. Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун мамлакатнинг халқаро аэропортлари орқали кўпи билан 7 кун муддатга Ўзбекистон Республикасига киришининг визасиз режими Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни ўз вақтида тақдим қилувчи таиувчининг қайтувчи авиачиптаси мавжуд бўлганда 2020 йил 1 январдан белгиланади.

6. Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кун муддатга визасиз режим 2020 йил 1 январдан бошлаб Бирлашган Араб Амирликлари резиденти мақомини олган хорижий давлатлар фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилади. Бирлашган Араб Амирликлари резиденти мақомини олган хорижий давлатлар фуқаролари Ўзбекистон Республикасига киришда амал қилиш муддати 90 кундан кам бўлмаган резидентлик визасининг асл нусхасини тақдим этадилар.

Сўнгги йилларда миграция жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шу жумладан Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби янада соддалаштирилиши,

уларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари учун виза олиш ва рўйхатдан ўтишдаги енгиллаштирилган тартибларнинг жорий этилганлиги ёки бўлмаса электрон виза олиш, айрим давлатлар фуқаролари учун турист сифатида визасиз 30 кунгача келиб-кейтиш тартиби жорий этилиши, кўп марталик уч йиллик инвестиция, фахрий фуқаро визалар берилиши юртимизга келиш истагида бўлган хорижий фуқароларга енгилликлар ва қулайликлар яратиш билан бирга, Ўзбекистонга келувчилар сонининг кўпайишига, инвестиция олиб кирувчилар сони ортишига ҳамда туризм салоҳиятининг кўтарилишига олиб келди.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 21 ноябрь куни «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарорини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР:


1. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Қоидалари;
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали визасиз транзит ўтишга рухсат бериш тартиби;
3. Транзит ўтувчиларнинг мажбурий тўхташ ҳолатлари;
4. Тўхташ вақтида хорижий фуқаролар яшайдиган жойлар;
5. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Қоидаларини бузилганлиги учун жавобгарлиги;
6. Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалар (электрон бўлмаган) тоифалари;
7. Фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасида визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар;
8. Хорижий фуқаролар “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Қоидалар” бузилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилиши.

18 мавзу: Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидаларига риоя этишлари тартиби

Семинар – 2соат

Ўқув машғулоти **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



ИЗОХ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

Ўқув машғулотининг гуруҳларга топшириқлари:

1-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали визасиз транзит ўтишга рухсат бериш.

2-гуруҳга топшириқ. Мажбурий тўхташ ҳолатлари.

3-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалари (электрон бўлмаган) тоифалари.

4-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар тўхташ вақтида хорижий фуқаролар яшайдиган жойлар.

19-мавзу: Ўзбекистон ва қўшни давлатлар фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тартиби

Маъруза- 2 соат

Режа:

1.Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ўзаро келиб-кетишларини йўлга қўйишнинг аҳамияти.

2.Ўзбекистон Республикаси ҳамда Туркменистон фуқароларининг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартибини жорий этилишининг ўзига хос жиҳатлари.

3.Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қирғиз Республикаси фуқароларининг ўзаро келиб-кетишларининг ўзига хос хусусиятлари.

4.Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тожикистон Республикаси фуқароларининг ўзаро келиб-кетишларига киритилган енгилликлар.



1-савол.Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ўзаро келиб-кетишларини йўлга қўйишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Фуқароларининг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида”ги Битим 2000 йил 7 июль Остона (ҳозирги Нур Султон) шаҳрида имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 октябрдаги «Ҳукуматлараро битимни тасдиқлаш тўғрисида»ги 399-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда 2003 йил 26 июндан кучга қирган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси (томонлар), Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида Тошкент шаҳрида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Шартнома қоидаларига амал қилиб, иккала давлат фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тартибини йўлга қўйиш мақсадида, куйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

Томон давлатларининг фуқаролари Битимнинг 1- ва 2-иловаларида кўрсатиб ўтилган ҳақиқий ҳужжатлар бўйича ва Битимда кўзда тутилган шартларга мувофиқ бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлари ҳамда унда вақтинча бўлишлари мумкин.

Томонлар давлатларининг миллий паспортга эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудига 5 (беш) суткага қадар рўйхатга олинмаган (вақтинчалик пропискадан ўтмаган) ҳолда кирадилар ва унда бўладилар.

Бўлиб туриш муддатини 5 суткадан ортиқ муддатга узайтириш ички ишлар органлари томонидан Томонлар давлатларининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Томонлар давлатларининг фуқароларига бошқа Томон давлати ҳудудига кириш вақтида Томонларнинг чегара хизматлари томонидан миграция назорати карточкаси берилади, чиқиб кетиш вақтида у қайтарилиши лозим.

Бошқа Томон давлати ҳудудига темир йўл транспортида кириб келган фуқаролар ички ишлар органлари томонидан бериладиган миграция назорати карточкаси асосида 5 сутка давомида рўйхатдан ўтказилмасдан (вақтинчалик прописка қилинмасдан) бошқа Томон давлати ҳудудида бўлишлари мумкин.

Қуйидагилар миграция назорати карточкасини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтиш(вақтинчалик прописка)дан озод қилинадилар:

а) фуқаро авиацияси ҳаво кемасининг экипаж аъзолари ҳақиқий миллий паспортга кўра ва бош декларацияда (учиш топшириғида) ёзув бўлган тақдирда;

б) денгиз ва дарё кемалари экипажларининг аъзолари кема ролида ёзув ва ундан кўчирма мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий миллий паспортлар бўйича;

в) темир йўлларнинг йўловчи, поезд, рефрижератор ва локомотив бригадаси хизматчилари ҳамда Томонлар давлатлари ҳудуди бўйлаб темир йўл транспортида ташилаётган юкларни кузатиб боровчи шахслар ҳақиқий миллий паспорт ва ҳар бир рейс учун тасдиқланадиган исмлар ёзилган рўйхат, йўл варақалари бўйича;

г) ҳукуматлараро фельдъегерлик алоқаси ходимлари ҳақиқий миллий паспорт ва Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан бериладиган тегишли ҳужжатлар бўйича;

д) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари олдиндан келишилганига мувофиқ равишда ҳақиқий миллий паспорт ва хизмат сафари гувоҳномаси бўлган хизмат гувоҳномаси (шаҳодатномаси) бўйича (Томонлар давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг рўйхати дипломатик каналлар орқали белгиланади);

е) Томонлар давлатларининг расмий давлат ва ҳукумат делегациялари аъзолари ҳамда уларни кузатиб боровчи шахслар;

ж) Томонлар давлатлари дипломатик паспортининг эгалари;

з) Томонлар давлатларининг дипломатик паспортга эга бўлган, Томонлар давлатларининг ҳудудида жойлашган, Томонларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари;

и) Томонлар давлатлари дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг оила аъзолари.

Юқоридаги «з» ва «и» бандларида кўрсатилган шахслар Томонлар давлатларининг Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинадилар.

Томонлар давлатларининг бир Томон давлати ҳудудида жойлашган давлат объектларида ишлайдиган, хизмат вазифаларини бажариш учун бошқа Томон давлати ҳудудига кирадиган, чиқадиган ва унда бўладиган фуқаролари миграция назорати карточкасини расмийлаштиришдан озод этиладилар.

Мазкур шахсларни чегарадан ўтказиш миллий паспортлар ҳамда келишилган рўйхатлар бўйича хизмат гувоҳномалари асосида амалга оширилади.

Битимнинг 4-модда 1-бандида кўрсатилган объектларнинг рўйхати Битим имзоланган санадан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида дипломатик каналлар орқали ноталар алмашилиб аниқланади.

Томонлар давлатларининг бошқа Томон давлати ҳудудидан темир йўл транспортида транзит тарзида ўтаётган фуқаролари миграция назорати карточкасини расмийлаштиришмасдан ушбу Томон давлати ҳудудига миллий паспортлар ва темир йўл билетлари асосида кирадилар ва ундан чиқадилар.

Миграция назорати карточкасини бериш ва муддатини узайтириш учун йиғимларнинг тарифлари Томонлар тарафидан дипломатик каналлар орқали ноталар билан алмашиб келишиб олинади. Улар Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Томонлар ҳамжихатлик асосида қуйидаги шахсларни миграция назорати карточкаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтириш учун йиғимлар тўлашдан озод этадилар:

а) Томонлар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ, фан, техника, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳасида алмашув тарзида бораётганлар;

б) бошқа Томон давлати ҳудудидаги ўқув юртларида таълим олаётганлар;

в) Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари - тегишли ҳужжат тақдим этилганида, шунингдек ёши 60 дан ошган фуқаролар;

г) ёши 16га етмаган болалар.

Одамлар, транспорт воситалари, моллар, юклар, бошқа мулклар ҳамда жониворларни чегарадан ўтказиш Томонларнинг келишуви бўйича белгиланган ўтказиш пунктларида амалга оширилади.

Ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария, ветеринария, фитосанитария ва бошқа турдаги назоратлар амалга оширилади.

Ўтказиш пунктлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

а) халқаро ўтказиш пунктлари, уларда Томонлар давлатлари ва бошқа давлатларнинг одамлари, транспорт воситалари, моллари, юклари, бошқа мулклари ва жониворларини ўтказиш амалга оширилади;

б) икки томонлама ўтказиш пунктлари, уларда Томонлар давлатларининг одамлари, транспорт воситалари, моллари, юклари, бошқа мулклари ва жониворларини ўтказиш амалга оширилади;

в) соддалаштирилган ўтказиш пунктлари, уларда Томонлар давлатларининг одамлари ва транспорт воситаларини ўтказиш амалга оширилади.

Соддалаштирилган ўтказиш пунктлари ва уларнинг иш тартиби Томонлар давлатларининг чегара ва божхона хизматлари томонидан келишув асосида белгиланади.

Томонлар халқаро ва икки томонлама ўтказиш пунктларининг рўйхатини дипломатик каналлар орқали алмашади.

Ўтказиш пунктларининг иш режими Томонларнинг келишуви бўйича белгиланади. Бу режим ўтказиш пунктларининг иш вақти, Томонлар давлатларининг одамлари, транспорт воситалари, моллари, юклари, бошқа мулклари ва жониворларини ўтказиш тартибини ўз ичига олади.

Ўтказиш пунктлари иш режимини ташкил этиш ва унга амал қилинишини назорат қилиш Томонлар давлатларининг чегара ва божхона хизматлари зиммасига юкланади.

Томонларнинг қарорига кура, улар истисно ҳолларда (эпидемия, эпизоотия, табиий офатлар ва ҳ.) чегарадан одамлар, транспорт воситалари, моллар, юклар, бошқа мулклар ва жониворларни ўтказишни вақтинча тўхтатишлари мумкин.

Бу ҳолда шундай чораларни қўллаётган Томон олдиндан, бироқ, 24 соатдан кечикмасдан бошқа Томонни шундай чоралар кўрилганлиги ва улар бекор қилинганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Томонлар давлатларининг фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида бўлган вақтларида шу Томон давлатининг қонун ва қоидаларига, жумладан

чет эллик фуқаролар учун белгиланган рўйхатдан ўтиш (вақтинчалик прописка), бўлиб туриш ва ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Битим Томонларнинг бошқа Томон давлатининг фуқароси келишини рад этиш ёки бўлиб туриш муддатини чеклаш ҳуқуқига дахл қилмайди.

Томонлардан ҳар бири агар бу давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ёки аҳоли саломатлигини кўриқлаш учун зарур бўлса, вақтинча Битим амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

Бундай чоралар кўрилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида Томонлар олдиндан, аммо қарор қабул қилингач 72 соатдан кечикмасдан бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

Томонлар давлатлари янги ҳужжатлар жорий этган ҳолларда Томонлар мазкур ҳужжатлар жорий этилишидан камида 1 (бир) ой олдин ушбу ҳужжатларнинг намуналарини дипломатик каналлар орқали алмашлайдилар.

Томонлар давлатларининг Ташқи ишлар вазирликлари чет эллик фуқароларнинг келишлари, кетишлари ва бўлиб туришлари тартиби борасида амалдаги қонунлар тўғрисида ахборот ва шу соҳадаги бошқа ахборотни алмашлайдилар.

Томонлар, заруратга кўра, Битимни амалга оширишга алоқадор масалаларни муҳокама қилиш учун маслаҳатлашув ўтказиб турадилар.

Битимни бажариш ёки унинг қоидаларини қўллаш борасида келиб чиқадиган ҳар қандай келишмовчиликлар ва низоли масалалар Томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига биноан, Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Улар алоҳида баённомалар тарзида расмийлаштирилади, Битимнинг таркибий қисми деб ҳисобланади ва Битимнинг 17-моддасига мувофиқ кучга киради.

Битим Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

Битим Томонларнинг уни кучга киритиш учун зарур давлат ички процедураларини бажарганликлари охириги хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

Битим Томонларнинг бири иккинчисидан унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма хабар олган санадан олти ой ўтгунича амал қилади.



**2-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳамда
Туркменистон фуқароларнинг ўзаро
қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида
яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган
қатнов тартибини жорий этилишининг
ўзига хос жиҳатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида”ги Битим 2004 йил 19 ноябрда Бухоро шаҳрида имзоланган ва 2004 йил 4 декабрдан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати (Томонлар), Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган

Шартноманинг қоидаларига амал қилиб, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ўз давлатлари фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишни ифодалаб, Давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларини тартибга солиш, Томонлар давлатларининг ҳудудларига фуқароларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларини тартибга солиш мақсадида, икки давлат фуқароларининг қатновлари шартларини янада такомиллаштириш давлат чегараси режимини мустаҳкамлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлашга хизмат қилади деб ҳисоблаб, қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

Бир Томон давлатининг фуқаролари иловада санаб ўтилган амалдаги ҳужжатлари бўйича ва Битимда назарда тутилган тартибда бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлар ва унда вақтинча бўлишлари мумкин. *(Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати ўртасида 2009 йил 13 декабрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида 2004 йил 19 ноябрдаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Протокол).*

Битимда тартибга солинмаган масалалар Томонлар давлатларининг миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Томонлар давлатларининг фуқаролари бошқа Томон давлатининг ҳудудида бўлганларида шу Томон давлатининг қонун ва қоидаларига, жумладан хорижий фуқаролар учун белгиланган рўйхатдан ўтиш, бўлиш ва унда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Томонлар давлатларининг фуқаролари давлат чегарасида ўтказиш пунктлари орқали Томонлардан бир давлатининг ҳудуди орқали Томонлар давлатларининг миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилган чегара, божхона ва бошқа процедураларга риоя қилган ҳолда киришлари, чиқишлари ва ундан транзит тарзида ўтишлари мумкин.

Ўтказиш пунктлари рўйхати Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали келишилади.

Бир Томон давлатининг фуқаролари бошқа Томон давлатининг визасини олиш учун шу Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига ёзма мурожаатнома ва тегишли юридик ёки жисмоний шахснинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган таклифномасини тақдим қиладилар. Битимда қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Амалдаги дипломатик паспортларга эга бўлган Туркменистон ҳудудида узоғи билан **ўттиз кун** бўлиши назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва амалдаги дипломатик паспортларга ёки хизмат паспортларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узоғи билан **ўттиз кун** бўлиши назарда тутилган Туркменистон фуқаролари бошқа Томон давлатининг ҳудудига визасиз киришлари, чиқишлари ва унда бўлишлари мумкин.

Томонлар давлатларининг юқорида қайд этилган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида **ўттиз кундан** ортиқ бўлишни ният қилсалар, виза олиш учун улар қайси Томон давлатининг фуқароси бўлсалар, ўша Томон давлати дипломатик ваколатхонасининг ёки консуллик муассасасининг ёзма мурожаатномаси зарур.

Бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик ёки хизмат паспортларига эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудига дипломатик ваколатхоналар ҳамда консуллик муассасалари, расмий ваколатхоналарнинг,

шунингдек халқаро ташкилотларнинг ходимлари бўлсалар, бутун хизмат давомида бошқа Томон давлати ҳудудига визасиз кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

Битимнинг 6-моддаси 1-бандидаги қоидалар мазкур фуқароларнинг расмий иш фаолияти даврида улар билан бирга яшайдиган ҳамда амалдаги дипломатик ёки хизмат паспортига эга бўлган оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги миллий фуқаролик паспортига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги дипломатик ваколатхоналари ва унга тенглаштирилган бошқа маъмурий-техник персонали аъзолари, шунингдек уларнинг оила аъзолари консуллик йиғимларини ундирмасдан расмийлаштирилган кўп маротабали визалар асосида Туркменистон ҳудудига кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

Битимнинг 6-моддаси 1-3-бандларида кўрсатилган шахслар қабул қилувчи давлат Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли аккредитациясига эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Бухоро вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларининг (*Баённоманинг 3-иловаси*) Туркменистон чегарасига бевосита туташган туманларида доимий истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг янги шаклдаги паспортлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг амалдаги эски шаклдаги паспортларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларига **бир ойда бир марта** визасиз киришлари, чиқишлари ва унда кўпи билан уч кун бўлишлари мумкин.

Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларида доимий истиқомат қилувчи Туркменистон фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Бухоро вилоятларига, шунингдек Туркменистоннинг давлат чегарасига бевосита туташган Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг районлари (*Баённоманинг 3-иловаси*) ҳудудларига **бир ойда бир марта** визасиз киришлари, чиқишлари ҳамда унда кўпи билан **уч кун** бўлишлари мумкин.

Юқорида кўрсатилган фуқаролар, Туркменистон фуқароларининг ҳақиқий паспортлари ёки Туркменистондан чиқиб кетиш ва Туркменистонга кириш учун Туркменистон фуқароларининг ҳақиқий паспортлари ва яшаш жойларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Рамазон ҳайити (Рамазон) ва Қурбон ҳайити (Қурбон байрам) кунлари анъанавий маросимларни бажариш мақсадида Битимнинг 7-моддаси амал қилиши татбиқ этиладиган фуқаролар юқорида қайд этилган Томонлар давлатларининг ҳудудларига **бир ойда икки марта** визасиз киришлари, чиқишлари, лекин кўпи билан **етти кун** унда бўлишлари мумкин.

Битимнинг 7-моддасида қайд этилган фуқароларнинг яшаш жойлари Томонлар давлатлари фуқароларининг паспортларида прописка тўғрисида қўйиладиган белгилар асосида аниқланади.

Битимнинг 7-моддасида кўрсатилган Томонлар давлатлари фуқароларининг бошқа Томон давлати ҳудудида ушбу моддада белгиланган муддатлардан кўп бўлишлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган визалар асосида амалга оширилади.

Битим 7-модданинг амал қилиши татбиқ этиладиган иккала Томон давлатларининг фуқаролари халқаро алоқалар учун белгиланган ўтказиш

пунктлари орқали давлат чегарасидан ўтиш вақтида Томонларнинг миллий қонунларига мувофиқ зарур бўлган процедураларга риоя қилган ҳолда бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари ва ушбу ҳудуддан чиқишлари мумкин.

Битимнинг 1- ва 2-иловаларида санаб ўтилган ҳужжатлар бўйича визасиз кириш, чиқиш ва унда бўлиш тартиби иккала Томон давлатининг қуйидаги тоифадаги фуқароларга нисбатан белгиланади:

а) фуқаро авиацияси ҳаво кемалари экипажи аъзолари амалдаги миллий паспортларига кўра ва бош декларация (учиш вазифаси) даги қайднома мавжуд бўлганда;

б) дарё кемаси ва катерлари экипажи аъзоларининг амалдаги денгизчилар паспортларига кўра ҳамда кема роли қайдномаси ёки ундан кўчирма мавжуд бўлганда;

в) темир йўл, поезд, рефрижератор ва локомотив бригадалари ходимларининг амалдаги миллий паспортлари ҳамда номма-ном кўрсатилган рўйхат, ҳар бир рейс учун тасдиқланадиган йўналиш варақаларига кўра;

г) ҳукуматлараро фельдъегер алоқаси ходимлари амалдаги миллий паспортлари ва Томонларнинг ваколатли органлари берадиган тегишли ҳужжатларга кўра.

Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган хўжалик объектларига хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари бўлган фуқаролари Томонлар ўртасида тузилган алоҳида битимда белгиланган тартиб ва шартларда хизмат вазифаларини бажариш учун бу Томон давлати ҳудудига кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

Инсонпарварлик характеридаги кечиктириб бўлмас ҳолларда Томонларнинг ваколатли органлари оғир бетоб оила аъзоси ёки яқин қариндошини (эр-хотин, ота-оналар, болалар, туғишган ака-укалар ва опасингиллар, эр-хотинларнинг ота-оналари) зиёрат қилиш мақсадида, шунингдек Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан берилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда оила аъзоси ёки яқин қариндошни кўмиш маросимида иштирок этиш учун кетаётган шахсларга бир сутка ичида визалар беради.

Томонлар қуйидаги тоифадаги фуқароларга нисбатан визалар беришда консуллик йиғимларининг имтиёзли тарифларини ўзаролик асосида қўллайдилар:

- кўмилган жойини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган ҳолда яқин қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиш мақсадида кетаётган шахслар;

- тегишли ҳужжатларни кўрсатган ҳолда 1941-1945 йиллардаги уруш ветеранлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1- ҳамда 2- гуруҳ ногиронлари.

Томонлар давлатларининг фуқаролари тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда учинчи мамлакатларда тушиб қолиш ёки у ерга бориш мақсадида ўз Томони давлати ҳудудида транспорт воситасига миниш ва ундан тушиш шарти билан бошқа Томон давлати ҳудуди орқали транзит тарзида темир йўл транспортида визасиз юришлари мумкин.

Битим Томонларнинг бошқа Томон давлати фуқароларининг улар ҳудудида бўлиши номақбул деб топилган ҳолларда уларнинг кириб келишини рад этиш ёки бўлиш муддатини чеклаш ҳуқуқига дахл қилмайди.

Томонлар бошқа Томон давлати ҳудудини белгиланган муддатга қадар тарқ этиши лозим бўлган ёки чиқариб юборилган ўз давлатларининг фуқароларини қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

Фавқуллодда ҳолларда (миллий хавфсизликка, жамоат тартибига ёки фуқароларнинг соғлиғига таҳдид, шу жумладан юқумли касалликлар, табиий офатлар) Томонлар Битимнинг амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Томонлар Битимнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва қайта тиклаш ҳақида мумкин қадар бу тўғрида қарор қабул қилинишидан энг камида **24 соат** илгари олдиндан бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

Томонлар Битим кучга киргандан сўнг **30 кун** давомида Битимнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ҳужжатларнинг нусхаларини дипломатик каналлар орқали алмашадиладар.

Янги ҳужжатлар киритиладиган ёки амалдаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритилган ҳолларда Томонлар бир-бирларини хабардор қиладилар ва янги ёхуд ўзгартирилган ҳужжатларнинг нусхаларини уларнинг киритилишидан камида

30 кун илгари дипломатик каналлар орқали юборадилар.

Томонлар дипломатик каналлар орқали хорижий фуқароларнинг киришлари, чиқишлари, унда бўлишлари тартибларига оид амалдаги қонунчилик тўғрисида ва шу соҳадаги бошқа ахборотни алмашадиладар.

Томонлар Битимни бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида заруратга кўра маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра Битимга унинг 19-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ кучга кирадиган ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ҳамда тўлдиришлар киритилиши мумкин.

Битим қоидаларини бажариш ёки қўллаш давомида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёхуд баҳсли масалалар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

Битим имзоланган кундан **ўн беш кун** ўтгач кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томондан ушбу Битим амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги расмий хабарнома олган санадан кейин тўқсон кун ўтгунича амал қиладди.



3-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қирғиз Республикаси фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғиз Республикаси Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида”ги Битим, 2006 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган, Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 январдаги «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-557-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2007 йил 12 февралдан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғиз Республикаси Ҳукумати (Томонлар) икки қардош давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштиришга ҳамда ўз мамлакатларининг фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга интилиб, Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида 1996 йил 24 декабрда имзоланган Шартнома қоидаларига амал қилиб, иккала давлат фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тартиби ва шартларини йўлга қўйиш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

Бир Томон давлатининг фуқаролари Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатиб ўтилган ҳақиқий ҳужжатлар бўйича ва Битимда кўзда тутилган шартларга мувофиқ визасиз **60 суткагача** бошқа Томон давлати ҳудудига киришларни, чиқишларни транзит ўтишлари ҳамда унда вақтинча бўлишлари мумкин.

Томонлар давлатларининг фуқаролари **60 суткадан ортиқ** муддатга Томонлар давлатлари ҳудудларига кириш ва у ерда бўлишни кўзласалар, олдиндан визаларни Томонларнинг қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда расмийлаштирадилар.

Бир Томон давлатининг ҳақиқий дипломатик, хизмат ва миллий паспортига эга ва дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари хизматчилари ҳисобланадиган, бошқа Томон давлати ҳудудига бўлган фуқаролари киришдан кейин Томонлар қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда аккредитацияни расмийлаштирадилар ва аккредитация муддати давомида визасиз у ерда бўлади.

Юқорида белгиланган гуруҳ фуқаролари билан уларнинг бошқа давлат ҳудудига бўлиб туриш даврида бирга яшайдиган оила аъзолари (эр/хотин ва вояга етмаган болалар)га ҳам татбиқ этилади.

Томонлар халқаро алоқалар учун очиқ бўлган ўтказиш пунктлари орқали ҳақиқий ва Томонлар давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган, чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга Томонлар давлатлари фуқароларини учинчи давлатларга ўтказишга мажбур ва Томонларнинг ваколатли органлари томонидан чиқиш тақиқланган шахсларнинг учинчи давлатларга чиқиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрадилар.

Томонлар халқаро алоқалар учун очиқ бўлган ўтказиш пунктлари орқали ҳақиқий ва Томонлар давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган, чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга Томонлар давлатлари фуқароларини учинчи давлатларга ўтказишга мажбур ва Томонларнинг ваколатли органлари томонидан чиқиш тақиқланган шахсларнинг учинчи давлатларга чиқиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрадилар.

Томонлар ўзаро ёзма розиликларига асосан Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатидаги ўзгаришлар юзасидан қарорлар қабул қилишлари мумкин. Бунда, янги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш ҳолатида, Томонлар уларнинг намуналарини дипломатик каналлар орқали уларни кучга киритишга **30 суткадан** кечиктирмасдан алмашадилар.

Томонлар Битимни имзолаганларидан кейин, Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатларнинг намуналари билан дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

Визалар бериш учун консуллик йиғимларининг тариф ставкалари Томонлар томонидан Битимнинг 3-иловасига кўра ўзаролик шартлари асосида ўрнатилади.

Томонлар ўзаролик асосида қуйидаги шахсларни виза беришда консуллик йиғимларидан озод қиладилар:

- «Томонлар ўртасидаги шартномаларга кўра фан, техника, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алмашиш тартибида кетаётганларни;
- Улуғ Ватан Уруши фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахсларни, тегишли гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда 1 ва 2-гуруҳ ногиронларини;
- 16 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлган фуқароларнинг;

- Таклиф қилувчи ўқув муассасаларининг илтимосномаларига асосан томонлар давлатлари ҳудудларидаги ўқув муассасалари ва ўтказиладиган курсларда ўқийдиганларни.

Битим кучи амал қиладиган иккала Томон давлатлари фуқаролари Томонлардан бири давлат ҳудудларига давлат чегарасини кесиб ўтиш учун мўлжалланган ўтказиш пунктлари орқали киришлари, чиқишлари ва транзит ўтишлари мумкин. Ушбу ҳолда Томонларнинг миллий қонунчилигига кўра, давлат чегараларини кесиб ўтишдаги тартибларга риоя қилиниши керак.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларининг рўйхати алоҳида битимлар билан белгиланади.

Томонлар давлатлари фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида вақтинча бўлишлари даврида ушбу давлат қонунлари ва қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Хизмат иши юзасидан бир Томон давлати ҳудудида бўлган фуқароларнинг вақтинча пропискиси ва рўйхатга олиниши бошқа Томон давлати ваколатли органи томонидан мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар ҳамда хизмат ва сафар гувоҳномалари асосида бож ва йиғимлар олмасдан амалга оширилади.

Битим Томонларнинг бошқа Томон давлатининг уларнинг ҳудудларида бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланадиган фуқароларининг киришларини рад этиши ёки вақтинча бўлиш муддатларини чеклашдаги ҳуқуқларига тааллуқли эмас.

Томонларнинг ҳарбийлари бошқа Томон ҳудудига кириш, транзит орқали ўтиш ва чиқиши, агар улар давлат томонидан юклатилган хизмат вазифаларини давлат чегарасининг айрим ҳудудларида бажараётган бўлсалар, Томонларнинг ваколатли органлари томонидан Битимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан белгиланади.

Томонларнинг ваколатли органлари дипломатик ноталар алмашиш йўли билан аниқланади.

Истисно ҳолатларда (миллий хавфсизликка, жамоат тартибига ёки фуқаролар соғлиғига таҳдид, шунингдек, фавқулодда ҳолатларда ва бошқ.) Томонлар Битим ёки унинг айрим қоидаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

Ушбу ҳолатда манфаатдор Томон бошқа Томон фуқароларининг визасиз киришлари, чиқишлари, вақтинча бўлишлари ва транзит ўтишларига тегишли чекловларни киритишлари мумкин. Бу ҳақда тегишли Томон дипломатик каналлар орқали кўрсатилган чекловлар амалга киритилишидан олдин **72 соат** ичида бу ҳақда хабар беради.

Битимни қўллаш натижасида келиб чиқадиган масалаларни Томонлар маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этишади.

Томонларнинг келишувига кўра, Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Битимнинг 16-моддасида кўрсатилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Битим Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси иштирок этадиган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга тааллуқли эмас.

Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини Томонлар томонидан амалга оширилганлиги ҳақида охириги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради ва бир Томоннинг бошқа

Томондан Битимнинг кучини бекор қилиш истаги ҳақида расмий хабарнома олинган кундан эътиборан **90 кун** ўтишигача амал қилади.



4-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тожикистон Республикаси фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишларига киритилган энгилликлар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида”ги Битим 2018 йил 9 мартда Душанбе шаҳрида имзоланган, мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3604-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси учун 2018 йил 19 мартдан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати (Томонлар), икки қардош давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ўз давлатлари фуқаролари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга интилган ҳолда, иккала давлат фуқароларининг ўзаро келиб-кетиш қоидалари ва шартларини тартибга солиш мақсадида, куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

Битимнинг 1-ва 2-иловаларда санаб ўтилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари эгалари бўлган Томонлар давлатларининг фуқаролари визасиз **30 суткагача** Томонлар давлатлари ҳудудига киришлари, чиқишлари, ундан транзит ўтишлари ва унда вақтинча бўлишлари мумкин.

30 суткадан ортиқ муддатга Томонлар давлатлари ҳудудларига кириш ва у ерда бўлишни кўзлаган Томонлар давлатларининг фуқаролари Томонлар давлатлари қонунчилиги билан ўрнатилган тартибга мувофиқ виза расмийлаштирадилар.

Бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик, хизмат ва миллий паспортларига эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ходимлари бўлсалар, кириб келгандан сўнг Томонлар қонунчилигида ўрнатилган тартибга мувофиқ аккредитацияни расмийлаштирадилар ва бутун аккредитация муддати давомида визасиз бўладилар.

Юқорида кўрсатилган фуқароларнинг расмий иш фаолияти даврида улар билан бирга бошқа Томон давлати ҳудудида яшайдиган оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари)га ҳам татбиқ этилади.

Амалдаги дипломатик паспортлари эгалари бўлган, Томонлар давлатларига хизмат сафарини амалга оширадиган ва бошқа Томон давлати ҳудудида **ўттиз суткадан ортиқ** бўлишни кўзлаган Томонлар давлатларининг фуқароларига визалар улар фуқароси бўлган Томон давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасининг ёзма мурожаатига асосан консуллик йиғимлари ундирилмасдан берилади.

Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган объектларига хизмат кўрсатувчи Томонлар давлатларининг фуқаролари хизмат вазифаларини бажариши учун шу бошқа Томон давлати ҳудудига визасиз кирадилар, чиқадилад ва унда бўладилар.

Мазкур хизматчиларни чегарадан ўтказиш миллий паспорт ва хизмат гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

Мазкур фуқароларни бошқа Томон давлати ҳудудида вақтинча рўйхатга олиш ва қайд қилиш Томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан объектларга хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг тақдимномаси асосида бож ва йиғимлар ундирилмаган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур объектларга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари, махсус техника ҳамда моддий-техникавий ресурслар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа хил тўловлардан озод қилинади.

Юқорида кўрсатилган объектларнинг рўйхати Битим имзоланган санадан сўнг **30 кун** ичида дипломатик каналлар орқали ноталар алмашиш орқали аниқланади.

Томонлар халқаро автомобиль ташишларини амалга оширадиган транспорт корхоналарининг дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига мурожаати асосида транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига белгиланган тартибда **12 ойга қадар** муддатга кўп марталик виза берадилар.

Томонлар бир-бирларини Битимни қўллаш соҳасига тааллуқли бўлган масалалар, шу жумладан, шахсни ва эгаларининг фуқаролигини тасдиқловчи амалдаги ҳужжатлар, уларни бериш ва улардан фойдаланиш тартибига киритилган ўзгаришлар, Томонлар давлатлари ҳудудида хорижий фуқароларнинг бўлишлари қоидалари ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатлари юзасидан хабардор қиладилар.

Томонлар ўзаро ёзма розилик асосида Битимнинг 1- ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатларига ўзгартириш киритиш бўйича қарор қабул қилишлари мумкин.

Бундай ҳолатда, амалдаги ҳужжатларга ўзгартириш киритилган ёки янги ҳужжатлар амалга киритилган тақдирда, Томонлар дипломатик каналлар орқали уларнинг киритилишидан **камида 30 кун** илгари уларнинг намуналари билан алмашадилар.

Томонлар Битимнинг 1- ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатларнинг намуналарини дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

Виза бериш учун консуллик йиғимларининг тарифлари Томонлар тарафидан ўзаролик шартлари асосида Битимнинг 3-иловасига мувофиқ белгиланган.

Томонлар ўзаролик асосида қуйидаги шахсларни виза учун консуллик йиғими тўлашдан озод этадилар:

- Томонлар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ фан, техника, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳасида алмашув тарзида бораётганлар;

- Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари - тегишли ҳужжат тақдим этилган ҳолда;

- 16 ёшгача бўлган ва 60 ёшдан ошган фуқаролар;

- ўқув юртларида, Томонлар давлатлари ҳудудларида ташкил этиладиган курсларда таълим олаётганлар таклиф этувчи ўқув юрти мурожаатига асосан.

Иккала Томон давлатининг Битим қоидалари қўлланиладиган фуқаролари давлат чегараларидан ўтиш учун белгиланган ўтказиш пунктлари орқали Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ давлат чегараларидан ўтиш тартибларига амал қилган ҳолда Томонлар давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари ва ундан транзит ўтишлари мумкин.

Давлат чегараларидан ўтказиш пунктларининг рўйхати алоҳида битим билан аниқланади.

Томонлар давлатларининг фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида бўлган чоғларида бу Томон давлатининг қонун ва қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида хизмат ишлари билан бўлган фуқароларини вақтинча пропискага қўйиш ва рўйхатга олиш Битимнинг 1- ва 2-иловаларида келтирилган ҳужжатлар ҳамда хизмат ва сафар гувоҳномаси асосида Томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан йиғим ва тўловлар ундирилмасдан амалга оширилади.

Битим Томонларнинг бошқа Томон давлатининг келиши номақбул деб ҳисобланган фуқароси келишини рад этиш ёки уларнинг давлатлари ҳудудида бўлиш муддатини чеклаш ҳуқуқига дахл қилмайди.

Алоҳида ҳолларда (миллий хавфсизликка, жамоат тартиби ёки фуқаролар соғлиғига таҳдид, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар ва бошқалар) Томонлар Битим амал қилишини тўла ёки қисман тўхтатиб туриш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Бундай ҳолатда манфаатдор Томон бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали чекловлар кучга киришидан **72 соат аввал** хабардор қилган ҳолда бошқа Томон давлати фуқароларининг визасиз кириши, чиқиши, унинг ҳудудида бўлиши ва транзит ўтишига тегишли чекловлар киритиши мумкин.

Юқорида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг, Томонлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгани тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишлари ва Битимнинг амал қилишини қайта тиклашлари лозим.

Битим қоидаларини қўллашда юзага келадиган масалаларни Томонлар музокара ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этадилар.

Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига асосан унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва Битимнинг 17-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Битим Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси иштирокчилар ҳисобланадиган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон Ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида имзоланган Битимлар қўшни қардош халқлар ўртасидаги абадий дўстлик, муносабатларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга, давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштиришга, алоқаларни ривожлантиришга, Давлатлар чегарасини кесиб ўтиш қоидаларига, фуқароларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларини тартибга солишга, янада такомиллаштиришга, давлат чегараси режимини мустаҳкамлашга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлашга хизмат қилиши билан бирга фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишларидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон Ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимларни эълон қилиш ҳақида” 168-сон буйруғи тасдиқланган.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистон Ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимларни эълон қилиш ҳақида” 168-сон буйруғини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тартиби;

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қозоғистон Республикаси ҳудудига келишлари, кетишлари ва унда бўлиб туришлари учун лозим ҳужжатлар;

3. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Туркменистон фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби;

4. Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркменистон давлат чегараси билан бевосита туташган туманлари.


19-мавзу: Ўзбекистон ва қўшни давлатлар фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тартиби

Семинар– 2 соат

Ушбу амалий машғулоти **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида”ги Битим.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқароларнинг Битимда кўзда тутилган шартларга мувофиқ бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлари ҳамда унда вақтинча бўлишлари тартиби.

3-савол. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида”ги Битим.

4-савол. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон фуқароларининг Битимда назарда тутилган тартибда бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлари ва унда вақтинча бўлишлари тартиби.

**20-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида
ахборот-электрон тизимлари хавфсизлигини таъминлаш тартиби
Маъруза- 2 соат**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимларини муҳофазалашда эътибор қаратиладиган асосий жиҳатлар.

2. Автоматлаштирилган тизимни ҳимоя қилиш, унинг ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.



1-савол. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимларини муҳофазалашда эътибор қаратиладиган асосий

1-савол. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимларини муҳофазалашда эътибор қаратиладиган асосий жиҳатлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ҳақида»ги қонуни ижросини таъминлаш, электрон ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказишга қаратилган жиноий ҳаракатларни аниқлаш, уларни олдини олиш, экстремизм ва терроризмнинг ҳар хил кўринишларига қарши курашиш борасида тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар (АТ) хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 16 июнда “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон буйруғи тасдиқланган.

Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ҳақида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлари (келгусида матн бўйича АТ) ва унинг электрон ахборот ресурсларига уланиш, фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш борасидаги ташкилий-техник чораларни белгилайди.

Йўриқноманинг талаблари ИИВнинг АТга уланган, унинг меъёрий ишлашини таъминлаш ҳамда муҳофазалаш лозим бўлган маълумотларни автоматлаштирилган равишда қайта ишлаш вазифаларини амалга оширувчи барча тизимларига тегишли.

Йўриқноманинг **асосий мақсади**, АТнинг электрон ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш, унинг ишлаш жараёнига тасодифан ёки қасддан аралашуш ёки ноқонуний равишда маълумотлардан фойдаланиш орқали моддий, маънавий ёки бошқа зиён етказилишидан сақлашдир.

Мухофазалашнинг асосий мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифалар таъминланиши зарур:

- АТнинг электрон ахборот ресурсларидан бегона шахслар томонидан фойдаланиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- АТнинг электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларни қатъий рўйхатини олиб бориш ва бегона шахсларни компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда АТга киришларини таъқиқлаш;
- рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга фақат хизмат вазифаларига таалукли бўлган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини белгилаш;
- АТнинг мухофазаланган ресурслари билан ишлаш давомида фойдаланувчилар томонидан бажарилган амалларни тизим журналларида қайд қилиш ва ахборот хавфсизлиги администраторлари томонидан ушбу журналлардаги маълумотларни таҳлил қилиб бориш;
- АТнинг электрон ахборот ресурсларида сақланаётган маълумотларни рухсатсиз ўзгартириш, қалбакилаштириш ҳамда йўқ қилиб ташлашдан мухофазалаш;
- АТ таркибида рухсат этилмаган дастурлардан фойдаланишга йўл қўймаслик ҳамда компьютер вирусларидан ҳимоялаш;
- дастурий таъминотларнинг ишчи ҳолатини назорат қилиш ва у бузилган ҳолда уни тиклаш;
- АТ ва унинг электрон ахборот ресурсларини доимий ишчи ҳолатини сақлаш;
- АТ таркибига кирувчи дастурий таъминотларни доимий назорат қилиш мақсадида, АТдан фойдаланиш ҳуқуқини Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган вазифалар формуляри асосида бериш.

Автоматлаштирилган тизим хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

АТ ва унинг электрон ахборот ресурсларини хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни ечимига қуйидагича эришилади:

- АТ ҳамда унга тармоқ орқали уланган компьютерлар ўрнатилган хоналарга бегона шахсларни киришини чеклаш, хоналарни қўриқлаш мосламалари билан жихозлаш;
- АТнинг хавфсизлик тизими администратори томонидан ҳар бир фойдаланувчини рўйхатдан ўтказиш жараёнида унга уникал исм ҳамда парол тақдим этиш ва электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш муддатини белгилаш;
- АТ билан ишлашга рухсат берилган ҳар бир ходим ўзининг пароли орқали тизимга кириш ҳуқуқини яратиш ва бошқа шахс томонидан унинг уникал исми ва паролидан фойдаланилишини қатъиян таъқиқлаш;
- АТ фойдаланувчилари учун фақат уларнинг хизмат вазифаларига таалукли бўлган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратиш, хизмат ваколатига кирмайдиган маълумотлардан фойдаланишларини олдини олиш;
- Ахборот хавфсизлиги администраторлари томонидан АТ фойдаланувчиларининг амалларини тизим журналларида қайд қилиш, ушбу маълумотларни таҳлил қилиб бориш;
- АТнинг электрон ахборот ресурсларида сақланаётган маълумотларни рухсатсиз ўзгартириш, қалбакилаштириш ҳамда йўқ қилиб ташлашдан мухофазалаш мақсадида, фойдаланувчилар томонидан бажарилаётган амалларни қаттиқ назоратга олиш;

- АТ таркибига тармоқ орқали уланган компьютерларни вируслардан химоялаш масадида, уларга «Антивирус» дастурларини ўрнатиб, ҳар ойда камида икки марта янгилаб бориш;

- Электрон ахборот ресурсларининг доимий ишчи ҳолатини таъминлаш мақсадида, уларни қўшимча нусхаларини тайёрлаш ва сақлаш;

- АТнинг электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ходимни шахсий жавобгарлигини белгилаш;

- АТнинг аппарат ва дастурий воситаларидан фойдаланувчи ҳар бир ходимни маълумотлар хавфсизлиги масалалари бўйича ўрнатилган талабларни тўлиқ билишлари ҳамда уларга риоя этишларини таъминлаш;

- Химоя қилиниши лозим бўлган тизимнинг ҳар бир ресурси (маълумот, вазифалар, каналлар, иш жойлари, серверлар ва х.к.) нинг қатъий ҳисобини олиб бориш;

- АТнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, замонавий хавфсизлик тизимлари (аппарат ва дастурий маҳсулотлар) дан фойдаланиш ва уларни доимий такомиллаштириш чораларини кўриш;

- маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар (ходимлар) ни тайинлаш ва тайёрлаш.



2-савол. Автоматлаштирилган тизимни химоя қилиш, унинг ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Автоматлаштирилган

тизимни парол тизими орқали химоя қилиш. АТда фойдаланувчиларга парол бериш, паролни ўзгартириш, ўчириш ҳамда пароллар билан ишловчи шахснинг фаолиятини назорат қилиш бўйича ташкилий-техник жараёнларни белгилайди.

АТда фойдаланувчиларга парол бериш, паролни ўзгартириш ҳамда пароллар билан ишловчи шахснинг фаолиятини назорат қилиш АТнинг ахборот хавфсизлиги учун жавобгар администраторга юклатилади.

Шахсий пароллар АТнинг республика ва вилоят марказларидаги хавфсизлик администраторлари томонидан марказлаштирилган тартибда қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилиниши ҳамда автоматлаштирилган тизим фойдаланувчисига тақдим этилиши лозим:

- парол узунлиги 8 та символдан кам бўлмаслиги керак;

- паролнинг қуйи ва юқори регистрида албатта харфлар, рақамлар ёки махсус символлар (@, #, \$, &, *, % ва т.п.) бўлиши лозим;

- паролда осон ҳисоблаш мумкин бўлган символлар кетма-кетлиги (исмлар, фамилиялар, АИЖ номи, туғилган сана ва х.к.) ҳамда кенг тарқалган қисқартмалар (ЭХМ, ЛВС, USER ва х.к.) бўлмаслиги лозим;

- парол ўзгартирилган ҳолда янги парол эскисидан камида 6 та символга фарқ қилиши лозим;

- фойдаланувчи ўзининг паролини ҳеч кимга маълум қилмаслиги лозим.

Парол эгалари юқорида келтирилган талаблар билан таништирилиши ҳамда белгиланган талабларга мос келмайдиган пароллардан фойдаланмаслиги ёки ўз паролини бошқа шахсга маълум қилмаслиги ҳақида ёзма равишда огохлантирилиши лозим.

Фойдаланувчиларнинг паролларини режа асосида тўлиқ ўзгартириш бир ойда камида бир марта амалга оширилиши лозим.

АТ фойдаланувчиси ваколоти тугагандан сўнг (ишдан бўшаш, бошқа ишга ўтиш ва х.к.) фойдаланувчи ишлаган идора томонидан талабнома орқали АТга эгалик қилувчи идорага хабар берилади, ушбу талабнома асосида фойдаланувчи рўйхатдан чиқариб ташланади.

АТни ҳимоялаш воситалари администратори ваколоти тугаган ҳолда (ишдан бўшаш, бошқа ишга ўтиш ва х.к.) администратор ишлаган идора томонидан талабнома орқали АТга эгалик қилувчи идорага хабар берилади ҳамда ушбу идорага тегишли барча фойдаланувчиларнинг пароллари ўзгартирилади.

АТ фойдаланувчисининг шахсий пароли ошкор бўлган ҳолда юқорида курсатилган талабларига биноан иш олиб борилиши лозим.

Ходим (фойдаланувчи) ларнинг пароллари кўрсатилган ҳужжатлар фақатгина уларнинг шахсий мухрлари билан мухрланган сейфда ёки ахборот хавфсизлигига масъул ходимнинг ёки идора раҳбарининг шахсий мухри билан мухрланган сейфда сақланиши мумкин.

Пароллар билан ишлаш, уларни алмаштириш, сақлаш ва фойдаланиш устидан назоратни олиб бориш ахборот хавфсизлиги администраторлари зиммасига юклатилади.

Автоматлаштирилган тизим ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш. Шахсий жавобгарлик принципига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида, АТ билан ишлашга рухсат берилган ҳар бир ходим учун уникал исм берилиб, фойдаланувчи ушбу исм орқали тизимда рўйхатга олинади.

Зарурият туғилган ҳолда айрим ходимлар учун бир нечта исм берилиши мумкин.

Ҳар бир фойдаланувчи АТга ўзининг исми ва пароли орқали мурожаат қилиши мумкин, бир нечта ходимлар томонидан битта умумий исмни ишлатиш таъқиқланади.

Ички ишлар идорасининг ходими учун АТнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини яратиш ушбу ходим ишловчи идора раҳбарининг талабномаси асосида амалга оширилади.

Талабномада қуйидагилар кўрсатилади:

- сўралаётган ўзгартиришлар таркиби (АТнинг янги фойдаланувчисини ташкил этиш, фойдаланувчи учун АТнинг ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш ёки қисқартириш);

- идоранинг тўлиқ номи, АТ ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши лозим бўлган масъул ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими (ушбу маълумотларни кўрсатиш имкони бўлмаган ҳолда ходимнинг шартли исми кўрсатилади);

- фойдаланувчига қўшимча бериладиган ёки бекор қилинадиган ҳуқуқлар (АТ иш ўринларида фойдаланувчи томонидан бажариладиган вазифалар кўрсатилган ҳолда).

Талабнома идора раҳбари томонидан тасдиқланиб, ходимга АТнинг ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш асоси кўрсатилади.

АТнинг ахборот ресурсларига эгалик қилувчи хизмат раҳбари тақдим этилган талабномани, мазкур хизматнинг тармоқ, сервер, маълумотлар тўплами ва ахборотларни ҳимоялаш администраторларига АТ фойдаланувчиларининг рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича топшириқ беради.

Талабнома (топширик) да кўрсатилган фойдаланувчига тақдим этилиши лозим бўлган ҳуқуқлар асосида администратор АТда янги фойдаланувчини ҳосил қилиш, фойдаланувчини ўчириш, фойдаланувчининг ҳуқуқини кенгайтириш ёки қисқартириш ишларини амалга оширади. Фойдаланиш ҳуқуқини беришнинг техник имконияти бўлмаган тақдирда администратор раҳбарига ёзма ахборот беради ҳамда бу ҳақида талабнома ташаббускорига маълум қилади.

Фойдаланувчилар рўйхатига ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, тармоқ, маълумотлар тўплами, сервер ва ахборотни ҳимоялаш администраторлари томонидан талабномада топширик бажарилганлиги ҳақида имзо қўйилади.

Талабнома ижро қилингандан сўнг, “Талабномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатдан ўтказилиб, ушбу китобда қайд этилган тартиб рақами талабномага киритилади.

Ижро этилган талабнома ахборот хавфсизлиги учун жавобгар шахс сейфида сақланиб, кейинчалик улар қуйидаги мақсадларда ишлатилиши мумкин:

- АТда юзага келган техник носозлик бартараф этилганидан сўнг фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш учун;

- Зарур ҳолларда фойдаланувчи тизимнинг у ёки бу ресурсидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини текшириш учун;

- АТнинг ахборот хавфсизлигига жавобгар шахслар томонидан тизимнинг ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини тўғри созланганлигини текшириш учун.

Автоматлаштирилган тизим ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа идораларга бериш тартиби. Бошқа идора ходими учун фойдаланувчи иш жойини яратиш АТни ўрнатиш ва ундан фойдаланиш идоралараро Келишуви асосида амалга оширилади ҳамда йўриқноманинг бешинчи “**Автоматлаштирилган тизим ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш**” бўлимида белгиланган тартибда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар (АТ) хавфсизлигини таъминлашни белгилайди.

Мустақил тайёргарлик учун топширик:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 16 июнда “Ўзбекистон Республикаси ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон буйруғини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

21-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Маъруза -2 соат

Режа:

1. Паспорт тизими ҳамда Ўзбекистонга келиш, кетиш ва транзит ўтиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиланиши.

2. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти учун жавобгарлик ҳолатини кўриб чиқилиши.



1-савол. Паспорт тизими ҳамда Ўзбекистонга келиш, кетиш ва транзит ўтиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиланиши.

Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом” - Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш, ундан фойдаланиш тартибини, шунингдек, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида:

- паспортга эга бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмай яшаши, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлиги, шунингдек паспортни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлиги;

- фуқаролар ўз паспортларидан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганлиги, сўнг уларни йўқотиб қўйганлиги тўғрисида ариза берганлиги, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан фойдаланганлиги;

- паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг паспортсиз ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйганлиги, шунинг баробарида фуқароларнинг ўзлари эгаллаб турган турар жойларда паспортсиз ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмаган ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олинмаган шахсларнинг яшашига йўл қўйганлиги;

- фуқароларнинг паспортларини ноқонуний олиб қўйиш ёки паспортларни гаров сифатида қабул қилиш;

- чегара зонасига кириш ёки бу зонада яшаш, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлиши вақтинча чекланган жойларга кириш ва бу жойларда бўлиш қоидаларини бузиш;

- ғаразли ёки бошқа тубан мақсадларда паспортни эгаллаб олиш, худди шунингдек уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолга келтириш, яшириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Паспорт тизими қоидаларини бузиш (223-модда). Фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган яшаш гувоҳномаси билан яшаши, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, яшаш гувоҳномасини қасддан яроқсизлантириши, эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

223-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган айни бир ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга турмасдан яшашига йўл қўйилиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан ўз вақтида паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўн саккиз ёшгача бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан яшаш гувоҳномасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка ҳам тортилмайди.

Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш (223¹-модда). Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли бўлган паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролардан паспортларини қонунга ҳилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (223³-модда). Фуқаролардан паспортларини қонунга ҳилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (*маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг 33-банди, 57-банди бешинчи хатбоиши*)-мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаро ўз паспортини авайлаб-асраши шарт. Паспорт йўқотилгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасида ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан, унга белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилганидан ташқари фуқаронинг паспортини тортиб олиш, шунингдек паспортни гаров тариқасида қолдириш ва гаровга олиб қолиш тақиқланади. Паспортни атайлаб бузиш - ҳужжатдан ўз вазифасида фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши натижасида ёки ундан фойдаланиш (ҳужжатнинг муҳим қисмига сиёҳ тўкилган, ҳужжатнинг бир қисми йиртиб олинган ҳамда йўқотилган ва ҳоказо) анча қийинлашадиган даражада зарар келтиришдир. Фуқароларнинг ўз паспортларидан ёки бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадда фойдаланиши, одатда, бирор манфаат кўриш: гаров, қайд этилиши ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Ушбу моддалар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари Ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, республикада бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунларга, жамоат тартибига риоя қилишлари, ҳокимият вакиллариининг қонуний талабларини бажаришлари лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосда (алоҳида қоидалар фақат тегишли имтиёз ва иммунитетдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан ишлатилади) маъмурий жавобгарликка тортилади.

Жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтларида ва республика ҳудуди орқали ўтаётганларида нормал шароит яратиб бериш мақсадида хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга муайян ва мажбурий қоидалар ўрнатилади. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари” ҳамда “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари”ни бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш (225-модда).

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча прописканинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўн суткадан ортиқ, аммо ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга бузиши, -базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўттиз суткадан ортиқ муддатга бузиши, - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл

фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибини мансабдор шахс томонидан бузилиши учун мансабдор шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий ишлар билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахс томонидан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча пропискадан ўтишини, шунингдек уларнинг бу ерда бўлишнинг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилмаганлиги, худди шунингдек шахс томонидан хусусий ишлар билан келган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой майдони, транспорт воситаларини бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

МЖТКнинг 225-моддасининг биринчи - бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун - темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга ҳақли.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун 225-модданинг биринчи - учинчи қисмларида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади.

Хорижий фуқаро: Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш МЖТКнинг 51², 51⁸, 51⁹, 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддаси еттинчи ва саккизинчи қисмларида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда қўлланилиши мумкин (29¹-модда. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш).

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик (225¹-модда). Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисида қабул қилинган суд қарорларини бажармаслик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш (226-модда). Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун қонунга хилоф равишда расмийлаштирилган ҳужжатларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Белгиланган тартибни бузган ҳолда чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш (346²-модда). Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш мазкур шахслар қайси чет давлат ҳудудига чиқариб юборилаётган бўлса, ўша чет давлатнинг ҳокимият вакилига уларни расмий равишда топшириш ёхуд чиқариб юборилаётган шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан назорат остида мустақил равишда чиқиб кетиши йўли билан амалга оширилади.

Агар чиқариб юборилаётган шахсни чет давлат вакилига топшириш Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат билан тузилган шартномасида назарда тутилмаган бўлса, чиқариб юбориш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси томонидан белгиланадиган жойда амалга оширилади.

Чет эл фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтказиш пункти орқали чиқариб юбориш тўғрисида мазкур шахс қайси чет давлат ҳудудига (ҳудуди орқали) чиқариб юборилаётган бўлса, ўша чет давлатнинг ҳокимият вакиллари, агар Ўзбекистон Республикасининг ушбу давлат билан тузилган шартномасида назарда тутилган бўлса, хабардор қилинади.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш далолатнома билан расмийлаштирилади.

Юқорида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти бошқарувнинг белгиланган тартиби ҳисобланади. **Объектив томони** ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади. **Субъект-фуқаролар** ва мансабдор шахслар. **Субъектив томони** қилмишнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги билан белгиланади.

2-савол. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти учун жавобгарлик ҳолатини кўриб чиқишли.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодесидида чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб берилган.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЖК 223-моддаси).

Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;

д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса, беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар. Жиноятнинг бевосита **объекти** чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонунда белгиланган тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4079-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низоми» ҳамда хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари ва транзит ўтишлари тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби», «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари», «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари»да белгиланган.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий кўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий

хукуқларини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитета ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, давлат чегарасига тажовуз қилиш - бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг бир меъёردаги тартибига тажовуз қилиш деб топилади.

Жиноят **объектив томондан** қонунда белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш деганда, транспорт воситаси (автомашина, кема, самолёт, велосипед, от ва бошқа механик ҳамда транспортнинг бошқа турлари) ёрдамида давлат чегарасини кесиб ўтиш тушунилади.

Давлат четарасидан ўтиш деганда, уни пиёда кесиб ўтиш тушунилади.

Давлат четарасини белгиланган тартибни бузган ҳолда кесиб ўтиш деганда, қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали ўтиш тушунилади: тартибни бузиш орқали (масалан, рухсат берилган чегара пунктларини айланиб ўтиш) ёки тегишли рухсати бўлмайд туриб кесиб ўтиш (масалан, чегарадан ўтиш ҳукуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда чегарани кесиб ўтиш).

Давлат чегарасини фақат ғайриқонуний кесиб ўтиш ижтимоий хавфли деб топилади ва шарҳланаётган модданинг таркибини ташкил этади.

Давлат чегарасини рухсат пунктларини айланиб ўтиб ёки рухсат пунктларидан ёхуд чегара ташқарисига (Ўзбекистондан) ёки Ўзбекистонга кириб келаётган, туридан қатъи назар (яъни ҳаво, сув, ерда юрадиган транспорт ва ҳоказо), транспорт воситасида белгиланган қоидаларни бузиб кесиб ўтишни давлат чегарасидан ўтиш тартибини бузиш деб ҳисоблаш лозим.

Сохта, муддати ўтган, бошқа шахс номига расмийлаштирилган, нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтиш тегишли рухсатномасиз давлат чегарасини кесиб ўтиш деб топилади. *Масалан*, Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан унга чегарадан ўтишга рухсат берилганлиги ҳақида унинг паспортига тегишли ёзув киритилмаган ёки сохта ёзувдан фойдаланган ҳолда чегарадан ўтиш шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ёки унга кираётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиққан бўлса, унинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кириши ҳам ғайриқонуний деб топилиши лозим.

Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, агар ноқонуний ки-риш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ҳолда бу қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 223- ва 228-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Айбдорнинг ҳаракатлари агар у охириги зарурат ҳолатида содир этилган бўлса жиноят сифатида эътироф этилмайди.

Жиноят давлат чегараси кесиб ўтилаётган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қуйидагилар давлат чегарасини кесиб ўтиш вақти деб топилади:

а) айбдор фактик жихатдан давлат чегарасини кесиб ўтиши ёки ўтмаслигидан қатъи назар, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари назоратидан муваффақиятли ўтиш, масалан, самолёт учишига қадар шахс

томонидан аэропорт чегара назоратидан ўтиш тугалланган жиноят деб топилади. Худди шундай ҳолатда, шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра чегара назоратидан ўта олмаган ҳолларда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудига ғайриқонуний кириш ёки ундан чиқишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим;

б) давлат чегараси орқали ўтказишнинг белгиланган пунктларидан ташқарида давлат чегараси чизиғи (тегишли юза) ни фактик жиҳатдан кесиб ўтиш.

Жиноят **субъектив томондан** тўғри касд орқали содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини билади, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳужжатсиз, сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ёхуд тегишли рухсатномасиз кесиб ўтаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Субъектив томоннинг қўшимча белгилари - **мотив ва мақсад** турлича бўлиши мумкин. Агар айбдор шахс давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят содир этиш (масалан, жосуслик, кўпоровчилик, терроризм ва бошқалар) мақсадида кесиб ўтса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Мазкур жиноят эҳтиётсизлик орқасида (масалан, мўлжални йўқотиш туфайли чегарани кесиб ўтиш) содир этилганда жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди. Давлат чегараси мажбурий равишда кесиб ўтилган (масалан, табиий офат, ҳалокат ва бошқ.) ҳолларда ҳам қилмишда шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси мазкур **жиноят субъекти** бўлиши мумкин.

Чет элга чиқиш ёки ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига кириш:

а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;

д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилганида, айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.

ЖК 223-моддаси 3-қисмига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар». Конституциянинг 93-моддаси 1-қисми 22-бандига асосан, фуқаролик ва сиёсий бошпана бериш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қоидага биноан, чиқиш ҳужжатларини тегишли тартибда расмийлаштирмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан шарҳланаётган модда қўлланилмайди.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилмайди: агар шахс Ўзбекистон Республикасида жиноят деб топилувчи қилмишни содир этгани учун хорижда қидирилаётган бўлса ёки Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти мақсад ва принципларига қарши ҳаракатлар содир этганликда айбдор бўлса; жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб этилган ёки унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатдан келган бўлса; била туриб ёлғон маълумотлар берган бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатнинг фуқаролигига эга бўлса. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик олиб ташланди, маъмурий жавобгарлик санкциялари енгиллаштирилди. Шунингдек, ушбу турдаги маъмурий ишларни кўриб чиқишида тезкорликни таъминлаш мақсадида маъмурий иш (жарима қисми)ни кўриб чиқиш ваколати судлардан олинди, ички ишлар органларига берилди. Республикамизга турли йўналишларда кириб келган хорижий фуқаролар бўлиш қоидаларини турли муддатларда бузганда уларга нисбатан бир хилдаги маъмурий чора қўлланилган бўлса, эндиликда уларнинг қоидабузарлик тури ва муддатига қараб уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, уларга маъмурий чораларни қўллашдаги ортиқча оворагарчиликларни олди олинди ва республикамиз аҳолиси, қўшни бўлган давлат фуқаролари ва ўзоқ хорижий давлатлар фуқароларига енгиллик ҳамда қулайлик яратиш билан бирга уларнинг республикамизга турли йўналишларда келишларига ва туризм салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармонини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлари Ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиши;
2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари;
3. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидалари;
4. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартиби;
5. Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш;
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш;
7. Давлат чегарасини кесиб ўтиш вақти;
8. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш.

21-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Семинар— 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **“Сухбат”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида оидинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш қўрилади:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар билан таништирилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади (агар ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю, жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)га айнан мана шу масалани оидинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, сухбат жараёнига яқин ясаллади

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга яқин ясайди

Ўқув машғулоти саволлари:

1-савол. Паспорт тизими қоидаларини бузиш (МЖТК 223-модда).

2-савол. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш (МЖТК 225-модда).

3-савол. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш (МЖТК 226-модда).

4-савол. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш (МЖТК 346-модда).

5-савол. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЖК 223-моддаси).

22-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби

Маъруза -2 соат

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этиш тартибининг айрим жиҳатлари.

2. Ҳисобга олиш ҳужжатлари билан ишлаш, маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш ҳамда ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартибининг ўзига хос жиҳатлари.



1-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этиш тартибининг айрим жиҳатлари.

«Ички ишлар органлари тўғрисида» ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун статистика маълумотлари ягона тизимини янада такомиллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахслар бўйича тизимли таҳлил ўтказиш ва уларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»

322-сон қарори билан «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланди.

Низомда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар марказлаштирилган ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказлаштирилган ахборот тизимида жамлаш, ишлаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳисобга олишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

- қонунийлик;
- ахборотнинг холислиги, ишончлилиги ва таққосланувчанлиги;
- ахборотдан ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган доирада фойдаланилиши ва уларнинг ошкоралиги;
- ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ва бир хиллиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг марказлаштирилган ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

томонидан ягона марказлаштирилган ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Ягона марказлаштирилган ахборот тизими, маълумотларнинг ҳудудий ва идоравий базалари чекланган ҳолда фойдаланиладиган ахборот ресурслари ҳисобланади. Ягона марказлаштирилган ахборот тизими маълумотларнинг ҳудудий базалари асосида шакллантирилади.

Маълумотларнинг ҳудудий базалари маълумотларнинг идоравий базалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан шакллантирилади.

Маълумотларнинг идоравий базалари ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан шакллантирилади.

Қуйидагилар ҳисобга олиш ҳужжатлари ҳисобланади:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 1-шаклдаги карточка деб аталади, Низомнинг 1-илаваси);

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган (баённома тузилмасдан) шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 2-шаклдаги карточка деб аталади, Низомнинг 2-иловаси);

3. Жабрланувчи шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 3-шаклдаги карточка деб аталади, Низомнинг 3-иловаси);

4. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳақидаги билдиришнома (кейинги ўринларда билдиришнома деб аталади, Низомнинг 4-иловаси).

Ҳисобга олиш ҳужжатлари ва маълумотлар базалари давлат тилида юритилади.

Ҳисобга олиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади. Ҳисоб карточкаларнинг реквизитларини тўлдириш мажбурийлигини кўрсатувчи намунавий шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахслар ички ишлар органлари томонидан ҳисобга олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органларнинг барча бўғинлари (туман, шаҳар, вилоят, республика) белгиланган тартибда ва муддатларда карточкалар ва билдиришномаларни ушбу ваколатли органнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига тақдим этадилар.

Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилган ёки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима солинган шахслар ҳисобга олинади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган ҳуқуқбузарликлар учун карточка тўлдирилмайди, лекин маълумотлар электрон алоқа тармоғи орқали онлайн режимида ягона марказлаштирилган ахборот тизимига тақдим этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кўриб чиқилган ёки кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда маъмурий ишлар бўйича судга юборилган иш юзасидан қарорлар чиқарилгандан сўнг, ушбу иш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган ёки масъул

этиб тайинланган мансабдор шахс карточка ва билдиришномани электрон шаклда (электрон карточка ва электрон билдиришнома) тўлдиради, сўнгра уларни белгиланган намунада бир нусхада қоғозга кўчиради (қоғоз карточка ва қоғоз билдиришнома) ва имзолайди.

Суд ва ваколатли органларнинг маъмурий жазони қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиб, маъмурий ишни тугатиш тўғрисида қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб **уч кун давомида** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган ваколатли органга юборилади.

Ваколатли органларнинг мансабдор шахслари суд қарорлари асосида карточка ва билдиришномани қатъий равишда электрон шаклда тўлдиради, сўнгра уларни белгиланган намунада бир нусхада қоғозга кўчиради ва имзолайди.

Карточка ва билдиришномани имзолаган мансабдор шахс унинг ишончилиги, тўғри тўлдирилганлиги ҳамда уларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ва муддатларига риоя қилинганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Карточка ва билдиришномалар ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмаларида белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

Ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлмаган тақдирда маълумотларнинг идоравий базасини шакллантириш, карточка ва билдиришномаларни сақлаш ваколатли органнинг республика бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддаси тартибда огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек, маъмурий иш МЖТКнинг 271-моддаси 7, 10, 11-бандларида назарда тутилган тартибда тугатилган ҳолларда ҳам карточка тўлдирилади. МЖТКда белгиланган талаблар асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи бошқа ҳолатларда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-6, 8-9 бандлари) карточка тўлдирилмайди.

Ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органнинг барча бўғинлари ҳар чоракда бир марта (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача) тақдим этилган карточка ва билдиришномаларни тегишли ҳудудий бўлинмадаги маълумотларнинг идоравий базаси билан солиштиради. Солиштиришни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ваколатли органнинг марказий бўлинмаси томонидан белгиланади.

Қуйидагилар Ички ишлар вазирлигининг ҳисобга олишни таъминлаш бўйича ваколатига киради:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимида онлайн режимида, «Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими» орқали маълумотлар асосида киритилишини шакллантириш;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг ҳудудий базаларини шакллантириш ва юритиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш;

- махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларнинг, электрон алоқа тармоғи орқали ягона марказлаштирилган ахборот тизимида киритилишини назорат қилиш;

- ички ишлар органларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг сақланишини ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланишни таъминлаш;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жаримага тортиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ундирилган жарима тўловлари автоматлаштирилган тарзда биллинг тизими орқали ягона марказлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини назорат қилиш;

- ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибига риоя этилишини, шу жумладан, ҳар чорақда камида бир марта ваколатли органлар томонидан тақдим этилган маълумотлар юзасидан солиштириш ишларини ўтказиш ҳамда солиштирилгандан сўнг тафовутлар бўлса, ўша ҳудуд ваколатли органларига маълумотнома юборилишини таъминлаш.

Қуйидагилар ҳисобга олиш бўйича ваколатли органлар марказий ва ҳудудий бўлинмаларининг ваколатига киради:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг идоравий базаларини шакллантириш ва юритиш, маълумотларни ички ишлар органларига белгиланган муддатларда тақдим этиш бўйича идоравий бўйсунувчи органлар (мансабдор шахслар) фаолиятини назорат қилиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш.

Ваколатли органлар томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш журнали юритилади.

Журналга барча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирда журналнинг 6-устунида тегишли ёзув қайд этилади.

Журнал календарь йил бошидан эътиборан юритилади. Журнал тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилган бўлиши керак. Охирги саҳифада ипнинг тикилган жойига қоғоз елимланади, унга ваколатли орган муҳри туширилади ва унда ушбу орган раҳбари тасдиқлаган ишонч ёзуви бўлади.

Журналдаги барча ёзувлар аниқ, кўк ёки қора рангли сиёҳлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш воситалари ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолларда, хато қайд этилган ёзувлар илгари қайд этилган матнни аниқ ўқиш мумкин бўлган ҳолда ўчирилади. Янги ёзув айнан шу устунда қайд этилади. Бунда журнални юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахс тузатиш ва ўзгартириш киритган санани кўрсатиб, имзоси билан тасдиқлайди.

Журнал 3 йил сақланади, сўнгра далолатномага мувофиқ йўқ қилинади.

Журнални сақлаш, ундаги маълумотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли қайд этилганлиги учун жавобгарлик ҳисобга олиш-рўйхатдан

ўтказиш бўлимлари бошлиқлари ёки уларнинг ўрнини босувчи мансабдор шахслар зиммасига юкланади.

2-савол. Ҳисобга олиш ҳужжатлари билан ишлаш, маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш ҳамда ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартибининг ўзига хос жиҳатлари.

Ваколатли органларнинг барча бўғинлари (туман, шаҳар, вилоят, республика бўғини) 1, 2 ва 3-шакллардаги электрон карточкаларни қарор чиқарилгандан ёки тушгандан сўнг бир кун мобайнида маълумотларнинг идоровий базасига киритади.

Қоғоз карточкалар ҳар ўн кунда - ҳар ойнинг 10, 20 ва 30-кунда ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмасига юборилади. Агар, кўрсатиб ўтилган саналар дам олиш, байрам кунларига тўғри келса, карточкалар кейинги биринчи иш кунда юборилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўлдирилган карточкаларни маълумотларнинг идоровий базасига киритиш учун туман (шаҳар бўғини) ички ишлар органларига юборадилар.

Низом талабларига мувофиқ карточкалар тўлиқ тўлдирилмаганлиги аниқланса улар дарҳол ваколатли орган томонидан тузатилади. Тузатилган қоғоз карточкалардаги маълумотлар, мажбурий равишда маълумотларнинг идоровий базасига киритилади.

Ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳар куни, янги маълумотлар бўлмаган тақдирда, уларнинг идоровий базага тушишига қараб, электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатади.

Ваколатли органда ҳудудий бўлинмалар бўлмаган тақдирда, электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатиш ушбу органнинг марказий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар бошқармалари ҳар куни электрон карточкаларни маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимига жўнатади.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий жазога тортиш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг уни бир кун давомида автоматлаштирилган ахборот тизимидан хос рақамни олиш учун марказлаштирилган маълумотлар базасига киритади. Олинган хос рақамдан тўлов тизимини амалга оширишда шахснинг идентификация реквизити сифатида фойдаланилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар жазони ижро этиш тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугагач электрон карточкалар маълумотлар базасидан чиқарилади, карточкалари чиқарилган шахслар тўғрисида қисқача маълумотлардан иборат бўлган ҳисобот ёзилади. Айни бир вақтда қоғоз карточкалар ва билдиришномалар далолатнома бўйича, йўқ қилинган ҳисобга олиш ҳужжатларининг умумий сони кўрсатилган ва ҳисоботга асосланган ҳолда йўқ қилинади. Йўқ қилинганлик тўғрисидаги ҳисоботлар ва далолатномалар 3 йил сақланади.

2-шаклдаги карточка Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жарима солинган тақдирда тузилади.

Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ягона марказлаштирилган базасидаги маълумотлар фойдаланиш чекланган ахборот

тизими ҳисобланади, улардан фақат ваколатга эга бўлган шахслар танишиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этгани учун жавобгарликка тортишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортишда шахсининг маъмурий жавобгарликка тортилгани ёки тортилмаганини аниқлаш мақсадида талабнома (Низомнинг 10-илоvasи) тўлдирилиб, ваколатли органга текшириш учун жўнатилиши шарт.

Талабнома текшириляётган ҳар бир шахс учун алоҳида расмийлаштириляди.

Талабнома талабларга мувофиқ ҳолда тўлдириляди, ваколатли мансабдор шахс томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланяди ва ваколатли орган муҳри (электрон штампи) билан тасдиқланяди.

Электрон алоқа мавжуд бўлган тақдирда талабнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланядиган автоматлаштирилган электрон шаклда бажариляди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланишга йўл қўйиляди.

Ягона марказлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиб шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганини (ёки тортилмаганини) текширган ваколатли орган текширилган шахс ҳақидаги маълумотлардан ғайриқонуний равишда фойдаланганлиги ёки ошкор қилганлиги учун жавобгар ҳисобланяди.

Ваколатли органлар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимига уланган, масъул бўлган мансабдор шахсга электрон рақамли имзо бириктирилган бўлса, тушган сўровнома ва талабномалар текшириляди, натижаси бўйича электрон шаклдаги штамп қўйиляди ва текшириш санаси кўрсатилиб, мансабдор шахсининг имзоси билан тасдиқланяди.

Талабномани расмийлаштиришда текшириляётган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ҳамда яшаш жойи бош келишиқда, қисқартиришларсиз аниқ қилиб кўрсатиляди.

Низомни бузган ҳолда расмийлаштирилган талабнома ижро этилмасдан ташаббус кўрсатган органларга қайтариляди ва бу ҳақда талабномада тегишли ёзув қайд этиляди.

Талабнома Ички ишлар органларига тушган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида ижро этиляди ва сўровномани юборган органга почта орқали жўнатиляди ёки шахсан тақдим этиляди.

Маълумотлар базасида текшириляётган шахсга оид маълумот бўлмаса, талабноманиннг орқа томонига «Маъмурий жазога тортилган шахслар тизимида маълумотлар мавжуд эмас», «Маълумотнома Ички ишлар вазирлиги ходимининг электрон калити ёрдамида текширилиб берилди» ёзув билан талабномага электрон равишда штамп қўйиляди ва текшириш санаси имзо билан тасдиқланяди.

Ҳисобга олиш ҳужжатида текшириляётган шахсга доир маълумотлар топилганда, улар талабноманиннг орқа томонида кўрсатиляди ва «Маълумотнома Ички ишлар вазирлиги ходимининг электрон калити ёрдамида текширилиб берилди» матни ёзилиб, электрон равишда штамп билан тасдиқланяди ва текшириш санаси қайд этиляди.

Ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартиби. Ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (Низомнинг 6-илоvasи) ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар (Низомнинг 7-илоvasи) умумлаштирилиб, ҳар ойнинг 5 - кунигача ваколатли органнинг марказий бўлинмасига ўз ҳисоботларини тақдим этади.

Ваколатли органнинг марказий бўлинмаси ушбу умумлаштирилган ҳисоботларни ҳар ойнинг 10-кунигача Ички ишлар вазирлигига тақдим этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар ҳар ойнинг 10-кунида Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизими билан солиштириш ишларини амалга ошириши шарт. Солиштириш жараёнида маълумотлар тўлиқ ёки сифатсиз тақдим этилганлиги аниқланган ҳолларда Ички ишлар вазирлиги ваколатли орган раҳбарига тақдимнома киритади. Тақдимномада кўрсатилган камчиликлар 10 кун мобайнида бартараф қилиниши шарт.

Ягона марказлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқлигини эътиборга олиб масъул ходим уларни учинчи шахсларга ошкор этиши оқибатида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига олиб келган ёки ушбу маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилган ҳолатларда, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Низомга риоя қилиниши устидан назоратни ички ишлар органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар марказлаштирилган ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказлаштирилган ахборот тизимида жамлаш, ишлаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, унда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этиш ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш тартиби, ҳисобга олиш ҳужжатлари билан ишлаш, маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш ҳамда ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартиби тартиби ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳамда жабрланувчиларни ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш тартиби белгилаб қўйилди.

Мустақил тайёргарлик учун топширик:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Тингловчилар мустақил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 322-сон қарорини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш тартиби;

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказлаштирилган ахборот тизимида ҳисобга олишнинг асосий вазифалари;

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар;

4. Ваколатли органлар томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш журнали юритилиши тартиби;

5. Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланиш тартиби;

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимида онлайн режимида, «Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими» орқали маълумотлар асосида киритилишини шакллантириш;

7. Ҳисобга олиш бўйича ваколатли органлар марказий ва ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари;

8. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга ваколатли органлар классификатори.

22-мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби


Семинар – 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **«Савол-жавоб»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади..



«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ. Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Машғулотнинг саволлари:

1-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.

2-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишнинг асосий принциплари.

3-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳисобга олиш ҳужжатлари.

4-савол. Ички ишлар вазирлигининг ҳисобга олишни таъминлаш бўйича ваколатлари.

5-савол. Ҳисобга олиш бўйича ваколатли органлар марказий ва ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари.

6-савол. Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби.

7-савол. Ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартиби.

8-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар.

23-мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон республикасида идентификация карталарини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Маъруза 2-соат

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-кارتасини расмийлаштириш.

2. ID-картани расмийлаштириш, бериш, алмаштириш ва бекор қилиш тартиби.

3. ID-картадан фойдаланиш



1-савол. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картасини расмийлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-кارتаларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6065-сон Фармоннинг 2-Иловаси билан “Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картаси тўғрисида” Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган (кейинги ўринларда — доимий рўйхатга олинган) чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга идентификация ID-картасини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қуйидаги муддатларга берилади:

янги туғилган болага бир ёшгача — икки йил муддатга (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра);

бир ёшдан 16 ёшгача — 5 йил муддатга (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра).

16 ёшдан 60 ёшгача — 5 йил муддатга;

60 ёшдан ошганларга — 10 йил муддатга.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароларига ID-карта унинг миллий паспортининг амал қилиш санасидан ошмаган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс — хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси), шунингдек, уларнинг оила аъзоларига (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларига) — ID-карта 10 йил муддатга, бироқ миллий паспортнинг амал қилишидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

ID-карта қатъий ҳисобга олинадиган ҳужжат ҳисобланади.

ID-карта белгиланган намуна бўйича лотин алифбосида ўзбек тилида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса — ID-карта олиш учун мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг хоҳишига кўра лотин алифбосида қорақалпоқ ёки ўзбек тилларида персоналлаштирилади.

ID-карта бланкасига қуйидаги асосий маълумотлар киритилади:

- а) ҳужжатнинг номи;
- б) ID-картанинг рақами;
- в) ID-карта эгасининг:
фамилияси, исми, отасининг исми;
туғилган санаси;
фуқаролиги;
туғилган жойи;
жинси;
жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- г) ID-картанинг:
берилган санаси;
ким томонидан берилгани;
амал қилиш муддати тугайдиган сана;
- д) ID-карта эгасининг рақамли сурати.

ID-картада унинг эгасининг имзоси бўлиши шарт (16 ёшга етганидан кейин).

Вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали ID-карта эгасининг розилиги билан давлат хизматларини кўрсатишда ID-картага киритилган маълумотлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Чипга ID-карта эгасининг қуйидаги маълумотлари киритилади:

- биографик маълумотлари;
- миллати мавжуд бўлган тақдирда;
- рақамли сурати;
- қўл бармоқларининг излари — 16 ёшга етганидан кейин;

Электрон рақамли имзоси калитининг сертификати — 16 ёшга етганидан кейин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ чипга бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калити сертификати ID-картанинг амал қилиш муддати давомида ҳақиқий ҳисобланади.

2-савол. ID-картани расмийлаштириш, бериш, алмаштириш ва бекор қилиш тартиби.

ID-картани расмийлаштириш ва бериш ушбу Низомга иловага мувофиқ, қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга:
уларнинг ота-оналари, васийларининг (ҳомийларининг) ихтиёрига кўра — бола туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунига қадар;
шахс 16 ёшга тўлганда;
шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, фуқаролиги, туғилган санаси, жинси ўзгарганда;
- б) ID-картанинг амал қилиш муддати тугаганда;
- в) ID-картага ёки чипга киритилган маълумотларда ноаниқликлар, хатолар ва техник нуқсонлар мавжудлиги аниқланганда;

- г) ID-карта ёки чип яроқсиз ҳолга келганда;
- д) ID-картани ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
- е) ID-карта йўқотиб қўйилганда.

ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, жинси ўзгарганлиги ёки ID-картага киритилган маълумотларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштирилаётганда, Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ID-картани йўқотган тақдирда, янги ID-карта белгиланган тартибда ID-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида берилади. ID-картаси бўлмаган Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс 16 ёшга тўлганда ID-карта олиш учун бир ойдан кечикмасдан маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт. Хорижий давлатларга вақтинча чиққан, Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хорижда бўлган вақтда ID-картанинг амал қилиш муддати тугаса ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, жинси ўзгарган бўлса, шунингдек, чет давлат фуқаролигидан чиққан ёки қабул қилган ҳамда тегишли ёшга етган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келганидан сўнг уч иш кунидан кечиктирмай тегишли ҳужжатлар билан доимий рўйхатга олинган манзилдаги маълумотларни йиғиш пунктига ID-картани алмаштириш масаласида мурожаат қилиши лозим. Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига қуйидагиларни тақдим этади:

белгиланган шаклдаги ариза-анкета;

чет давлат фуқаросининг миллий паспорти (Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси учун ID-карта биринчи маротаба расмийлаштирилаётганда);

илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта;

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (ID-карта биринчи маротаба расмийлаштирилаётганда);

ваколатли органлар томонидан берилган аризачининг фуқаролиги тугаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат (чет давлат фуқаролигидан чиққан ёки фуқаролигини йўқотган ҳолатда);

давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда квитанция мажбурий эмас).

ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида берилади.

Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ID-картани расмийлаштириш ва олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига шахсан ўзлари ёки қонуний вакиллари орқали (оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда) мурожаат этганда, ID-карта маълумотларни йиғиш пунктининг масъул ходими томонидан ўн беш кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда расмийлаштирилади ва берилади.

Бунда кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғади, шахсни олд томондан рақамли форматда суратга олади ва ID-картани расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради.

Аризачига аввал жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бириктирилмаган ёки жисмоний шахснинг аввалги шахсий идентификация рақами хатолик билан бириктирилган бўлса, талабнома ID-картага жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бириктириш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази талабномадаги жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжудлиги ва тўғрилигини текширади, мавжуд бўлмаган ҳолларда эса реал вақт режимида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини шакллантиради ва шакллантирилган талабномани маълумотларни йиғиш пунктига юборади.

Агар Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс қўл бармоқ излари олинанишидан бош тортса ёхуд кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади.

ID-картани расмийлаштириш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

ID-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ID-карта бепул алмаштирилади.

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ID-карталари уларга ID-карта бериш бўйича мурожаат қилган ота-оналари ёки васийларига (ҳомийларига) берилади.

16 ёшга тўлган шахсларга идентификация ID-карталари берилганда ушбу шахс бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилади.

Бунда, шахснинг биографик маълумотлари ўзгариши муносабати билан ID-карта алмаштирилганда ёки бекор қилинганда бу ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитаси ва АТ «Халқ банки»га тақдим этиб борилади.

Қуйидаги ҳолатларда Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бекор қилинади:

қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганида;

чет давлат фуқароси Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар у уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча хорижга чиққан фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса ёки хорижда уни алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет давлатдаги тегишли органларнинг сўровига асосан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилганда;

суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарори асосида;

вафот этганда — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг ўлим ҳақида гувоҳнома ёки маълумотномаси асосида;

чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганда;

чет давлат фуқароси миллий паспортининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг олти ой давомида уни алмаштирмаса ёки ўз давлати фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этмаса;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан доимий яшашга рухсатнома олган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;

шахс ID-картани олаётганда ёки уни алмаштиришда ўзи ёки қариндошлари ҳақида ёлғон маълумот берганда, қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим этганда.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг бекор қилинган ID-картаси шахснинг сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пункти ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига йўқ қилиш учун топширилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ички ишлар вазирлигига юборилади. Низомнинг 22-банди ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбоши асосида ID-картаси бекор қилинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга 30 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши тўғрисида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан огоҳлантирилади. Чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс белгиланган муддатда республика ҳудудидан чиқиб кетишдан бош тортган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

3-савол. ID-картадан фойдаланиш

ID-карта эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади.

ID-карта йўқолган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс дарҳол янги ID-картани расмийлаштириш учун маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт. Топиб олинган ID-карта эгасига қайтариш учун ички ишлар органига топширилиши лозим. Вафот этган шахснинг ID-картаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ID-картани йўқ қилиш мақсадида маълумотларни йиғиш пунктига юборилади. Ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг ID-картаси суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Агар шахс суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинса, унинг ID-картаси Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасига юборилади.

Шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганида ёки жазо муддатини ўтаб бўлгач, унга ID-картаси суриштирув, тергов органлари, суд ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан қайтарилади.

ID-карта суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда, янги ID-карта ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, маълумотларни йиғиш пункти томонидан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга янги ID-карта бериш чоғида илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан олиб қолинади.

Фуқаролиги ўзгарган ёки хорижий давлатда доимий яшашга қолиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картани сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пункти ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ички ишлар вазирлигига юборилади. Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаслиги, уни яроқсиз ҳолга келтириши, йўқотиб қўйиши, шунингдек, бошқа шахсга тегишли бўлган ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйиш, ID-картадан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолатга келтириш ёки яшириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгарлик белгиланади. Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги оқибатида ID-картаси йўқолганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида мурожаат этган шахс жавобгарликка тортилмайди. Бунда, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан шахс бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этади, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги ҳолатини тасдиқлаш зарурати бўлганда, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан сўров асосида қонунчиликда белгиланган ваколатли идоралардан маълумотнома олинади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картаси ўғирланган ҳолларда бу ҳақидаги аризалар жиноят содир этилган жойдаги ёки чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари ходимлари томонидан қабул қилинади. Бундай аризалар қабул қилинганлиги ҳақида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга маълумотномалар берилади ва улар жавобгарликка тортилмайди. Талабномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига вояга етмаган шахслар номидан мурожаат қилган шахслар ёки вояга вояга етган ва ID-картани биринчи маротаба олаётган Ўзбекистон

Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади. Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6065-сон Фармоннинг 2-Иловаси билан “Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картаси тўғрисида Низом”ни тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

23-мавзу: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Семинар 2-соат

Ушбу семинар машғулоти, “**Муаммоли вазият**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Тингловчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Машғулотлар жараёнида “**Муаммоли вазият**” стратегиясини қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Гуруҳларга муаммоли саволлар:

1. Чет эл фуқароси ID-идентификация картасини расмийлаштиришда кўз ойнак билан суратга тушиш хоҳишини билдирди. Ходимнинг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?

2. Чет эл фуқароси идентификация ID-картасини расмийлаштиришда бармоқ изларини босмаслигини бу унинг шахсий ҳимояси учун зарурлигини билдирди. Ходимнинг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?

3. Фуқаролиги бўлмаган шахс идентификация ID-картасини эҳтиётсизлиги натижасида йўқотиб қўйиб текинга қайта хужжатлаштириб беришни талаб қилди. Ходим қандай йўл тутиши лозим?

**24-мавзу: Ўзбекистон республикаси чегара зоналарида бўлишни
тартибга солишда ички ишлар органларининг фаолияти
Маъруза-2 соат**

Режа:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими.**
- 2. Чегара зонасига кириш (ўтиш), бу ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва ишларни амалга ошириш тартиби.**
- 3. Чегара минтақасига кириш (бўлиш) учун рухсатномалар олиш ва уларни расмийлаштириш тартиби.**



**1-савол. Ўзбекистон Республикаси
ҳудудида чегара режими.**

«Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва чегара режимини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 504-сон қарори тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чегара зонаси ва чегара минтақасида чегара режимини таъминлаш тартибини белгилайди.

***Чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилаш ҳамда жиҳозлаш
қандай тартибда амалга оширилади?***

Чегара зонаси ва чегара минтақасининг доираси, шунингдек, чегара зонасига кирадиган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияни, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли ҳудудлар бўйича аниқланади ва белгиланади (ўзгартириш киритилади).

Бунда ҳудудий комиссиялар томонидан:

чегара зонаси чизиғини, унинг таркибига кирадиган мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси чизиғидан жойларнинг физик-географик шароитлари ва рельефига қараб, чегара минтақасининг чегарасини белгилаш бўйича қарор қабул қилинади.

Ҳудудий комиссияларнинг чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилаш тўғрисидаги қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

Чегара зонасининг чизиғи Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ёки (ва) чегара минтақасига туташ бўлган мамлакат маъмурий-ҳудудий

тузилишига мувофиқ туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараси ёки жойларда ўзгармас топоэлементлар бўйлаб белгиланади.

Чегара зонаси рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ёки чегара минтақасига туташ бўлган туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овуллар маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ тўлиқ ёки қисман, темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар яхлитлигича киритилади.

Чегара минтақасининг кенглиги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини бузишга бўлган жисмоний уринишларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатларни таъминлаши лозим.

Чегара минтақасида фуқароларнинг турар жойлари бўлишига йўл қўйилмайди.

Чегара минтақаси ўз ичига тозалаш минтақаси ва профилактика минтақасини олади, шунингдек, унинг таркибига давлат заҳира ерлари ва чегара минтақасида фаолият олиб бориш тақиқланмаган бошқа ерлар ҳам киритилиши мумкин.

Чегара минтақаси Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси бўйлаб, жойнинг табиий географик жойлашуvidан келиб чиқиб, муҳандислик иншоотлари, тўсиқлар, чегара йўллари, кўприклар ва бошқа объектларни барпо этиш имконини берадиган кенглиги 50 метрдан кам бўлмаган ўтиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига муҳандислик иншоотлари, тўсиқлар, чегара йўллари, кўприклар ва бошқа объектларни қуриш учун чегара минтақасининг мамлакат ичкарисидagi чегарасидан эни 50 метргача бўлган ер участкалари доимий фойдаланишга ажратилади (айрим ҳолларда жойнинг физик-географик шароитларидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган ер участкасининг эни кенгайтирилиши мумкин).

Чегара зонасига киришда огоҳлантирувчи белгилар, ахборот доскалари ўрнатилади ва ички ишлар ҳудудий органи навбатчисининг пультага ахборот чиқариб берадиган техник воситалар жиҳозланади.

Чегара зонасига киришни техник жиҳозлаш (кузатув ва назорат воситалари) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юкланади.

Ҳизмат фаолияти ва ўрнатиш режимга риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қонунчиликка мувофиқ чегара зонаси ва чегара минтақасида ҳамда уларнинг ташқарисидa жанговар-хизмат (тезкор) фаолиятини амалга оширади.

Профилактика минтақасида ветеринария-санитария режимига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан назорат қилинади.

Чегара зонасига келадиган ва шу ерда яшайдиган шахсларнинг ҳужжатлари, зарур бўлганда ушбу зонада ҳаракатланадиган транспорт воситалари ва юклар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ва ички ишлар органлари томонидан текширилади.

Чегара зонасига кириш (чиқиш) назорати ички ишлар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, Давлат чегарасида вазият мураккаблашганда эса шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида унинг айрим участкаларидаги чегара зонаси ҳамда чегара минтақасида шахсларнинг бўлишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари томонидан назорат постлари қўйилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Чегара зонаси ва чегара минтақасида ўрмондан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2-савол.Чегара зонасига кириш (ўтиш), бу ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва ишларни амалга ошириш тартиби.

Чегара зонасида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларига ички ишлар органлари тегишли махсус штамп кўяди. Бундай белгига эга паспорти бўлган фуқаролар чегара зонаси доирасида рўйхатга олиш карточкасини олмасдан, яшаш жойидаги туман ва вилоят ҳудудида ҳаракатланиши мумкин.

Чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларнинг паспорти ва шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлардан (хизмат гувоҳномаси, ҳарбий билети, туғилгани ҳақида гувоҳнома) ташқари чегара зонасида бўлиш учун ички ишлар органлари томонидан бериладиган алоҳида рўйхатга олиш карточкаси ҳам бўлиши шарт.

Давлат ўрмон фонди ҳудудида жойлашган чегара зонасига ўрмондан фойдаланиш мақсадида келадиган шахсларда юқорида қайд этилган рухсат берувчи ҳужжатлардан ташқари ўрмон хўжалиги органларининг рухсатномаси/розилиги ҳам бўлиши шарт.

Чегара зонасига беш кундан ортиқ муддатга келадиган барча шахслар белгиланган пунктга келгандан сўнг дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, ички ишлар органларига рўйхатдан ўтиш ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач ёзиб бериладиган алоҳида рўйхатга олиш карточкасини олиш учун келиши шарт.

Ўқишга кетгунича чегара зонасидаги аҳоли пунктларида яшаган олий, ўрта махсус ва бошқа таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда талабалари ушбу пунктларда уларнинг таълим муассасаларида ўқишини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда чегара зонасидаги аввалги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи бўйича бўлади.

Чегара зонасига ота-онаси ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар билан келадиган 16 ёшгача бўлган шахслар ота-онаси ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг рўйхатга олиш карточкаларига киритилади.

Чегара зонасига қишлоқ хўжалиги ишларини амалга ошириш, чорва молларини боқиш, қурилиш, қидирув ва бошқа ишларни бажариш учун келган бир гуруҳ фуқаролар, шунингдек, сайёҳлар гуруҳлари, артистлар бригадаси ва чегара зонасида яшамайдиган бошқа фуқаролар жамоасига рўйхатга олиш карточкалари бундай гуруҳ раҳбари номига у билан келган шахсларнинг сони кўрсатилган ҳолда берилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда рўйхатга олиш карточкасига чиқиш жойидаги манфаатдор яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан имзо билан тасдиқланган гуруҳнинг номма-ном рўйхати илова қилинади. Рўйхатда кўрсатилган шахслар чегара зонасида уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича бўлади.

Чегара зонасида рўйхатга олиш карточкалари чегара зонаси белгиланган битта маъмурий туман доирасида бўлиш учун берилади.

Чегара зонасига вақтинча яшаш учун келадиган шахсларга рўйхатга олиш карточкалари бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Ташкилотларнинг фаолият тури бўйича кўпинча узоқ вақт чегара зонасида бўладиган ходимларига рўйхатга олиш карточкалари олти ойгача бўлган муддатга берилади ва улар ҳар ой ички ишлар органларида рўйхатдан ўтади.

Шахсларга вақтинча яшаш даврида ёки чегара зонасида бир неча марта бўлиши зарурлиги туфайли бериладиган рўйхатга олиш карточкалари амал қилиш муддати тугагандан сўнг ҳақиқий ҳисобланмайди.

Рўйхатга олиш карточкаларининг амал қилиш муддатини узайтириш учун юридик ва жисмоний шахслар ички ишлар органларига уларнинг амал қилиш муддати тугашидан беш кун аввал мурожаат қилишлари шарт.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган ва аввал чегара зонасида яшаган ҳамда доимий яшаш учун қайтиб келган шахсларга рўйхатга олиш карточкалари уларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва паспортини расмийлаштириш учун белгиланган муддатга берилади. Бундай ҳолатларда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу шахслар озодликка чиқишидан бир ой аввал ички ишлар органларига тегишли ахборот ва уларнинг аризаларини юборади. Ҳар бир аризага ариза берувчининг судлангани тўғрисидаги, унинг қамалишидан олдин чегара зонасида яшаганини тасдиқловчи маълумотлар илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва Қуролли Кучларининг чегара зонасида рўйхатга олиш карточкасиз, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бўлиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслари рўйхатини белгилайди.

Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларига хизмат сафарига юбориладиган шахслар ушбу пунктларда уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва хизмат сафари ҳужжатлари бўйича бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитасининг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари чегара зонасига уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича келади ва бўлади. Қайд этилган тоифадаги шахсларнинг оила аъзолари чегара зонасида улар хизмат қилаётган жойдан бериладиган маълумотнома асосида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан бўшатишган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хизматга ушбу жойлардан чақирилган ёхуд бу ерларда яқин қариндошлари бўлса, чегара зонасига хизмат кўрсатмалари ёки ўтиш гувоҳномалари бўйича киради ва бўлади. Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган шахслар эса чегара зонасида илова қилинадиган номма-ном тузилган рўйхатлар ва мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимлар кўрсатмалари бўйича борадиган пункти кўрсатилган ҳолда ҳаракатланади.

Чегара зонасида жойлашган санаторий, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар ва бошқа даволаш-соғломлаштириш муассасаларига борадиган фуқаролар ушбу зонада шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, санатория ва туристик йўлланмалар ёки ушбу муассасалар томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича бўлади.

Болалар чегара зонасида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ва болалар учун бошқа муассасаларда йўлланмалар асосида бўлади. Ушбу болалар муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари фарзандларини кўриш учун

чегара зонасида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича беш кун давомида бўлади.

Чегара зонасига беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқаролар рўйхатга олиш карточкаларда кўрсатилган маъмурий туман доирасида яшаш ҳуқуқига эга.

Чегара зонаси доирасида маъмурий марказ, мактаб, шифохона, корхона, ташкилот ва бошқа муассасалар жойлашган бўлса ва уларга хизмат кўрсатадиган шахсларнинг бир қисми чегара зонаси ташқарисида яшаса, бу шахсларга чегара зонасида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, чегара зонаси доирасида жойлашган тегишли муассасалар ва ташкилотларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича бўлишига рухсат этилади.

Чет элга чиқувчи ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракатланадиган шахслар давлат чегарасидан ўтиш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжатлар бўлгандагина чегара зонасидан ўтадилар.

Қайд этилган шахслар транзит ҳаракатланаётган чегара зонаси пунктларида умумий асосларда тўхташ ва бўлиш ҳуқуқига эга. Чегара зонаси орқали транзит ҳаракатланаётган ушбу шахслар тўхташга мажбур бўлган ҳолатларда, бу ҳақида ички ишлар органларига зудлик билан хабар беришлари шарт.

Чегара зонаси ва чегара минтақасида белгиланадиган режим чекловлари

Чегара зонаси ва чегара минтақаси доирасида бўладиган шахслар қуйидагиларга мажбур:

Ўзлари билан шахсини тасдиқловчи, шунингдек, чегара зонаси ва чегара минтақасида бўлиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларини олиб юришга;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати вакилларининг талабига биноан ҳужжатлари, транспорт воситалари ва товарларни текшириш учун тақдим этишга, чегара зонаси ва чегара минтақасида бўлишининг сабабини тушунтиришга.

Чегара зонасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига чегара зонасида бўлиш ва яшаш учун рухсатномаси бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ман этилади.

Чегара зонасидаги давлат ўрмон фонди ерларида ҳайвонларни тутиш учун ўрмон хўжалиги органлари томонидан бериладиган йўлланма ва варақлар, бошқа ҳудудларда эса Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг рухсатномаси бўйича ов қилинади. Барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда махсус ажратилган жойларда ов қилинади.

Чегара зонасида чегара режимига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ҳамкорликда профилактика тадбирларини ўтказadi.

Чегара зонаси ва чегара минтақаси доирасида:

геодезия, топография, геология, гидрогеология, йўлсозлик ва бошқа изланишлар, шунингдек, чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг сув режимини ўзгартириш билан боғлиқ гидротехника, мелиорация ва бошқа ишлар, чорва молларини боқиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлар — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда

(рухсатномаси бўйича), давлат ўрмон фонди ерларида эса шунингдек, ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда;

барча турдаги ҳаво кемалари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратларининг парвозлари, аэрофото суратга олиш — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларини парвозлар бошланишидан 10 кун аввал хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномаси бўйича амалга оширилиши мумкин.

Чегара минтақасида қуйидаги режим чекловлари белгиланади:

спорт ва ҳаваскорлик ови, балиқ овлаш, табиат қўйнида дам олиш, шунингдек, шахсларнинг бирон-бир заруратсиз бўлиши ман этилади;

жойларни ва объектларни кинофото суратга олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизматининг рухсатномаси билан амалга оширилади;

ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда ов қилинади;

шахслар ва транспорт воситаларига фақат ишлаб чиқариш ёки хизмат зарурати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича рухсат этилади.

Давлат чегарасидаги вазият мураккаблашганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари чегара минтақасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларини хабардор қилган ҳолда қуйидаги вақтинчалик қўшимча режим чекловларини жорий қилиши мумкин:

чегара минтақасига шахсларнинг киришини тўлиқ ман этиш ёки чеклаш; ишлар амалга ошириладиган, чорва моллари боқиладиган ҳудудларни ва бошқа фаолиятни чеклаш, сузувчи воситаларнинг чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларига чиқишини ман этиш;

чегара минтақасида шахсларнинг бўлиш вақтини қисқартириш.

Тозалаш минтақасида Давлат чегарасини жиҳозлаш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолият ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хавфли юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида профилактика минтақасида чорва молларини боқиш ва сақлаш ман этилади.

Давлат чегарасига туташ ҳудудлар ва чегарадош қўшни ҳудудларда барқарор эпизотик вазият бўлганда, чегара минтақасида чорва моллари бунинг учун махсус ажратилган жойларда фақат кундузи боқилади.

Чорва молларини боқадиган юридик ва жисмоний шахслар чегара минтақасида чорва молларини боқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари томонидан белгиланган талабларни сўзсиз бажариш чораларини кўришга мажбур.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар чегара зонасига белгиланган тартибда киради ҳамда бўлади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари уларнинг кириши ва бўлиши учун рухсат этилгани билан боғлиқ барча ҳолатлар тўғрисида Давлат хавфсизлик хизмати органларини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чегара зонаси ва чегара минтақасида бошқа режим чекловлари ҳам жорий этилиши мумкин.

3-савол. Чегара минтақасига кириш (бўлиш) учун рухсатномалар олиш ва уларни расмийлаштириш тартиби

Юридик ва жисмоний шахслар чегара минтақасига киришга (бўлиш, ишларни амалга ошириш) рухсатнома олиш учун ушбу шахслар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, иш жойи, мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, яшаш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг серияси ва рақами, ишлар амалга ошириладиган жой, уларнинг вақти ва хусусияти) акс эттирилган ҳамда паспортларининг нусхалари илова қилинган рўйхатлар уч нусхада ариза-хатига илова қилиниб, ишлар (фаолият) бошланишидан 30 сутка аввал кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бўлинмаларига тақдим этилади.

Ариза-хатини йўллаган юридик ва жисмоний шахсларга чегара минтақасида бўлиш учун рухсатномалар бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

ариза-хатида ахборот тўлиқ кўрсатилмагани ёки атайлаб ёлғон маълумотлар маълум қилингани;

кайд этилган бўлиш ҳудудида (жойида) ҳарбий ва бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари томонидан амалга оширилиши;

кайд этилган бўлиш ҳудудида (жойида) техноген ва табиий тусдаги фавқулодда вазият эълон қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тегишли ҳудудий органларининг рад этиши.

Чегара минтақасига кириш (бўлиш, ишларни амалга ошириш) рад этилган сабаблар хат йўллаган юридик ва жисмоний шахсларга маълум қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар чегара минтақасига Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг рухсатномаси билан киради ва унда бўлади.

Чегара режимини бузганлик учун жавобгарлик

Чегара зонаси ва чегара минтақасида чегара режими қоидаларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган маъмурий таъсир чоралари қўлланилади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади. Тингловчилар мустақил таълимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 504-сон қарорини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

1. Чегара зонаси ва чегара минтақасида белгиланадиган режим чекловлари;

2. Чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилаш ҳамда жиҳозлаш тартиби;


3. Чегара режимини бузганлик учун жавобгарлик;

24-мавзу. Ўзбекистон республикаси чегара зоналарида бўлишни тартибга солишда ички ишлар органларининг фаолияти

Семинар – 2 соат

Ўқув машғулоти **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Ўқув машғулотининг гуруҳларга топшириқлари:

1-гуруҳга топшириқ. «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва чегара режимини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қандай қарори қабул қилинди?

2-гуруҳга топшириқ. Хизмат фаолияти ва ўрнатилган режимга риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

3-гуруҳга топшириқ. Чегара зонасига кириш (ўтиш), бу ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва ишларни амалга ошириш тартиби.

4-гуруҳга топшириқ. Чегара минтақасига кириш (бўлиш) учун рухсатномалар олиш ва уларни расмийлаштириш тартиби.

25-мавзу: Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига оид хорижий тажриба

Маъруза-2 соат

Режа:

1.Япония миграция хизмати фаолияти тўғрисида.

2.Корея Республикаси миграция хизматида замонавий ахборот технологиялари.

3. “Пекин” халқаро аэропортида Миграция хизмати фаолияти.

1-савол. Япония миграция хизмати фаолияти тўғрисида.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь кунини Парламентга мурожаатида, Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради деган эди.

Бугун биз ҳар томонлама тараққий топиб бораётган, ўз олдида эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч, осойишта ҳаёт кечириётган, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамият қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатда Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига келишлари ҳамда бўлишларининг ҳуқуқий асослари ва тартиби муносабатларини тартибга солиш зарурати давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, давлат раҳбарининг ташаббуси билан хавфсизлик тизимини барқарорлаштириш, Республикада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 76-банди паспорт-виза, миграция тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3126-сон Қарори келтирилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган асосий ҳужжат ҳисобланиб, Қарорда миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг 7 та асосий йўналишларини амалга ошириш Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифалари эканлиги кўрсатиб ўтилган. Улардан бири ташқи миграция муносабатлари ҳолатини таҳлил қилиш орқали фуқароларга қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро шартномаларни тузиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган. Бу борада хорижий давлатлар миграция

хизматлари фаолияти қандай йўлга қўйилганлигини Япония, Корея Республикаси ва Хитой давлатлари Миграция хизматлари мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро муносабатлари тарихи қадимий асрларга бориб тақалади. Буюк ипак йўли орқали ўзбек ва япон халқлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Япония биринчилардан бўлиб 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллигини” тан олди ва 1992 йилдан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Ушбу даврдан бошлаб икки давлат фуқароларининг турли йўналишдаги борди-келдиси ортиб бормоқда.

Японияга хорижий фуқароларнинг кириб келиши, бўлиши миграция қонуни билан белгилаб қўйилган ва назорати Миграция департаментига юклатилган.



ЯПОНИЯ МИГРАЦИЯ ХИЗМАТИ:

Япония миграция хизмати 1947 йилда Япония Адлия вазирлигининг соҳавий тизимлардан бири сифатида ташкил топган бўлиб, унинг вазифаси этиб давлатга фуқароларнинг қонуний кириб-чиқишини текшириш, назорат қилиш, хорижий фуқароларни келишдан мақсади, уларнинг бўлиш тартибига риоя этишлари, уларнинг рўйхатдан ўтишлари, миграция қонунини бузган қоидабузарларни чиқариб юбориш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилган. Ушбу хизматга Адлия вазирлиги миграция департаменти раҳбарлик қилади. Департамент жойлардаги олтита департаментлардан ташкил топган. Марказий департаментга қўйи тизимдаги 8 та йирик шаҳарларда (*Токио, Осака, Нагоя, Фукуока, Хиросима, Сэндай, Саппоро ва Такамацу*) жойлашган миграция департаментлари буйсунади. Ўз навбатида жойлардаги миграция департаментларининг ҳудудий жаъми 95 та бўлимлари мавжуд. Ҳудудий департаментлар фуқароларнинг кириш-чиқиши, хорижий фуқароларнинг Японияда бўлишлари ва қочоқлик мақомини бериш масалаларини кўриб чиқиш вазифаларини бажаради. Ҳар бир департаментда кадрлар билан ишлаш хизмати, умумий масалалар, молия, кириш-чиқиш назорати, турли йўналишда келувчи хорижий фуқароларни назорат қилиш, тергов, ҳисобга олиш ва чиқариб юбориш бошқармалари фаолият юритади.

Бундан ташқари Японияда 3 та миграция марказлари (*Омура, Ибараки ва Усику шаҳарларида*) мавжуд бўлиб, уларда Япониядан чиқариб юбориш белгиланган хорижий фуқаролар ушлаб турилади.

Хорижий фуқароларнинг Японияга кириш тартиби:

Хорижий фуқаролар Японияга кириш учун Япониянинг хориждаги дипломатик муассасалари томонидан расмийлаштириб берилган виза асосида кириб келадилар (*визасиз кириб келиши белгиланган давлатлар бундан мустасно*).

Хорижий фуқароларнинг Японияга қонуний киришларини расмийлаштириш миграция инспекторлари томонидан халқаро ҳаво ва денгиз портларида уларнинг паспортларига қўйиб бериладиган штампда келишдан мақсади (статуси) ва келиш муддати кўрсатиб берилади.

Хорижий фуқароларни рўйхатдан ўтиш тартиби:

Японияда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асосан иккита қонун билан белгилаб қўйилган: 1952 йил 4 октябрдаги “Кириш, чиқиш ва қочоқлик мақомини беришни назоратга олиш тўғрисида”ги (миграция қонуни) ва 1952 йил 28 апрелдаги “Хорижий фуқароларни рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган.

Мазкур қонунга асосан хорижий фуқаро Японияга 90 кундан ортиқ муддатда келган ёки туғилган кунидан 60 кун ичида ёки бўлмаса Япония фуқаролигидан чиққан шахслар яшаш жойидаги ҳудудий муниципал органдан рўйхатдан ўтишлари керак.

Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги яшаш гувоҳнома хорижий фуқаролар шу жумладан фуқаролиги йўқ шахсларга 5 йил муддатга берилади.

Японияга 90 кундан кам бўлган муддатга келган хорижий фуқаролар, шу жумладан қонун билан белгилаб берилган тоифадаги хорижий фуқаролар рўйхатдан ўтишдан озод этиладилар.

Япония қонунларини бузган хорижий фуқаролар “Хорижий фуқароларни рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунга асосан Япония ҳудудидан чиқариб юборилиши мумкин.

Бугунги кунда Япония фуқаролари Ўзбекистон Республикасига визасиз 30 кунгача бўлган муддатга кириб келишлари, Японияга 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатга қисқа муддатли бориш истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун енгиллаштирилган тартибда виза бериш тартиби жорий этилган.



2-савол. Корея Республикаси миграция хизматида замонавий ахборот технологиялари.

Корея Республикаси Миграция хизмати 1961 йилдан Корея Республикаси Адлия вазирлиги таркибида бўлиб, Миграция хизмати бош маркази Сеул шаҳрида жойлашган.

Миграция хизматининг вазифалари этиб, чегара назорати, хорижий фуқароларга кириш рухсатномасини бериш, хорижий фуқароларга Кореяда вақтинча яшаш ва доимий яшашга яшашга рухсатнома бериш, Корея фуқаролигини олиш ва бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қочоқлик мақомини бериш, давлат чегаларини ноқонуний кесиб ўтишга қарши курашиш, хорижий фуқароларни ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланишларини аниқлаш ҳамда ноқонуний юрган хорижий фуқароларни Корея ҳудудидан ташқарига чиқариб юбориш вазифалари юклатилган.

Корея Республикасига 1991 йилдан оддий иш жойларига хориждан ишчи кучини жалб этиш мақсадида хориждан ишчиларни чақириш, уларни ўқитиш ва ишлатиш бошланган ва 2004 йилдан бошлаб хорижий ишчи кучи келиши ошиб борган ва уларнинг иш ҳақлари оширилган. Бу ўз навбатида миграция хизмати томонидан тегишли тадбирлар олиб борилишини тақоза этган.

Ушбу вазифалардан бири яъни хорижий фуқаронинг Кореяда доимий яшашга қолиши ва Корея Республикаси фуқаролигини олиш тартибини кўриб чиқсак. Хорижий давлат фуқароси Корея фуқаролигини олиш истаги бўлса-давлат иқтисодиётига 500 000 минг АҚШ долларида кам бўлмаган

инвестиция олиб кирган бўлиши ёки бўлмаса яна бир шартларидан бири Корея фуқароси билан оила қўрган ва 3 йил бирга яшаган бўлиши, шунингдек корейс тилини, маданиятини, тарихини, қонунлари ва конституциясини билиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Инвестиция олиб кирган хорижий фуқароларга, этник корейсларга, спортчиларга ёки олимларга енгиллаштирилган тартибда фуқароликни бериш тизими мавжуд.

Корея фуқароси бошқа давлат фуқаролигини қабул қилса Корея фуқаролигини йўқотиши, хорижий давлат фуқаролик паспорти билан Корея фуқаролигини олса, ушбу фуқародан Корея ҳудудида чет эл паспортини ишлатмаслик ҳақида мажбурийтнома олинади. Икки давлат фуқаролик паспортига эга 27 ёшга тўлмаган ўғил болалар армия чақирувига бормаса, Корея фуқаролиги бекор қилиниши белгилаб қўйилган.

Кореяда яшаш гувоҳномасини олиш учун Корея фуқароси билан оила қўрган хорижий фуқаро 2 йил бирга яшаганидан сўнг, яшаш гувоҳномасини олиш учун мурожаат қилиши мумкин. Бунда унинг корейс тилини билиши, молиявий таъминоти, ишлаши ва яшаш жойи инобатга олинади.

Корея фуқароси билан оила қўрмаган хорижий фуқаро Корея қонунларини бузмаган ҳолда 5 йил вақтинча яшаганидан сўнг яшаш гувоҳномасини олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Уларнинг ҳужжатларини хорижий фуқаронинг вақтинча яшаётган ҳудудига қараб 1 йилгача кўриб чиқилиши мумкин. Доимий яшашга қолиш учун ҳужжатлар билан бирга 200.000 вон миқдорида давлат божи тўлашлари лозим.

Кореяга 1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган хорижий фуқарога енгиллаштирилган тартибда яшаш гувоҳномаси берилади.

Корея Республикаси фуқаролигини бериш ва бекор қилиш Адлия вазирининг ваколатига киради.

Сўнгги йилларда Кореяга ноқонуний меҳнат муҳожирлари кириб келиш сони ортиб бориши муносабати билан, чегара назорат масканларида хизмат олиб борувчи миграция хизмати ходимлари хорижий фуқароларнинг бармоқ излари ва фотосуратларини олиш, ҳужжатларини синчковлик билан текшириш ва уларнинг айримлари билан суҳбат ўтказиш йўлга қўйилган.

Суҳбат давомида хорижий фуқаронинг Кореяга келишдан мақсади, ундан тегишли ҳужжатларни тақдим этиши, қайтиб кетиш билетининг борлигини, меҳмонхона бронь қилинганлиги, Кореядан чақирган фуқаронинг ёки ташкилот билан боғланиш учун улар ҳақидаги маълумотларни, Кореяда бўлиши давомида яшаши ва саёҳат қилиши, айланиши учун етарли миқдорда маблағи тўғрисида маълумотларни оладилар.

Кореяда 8 та аэропорт ва 16 та денгиз портлари мавжуд бўлиб, аэропортлардан энг каттаси “Инчон” халқаро аэропорти бўлиб, ушбу аэропортнинг ўзидан Кореяга келувчи-кетувчилар 67% ташкил этади.

Кореянинг энг катта халқаро аэропортларидан бири “Инчон” халқаро аэропортида хизмат олиб борувчи Миграция хизмати мисолида кўриб чиқамиз.

“Инчон” халқаро аэропорти узунлиги 1 км бўлиб, 50 та назорат текширув жойлари мавжуд, унда бошқа хизматлар билан бирга Миграция хизмати ходимлари ҳам фаолият олиб боришади. “Инчон” халқаро аэропорти Миграция хизматида 3 та бўлим ташкил этилган. Булар халқаро алоқалар, шубҳа ўйотган паспортларни эксперт текширувидан ўтказиб бериш ва фуқаролар ҳақидаги паспорт маълумотларини текшириш ва жамлаш бўлимлари ташкил этилган. Бу борада 30 дан ортиқ хорижий давлатлар

халқаро аэропортлари билан йўловчи фуқаролар тўғрисида маълумот алмашинуви йўлга қўйилган.

Миграция хизмати ходимлари томонидан хорижий фуқароларнинг паспорт назорат текширувини автоматлаштирилган техника ёрдамида 18 сонияда амалга оширади. Бу борада АҚШлари билан “Автоматлаштирилган миграция назорати” дастури бўйича шартнома имзоланган. Шу билан бирган 2002 йилдан Кореянинг ўзида ишлаб чиқарилган энг замонавий компьютер техника воситалари ва дастурий таъминотларидан фойдаланиб келинмоқда.

Биргина 2015 йилнинг сентябрь ойининг ўзида 1 млн. 800 нафар хорижий фуқаролар Кореяга кириб келишган.

Кореяга 90 кундан кам бўлган муддатга келган хорижий фуқаролар, шу жумладан қонун билан белгилаб берилган тоифадаги хорижий фуқаролар рўйхатдан ўтишдан озод этиладилар. 90 кундан ортиқ муддатга келган хорижий фуқаролар яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтишлари керак. Бунинг учун улар ариза, расм, бармоқ изини топширишлари ва 30.000 вон миқдорида давлат бојини тўлашлари керак.

Кореяда бўлиш тартибини бузган хорижий фуқаролар белгиланган миқдорда жаримага тортиладилар ёки Кореядан ўз ватанларига чиқариб юбориладилар. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган хорижий фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун 2 та Реаблитация марказлари (Хвасон ва Чонжонгда) ташкил этилган. Ушбу марказда хорижий фуқаронинг шахси аниқлангунга қадар ушлаб туриш тартиби ўрнатилган.

Корея пойтахти бўлган Сеул шаҳри Миграция хизматида 7 та бошқарма ташкил этилган бўлиб, улар хорижий фуқароларни ҳисобга олиш, виза бериш, қидирув, қочоқлар билан ишлаш, жиноят ва жарима билан шуғулланиш, электрон алоқа ҳамда хорижий фуқароларни мослаштириш ва ўқитиш бошқармаларидир. Улар Сеул шаҳрининг 13 та маъмурий ҳудудида жойлашган аҳолига хизмат кўрсатадилар.

Кореяда “Қочоқлик мақомини бериш тўғрисида”ги Қонун 2013 йилда қабул қилинган бўлиб, Адлия вазирлиги тизимида Миграция хизматининг қочоқлар билан ишлаш Маркази ташкил этилган. Ушбу Марказ фаолиятини Адлия вазири ўринбосари назорат қилиб боради. Қочоқлик мақомини олиш бўйича Адлия вазири номига хорижий фуқаро томонидан берилган ариза 14 нафар эксперт ходимлар томонидан 1 ой давомида ўрганиб чиқилади. Қочоқлик мақомини сўраб келган хорижий фуқароларни қабул қилиш Маркази фаолиятини 2014 йилда бошлаган бўлиб, унда хорижий фуқаро Марказда қочоқлик мақоми берилгунга қадар сақлаб турилиши, бунинг учун марказда уларнинг яшаши, овқатланиши, ишлаши, спорт билан шуғулланиши, дам олиши, ўқиши, корейс тили, маданияти, тарихи, қонунларини ўрганиши, даволаниши ва бошқа керакли бир қатор зарурий шароитлар яратилган. Экспертлар томонидан уларнинг мурожаатлари ижобий кўриб чиқилганда қочоқлик мандати берилади ёки рад этилганда ўз ватанларига чиқариб юборилади.

Корея фуқаролари учун давлат ичида шахсини тасдиқловчи ID картани ва яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш вазифасини ҳудудий полиция (Давлат департаментига қарайди) томонидан амалга оширилади. Корея фуқаролари 19 ёшдан ID карта олиши, сайловда иштирок этиши ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. 18 ёшдан ҳарбий ҳисобга олинади ва 19 ёшдан ҳарбий хизматга чақирилади.

Корея фуқаролари хорижга чиқиш паспортини олиш учун Корея Ташқи ишлар вазирлигига белгиланган тартибда мурожаат қилишлари мумкин.

Корея фуқароларига биометрик паспортни 2008 йилдан беришни бошлашган, паспорт 48 варақдан иборат, амал қилиш муддати 10 йил. Корея фуқаролари 145 та давлатга визасиз бориб келишлари мумкин.

Корея фуқаролари асосан доимий яшашга АҚШ ва Канадага боришади.

Бугунги кунда Корея фуқаролари Ўзбекистон Республикасига визасиз 30 кунгача бўлган муддатга кириб келишлари мумкин.



3-савол. “Пекин” халқаро аэропортида Миграция хизмати фаолияти.

Хитой Халқ Республикаси 2018 йилдан Жамоат хавфсизлиги вазирлиги тизимида бўлган Кириш, чиқиш бошқармаси - Миграция ишлари бўйича давлат бошқармаси (Миграция хизмати)га ўзгартирилган. Миграция хизмати бевосита Жамоат хавфсизлиги вазирлиги таркибидаги хизмат ҳисобланади.

Ушбу хизмат кириш-чиқиш ва чегара текшируви ҳамда янги виза тизими назоратини олиб боради.

Миграция хизматининг асосий вазифаларидан бири этиб миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳамда бошқариб бориш.

Ушбу хизмат кириш-чиқиш, чегара постларида ҳужжатларни текшириш ва чегара олди аҳолиси билан алоқаларни назорат қилиб бориш, фуқаролик паспорти ва ID-карта билан ҳужжатлаштириш, рўйхатга олиш, паспорт-виза назорати, чегара назорати, хорижий фуқароларга кириш рухсатномасини бериш, хорижий фуқароларни Хитой Халқ Республикасида вақтинча яшаш ва доимий яшашга яшашга рухсатнома бериш, фуқаролик билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қочоқлик мақомини бериш, давлат чегаларини ноқонуний кесиб ўтишга қарши курашиш, хорижий фуқароларга виза бериш, халқаро алоқалар, кадрлар билан ишлаш, хорижий фуқароларни ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланишларини аниқлаш ҳамда ноқонуний юрган хорижий фуқароларни Хитой ҳудудидан ташқарига чиқариб юбориш вазифаларини бажаради.

Пекин шаҳрида жойлашган Миграция хизматининг ушбу вазифаларни бажарувчи ва уларни ҳудудлардаги қўйи тизимлар томонидан ижро этилишини таъминловчи, текширувчи ҳамда назорат қилувчи тегишли соҳавий бошқармалари фаолият кўрсатади.

Буни Пекин шаҳри Миграция хизмати фаолияти мисолида кўриб чиқсак. Пекин шаҳри Миграция хизмати бош офиси Пекин шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг қўйи тизимлари Пекин шаҳрининг бўлинган маъмурий ҳудудлари яъни туманларида ҳам ташкил этилган. Улар ўзларига қарайдиган ҳудудда яшовчи аҳолига белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатадилар.

Пекин шаҳри Миграция хизмати томонидан хизмат кўрсатувчи Хитой фуқароларини ID-карта билан ҳужжатлаштириш учун электрон навбат орқали рўйхатга олиниши, рўйхат бўйича ID-карта учун ҳужжатларни

расмийлаштиришни ва Миграция хизмати маъмурий биносининг ўзида ID-карта расмийлаштирилиб фуқарога топшириш йўлга қўйилган. Бунинг учун фуқароларни ҳужжатлари ва маълумотларини қабул қилиш, бармоқ изларини олиш ва фотосуратга тушириш хоналар ҳамда Хитойнинг ўзида ишлаб чиқилган ID-картани тайёрловчи ва чоп этувчи хоналар ташкил этилган.

Бундан ташқари Пекин Миграция хизматида Хитой фуқароларининг яшаш жойига бориб давлат томонидан белгиланган тўлов асосида хизмат кўрсатиш тартиби ҳам йўлга қўйилган. Хитой фуқаролари шахсини тасдиқловчи ID- картани ёки биометрик паспорт олиш учун яшаш жойидан электрон ҳужжатни тўлдириши, навбат олиши, белгиланган миқдордаги давлат божини тўлаганидан сўнг миграция хизмати ходими уйига келиб ҳужжатларни қабул қилиб олиши ва тайёр ID-картани ёки паспортни эгасига топшириб кетиши мумкин. Ушбу кўрсатилган хизматлар учун фуқаро ID-карта ёки биометрик паспорт учун белгиланган давлат божидан ташқари кўрсатилган хизматлар учун қўшимча давлат томонидан белгиланган тўловни амалга ошириши лозим.

Ёки бўлмаса хизмат юзасидан ёки тезлаштириб олиб истаги бўлган Хитой фуқаролари биометрик паспортни ёки ID-картани белгиланган қўшимча тўлов турини тўлаган ҳолда қисқа муддатда олишлари ҳам мумкин.

Шунингдек, Пекин Миграция хизмати маъмурий биносида фуқаролар учун барча шарт-шароит ва қўлайликлар яратилган бўлиб, хизмат турига қараб фуқаролар электрон навбат орқали қабул қилиш тизими йўлга қўйилган, маҳаллий аҳоли қабули алоҳида ва хорижий фуқаролар қабули алоҳида жойларда ташкил этилган. Хорижий фуқароларни вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва уларнинг виза муддатларини узайтириш бўйича ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга тайёр паспортларни топшириш электрон дастурлаштирилган компьютер техникалари ёрдамида амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Энди Хитойнинг “Пекин” халқаро аэропортида хизмат олиб борувчи Миграция хизмати фаолияти.

“Пекин” халқаро аэропорти 2019 йил 25 сентябрда очилган бўлиб, дунёдаги энг катта аэропортлардан бири ҳисобланади, терминал майдони 700 минг м² ташкил этади, 4 қаватдан иборат, биринчи терминал бир йилда 45 миллион пассажирларни ўтказиш имкониятига эга. 2025 йилга келиб барча терминаллар орқали 72 млн.дан 100 млн.гача пассажирларни ўтказиши мумкин.

Биринчи қавати халқаро рейслар учун, иккинчи қавати ички рейслар учун, учинчи қавати ички рейслар учиши учун ва туртинчи қавати халқаро рейслар учун. Аэропорт биносининг тагида ерости темийўл станцияси жойлашган.

Демак, “Пекин” халқаро аэропортида ҳам Миграция хизмати ходимлари хизмат олиб боришади, улар кириб келаётган маҳаллий ва хорижий фуқароларни паспортларини текширув назоратидан ўтказадилар. Бунда маҳаллий ва хорижий фуқаролар учун алоҳида ўтиш йўлаклари мавжуд бўлиб йўлакларни фуқаронинг паспортини ўқийдиган техник қўрилмалар, видео ва фотосуратга олиш мосламалари ва бармоқ изини олиш техникалари ўрнатилган. Миграция хизмати ходимлари хизмат жойига ходимларни хизмат кўрсатишини баҳолаб борувчи “Баҳолаш” қурилмаси ўрнатилган.

Унда фуқаро миграция хизмати ходимини хизмат жараёнида унга кўрсатган хизматини ихтиёрий равишда қурилмадаги “аъло”, “яхши” ва “қониқарсиз” тугмасини босиши мумкин. Фуқаролар томонидан берилган

баҳолар жамланиб ходимнинг хизмат олиб бориши баҳолаб борилади. Аэропорт марказида Миграция хизмати ходимлари хизмат фаолияти фуқароларнинг кириш-чиқишини назорат қилуви Марказ ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган. Ходимлар аэропорт ички ҳудудида юришлари учун икки оёқли самокатлар берилган.

Бундан ташқари фуқароларнинг паспортларида бирор бир шубҳа ёки қалбакилаштириш аломати бўлса ушбу паспортларни текшириб бериш учун аэропорт ҳудудида алоҳида маъмурий бинога эга бўлган экспертиза хизмати жойлашган. Ушбу хизмат барча замонавий техника воситалари ва барча давлатларнинг паспорт намуналарига эга.

Шу билан бирга аэропорт ҳудудини кузатиб бориш учун 2 мингдан ортиқ видео кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, улар назорат-кузатув штаби томонидан кузатиб борилади ва назоратга олинади.

Ушбу жараёнларда миграция хизмати ходимлари туну-кун хизмат олиб боришлари ташкил этилган ҳамда Хитойда ишлаб чиқилган энг замонавий дастурий таъминотлар ўрнатилган компьютер техникалари билан жиҳозланган.

Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун мамлакатнинг халқаро аэропортлари орқали кўпи билан 7 кун муддатга Ўзбекистон Республикасига киришнинг визасиз режими Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни ўз вақтида тақдим қилувчи ташувчининг қайтувчи авиачиптаси мавжуд бўлганда рухсат берилади.

Ушбу мавзумизда биз Сизлар билан хорижий давлатлар тажрибаларини Япония, Корея ва Хитой давлатлари Миграция хизматлари мисолида кўриб чиқдик.

Демак, ушбу давлатларда ҳам миграция жараёнлари ўзларининг қонунлари билан тартибга солинган ва мустақамлаб қўйилган ҳамда ушбу қонунлар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш вазифалари Миграция хизматларига юклатилган.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жойизки, ушбу давлатлар миграция хизматларида ишлатиб келинаётган барча замонавий дастурлар ва техника воситалари ушбу давлатларнинг ўзларида ишлаб чиқарилганлиги, миграция хизмати фаолияти электрон бошқарув тизими асосида амалга оширилиши иш унумдорлигига, самарадорлигига, сифатига ва тезкор маълумотларни олиш ҳамда назорат ўрнатилишига хизмат қилиши кўриб чиқдик.

Ушбу давлатлар ёки бошқа ривожланган давлатлар Миграция хизмати тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда келажақда ушбу давлатларнинг самарали жиҳатлари ўзимизда ҳам Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматида тадбиқ этилса келгусида ўзининг албатта ижобий натижасини беради.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:


Тингловчилар мустақил “Хорижий давлатлар тажрибалари - Япония, Корея Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Миграция хизматлари мисолида” мавзусини тўлиқ ўрганадилар ва конспект қиладилар.

25- мавзу. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига оид хорижий тажриба

Семинар – 2 соат

Ушбу ўқув машғулоти **“Давра суҳбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини

билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Саволлар

- 1.Корея Республикаси миграция хизматида замонавий ахборот технологиялари қандай
- 2.Пекин” халқаро аэропортида Миграция хизмати фаолияти
- 3.Япония миграция хизмати фаолияти тўғрисида гапиринг
- 4 Хорижий давлатларнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини ўрганишнинг афзалликлари нимада?

Тахминий тест саволлари

1-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3126-сонли қарори қачон қабул қилинган?
2. ПҚ-3126-сонли қарор билан миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг нечта асосий йўналишлари энг муҳим вазифа еканлиги белгиланди?
3. Ислоҳатлар натижасида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тизимида қандай бошқарма ташкил етилди?
4. МваФРББ тизими қуйидагиларни ўз ичига олади?
5. МваФРББнинг асосий вазифаларини кўрсатинг?
6. МваФРБ бошқармасининг ҳуқуқларини кўрсатинг?
7. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида интеграциялаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш МваФРББ қайси таркибидаги тузилманинг асосий вазифаси ҳисобланади?
8. МваФРБ бошқармага бошлиқ қайси орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимига тайинланади ва озод етилади?
9. МваФРБ бошқарма қандай мажбуриятларга ега?
10. Шахсни ҳужжатлаштириш, унинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш йўлида уни прописка қилиш ва ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгилловчи, шунингдек, бу борадаги фаолиятни таъминловчи ваколатли субъектлар, усул ва воситалар мажмуидан иборат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси нима дейилади?

2-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” қонуни қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” қонунининг тузилиши?
3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш?
4. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида қандай фуқаролик ўрнатилади?
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимоснома ариза берувчи томонидан шахсан кимнинг номига берилади?

6. Илтимосномани қабул қилган туман МваФРБ ходими мурожаатчи томонидан тақдим етилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини неча иш куни ичида текширади?

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича қайси давлат фуқаролигини олади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик масалаларига оид қарори кучга кирган кундан еътиборан мурожаатчи қанча муддатда ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан ҳабардор қилинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси ким томонидан қанча муддатга тасдиқланади?

10. Фуқаролиги бўлмаган шахс бир йил ичида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жами қанча муддатга чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшалган муддат узлуксиз деб ҳисобланади?

3.1- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартибини белгилаш тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан илтимоснома ва аризалар Республика ҳудудида яшаб турган шахс томонидан кимга топширилади?

3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан қабул қилинган илтимосномалар ёки аризалар қайси маълумотлар базасидан рўйхатдан ўтказилади.?

4. Ота-онаси ёки улардан бирининг фуқаролиги ўзгарганда уларнинг илтимосномасига кўра, неча ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги фақат унинг ёзма розилиги билан ўзгартирилиши мумкин?

5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш бўйича илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин, агар у?

6. Кимлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш бўйича мурожаат қилиши мумкин?

7. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига алоҳида тартибда қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг?

8. Шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, ҳавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида Ўзбекистон фуқаролигини йўқотган бўлса?

9. Фуқароликка тан олиш назарда тутилган фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни қандай аниқлаши мумкин?

10. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар нечта нусхада юритилади ва уларни сақлаш муддати қанча?

3.2- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш учун фуқаро?
2. Фуқароликдан чиқиш бўйича илтимоснома билан муурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатларини миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ходими қанча муддатда «Е-Фуқаро» ИМБ рўйхатдан ўтказиши лозим?
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқароликдан чиқиш масалалари юзасидан қабул қилинган илтимосномаларни кўриб чиқиш муддати?
4. Ота-онаси ёки улардан бирининг фуқаролиги ўзгарганда уларнинг илтимосномасига кўра, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги қандай ўзгартирилиши мумкин?
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг?
6. Агар Ўзбекистон фуқароси ихтиёрий равишда чет давлат фуқаролигини олган бўлса?
7. Ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган Конвенсияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет елда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган махсус штамп нима дейилади?
8. Агар хорижда доимий яшовчи шахс қанча муддат мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобида турмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши мумкин?
9. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш учун топширилган илтимоснома кўриб чиққанлик учун қанча миқдорда давлат божи ундирилади?
10. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан илтимоснома ва аризалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс томонидан кимга топширилади?

4- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
2. Юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов?
3. Ваколатли муассасаларга ва мансабдор шахсларга муурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва ҳужжатлар бериш амалга оширилганда давлат божини тўловчилар кимлар ҳисобланади?
4. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспортини берганлик учун давлат божи қанча миқдори тўланади?

5. Яқин қариндошлари вафот етганда ёки улар дафн етилган жойларни зиёрат қилиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришда мурожаатчидан давлат божи ундириладими?
6. Давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишда давлат божи ундириш?
7. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини берганлик учун?
8. Янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет ел фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга идентификацияловчи ИД-картасини берганлик учун?
9. Чет ел фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини бир йилгача узайтирганлик учун?
10. Давлат божи суммаларини қайтариш нима асосида амалга оширилади?

5- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасида идентификация ИД-карталарни жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган?
2. Идентификация ИД-картасини расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда расмийлаштирилади?
3. Янги ИД-карта белгиланган тартибда ИД-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб тушган кундан бошлаб неча иш кунида берилади?
4. Фуқаро ИД-картаси амал қилиш муддати тугаганда ва тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва миллати ўзгаргандан сўнг қанча муддатда ИД-карта олиш учун мурожаат қилиши лозим?
5. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган, биометрик паспорти ёки ИД-картаси бўлмаган ҳарбий хизматчиларга ИД-карта нима асосида берилади?
6. Агар фуқаро қўл бармоқ излари олинишидан бош торца ёхуд кўзойнақда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, фуқарога ИД-карта қандай расмийлаштирилади?
7. ИД-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ИД-карта қандай алмаштирилади?
8. 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ИД-карталари кимларга берилади.?

9. Чет ел фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки киришчиқиш визаларини берганлик ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини бир йилгача узайтирганлик учун тўлов?

10. Давлат божи суммаларини қайтариш нима асосида амалга оширилади?

6-мавзуга оид тест саволлари

1. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги низом” қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган?

2. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати қанча муддатга берилади?

3. Ҳаракатланиш ҳужжати бланкасига қайси маълумот киритилмайди?

4. Бир ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати қанча муддатга берилади?

5. Фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётганида ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати қанча вақтни ташкил еса, алмаштирилиши мумкин?

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш ҳужжати неча иш куни мобайнида берилиши керак?

7. Ҳаракатланиш ҳужжати чипига қайси маълумот киритилишини топинг?

8. Ҳаракатланиш ҳужжати талабномаси ДПМга жўнатилганидан кейин хорижда егасига неча иш куни мобайнида берилиши керак?

9. Агар фуқаролиги бўлмаган шахс қўл бармоқ излари олинишидан бош торца ва кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса маълумотларни йиғиш пункти ходими қандай ҳуқуқга ега?

10. Суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун?

7-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни топинг.

2. Фуқаролар янги яшаш жойига келган кунларидан бошлаб доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қанча вақт ичида тақдим етишлари шарт.

3. Агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаганлиги фуқарога хизмат кўрсатишни рад етиш учун асос деб ҳисобланиши мумкинми?

4. Фуқаро вилоятларда доимий рўйхатга ега бўлиш учун МваФРБга қандай ҳужжатларни тақдим етмайди?

5. БАРЕ-CODE – бу

6. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 42-моддасига асосан, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси бир киши ҳисобига қанча квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.
7. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқаро кимларнинг доимий рўйхатга олинган манзилида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши шарт?
8. «Давергеодезкадастр» қўмитасининг базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга қандай ҳаракатлар қатъиян тақиқланади?
9. Фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва бекор қилиш, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш хизматлари қаерда амалга оширилади?
10. Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ «Манзил» тизимига киритилмаган ҳолларда, ким томонидан «Манзил» тизимига киритилади?

8-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган?
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати неча кун?
3. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2020 йил 1 сентябрдан еътиборан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш юзасидан қандай тартиботлар кучга кириши белгиланди?
4. 16 ёшга тўлмаган фуқарони Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ёки вақтинча рўйхатга олиш тартиби қандай?
5. «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатининг 1-бандига асосан қайси тоифадаги фуқаролар доимий рўйхатга олинадилар?
6. Фуқарони доимий рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди? Тўғри жавобни топинг.
7. Мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинган ҳолларда сўровнома электрон шаклда қандай ҳужжатларга асосан тўлдирилади? Нотўғри берилган жавобни топинг.
8. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида Низом талабларига риоя этилиши . . . томонидан назорат қилинади.

9. ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли.

10. Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги қайси ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади?

9-мавзуга оид тест саволлари

1. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатда белгилаб берилган?

2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жойга ега бўлган хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар - хусусий мулк қилиб сотиб олинган уй-жойга Рўйхатнинг қайси банди билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилади?

3. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайси тоифа чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиладиган жавобни топинг.

4. . . . - туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк ҳуқуқи вужудга келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган мол-мулк.

5. «Фаҳрий фуқаро» мақоми берилган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатнинг қайси банди билан доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилади?

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатининг 8-банди билан қайси тоифа чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади?

7. . . . — бошқа давлатлардан келган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда уларга яшаш гувоҳномаси ёки ИД-карта расмийлаштириб бериш.

8. Қайси ҳолларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун руҳсат беришга рад этилади?

9. . . . — чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг идоралараро электрон ҳамкорликни таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизими.

10. . . . — чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик орқали амалга оширилишини таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизими.

10-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган?
2. . . . — хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг аксиялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет ел инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган ҳамда амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визасига ега чет ел фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс.
3. Яшаш гувоҳномаси ёки ИД-картага ега бўлган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча рўйхатга олиниш учун бошқа ҳудудга келган кунидан бошлаб . . . кунда ҳудудий МваФРБга мурожаат қиладилар.
4. Ички ишлар органи профилактика (катта) инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда вақтинча яшовчи чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт-виза режимига риоя этилишини . . . назорат қилиб борадилар.
5. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошса, . . . кун ичида ҳудудий МваФРБга мурожаат этиш орқали амалга оширилади.
6. Қуйидагилар вақтинча рўйхатга олинишга тенглаштирилади. Нотўғри берилган жавобни топинг.
7. Яшаш гувоҳномаси ёки ИД-картага ега бўлган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча рўйхатга олиши доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилинмаган ҳолда, келган жойи бўйича . . . бўлган муддатга амалга оширилади.
8. Қайси тоифа чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ИИО томонидан вақтинча рўйхатга олиш давлат божи ундирилмасдан уч йил муддатгача расмийлаштирилади ва узайтирилади?
9. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, улар келиб жойлашган пайтда «Е-меҳмон» дастури ёрдамида ёки . . . кун ичида ҳудудий МваФРБга мурожаат этиш орқали амалга оширилади.
10. Қайси тоифа чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча рўйхатдан озод этилган? Нотўғри жавобни топинг.

11-мавзуга оид тест саволлари

1. Чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни топинг.
2. Вилоятга бошқа давлатлардан келган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш рад этилган тақдирда

3. Чет ел фуқаросини хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати . . . кунидан ошмаслиги керак.
4. . . . — чет ел фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ҳамда егасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи, шунингдек, егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилмага (чипга) ега бўлган ҳужжат.
5. Фуқаролиги бўлмаган шахсни хорижий давлатга рўйхатдан чиқариш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати . . . кунидан ошмаслиги керак.
6. Бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли доимий рўйхати бекор қилинган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қайси ҳолларда қайта доимий яшашга рухсатнома расмийлаштирилади?
7. Эр (хотин) хотини (ери) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига, башарти камида . . . биргаликда яшаётган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга ҳужжатларни тақдим этаишлари мумкин.
8. ИИБ МваФРБга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тегишли ҳужжатлар келиб тушган (сўровномага жавоб олинган) кундан бошлаб . . . муддат ичида хулоса чиқаради.
9. Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳужжатлари бўйича ҚР ИИБ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ тегишли ваколатли органнинг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб . . . хулоса тайёрлайди.
10. Рўйхатдан чиқарилганда ҳамда яшаш гувоҳнома ёки ИД-карта ва доимий рўйхат бекор қилинганда МваФРБ . . . муддатда «манзил» тизимида рўйхатдан чиқарилганлиги ҳолати юзасидан маълумотларни киритади.

12-мавзуга оид тест саволлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни реабилитасия қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини белгиланг.
2. Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод етиш ва идентификация ИД-картасини расмийлаштиришда давлат бојини қоплаш ИИБнинг қайси буйруғи билан тартибга солинади?
3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддаларига асосан МваФРБ муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома билан судга мурожаат қилади?
4. Фуқаролик паспорти ёки идентификация ИД-картаси билан аввал ҳужжатлаштирилган, аммо уни йўқотиб қўйган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни турган

жойи бўйича рўйхатга олиш истисно тариқасида, қайси манзилга амалга оширилади?

5. Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ким томонидан аниқланади?

6. МваФРБ, жинойт ишлари бўйича туман судига ИД-картасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида такдимнома билан қанча муддатда мурожаат қилиши лозим?

7. Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларга идентификация ИД-картасини расмийлаштириш учун давлат божларини қоплаш тўғрисида МваФРБ томонидан қайси органларга талабнома киритилади?

8. МваФРБ томонидан муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни хужжатлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳудуддаги реабилитация марказларига қанча муддатда маълумот юборади?

9. Муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларнинг аризасига кўра, уларнинг МваФРБларда идентификация ИД-картасини расмийлаштиришлари учун реабилитация марказлари томонидан мазкур шахсини тасдиқловчи қандай хужжат берилади.

10. МваФРБ муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги юзасидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?

13- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизими президентимизнинг қайси қайси қарори билан тартибга солинади?

3. Хорижга чиқиш биометрик паспорти хизматдан фойдаланувчи мурожаат етиб, тегишли тўловларни амалга оширган кундан бошлаб неча иш кунда такдим етилади?

4. Хорижга чиқиш биометрик паспортига ички ишлар органлари бўлинмалари томонидан қандай қайд белгилари киритилади?

5. Вояга етмаган фуқарога хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш чоғида қандай ҳолатларда ота-онадан бирининг розилиги талаб қилинмайди?

6. Вояга етмаган шахсларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш хизмати юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида чиққан ҳар қандай низолар қандай ҳал қилинади?

7. Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни рад етиш учун асос бўлади?

8. Хорижга чиқиш биометрик паспортига атайлаб шикаст етказишда?

9. Давлат сирларини ташкил етувчи маълумотлардан хабардор фуқароларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари қаерда сақланади?

10. Ота-онанинг бири ўз боласининг хорижга чиқишига рози бўлмаган тақдирда, унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун кимга мурожаат қилиш ҳуқуқига ега?

14-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилишни тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган?

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш тартиби Ички ишлар вазирининг қайси буйруғида белгилаб берилган?

3. Биометрик ҳужжатларнинг умумий ҳисоби қайси орган ёки ташкилот томонидан юритилади?

4. Техник носоз ёки маълумотларда хатолик билан персоналлаштирилган биометрик ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш қайси орган ёки ташкилот томонидан амалга оширилади?

5. Ўрнатилган тартибда амалда емас деб топилган ёки амал қилиш муддати тугаган биометрик ҳужжатлар ҳисобини юритиш ва йўқ қилиш қайси орган ёки ташкилот томонидан амалга оширилади?

6. Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар дастурига нечтагача биометрик ҳужжат киритилиши мумкин?

7. «Йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжатларни топширишни қайд етиш китоби», «Йўқ қилинган биометрик ҳужжатлар рўйхатини қайд етиш китоби» ҳамда рўйхатлар тикилган йиғма жилдларнинг сақланиш муддати қанча?

8. Електрон калит кодини (парол) неча маротаба нотўғри киритиш калит ишчи ҳолатининг йўқолишига (блокировка ҳолатига тушишига) олиб келади?

9. Дастурга бир уринишда нечтагача йўқ қилиниши лозим бўлган биометрик ҳужжат ҳақидаги маълумотни киритиш мумкин?

10. «ДПМ томонидан брак» ойнаси орқали киритилган биометрик ҳужжатлар рўйхати неча нусхада чоп етилади?

15-мавзуга оид тест саволлари

1. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни топинг.

2. Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш учун таклиф қилувчи доимий истиқомат қиладиган жойидаги МваФР бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади. Нотўғри жавобни топинг.
3. МваФРБда ватандошларни таклиф қилиш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати . . . иш кунидан ошмаслиги лозим. Тўғри жавобни топинг.
4. . . . — Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи ва унинг фуқарolari бўлган қариндошлари томонидан берилган таклифнома асосида келади, амал қилиши мобайнида Ўзбекистон ҳудудига чекланмаган марта ташриф буюрадиган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари учун 2 йил муддатга бериладиган виза тоифаси?
5. Ватандошларни таклиф қилиш ҳақидаги таклифнома берилган кундан бошлаб . . . давомида амал қилади. Тўғри жавобни топинг.
6. Ватандошларга кўп марталик кириш визаларини расмийлаштириш учун таклиф етувчининг ҳужжатлари кўриб чиқиш муддати . . . кун?
7. Ватандошлар Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олиш масаласида . . . муурожаат қилишлари керак. Тўғри жавобни топинг.
8. Ватандошларнинг «ВТД» турдаги визалари меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун берилган рухсатнома ёки таълим муассасаси билан тузилган шартнома муддатига узайтирилганда . . . Тўғри жавобни топинг.
9. Ватандошлар яшаш манзилларини ўзгартирсалар . . . кечикмай вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жой бўйича ҳудудий МваФР бўлинмасига турган жойи бўйича рўйхатга олишни ўзгартириш учун муурожаат қилиши лозим. Тўғри жавобни топинг.
10. Ватандошларнинг кириш визаси ва вақтинча пропискиси қайси ҳолларда бекор қилинади?

16-мавзуга оид тест саволлари

1. Фуқароларнинг таклифномаси бўйича хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келишга виза бериш учун рухсатномани расмийлаштириш муддати . . . ошмаслиги керак.
2. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари . . . томонидан берилади.
3. Кириш визалари, қоидага кўра, . . . берилади.
4. «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел ел фуқарolari қандай визаларни олиш ҳуқуқига ега? Тўғри жавобни топинг.
5. Юридик шахсларнинг таклифномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига контракт ва шартномалар бўйича уч ойдан ортиқ муддатга ишга келаётган хорижий фуқароларга визалар бериш белгиланган тартибга мувофиқ . . . асосида амалга оширилади.
6. Транзит визани Ўзбекистон Республикасининг чет елдаги консуллик муассасаси томонидан расмийлаштириш . . . амалга оширилади.

7. Фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига ега бўлган мамлакатлар рўйхатида киритилган хорижий фуқаролар Ўзбекистонга кириш визасини қандай олишлари мумкин? Тўғри жавобни топинг.
8. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қайси ҳолларда рухсат берилмайди? Нотўғри жавобни топинг.
9. Қайси тоифа хорижий фуқароларнинг визаси амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтирилади?
10. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни топинг.

17-мавзуга оид тест саволлари

1. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари Қоидалари қайси норматив- ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб қўйилган?
2. Қайси ҳолатларда чет ел фуқароларига Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи - ўн йилга чекланади? Тўғри жавобни белгиланг.
3. Чет ел фуқароларини Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш?
4. Қайси ҳолатларда чет ел фуқароларига Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи-умрбод чекланади? Тўғри жавобни белгиланг.
5. Чет ел фуқароларини Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда шахсий ишлар бўйича таклиф қилган ва уларга уй-жой майдонини берган шахслар мажбуриятлари
6. Ўзбекистон Республикасига . . . чет ел фуқароларининг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона органларида ҳисобга қўйилиши керак?
7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қайси тоифа чет ел фуқаролари аккредитасия қилинади? Нотўғри жавобни топинг.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномаларига ега бўлган чет ел фуқароларини . . . вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан ўчирмаган ҳолда амалга оширилади.
9. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенсия қаерда ва қачон қабул қилинган? Тўғри жавобни топинг.
10. Катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун жазони ижро этиб бўлган ёки ўтаб бўлганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган чет эл фуқаролари

18-мавзуга оид тест саволлари

1. Хорижий фуқароларга бериладиган хизмат кириш визаси (вақтинча)ни топинг.
2. Транзит визаси Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит билан ўтувчи хорижий фуқароларга . . . берилади.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишда мажбурий тўхташ қандай ҳолларда бўлиши мумкин? Тўғри жавобни топинг.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи хорижий фуқаролар тўхташ вақтида қайси объектлар хорижий фуқаролар яшайдиган жойлар бўлиши мумкин? Тўғри жавобни белгиланг.
5. Хорижий фуқароларга жой ва транспорт воситалари берилган барча ҳолларда уларнинг егалари бу ҳақда . . . ички ишлар органларига маълум қилишлари шарт. Тўғри жавобни белгиланг.
6. Ўзбекистон Республикасининг кириш, чиқиш ва транзит визалари (электрон бўлмаган) тоифаларининг виза турлари сони нечта?
7. Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари Қоидалари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб қўйилган?
8. Қайси ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали визасиз транзит ўтишга рухсат берилади? Нотўғри жавобни топинг.
9. С-2 визаси қайси тоифа хорижий фуқароларга берилади? Тўғри жавобни топинг.
10. Хорижий фуқароларга бериладиган зиёрат кириш визасини топинг.

19-мавзуга оид тест саволлари

1. Ички ишлар вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистон Ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимларни еълон қилиш ҳақида” буйруғи қачон тасдиқланган?
2. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси фуқароларидан ундириладиган визалар учун консуллик йиғимлари тарифига асосан 6 ойгача кўп марталик кириш-чиқиш визасини расмийлаштирганлик учун консуллик йиғими. Тўғри жавобни топинг.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида”ги Битим қачон имзоланган?
4. Ўзбекистон билан Қирғиз Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида”ги Битимда кўзда тутилган шартларга мувофиқ томонлар фуқаролари визасиз . . . бошқа томон давлати ҳудудига киришларни, чиқишларни транзит ўтишлари ҳамда унда вақтинча бўлишлари мумкин.

5. Ўзбекистон билан Қозоғистон Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кегиш шартлари тўғрисида”ги Битимга асосан Томонлар давлатларининг миллий паспортга ега бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудига . . . қадар рўйхатга олинмаган ҳолда кирадилар ва унда бўладилар.

6. Ўзбекистон билан Қозоғистон Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кегиш шартлари тўғрисида”ги Битим қачон имзоланган?

7. Хоразм ва Бухоро вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларининг Туркменистон чегарасига бевосита туташган туманларида доимий истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Туркменистоннинг Дашоуз ва Лебоб вилоятларига . . . бўлишлари мумкин.

8. Ўзбекистон билан Қирғиз Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кегишлари тўғрисида”ги Битим қачон имзоланган?

9. Ўзбекистон билан Тожикистон Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кегишлари тўғрисида”ги Битимга асосан Томонлар халқаро автомобил ташишларини амалга оширадиган транспорт корхоналарининг дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига мурожаати асосида транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига белгиланган тартибда . . . берадилар.

10. Ўзбекистон билан Тожикистон Республикаси ўртасида “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кегишлари тўғрисида”ги Битим қачон имзоланган?

20-мавзуга оид тест саволлари

1. . . . - ихчам электрон қурилма, УСБ-калит. Фойдаланувчини тизимда қайд етиш, электрон ёзишмаларни химоялаш ва ахборот ресурслари билан маълумотлар алмашинуви хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

2. Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ИИВ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларида юритиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардаги электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини топинг.

3. Автоматлаштирилган тизимни химоя қилишда шахсий парол узунлиги . . . символдан кам бўлмаслиги керак.

4. . . . - автоматлаштирилган иш жойи ва сервер қурилмалари орасида тармоқ хавфсизлигини таъминлаш технологияси бўлиб махсус тармоқ қурилмалари

5. Автоматлаштирилган тизим (АТ) хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

6. Автоматлаштирилган тизим (АТ) ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш. Тўғри жавобни топинг.

7. Автоматлаштирилган тизимни химоя қилишда паролнинг . . . бўлиши лозим. А. қуйи ва юқори регистрида албатта харфлар, рақамлар ёки махсус символлар

8. . . . - шахсий таниб олиш учун рақам, Токендан фойдаланишда тизимга кириш учун рақамлар кетма-кетлигидан иборат калит(парол).

9. . . . - блокдан ечадиган персонал калит.

10. Парол ўзгартирилган ҳолда янги парол ескисидан камида . . . символга фарқ қилиши лозим.

21- мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасига ноқонуний кириш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ҳолда бу қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида қайси моддалари бўйича квалификация қилинади?

2. . . . - маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар Ўзбекистон Республикаси МЖТҚда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

3. Берилган жавоблардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси ЖК 223- моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади?

4. . . . - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки еҳтиёизлик орқасида) содир етилган ҳаракат ёки ҳарақатсизлик тушунилади.

5. Ўзбекистон Республикасига ноқонуний кириш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари агар у охириги зарурат ҳолатида содир етилган бўлса

6. Қайси ҳолларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилмайди?

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги суд қарорини бажармаган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қандай жазо чора кўрилади?

8. Ўзбекистон Республикасидан қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш тартибини бўзган шахсларга қандай жазо чоралари қўлланилади?

9. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро етиш Ўзбекистон Республикаси МЖТҚнинг қайси моддасида белгилаб берилган?

10. Ўзбекистон Республикаси МЖТҚнинг 225-моддасининг биринчи - бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга ҳақли.

22-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорини белгиланг.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган шахсларга қайси кўринишдаги ҳисобга олиш карточкаси тузилади?

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимида онлайн режимида, қайси электрон тизим орқали киритилиши шакллантирилади?
4. Ваколатли органнинг марказий бўлинмаси маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган ҳисоботларни қанча муддатда Ички ишлар вазирлигига тақдим етишлари керак?
5. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро етиш ҳақида қандай ҳужжат юритилади?
6. Ҳисобга олиш ҳужжатлари ва маълумотлар базалари қайси тилда юритилади?
7. Жабрланувчи шахсларга қайси кўринишдаги ҳисобга олиш карточкаси тузилади?
8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар жазони ижро етиш тугаган кундан бошлаб қанча муддат сақланади?
9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган (баённома тузилмасдан) шахсларга қайси кўринишдаги ҳисобга олиш карточкаси тузилади?
10. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш журнали неча йил сақланади?

23-мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида идентификация ИД-карталарни жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6065-сон Фармоннинг 2-Иловаси билан “Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ИД-картаси тўғрисида” Низом қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқлаган.
2. ИД-карта янги туғилган болага бир ёшгача — ... (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра) берилади. Тўғри жавобни топинг.
3. ИД-карта бир ёшдан 16 ёшгача —муддатга берилади. Тўғри жавобни топинг.
4. ИД-карта 60 ёшдан ошганларга —... муддатга берилади.Тўғри жавобни белгиланг.
5. чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ИД-картаси - Тўғри жавобни белгиланг.
6. чип — Тўғри жавобни топинг.
7. персоналлаштириш — Тўғри жавобни белгиланг.
8. ИД-картаси бекор қилинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга ... муддат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши тўғрисида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни

расмийлаштириш бўлинмалари томонидан огоҳлантирилади? Тўғри жавобни топинг.

9. ИД-картаси бўлмаган Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс 16 ёшга тўлганда ИД-карта олиш учун ... кечикмасдан маълумотларни йиғиш пунктига муурожаат қилиши шарт. Тўғри жавобни топинг.

10. ИД-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг ... куни мобайнида берилади.

24-мавзуга оид тест саволлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” қандай қарорни тасдиқлаган.

2. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги Низом” қандай тартибни белгилайди?

3. Чегара зонасида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларига ички ишлар органлари тегишли ... ? Тўғри жавобни топинг.

4. Чегара зонасига вақтинча яшаш учун келадиган шахсларга рўйхатга олиш карточкалари қанча ... муддатга берилади? Тўғри жавобни белгиланг.

5. Чегара зонасига ота-онаси ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар билан келадиган 16 ёшгача бўлган шахслар рўйхатга олиш карточкалари қандай тартибда расмийлаштириб берилади? Тўғри жавобни белгиланг.

6. Чегара зонасига беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқаролар рўйхатга олиш карточкаларида ... яшаш ҳуқуқига ега? Тўғри жавобни белгиланг.

7. Чегара зонасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига ... шахсларни ишга қабул қилиш ман этилади. Тўғри жавобни белгиланг.

8. Чегара зонасига келадиган барча шахсларни рўйхатдан ўтиш тартиби?

9. Ташкилотларнинг фаолият тури бўйича кўпинча узоқ вақт чегара зонасида бўладиган ходимларига рўйхатга олиш карточкалари ... бўлган муддатга берилади ва улар ... ички ишлар органларида рўйхатдан ўтади. Тўғри жавобни топинг.

10. Рўйхатга олиш карточкаларининг амал қилиш муддатини узайтириш учун юридик ва жисмоний шахслар ички ишлар органларига уларнинг амал қилиш муддати тугашидан ... аввал муурожаат қилишлари шарт.

25-мавзуга оид тест саволлари

1. Япония миграция хизмати қайси вазирлик соҳавий хизмати ҳисобланади?

2. Корея Республикаси миграция хизмати қайси вазирлик соҳавий хизмати ҳисобланади?

3. Хитой Халқ Республикаси миграция хизмати қайси вазирлик соҳавий хизмати ҳисобланади?
4. Японияга . . . кам бўлган муддатга келган хорижий фуқаролар, шу жумладан қонун билан белгилаб берилган тоифадаги хорижий фуқаролар рўйхатдан ўтишдан озод этиладилар. Тўғри жавобни топинг.
5. Япония фуқаролари Ўзбекистон Республикасига визасиз неча кунгача визасиз кириб келишлари мумкин?
- 6.Корея Республикасида “Қочоқлик мақомини бериш тўғрисида” Қонун қачон қабул қилинган?
- 7.Корея Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасига визасиз неча кунгача визасиз кириб келишлари мумкин?
8. Корея Республикасига . . . ортиқ муддатга келган хорижий фуқаролар яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтишлари керак?
9. Қайси йилдан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги тизимида бўлган Кириш, чиқиш бошқармаси - миграция ишлари бўйича давлат бошқармаси (миграция хизмати)га ўзгартирилди?
- 10.Қайси давлат фуқаролари учун халқаро аэропортлари орқали кўпи билан

ГЛОССАРИЙ:

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлаш – ушбу жараёни ташкил етувчи субъектларнинг бу борадаги комплекс фаолияти бўлиб, мамлакатда паспорт тизими қоидаларининг самарали ишлашига қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа турдаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Паспорт тизими – бу шахсни ҳужжатлаштириш, унинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш йўлида уни прописка қилиш ва ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгиловчи, шунингдек, бу борадаги фаолиятни таъминловчи ваколатли субъектлар, усул ва воситалар мажмуидан иборат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик پاسпорти — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ва егасининг шахсини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тасдиқловчи, паспорт егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га ега бўлган ҳужжат;

ариза берувчи— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича давлат органига мурожаат қилган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет давлат фуқароси ёхуд вояга етган фуқаролиги бўлмаган шахс

ёлғиз ота ёки она— болани тарбиялаётган ота (она), башарти боланинг туғилганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжатларда ота-онасидан бири ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса ёхуд бундай маълумотлар тарбиялаётган отанинг (онанинг) сўзларига асосан киритилган бўлса;

бола— ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс;

фуқаролиги бўлмаган шахс— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга ега бўлмаган шахс;

фуқароликнинг ўзгариши— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ёки тугатиш;

ватандош— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ега бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлса;

идентификацияловчи ИД-картаси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида идентификацияловчи карта егасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган, егасининг шахсига доир биографик ва биометрик маълумотлар киритилган электрон жисмга (чипга) ега бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ёки чет давлат фуқаросига ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган ҳужжат;

тирикчиликнинг қонуний манбаи— иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, тадбиркорлик фаолиятдан ёки мулкдан олинган фойда, пенсия, стипендия, алиментлар, ижтимоий нафақалар, молиявий жамғармалар ёки оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг молиявий ёрдами, шунингдек бошқа қонуний даромадлар;

чет давлат фуқароси— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ега бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга ега бўлган шахс;

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшовчи фуқароси— Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиққан ҳамда хорижга доимий яшашга чиқиб кетиш учун рухсатнома расмийлаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

яшаш— шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарисида қонуний асосда туриши;

Давлат бож - юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир.

Давлат божини тўловчилар - Ваколатли муассасаларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва ҳужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

чип — ИД-картадаги биографик маълумотлар, рақамли фотосурат ва қўл бармоқ изи ҳамда бошқа маълумотларни сақловчи электрон қурилма;

персоналлаштириш — ИД-карта егасининг биографик ва биометрик маълумотларини ИД-картага киритиш;

верификациялаш — ИД-картага киритилган биометрик маълумотларнинг ИД-карта егасининг биометрик маълумотларига мослигини махсус техник қурилма ёрдамида текшириш;

маълумотларни йиғиш пункти — ИД-карта олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг биографик ва биометрик маълумотларини жамлаш, ИД-карталарни персоналлаштириш ва бериш вазифаларини бажарувчи ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ҳамда давлат хизматлари марказлари;

ИД-карта олиш учун талабнома — ИД-карта оловчи ҳақида маълумотларни йиғиш пункти томонидан шакллантирилган биографик ва биометрик маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳужжат.

персоналлаштириш — ҳаракатланиш ҳужжати бланкасига унинг егаси тўғрисидаги биографик маълумотлар ва биометрик параметрларни киритиш;

верификация — ҳаракатланиш ҳужжати киритилган биометрик параметрларнинг ҳаракатланиш ҳужжати егасининг биометрик параметрлари билан мослигини машина ёрдамида текшириш;

консуллик муассасаси — Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консуллик бўлими, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатда таъсис етиладиган бош консулхонаси, консулхонаси, висе-консулхонаси ва консуллик агентлиги;

консуллик рўйхати — тегишли консуллик округи ҳудудига келган фуқаролиги бўлмаган шахсни хориждаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари қошида белгиланган тартибда қайддан ўтказиш;

доимий консуллик рўйхати — доимий яшаш учун хорижга чиқиш рухсатномасини белгиланган тартибда расмийлаштирган, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаси консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсни қайддан ўтказиш;

вақтинча консуллик рўйхати — хорижга вақтинча чиқиш рухсатномасини белгиланган тартибда расмийлаштирган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон

Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан қайддан ўтказиш;

консуллик округи — консуллик муассасасига консуллик вазифаларини бажариш учун бириктирилган бир ёки бир неча давлат ҳудуди;

маълумотларни йиғиш пункти — паспорт олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг биографик маълумотларини ва биометрик параметрларини жамлаш, ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига топшириш ҳамда фуқароларга биометрик параметрларга ега паспортлар бериш бўйича вазифаларни бажарувчи ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқ департаменти, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари;

ҳаракатланиш ҳужжати олиш учун талабнома — ҳаракатланиш ҳужжати олувчи ҳақида маълумотларни йиғиш пункти томонидан шакллантирилган биографик маълумотлар ва биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ҳужжат (талабнома).

васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни таъминлаш, уларга тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

даволаш муассасалари — санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусӣ клиникалар, шифохоналар, касалхоналар ва бошқа тиббӣ муассасалар;

ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари — чақирув участкасида қайд етилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (чақирилувчилар учун), ҳарбий гувоҳнома ва захирадаги офицернинг гувоҳномаси (ҳарбий хизматга мажбурлар учун);

ҳомӣлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни таъминлаш, уларга тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

ЯИДХП — Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

«Е-меҳмон» дастури — меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг махсус электрон автоматлаштирилган дастури.

чет эллик инвестор - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс — чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси);

манзил тизими - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимӣ рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик орқали амалга оширилишини таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизими;

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати - чет эл фуқаросининг хорижга чиқиш миллий паспорти ёки хорижий давлатда доимӣ яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқиш ва ҳаракатланиш ҳужжати;

яшаш гувоҳномаси - чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ҳамда егасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқийдир;

ИД-карта - чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ҳамда егасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи, шунингдек, егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилмага (чипга) ега бўлган ҳужжат. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқийдир;

янги қурилган кўчмас мулк - туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк ҳуқуқи вужудга келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган кўчмас мулк.

жойлаштириш воситалари - меҳмонхоналар, апартаментлар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, туристик қишлоқлар, кемпинглар, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш зоналари ва уйлари (марказлари), туризм ва спорт базалари, палаткали (кемпинг) лагерлар ва комплекслар, оилавий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали лагерлар ва бошқа объектлар, шунингдек, тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти автотранспортлари;

вақтинча рўйхат - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни жойлаштириш воситалари, даволаш муассасаларида вақтинча рўйхатга олиш ёки ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан хусусий уй-жой, корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги ётоқхоналарда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш;

чет эллик инвестор - хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг аксиялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган ҳамда амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визасига ега чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс.

доимий яшашга рухсатнома бериш - бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда уларга яшаш гувоҳномаси ёки ИД-карта расмийлаштириб бериш;

фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати - Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижда шахсини тасдиқловчи, егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилмага (чипга) ега бўлган ҳужжат.

реабилитасия маркази — муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитасия қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;

муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахс — шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда доимий ёки вақтинча яшаш жойи

бўйича рўйхатга олинмаган ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;

реабилитасия қилиш — муайян яшаш жойига ега бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти — хорижга чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш, шунингдек, хорижда туриш вақтида егасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, паспорт егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари сақланган электрон ахборот ташувчига (чипга) ега бўлган ҳужжат;

верификасия — паспортга киритилган биометрик параметрлар унинг егасининг биометрик параметрлари билан мослигини машинада текшириш;

хорижда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, хорижга чиқиб, вақтинча у ерда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

хорижда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилиниб, хорижга доимий яшашга чиқиш учун белгиланган тартибда рухсатнома расмийлаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

паспорт олиш учун талабнома — паспорт олувчи ҳақида маълумотларни йиғиш пункти томонидан шакллантирилган биографик маълумотлар ва биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ҳужжат;

персоналлаштириш — паспорт егасининг биографик маълумотларини ва биометрик параметрларини паспорт бланкига киритиш;

маълумотларни йиғиш пункти — хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг биографик маълумотларини ва биометрик параметрларини жамлаш, ушбу маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда — ДПМ) юбориш ҳамда фуқароларга янги расмийлаштирилган биометрик параметрли паспортларни бериш вазифаларини бажарувчи ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ҳамда туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари;

хизматдан фойдаланувчи — хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва олиш учун мурожаат етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилиниб, хорижга доимий яшашга чиқиб кетган ва доимий консуллик рўйхатида турадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бундан мустасно).

давлат персоналлаштириш маркази - «Хорижга чиқиш паспорти» тизимини яратиш ва Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизасия қилиш бўйича лойиҳа буюртмачиси ва лойиҳа бошқарилишини таъминловчи орган;

биометрик ҳужжат олиш учун талабнома – биометрик ҳужжат олувчи ҳақида маълумотларни йиғиш пункти томонидан шакллантирилган биографик маълумотлар ва биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ҳужжат;

ватандошнинг оила аъзолари - ватандошнинг турмуш ўртоғи, унинг ота-онаси ва фарзандлари (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар);

таклиф қилувчи - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, унга нисбатан турмуш ўртоғи, тўғри шажара бўйича биринчи, иккинчи, учинчи даражали ва ён шажара бўйича қариндошлар-ватандошларга ега бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

ВТД турдаги кириш визаси - Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи ва унинг фуқаролари бўлган қариндошлари томонидан берилган таклифнома асосида келадиган, амал қилиши мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чекланмаган марта ташриф буюрадиган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари учун 2 йил муддатга бериладиган виза тоифаси;

МваФР бўлинмалари - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, шаҳар (туман) ички ишлар бўлимлари ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари.

фуқаролиги бўлмаган шахс - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга ега бўлмаган шахс;

яшаш гувоҳномаси - Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсат берилганлигини исботлайдиган фуқаролиги йўқ шахслар ёки хорижий фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

хорижий инвестор - хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг аксиялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган ҳамда амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визасига ега чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс;

вақтинча прописка - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни жойлаштириш муассасалари, даволаш муассасаларида вақтинча ҳисобга олиш ёки ички ишлар органларида вақтинча прописка қилиш;

транзит визаси - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит билан ўтувчи хорижий фуқароларга 3 кунгача муддатга бериладиган виза;

хорижий инвестор - хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг аксиялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган ҳамда амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визасига ега чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс.

фуқарони рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш - фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муайян жойда доимий ёки вақтинча яшаш фактининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли хизматлари томонидан белгиланган тартибда қайд қилиниши;

токен - ихчам электрон қурилма, УСБ-калит. Фойдаланувчини тизимда қайд этиш, электрон ёзишмаларни химоялаш ва ахборот ресурслари билан маълумотлар алмашинуви хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади;

сертификация - тизимда фойдаланувчилар томонидан электрон калит (токен) ёрдамида маълум бир турдаги амалларни бажариш учун рухсат берилиши;

талабнома - тегишли ваколатли органларнинг ёзма талабига биноан шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги ҳақидаги маълумотларни сўраш учун белгиланган шаклдаги расмий ҳужжат;

верификасия - ҳужжат егасининг биометрик параметрларини, ҳужжатга киритилган биометрик параметрлар билан мослигини махсус машина ёрдамида текшириш;

СРЛ - қайтариб олинган сертификатлар рўйхати;

СССА - Давлатлар томонидан қабул қилинадиган сертификатлаш маркази;

ДЕССО - Биометрик ҳужжатни ДЕССО қурилмаси ёрдамида электрон чипдаги маълумотларни ўқиштиш қўрилмаси;

ГУИД (Глобаллий Униқуе Идентифиер) - Талабноманинг 32 рақам ва ҳарфлар кетма-кетлигидан иборат ягона статистик идентификатор;

ИСаО - “Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти” Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаро авиацияси халқаро меъёрларини белгиловчи махсус ташкилоти, хавфсизликни таъминлаш, самарадорликни ошириш мақсадида ривожланишга қўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан ИСаО - “Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти”га аъзо;

ПИН (Персонал Идентификацион Нумбер) - шахсий таниб олиш учун рақам, Токендан фойдаланишда тизимга кириш учун рақамлар кетма-кетлигидан иборат калит(парол);

ПУК (Персонал Унблоскинг Кей) - блокдан ечадиган персонал калит;

ВПН (Виртуал Привате Нетворк) - автоматлаштирилган иш жойи ва сервер қурилмалари орасида тармоқ хавфсизлигини таъминлаш технологияси бўлиб махсус тармоқ қурилмалари (Сиссо) ёрдамида;

маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши - Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар Ўзбекистон Республикаси МЖТКда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси - Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки еҳтиёцизлик орқасида) содир етилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади;

маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир етиш - Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир етилган деб ҳисобланади;

маъмурий ҳуқуқбузарликни еҳтиёцизлик орқасида содир етиш - Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик еҳтиёцизлик орқасида содир етилган деб ҳисобланади;

жиноят тушунчаси – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади;

қасддан содир етилган жиноят – жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир етган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир етишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир етилган деб топилади;

ехтиёцизлик орқасида содир етилган жиноят - ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир етилган ижтимоий хавфли қилмиш ехтиёцизлик орқасида содир етилган жиноят;

жиноий жавобгарликка тортилиш ёши – жиноят содир етгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

маълумотларнинг идоравий базаси - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги ваколатли органлар барча бўлинмаларининг (туман, шаҳар, вилоят, республика бўғинининг) қарорлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлган маълумотларнинг идоравий электрон базаси;

маълумотларнинг ҳудудий базаси - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча ваколатли органларнинг қарорлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳудудий электрон базаси;

ягона марказлаштирилган ахборот тизими - республика бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

ваколатли органлар — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш ва тегишли жазо чораларини қўллаш ваколатига ега бўлган давлат органлари;

ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят бўғинининг ваколатли таркибий тузилмаси;

хос рақам - ягона марказлаштирилган ахборот тизими томонидан маъмурий баённома рақамига боғлиқ бўлмаган, маъмурий жазога тортилган шахсга нисбатан ахборот тизимида киритилган қарорга бериладиган идентификациялаш рақами;

биллинг тизими - маъмурий жазо чорасига тортилган шахсларга нисбатан ундирилган ёки тўланган жарима йиғимларини (суммаларини) автоматлаштирилган электрон тўлов тизимлари орқали ҳисобга олиш тизими;

чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ИД-картаси — егасининг шахсини ва фуқаролигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи, егасининг шахсий биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га ега бўлган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида ва ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқ ва бу чизиқ бўйича ўтувчи вертикал сатҳ;

чегара зонаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси туташ ҳудуднинг бир қисми бўлиб, унинг доирасида чегара режими жорий этилади;

чегара минтақаси — чегара зонасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси чизиғига бевосита туташ қисми;

чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг чизиғи ўтган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига бевосита туташган ва чегара минтақасида жойлашган сув объектлари, гидрография элементлари;

тозалаш минтақаси — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб, шунингдек, чегара дарёлари ва сув ҳавзаларининг қирғоқларида унинг техник тавсифларига мувофиқ сувини муҳофаза қилиш зонасининг ташқи чегараси бўйлаб ўтган жойнинг 5 метр кенгликдаги минтқаси;

профилактика минтақаси — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб, шунингдек, чегара дарёлари ва сув ҳавзаларининг қирғоқларида унинг техник тавсифларига мувофиқ сувини муҳофаза қилиш зонасининг ташқи чегараси бўйлаб ўтган жойнинг 100 метр кенгликдаги минтқаси;

чегара зонасидаги чегара режими — чегара зонасига кириш (чиқиш), ундан ўтиш, бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва ҳўжалик ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайдиган қоидалар тўплами;

чегара минтақасидаги чегара режими — алоҳида режим чекловлари ўрнатиладиган чегара минтақасига кириш (чиқиш), ундан ўтиш, бўлиш, ҳаракатланиш ва ҳўжалик ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайдиган қоидалар тўплами.

фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижда шахсини тасдиқловчи, егасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилмага (чипга) ега бўлган ҳужжат.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Асосий адабиётлар:

1. *Н.Т. Исмоилов, Д.Д. Бабаев* Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2014.
2. *Х.Х. Бахрамов* Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасида миграция сиёсатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2019 йил 17 май). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.
4. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф етиш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.,
5. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.
6. Ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.,
7. Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

II. Қўшимча адабиётлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 596 б.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. – Т., “Ўзбекистон”, 2018. – 512 б.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-просессуал кодекси. – Т., 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуни;
10. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” ЎРҚ-610-сон Қонуни
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. № 15.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва йўқ қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-5061-сон Фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3126-сон Қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5156-сон Фармони;
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил етиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори –
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079–сон Қарори;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5984-сон Фармони;

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 27-сон Фармони;

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори;

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони;

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби ҳақида”ги 408-сон Қарори;

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 845-сон Қарори;

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ИД-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сон Қарори;

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 320-сон Қарори;

28. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи.

29. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида”ги 125- сон буйруғи;

IV. Электрон таълим ресурслари:

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.sil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали);

<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи);

**ОТАЕВ ЎТКИРБЕК МАТЁҚУБОВИЧ,
МЕЛИКУЛОВ НУРЖОВ ЛАТИПОВИЧ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН “ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ
ТАЪМИНЛАШ” МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА СЕРЖАНТЛАР
ТАРКИБИ ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ
КУРСИНИНГ “ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ” МОДУЛИ
БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мухаррир Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.
Буюртма № _____. Адади 50 нусха.
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.